

Бухоро давлат университети

Табиий фанлар факультети

Экология ва география кафедраси

**Спорт тиббиёти фанидан
маъruzалар матни**

Маърузачи: Муратова Г.

Бухоро 2020

1-МАВЗУ: Спорт тиббиёти ривожланишининг тарихий тараққиёти. Спорт тиббиётининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихий тараққиёти

Режа:

1. Спорт тиббиётининг жисмоний тарбия ўқитувчиларини ўқитиша тутган ўрни.
2. Тиббиёт ва спорт тиббиёти тушунчалари.
3. Спорт тиббиётининг мақсади ва вазифаси .
4. Спорт тиббиётининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

Таянч иборалар: Спорт тиббиёти, тиббий назорат, тиббий кўрик, спорт тиббиёти тарихи

Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш одам организмини ҳар томонлама жисмонан ривожланиши ва мустаҳкамланиши, физиологик функцияларнинг такомиллашти-риши ва соғломлаштиришга олиб келади.

Шуғулланувчиларнинг ёши, жинси ва ўзига хос хусусият-ларини ҳисобга олган ҳолда тўғри уюштирилган жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари юқори самара беради. Акс ҳолда улар жисмоний тарбиянинг соғломлаштириш вазифасини ҳал қилиш борасидаги аҳамиятини йўқотади.

Спорт тиббиёти фани жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларни тиббий хизмат билан таъминлаш вазифала-рини ўз зиммасига олади. Замонавий спорт тиббиёти спорт машғулотларини уюштириш ва уларни бошқаришда кенг қўлла-нилмоқда. Спорт ва тиббиётга оид билимларни самарали амалда жорий этиш туфайли замонавий спортнинг ҳар хил турларида машғулотларни олиб бориш имкониятлари яратилди. Спорт тиббиётининг барча соҳалари кенг равишда ривожланиб келмоқда. Спорчиларнинг саломатлиги ва функционал ҳолатини кузатиш, уларнинг тайёргарлик даражасини аниқлашда янги замонавий тиббий текшириш усуллари жорий қилинди. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларни жисмоний иш қобилиятини ва чиниққанлигини аниқлашда янги функционал синамалар қўлла-нилмоқда.

Замонавий спортга таълуқли жиддий ва шиддатли машғу-лотлар, мусобақалардан кейин спорчиларнинг иш қобилиятини ошириш ва организм толиқиб қолишини олдини олишда, уларни қайта тиклаш воситаларини қўллаш спорт тиббиётининг йўналиш-ларидан бири ҳисобланади.

Кейинги вақтларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг соғлигига кузатилган нохуш ҳолатлар, касаллик-лар

сабабларини, уларнинг олдини олиш ва даволаш масалаларини ўз зиммасига олган спорт тиббиёти фанининг янги бир соҳаси ривож топмокда. Бундай ўзгаришлар жисмоний зўриқиши кучай-ганда ва жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини оқилона ташкил қилинмаганда, ёки касалликларга мойил бўлган спорт-чиларнинг турли машғулотларда иштирок этганларида юз бериши мумкин.

Республикамизда оммавий жисмоний тарбия ва спортнинг янада кенг ривожланиши спорт тиббиёти фани олдига янги вазифалар қўяди. Ҳар хил ёшдаги гурухларда (болалар ва ўсмир-лар, ўрта ва катта ёшларда) жисмоний машғулотлар жараёнида тиббий назоратни жорий этиш хусусиятлари мукаммал ёритилган. Замонавий тренер ва жисмоний тарбия мутахасиси анатомия, физиология, гигиена ва биохимия фанларига асосланиб, спорт тиббиёти фанидан етарли назарий ва амалий билимлар билан қуролланган ва спорт машғулотларнинг уюштирилишида жисмо-ний машқларни соғломлаштирувчи омиллардан тўғри фойдалана олишлари лозим.

Соғлиқни сақлаш, турли касалликларни даволаш, уларни олдини олиш ва узоқ умр кўриш мақсадида жисмоний тарбия жуда қадим замондан бошлаб қўлланилиб келинган. Жисмоний тарбия ва тиббиётнинг бир бирига боғлиқлиги ҳақида қадимги тарихий адабиётларда қайд этилган. Ҳатто Гиппократ, Геродикус, Гален, Абу Али ибн Сино, Парацельс ва бошқа буюк тиббиёт алломалари жисмоний машқларни, парҳез, массаж, ҳаммоларни турли касалликларни олдини олишда кенг қўллаганлар. Қадимги Египет, Ҳиндистон, Юнонистон, Рум, Ҳитойда бу воситалардан қўл жангчиларини, гладиаторларни, ҳарбийларни тайёрлашда фойда-лаилган. Уларнинг тиббий назорати ўша даврнинг энг яхши шифокорлари томонидан олиб борилган. Юнонистондаги қадимги Олимпия ўйинлари давридан бошлаб атлетлар тайёргарлиги устидан жиддий тиббий кузатувлар ўтказилган.

Кўхна юнонистоннинг машхур врачи Гиппократ – “зарар келтирма” деган. Гиппократнинг врачларга айтган бу васияти ҳозирги замон тренировкаларига ҳам таалуқлидир. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг мувоффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан машғулотларни тўғри тақсимлашга боғлиқ. Жисмоний тарбия машғулотларидағи берилган машқлар юкламаси шуғул-ланувчиларнинг функционал ва жисмоний имкониятлари мос келгандагина соғломлаштириш вазифасини ўташи мумкин. Акс ҳолда толиқиши, жисмоний зўриқиши ва бошқа ҳар хил касаллик аломатлари пайдо бўлади.

Х-XI асрлардан яшаб, ижод қилган мутаффакир ва олим Абу Али Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида ҳозирги замон спорт тиббиётига оид кўпгина фикрларни баён этган. Масалан: “соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири

бадантарбия бўлиб, улар овқат тартиби ва уйқу тартиби” ёки “Мўътадил равища ва ўз вақтида бадантарбия билан шугулланувчи одам бузилган хилдлар туфайли юзага келган касалликларни ва мижоз ҳамда илгари ўтган касалликлар туфайли келувчи касалликлар даволовчисига муҳтож бўлмайди”.

Жисмоний машғулотлар билан шугулланувчининг шахсий хусусиятларга қараб олимнинг юритган фикри: “хар бир одам учун ўзига хос ҳаракатлар танлаши керак”, “кучсиз кишиларни бадантарбиялари енгил, кучлиларники эса зўрроқ бўлиши керак”, “агар организм мўътадил бўлса, улар учун мўътадил бадантарбия мувофиқ келади”, “тез ва шиддатли ҳаракатлар енгиллари билан бирга қилинадиган ҳаракатларни қилиб алмаштириб туриш ва бир ҳаракат устида тўхтаб қолмаслик керак”. “Бадантарбия давомига келсак қуидаги уч нарсага эътибор берилади:

1- тери ранги, агар у яхшидана борса, ҳаракатларни ҳали давом эттириш мумкин;

2 - ҳаракатларни енгиллигига, агар улар ҳали енгил бўлса, уларни тамомлаш муҳлати ҳали келмаган бўлади;

3- органларни ҳолати, агар тер кўплиги давом қиласа, ҳаракатни давом эттириш мумкин. Агар бу ҳолатлар йўқолиб, чиққан тер томчи-томчи бўлиб оқа бошласа тўхтатиш керак.”

Чарчаш ҳолатини олдини олишда массаж аҳамияти ҳақида бир қанча фикрлар билдирилган.

Ўша замон билим даражасига мувофиқ кўтарилиган масалалар эмпирик характерга эга бўлиб, уларни назарий жиҳатдан хосланиши фақат XIX-XX асрларга келиб мумкин бўлди.

Спорт тиббиёти – тиббиётнинг алоҳида йўналиши бўлиб, ўз мақсади, вазифалари, услуглари, назария ва ўз муаммоларига эга бўлган илмий-амалий соҳадир. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни тиббий таъминлаш маҳсус тиббий-жисмоний тарбия хизматлари (кабинетлар, диспансерлар) ва соғлиқни сақлаш орган-ларининг даволаш-профилактик муассасалари орқали территориал принципда амалга оширилади. Спорт тиббиёти аҳолини даволаш-профилактик хизматининг асосий қисми бўлибгина қолмай, инсоннинг жисмоний тарбия тизимидағи ажралмас бўлагидир.

Спорт тиббиётининг мақсади – жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама ривожланиши учун инсоннинг баркамол ривожланиши, соғлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш, Ватан ҳимоя-сида ва меҳнатда юқори жисоний тайёргарлигини таъминлашдир.

“Спорт тиббиёти” термини мамлакатимизда яқындан ишлатилмоқда. 1980 йилгача “врачлик назорати” термини кўлланиб келинган. Сўнгги йилларда спорт тиббиётининг бир қанча соҳасида талайгина муваффақиятларга эришилди, шу сабабли тўхтовсиз ривожланиши ва вазифаларининг кенгайиб бориши бу фан номини ўзгаришига олиб келди. Спорт тренировкасини уюштириш ва ўтказишда спорт тиббиётининг фаол қатнашиши учун асосий белгиси ҳисобланади. Спортчиларнинг соғлиги ва функционал ҳолатини кузатиш ва аниқлашда янги экспериментал текшириш усуллари жорий қилинди. Спортчиларни жисмоний қобилятини ва чиниқанлигини аниқлашда янги функционал синовлар кўлами бойитилди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш кишида ҳар томонлама жисмоний ривожланиш имконини беради, физиологик функцияларни такомиллаштиришга ёрдам беради ва киши организмини ҳар томонлама мустахкамлашга олиб келади.

Кейинги вақтларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларни соғлигида кузатиладиган патологик ўзгаришлар сабабларини, уларни олдини олиш ва даволаш масалаларини ўз зиммасига олган спорт тиббиётининг яна янги бир соҳаси ривож топди.

Спорт тиббиётини ривожланиш босқичлари шартли равиша қўйидаги даврларга ажralади.

I давр – Врачлик назорати фанининг пайдо бўлиши ва тикланиши (1918-1928 йиллар).

II давр – жисмоний тарбия ҳаракатини медицина хизмат кўрсатувчи муассасаларга ташкил этилиши, ривожланиши. Спорт тиббиётининг умумий назарияси ва илмий асосларни ишлаб чиқиш, уларни соғлиқни саклаш ва жисмоний тарбия амалиётига жорий қилиш (1930-1941й).

III давр – врачлик назоратига оид ишларни қайта тиклаш, спорт тиббиётини янги системасини яратиш, врачлик жисмоний тарбия диспенсерларини ташкил қилиш: етакчи спортчиларга медицина хизмати кўрсатиш, ватан спорт медицинасини халқаро майдонга кенг миқиёсда чиқиши (1945-1965).

IV давр – спорт тиббиётига оид амалий ва илмий ишлар сифатини яхшилаш; янги йўналишларни яратиш ва спорт медицинасини янги методик кўргазмалар ва тавсиялар билан қайта қуроллантириш (1965 йилдан хозиргача)

Спорт тиббиётини асосий вазифалари

1. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи кишилар соғлиги устидан мунтазам медицина назоратини ўрнатиш ва олиб бориш;

тренеровкани тузища спортчининг шахсий хусусият-ларига қараб тренеровкага кўмаклашиш.

2. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларни саломатлигини, функционал ҳолатини ва шу билан бирга жисмоний машғулотлар нотўғри уюштирилиши оқибатида саломатлигига юз берадиган ҳар хил ноҳушликларни эрта қўлланиладиган тиббий текшириш методларини такомиллаш-тириш, янги мукаммал усулларни ишлаб чиқиш ва спорт тиббиёти амалиётини жорий қилиш;

3. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларни шикастланиш сабабларини ўрганиш, уларни даволаш ва профилактикани график тартиби билан бирга олиб бориш.

Спорт тиббиётининг асосий иш турлари

- Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи кишиларни тиббий кўриқдан ўтказиш;
- Етакчи спортчиларни диспансер кузатувига олиш;
- ТПН олиб бориш: спорт билан шуғулланиш назоратида спортчиларни саломатлигини мустаҳкамлашда соғломлаштириш, даволаш ва профилактика чора тадбирларини ташкил қилиш;
- Жисмоний тарбия ва спорт машқлари учун ажратилган жойлар, мусобақа ўтказиладиган жойлар шароити устидан, шу жумладан спорт иншоатлари устидан санитария гигиена жиҳатдан назорат қилиш;
- Спорт мусобақаларни ўтказишда медицина хизмати кўрсатиш;
- Жисмоний тарбия – соғломлаштириш ишларини оммавий турларини ўтказишда тиббий хизмат кўрсатиш;
- Спорт травматизмини олдини олиш;
- Илмий текшириш ва методик ишларни олиб бориш;
- Тиббий ва спортга оид масалалар бўйича консуль-тациялар бериш;
- Спортчилар ўртасида санитария ишларини олиб бориш ва кенг омма орасида жисмоний тарбия умумий ғояларни пропаганда қилишга доир агитация ишларини амалга ошириш.

Спорт тиббиётида қўлланиладиган тиббий назорат усуллари

I. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи кишиларни тиббий кўриқдан ўтказиш.

Дастлабки, такрорий, қўшимча турларга бўлинади.

Дастлабки – яъни биринчи марта тиббий кўриқдан ўтказишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга рухсат этиш-этмаслик масаласи ҳал қилинади ва текширувчини сало-матлиги тўғрисида справка берилади.

Тиббий кўрик умумклиник текшириши асосида олиб борилади:

Сўраб-суруштириш (анамнез), кўздан кечириш, пайпаслаш (пальпация): перкуссия, аускультация ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш усуллари кўлланилади.

Бундан ташқари паспорт маълумоти ва спорт анамнези аниқланади. Ўқув тренировка процессини ташкил этиш учун органларининг функционал имкониятларини ва иш қобилиятини аниқлаш мақсадида махсус синамалар ёрдамида текширилади.

Тиббий кўрик ва жисмоний тайёргарлик маълумотларига асосланиб, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар қуидаги тиббий гурухларга ажратилади: асосий, тайёрлов ва махсус.

1. Асосий гурух – жисмоний тайёргарлиги етарли бўлган, соғлом ёки саломатлигига деярли ўзгаришлар бўлмаган шахслар асосий медицина гурухларига киради. Бу гуруҳдагилар жисмоний тарбиянинг тўла программасини бажарадилар, спорт билан шуғулланишлари ва мусобақаларда қатнашишлари мумкин.

2. Тайёрлов гурух – соғлигига бир оз ўзгариш бўлган ва жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлиги орқада қолаётган шуғулланувчилар киради. Уларга спорт билан шуғулланиш ман этилади. Улар учун жисмоний тарбия нормативларини топшириши муддати узайтирилади, ўқув машғулотлари сони ҳам чекланади.

3. Махсус гурух – саломатлигига анчагина ўзгаришлар бўлган шахслар киради. Уларга жисмоний тарбия таълим вазирлигини махсус ўқув дастурига биноан бажарадилар. Улар нормативларни топширишидан озод қилинади.

Такрорий тиббий кўрикда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланувчиларнинг соғлиги, жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолатида содир бўладиган ўзга-ришларга аниқлайди. Такрорий тиббий кўрик бир йилда 1 марта ўтказилади.

Кўшиимча тиббий кўрик асосан мусобақа ўтказишдан олдин, бевосита спортчиларни мусобақаларда қатнашиш масаласи ҳал қилинаётганда ўтказилади.

II. Диспансеризация – медицина хизмати кўрсатишида энг юқори ва такомиллашган туридир, бунда даволаш билан профи-лактика биргаликда олиб борилади. Етакчи спортчилар соғлигини, иш қобилиятини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган профилактика ва даволаш тадбирларида малакали тиббий ёрдами кўрсатиш план асосида олиб борилади.

III. ВПН – тренировка ва мусобақалар ўтказилганда врач тренер билан биргаликда спортчиларни кузатиб боради. ВПН маълумотларига асосланиб машғулотларнинг спортчиларга бево-сита таъсири ўрганилади, тренировканинг самарадорлигини таҳ-лил қилишда турли синамалар қўйилади ва тренировкалар планига ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлади.

IV. Санитария-гигиеник назорат. Спорт иншоотлари гигиенник талабларига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда жароҳатланиш, касалланиш ва спорт натижаларини тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун спорт иншоотлари қуриш лойиҳалари Давлат санитария назоратининг маҳаллий органлари билан келишилади ва объектларга топширилади, кейин улар санитария- эпидемик станциялар ва врачлик жисмоний тарбия диспансерлари доимий санитария назоратида бўлади.

V. Спорт мусобақаларида тиббий хизматни ташкил этиш.

Врач мусобақа бош судъясининг ўринbosари сифатида тасдиқланади. Тиббий ҳодим бўлмагандаги мусобақаларни ўтказиш ман қилинади.

Мусобақаларни ўтказишида тиббий хизмат йўналиши:

1. Спорчиларнинг хужжатларини текшириш ва уларни мусобақада қатнашиш учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш.

2. Спорчиларни овқатланиши ва жойлаштириш шароити, мусобақа ва тренировкалар ўтказиладиган жойларни санитария гигиена жиҳатдан назорат қилиш.

3. Мусобақа қатнашчиларини врач кўригидан ўтказиш.

4. Мусобақа қатнашчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш.

VI. Спорт шикастланишининг олдини олиш.

Спортдаги шикастланишларни келиб чиқишини тренер ва жисмоний тарбия ўқитувчилари олдини олиш тадбирларини амалга оширишда актив иштирок этишлари зарур.

VII. Спорт ва жисмоний тарбиянинг умумий ғояларини пропаганда қилиш барча агитация ишларини олиб бориш, соғлом турмуш тарзи, рационал меҳнат ва дам олиш режими, овқатланиш билан боғлиқ масалалар устида ҳам тўхталиб ўтиш керакки, чекиш ва ичкиликтининг зарарини тушунтириш, яъни умумий санитария муолажа ишларини фаол олиб бориш зарур.

Дарс юзасидан саволлар:

1. Спорт тиббиётининг жисмоний тарбия ўқитувчиларини ўқитишида тутган ўрни қандай?
2. Тиббиёт ва спорт тиббиёти тушунчалари нимадан иборат?
3. Спорт тиббиётининг мақсади ва вазифалари?
4. Спорт тиббиётида фани тарихи қанақа?

2-МАВЗУ: Ўзбекистонда спорт тиббиётини ташкил этиш асослари.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси ахолисининг соғлигини сақлашда ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини тарбиялашда чиқарилаётган қарорлар.

2. Ўрта Осиё мамлакатларида спорт тиббиётининг ривожланиши. Ўзбекитонда жисмоний тарбиянинг ривожланишидаги спорт тиббиётидаги янги тиббий-назоратнинг вужудга келиши.

3. Ўзбекистон Республикасида спортчилар учун ташкил қилинган диспансерлар, стационарлар ҳақида(максус шифохоналар), реабилитация(тикланиш) марказлари ва санаторийлар ҳақида назарий маълумотларга эга эканлигини аниқлаш ва баҳолаш.

Таянч иборалар: Ўзбекистонда спорт тиббиёти, жисмоний тарбия иши, реабилитация, санатария, диспансер назорати.

Ўзбекистонда спорт тиббийётининг ривожланиш тарихи

Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг ривожланиши билан бир қаторда медицинанинг янги мустақил тармоғи - жисмоний тарбияда тиббий назорат вужудга келди. Туркистонда жисмоний тарбия ва спорт жараёнларининг ривожланиши республиканинг умумий ҳарбий таълим органлари ва соғлиқни сақлаш халқ қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Туркистон республикалар марказай қўмитаси ва Туркистон фронти ҳарбий инқилоб совети 1920 йилда умумий мажбурий ҳарбий таълим ҳақида декрет чиқарди. Бунда халқ маориф қўмитаси томонидан умумий ҳарбий таълим ёрдамида мактаб ёшидаги ёшларнинг мукаммал жисмоний ривожланиши учун 8-16 ёшгача мактаб ва 16-18 ёшдан ўсмиirlар учун эса ҳарбий тайёргарлик ўргатиш зарур дейилади. Бу вазифа 2 та шифокор ва 1 та жисмоний тарбия инструктори бўлган умумий ҳарбий таълим органларига юкланди. Жисмоний тайёргарлик ўтаётган шахслар устидан назорат республика халқ соғлиқни сақлаш қўмитасида ташкил этилган, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш эса, соғлиқни сақлаш бўлимига юкланди. Бу бўлимнинг штати шифокор, педагог ва жисмоний тарбия инструкторидан иборат эди.

1922 йилда Жисмоний тарбия ва таълим дастурлари ва режаларини тасдиқланди, жисмоний тарбия инструкторлари учун қисқа ва узоқ муддатли курслар ташкил этилди, жисмоний тарбия тарғиботига жисмоний тарбия саройлари, стадион, майдончалар, антропометрик кабинетлар очилди.

1923 йилда болалар соғлиқни сақлаш бўлим режасига болалар муассасаларига жисмоний тарбияни киритиш, мактабларда болалар муасссаларида Наркомпресс ташкилотларида тиб-биёт санитария назорати масалаларини ишлаб чиқиши кўзда тутилди.

Республикада биринчи маротаба шифокорлар Любимова ва Українцевалар бошчилигидаги мактабларда болалар жисмоний тарбия учун дастурлар ишлаб чиқилди, ўқув соатлари белгиланди ва жисмоний машқлар ва спортнинг айрим турларидан машғу-лотлар тузилди. Республика халқ соғлиқни сақлаш қўмитаси жисмоний тарбияни тиббий хизмат билан таъминлашга бағиши-ланган узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқишида халқ соғлиқни сақлаш қўмитаси фармонларига асосланди, қабул қилинган қарорларда республика ахолисини энг кичик ёшидан бошлаб жисмоний тарбияга жалб этиш зарур, дейилади. Инсоннинг биологик хусусияти унинг ёши ва психологик хусусиятлари билан биргалиқда ўрганиш масалалари қўйилди.

Дастурда бадантарбия ва машқлар, ўйинлар, гимнастика ва спорт турлари ўсаётган организмнинг талаблари асосида болалар соғлигини ва психик фаолиятини мустаҳкамлаш омили сифатида ўтказилиши зарурлиги кўрсатилади.

Шифокорларга жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар саломатлигини ва жисмоний ривожланишини аниқлаш, уларнинг тайёргарлиги ва психик хусусиятларига биноан гуруҳларга тақсимлаш каби вазифалар юкланади. Жисмоний ривожланишда нуқсонлари бўлган шахсларга маҳсус коррекцияловчи машқлар буюрилади, ундан ташқари тиббиёт ходимлари машғулот жараё-нини ва машғулот ўтказиладиган жойларни доимий назорат қилишлари, шунингдек жисмоний тарбиянинг меҳнат жараёнла-рига ва болалар саломатлиги таъсирига баҳо беришлари керак бўлади.

Шу мақсадда республика халқ саломатлиги қўмитаси Туркистон марказий ижроия қўмитасига мактаб ва болалар муасссаларида тиббий санитария назорат тармоқларини кенгайти-риш проектини топширди.

1923 йилда Тошкентда антропометрия кабинетига эга бўлган мактаб профилактик амбулатория очилади. Шу йилда Туркистон республикаларии халқ қўмитаси совети Ўрта Осиё Давлат унверситетининг тиббиёт қуллиётида жисмоний ривожланиш ва жисмоний тарбияни ўрганиш курсини киритишга қарор қабул қиласди.

Барча 7 йиллик таълим мактабларининг ўқув иш дастурларида болаларни жисмоний тарбиялаш учун ўқув соатининг 6/1 қисми, юқори даражали мактабларда 5/1 қисми ажратилади.

Мактаб санитария шифокорлари мактаб кенгаши таркибига киритилади. Улар жисмоний юкланишларни белгилашлари ва жисмоний машқларнинг ўқувчилар организмига уларнинг ёши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъсирини ўрганишлари, жисмоний машқ билан шуғулланувчилар устидан тиббий назорат ўрнатишлари, шунингдек мактаб ўқувчиларининг жисмоний ри-вожланишни антропометрик усуллар билан ўрганишлари зарур эди.

1924 йилда Кўқонда республикада иккинчи мактаб - профилактика амбулаторияси иш бошлади. Шу йил мобайнида Тошкент ва Кўқон мактаб профилактик-амбулаториялар ҳисоботи бўйича: 4000 ўқувчи ва 1400 га яқин ўсмирлар текширилди. Бироқ мактаб-санитар шифокорлари жисмоний машқлар билан шуғулла-наётганларнинг тиббий назоратига етарли эътибор бериша олмади. Соғлиқни сақлаш халқ қўмитасининг мактаб ўқувчиларининг тиббий хизмат билан таъминлаш тўғрисида 1923 йилда қабул қилган дастурини ҳаётга тўлиқ тадбиқ қилиб бўлмасди.

Жисмоний тарбия билан шуғулланаётган болаларни тиббий хизмат билан таъминлаш янада уюштирилган ҳамда режалаш-тирилган ҳолда олиб борилади. Тиббий машғулотлар асосида шахсий тиббий карточкалар тўлдирилади, бунда антропометрик кўрсаткичлар (бўй узунлиги, кўкрак айланаси тинч ҳолатида, нафас олганда ва нафас чиқаргандаги кўрсаткичи) овқатланиши, гавда тузилиши, таянч-харакат аппаратининг ҳолати ва ҳоказолар, шунингдек жисмоний тайёргарликлари учун рухсат ҳақида хulosалар акс эттирилди. 1925 йилда Тошкентда жисмоний тарбиянинг касаба уюшмаси байрамини ўтказиш учун тайёргарлик тиббий назорат ишларининг тараққиёти учун омил бўлди. Оммавий жисмоний тарбия қатнашчилари мажбурий равишда дастлабки тиббий текширундан ўтиб шифокор хulosаси асосида мусобақаларда қатнашиш учун рухсат олишлари зарур эди. Қатнашчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш мактаб-профилактика амбулатория базасида шифокор Українцова бошчилигига олиб борилди. Мусобақада қатнашадиган ҳар бир қатнашчига тўлди-рилган тиббий карталарда антропометрик ўлчов кўрсаткичлари ва соғлигининг умумий ҳолати акс эттирилган эди.

Шифокорлар айрим спорт турларинииг жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар организмига таъсирини ўргандилар. Масалан, югуришнинг гапиришга, характерга, ҳаракатларга, ташқи кўринишига, нафас олиш тезлигига ва пульсга таъсири хақида маълумотлар бор. Олинган маълумотлар таҳлил қилинди ва кейинги шунга ўхшаш мусобақаларни ўтказишни тавсия этиш учун ўрганилди.

1926 йилда Тошкентда Ўзбекистонда биринчи марта вило-ятда тиббий назоратни ташкил этиш учун жисмоний тарбиядан штатли шифокор қилиб

Ильинсий И.П. тайинланди. У барча спорт жамоалари “Профинтери”, “Динамо”, “Красный печатник” ва бошқа спортчилар, жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларни тиббий хизмат билан таъминлади, жисмоний тарбияни тарғиб қилиш соҳасида катта ишлар қилди ва саломатлик учун меҳнат унумдорлигини ошириш учун унинг аҳамиятини очиб берди.

1926 йилда Самарқанд шахрида Ўзбекистоннинг биринчи жисмоний тарбия касаба уюшмалари байрамини ўтказишга тайёргарлик – тиббий назорат тараққиётида кейинги босқичдир. Мусобақада қатнашиш учун соғлиги қониқарли бўлган, физио-логик ва жисмоний тайёргарлигини етарли бўлган шахсларга рухсат этилди. Мусобақа қатнашчилари икки мартадан тиббий кўрикдан ўтказилди (машғулот, тренировка бошланишидан олдин ва мусобақага юборищдан олдин). Шахсий таркиб катта шифокор, жисмоний тарбия инструктори ва касаба уюшмаси раиси томонидан тасдиқланди. Мусобақа бошланиши олдидан жисмоний тарбия байрами қатнашчилари маҳсус шифокорлар комиссиясидан қўшимча текширувдан ўтдилар.

1928 йилда Самарқанд, Кўқон, Андижон вилоят қўмита-ларида жисмоний тарбия бўлимларига штатли шифокорлар киритилди. Бу шаҳарларда ишлаб турган ва янги очилган мактаб-профилактик амбулаторияларда жисмоний тарбия билан шуғул-ланувчиларни таъминлаш учун шифокорлар кабинетлари ташкил этилди. Тошкентда мактаб профилактик амбулатория штатига жисмоний тарбия бўйича қўшимча шифокор киритилади, бу лавозимга шифокор Фредрих тайинланади.

Архив материалларида вилоят жисмоний тарбия шифокор-лари ҳисоботларининг йўқлиги улар томонидан қилинган ишлар ҳажмини баҳолашга имкон бермайди. Факат Тошкент тиббий жисмоний тарбия кабинети ишлари ҳақида маълумотлар бўлиб, бунда 1928 йил давомида 2777 киши қабул қилинган, ишчилардан 1410таси эркак (руслар), 470 та аёл, 171та ўзбек, 726та мактаб ўқувчиларни (ҳар хил миллатга мансуб) бўлган.

Тиббий текшурув натижасида 744 (29,2) кишига соғлиги ва жисмоний тайёргарлиги сабабли мусобақаларда қатнашиш рухсат этилмаган.

1928 йил июлда ўтказилган жисмоний тарбиянинг II Умумўзбекистон спартакиадаси республикада тиббий назоратнинг кейинги келажакдаги тараққиёти учун яхши омил бўлди. Бу спартакиадани таъминлаш учун спартакиада бошланишдан 1,5 ой олдин Умумўзбекистон спартакиадаси ташкилий қўмитаси тарки-бida республика соғлиқни сақлаш халқ қўмитаси томонидан И.П Ильянсий раислигига бешта шифокордан иборат бўлган тиббий назорат комиссияси ташкил этилди. Марказий тиббий назорат комиссиясига мусобақа қатнашчиларини назорати ва такорий тиббий кўрикдан ўтказиш, мусобақа ўтказиладиган жойларнинг санитария-гигиеник

ҳолатларининг устидан назорат, айрим спорт турларининг спортчилар организмига таъсирини ўрганиш вазифа-лари юкланади. Шифокорлар комиссияси олдига мусобақа қатнашчиларининг (велокросс – 30 км, кросс: эркаклар 8 км ва аёллар 1500 м, югуриш 5 км, юриш 20 км, кураш ва оғирлик күтариш) юрак қон томир системаси фаолиятларини, иссиқлик алмашиниш жараёнларини аниқлаш каби аниқ вазифалар қўйилди. Шуни айтиш керакки, 500 та спартакиада қатнашчисидан 193 та киши медицина хulosасисиз келдилар ва улар Марказий тиббий-назорат комиссияси томонидан қўшимча ҳолда текширундан ўтказилди. Натижада соғлиқ ҳолати қониқарсизлиги сабабли 21 спортчига мусобақада қатнашишга рухсат этилмади.

1930 йилда вилоят жисмоний тарбия советларида шифокор лавозимиға барҳам бериш билан бирга, бу лавозим шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими штатига киритилади. Соғлиқни сақлаш бўлими шифокорларига кенг ҳажмдаги вазифалар юкланади: жисмоний тарбия тўгаракларида мактаб ўқувчилар ташкилотлари ўқув юртларида тиббий назоратни ташкил этишларига раҳбарлик қилиш, стадион, спорт майдончаларида ва бошқа спорт иншоот-лари устидан санитария гигиена назоратини ташкил қилиш. Ундан ташқари, шифокор шошилинч тиббий ёрдам қўрсатишни ташкил этишга, гигиеник тарбияга ва санитария тарғиботига шунингдек, жисмоний тарбияда тиббий назорат соҳасидан илмий-тадқиқот ишларига жавоб беради.

1932 йилда республикада жисмоний тарбия харакатини таъминлаш учун 3 та шифокор кабинетлари бор эди. Тиббий жисмоний тарбия ишларига ва антропометрик кабинетларни ташкил этишга соғлиқни сақлаш халқ қўмитаси томонидан алоҳида маблағ ажратилди. 1932 йилнинг охирига бориб республика шаҳар ва ниҳояларда жисмоний тарбиядан шифокорлар штати сони 19 тага етди. Жисмоний тарбия билан шуғулланув-чилар тайёргарлигига ГТО нинг санитария бўлими бўйича нормативлар топшириш учун санитария тарғибот ишлари актив-лашиб борди. Масалан, 1931 йилда ГТО нинг санитария бўлимидан 2000 киши норматив топширди, 1932 йилда 3000 киши, 1933 йилда 23800, 1934 йилда 31 700 ва 1935 йилда 36014 киши топширди. 1935 йилда санитария бўлимидан норматив топширган жисмоний тарбия билан шуғулланувчилардан 43,3 фоизини маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил этди.

1934 йилдан бошлаб жисмоний тарбия билан шуғулланув-чиларнинг саломатлик ҳолатини текшириш янада чуқурроқ усулларда олиб борилади. Антропометрик ўлчовлардан ташқари юрак қон томир системасини текширишда функционал усуллар қўлланила бошланди. Юрак қон томир системасининг функционал ҳолатини текшириш учун 60 метрга югуриш, 20

марта ўтириб туриш ва турган жойида З минут давомида югуриш сингари бир марталик жисмоний юкланишлар қўлланилади.

1935 йилдан бошлаб спортчиларни текшириш усулига жисмоний машқлардан олдин ва жисмоний машқлардан сўнг қон босимини ўлчаш киритилди.

Ўзбекистонда биринчи марта И.П. Ильинский томонидан футбол, волейбол, енгил атлетика, гимнастика ва кураш машғулот-ларида иссиқ иқлим шароитида жисмоний юкланишларнинг юрак қон томир системасига реакцияси ўрганилди. Олинган маълумот-ларни шифокор ўзининг 1937 йилда ҳимоя қилган номзодлик диссертациясида умумлаштириди

1935 йилда Тошкентнинг ҳар тўртдан бир туманида 4 тадан тиббий жисмоний тарбия кабинетлари очилади. Бу ерда шифо-корлар Гришина, Шульпенкова, Сигнатулин, Болитов, Михаилов, Эсси-Эзнинг ва бошқалар ишладилар. Жисмоний тарбия ташки-лотлари ва колективлари даволаш-профилактик муассасалари шифокорлари ва бошқарма шифокорлари томонидан тиббий хизмат билан таъминланди. Баъзи бир спорт жамоаларида (“Динамо”, “Спартак”, “Локомотив”) Тошкентда ва шунингдек республиканинг бошқа соҳаларида ўзларининг шахсий тиббий назорат хизмати бор эди. Бу спорт ташкилотларида врачлар В.Смоленский, П.Л. Болотов, А.И. Погосянц ва бошқалар ишладилар. Тошкентдаги жисмоний тарбия кабинетлари хисоботи бўйича 1934 йилда 8529 кишига хизмат кўрсатилиб, шундан 6109 таси эркаклар ва 2420 таси аёллар эди.

1934 йилда Тошкент тиббиёт институтида жисмоний тарбия кафедраси ташкил этилди. Кафедрага И.П. Ильинский бошчилик қиласи. Бу ерда жисмоний тарбиянинг умумий вазифалари билан бир қаторга талабаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар устидан тиббий назорат асосларини ўрганиш вазифалари ҳам қўйилди.

1935 йилда Тошкентда Халқ соғлигини сақлаш қўмитаси томонидан Ўзбекистонда жисмоний тарбия соҳасида тиббий назорат ишларини умумлаштириб, режалаштириб, унинг барча фаолиятларига раҳбарлик қилиш учун республика кабинети ташкил этилади. Шу вақтдан бошлаб жисмоний тарбия устидан тиббий назорат Ўзбекистон аҳолисини жисмоний тарбиялашда унинг ажралмас қисми бўлди.

Улуғ Ватан уриши бошланиши олдида республикада тиббий назорат соҳасида ишловчи 100 га яқин шифокор бор эди. 1941-1945 йиллар бу соҳадаги ишлариниг бироз сусайиши билан характерланади. Бу соҳадаги барча ишлар умумشاҳар даволаш профилактик муассасаларига, бошқарма шифокорлари ихтиёрига берилади. 1946 йилдаги соғлиқни сақлаш органлари бюджетида жисмоний тарбия тиббий назоратини ривожлантириш учун

алоҳида маблағ ажратишни кўзда тутилди. Шуни ҳал этмоқ керакки, уриш йилларида республикада асосан даволовчи жисмоний тарбия ишлари ривож топди.

1946 йилдан бошлаб Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарларда тиббий жисмоний тарбия кабинетлари яна фаолият кўрсата бошлади. Жисмоний тарбиядан тиббий назорат ишларини координациялаш учун республика жисмоний тарбия қўмитаси штатида шифокор инспектор лавозими киритилди ва бу лавозимга шифокор О.М. Жегалло тайинланди. Шу вақтнинг ўзида Тош-кентда Ўрта Осиё шифокорлар малакасини ошириш институтида тиббий назорат ва даволовчи жисмоний тарбияси кафедраси очилиб: бунга И.П. Ильинский кафедра мудири қилиб тайинланди. Бу бутун республикага тиббий назорат ва даволовчи жисмоний тарбиядан мутахассис кадрлар етиштириб беришда асосий марказ бўлди. Кафедра ходимлари Тошкентнинг юқори малакага эга бўлган спортчиларига хизмат қилдилар. 1946 йилдан 1963 йилгача кафедрада республикаларнинг турли шаҳар ва вилоятларида тиббий назорат ва даволовчи жисмоний тарбия бўйича ишлашга бир неча юз мутахассислар тайёрланди.

Хисобот кўрсаткичлари бўйича 1946 йил давомида Тошкентда тиббий назорат кабинетидан 24329 киши текширундан ўтди, шулардан 10386 таси жисмоний тарбия қатнашчилари, 6826 - мактаб ўқитувчилари, хунар-техника билим юртлари ўқувчилари ва 7117 олий ўкув юртлари студентлари эди.

1947 йилда жисмоний тарбия ва спорт балан шуғулланувчи шахсларнинг саломатлигини тиббий назоратга олиш учун шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига шифокор штатли лавозими киритилди. Шу йилдан бошлаб шаҳар тиббий жисмоний тарбия кабинети фаолият кўрсата бошлади ва бу кабинет 1948 йилда шаҳар тиббий жисмоний тарбия марказига айлантирилди. 1947 йилда жисмоний тарбия ҳаракати соҳасида энг йирик тадбирлардан бири Москвада бўлиб ўтадиган умумлаштирилган жисмоний тарбия курсида қатнашиш учун 2000 та жисмоний тарбиячилари тайёрланди. Курс қатнашчиларининг танлов ишлари маҳсус тайёрланган таркибда шифокор И.П. Ильинский, О.Г. Мудуцева, О.М. Жегаллодан иборат бўлган тиббий-назорат комиссиясидан ўтказилди. 1947 йил Ўзбекистонда тиббий жисмоний тарбия кабинетлари тармоқла-рини ташкиллаштиришни тугаллаш ва республикада жисмоний тарбия ҳаракатини тиббий хизмат билан таъминлаш ишларнинг сифатини янада ошириш йили бўлди. Бу вақтга келиб ҳалқ соғлиқни сақлаш қўмитаси томонидан республикада жисмоний тарбиядан 35 та шифокор лавозими, яъни ҳар бир вилоятда ўртacha 2-3 шифокор лавозимни ташкиллаштириш кўзда тутилди. Шу йилларда кўнгилли спорт жамиятларда, мактаб, олий ўкув юрт-лари ва ташкилотларда жисмоний тарбия билан

шуғулланувчилар сони янада ошди. Бу ҳол соғлиқни сақлаш органларидан жисмоний тарбиячиларни тиббий хизмат билан таъминлаш ишларига поликлиника тармоқлари ва ташкилотлар шифокорларининг катта қисмини жалб этишни талаб қиласди. Бу вақтда 147591 киши тиббий кўриқдан ўтди, у жисмоний тарбия билан шуғуллана-ётганларнинг 80% ни ташкил этди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг беш йиллик (1946-1950 йиллар) дастурида тиббий-жисмоний тарбия ишларига 230 та шифокор ва даволовчи жисмоний тарбияси бўйича 230та инструктор-методист тайёрлаш кўзда тутилди. 1948 йил июнь ойида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғига биноан, Тошкентда йирик республика тиббий жисмоний тарбия методик маркази ташкил этилди. Бу марказ таркибида бешта шифокор бор эди, методик марказ мудири қилиб шифокор О.М. Жегалло тайинланди. Тез фурсатда шундай тиббий жисмоний тарбия марказлари йирик шаҳарлар Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Бухорода ташкил топди.

1948 йилда тиббий жисмоний тарбия кўригидан 151175 киши ўтиб, улар тиббий гурухларга бўлинди. Шуни айтмоқ керакки, гурухларга бўлиш 1948 йилдаги инструктив кўрсатмадир.

1948 йилда республикада ёшлар биринчи марта тиббий жисмоний тарбия кўригидан ўтган, жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар тиббий гурухларга бўлинади. Уларнинг саломат-лик ҳолатини, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргар-лигини ҳисобга олган ҳолда асосий, кучли ва кучсиз тиббий гурухларга бўлинди. Шу йилдан бошлаб спортчиларнинг чиник-қанлигини аниқлашда Летунов синамаси қўллана бошланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи билан 1950 йилда тиббий жисмоний тарбия марказлари тиббий жисмоний тарбия диспан-серларига айлантирилади. Шу сабабли Тошкент штатида беш киши бўлган республика тиббий жисмоний тарбия диспансери ташкил этилди, раҳбар қилиб В.А. Батокова тайинланди ва шунингдек шаҳар тиббий жисмоний тарбия диспансери ташкил этилиб, бунга О.М.Жегалло раҳбарлик қилди. Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган штатида З тадан шифокор бўлган вилоят тиббий жисмоний тарбия диспансерлари ташкил этилади. Қўқон, Чирчиқ ва Урганчда бир штатли тиббий жисмоний тарбия кабинетлари сақланиб қолди.

1955 йилда ҳукумат қарори асосида диспансерлар даволаш профилактик муассасалар қошидаги тиббий жисмоний тарбия ҳолатларига ўтказилади. 1959 йилдан бошлаб республикада жисмоний тарбия харакатининг кучли ривожланиши сабабли илгари фаолиятда бўлган тиббий жисмоний тарбия диспансерлари яна қайта тикланди. 1960 йилда Тошкентда шаҳар ва республика тиббий жисмоний тарбия диспансерлари бирлаштирилди ва

раҳбар қилиб шифокор М.Б Франк тайинланди. М.Б. Франк диспенсерга 40 йил давомида раҳбарлик қилди. Республикада тиббий назоратни ташкил этишда ва унинг тараққиётида 1958 йилда ташкил этилган Ўзбекистон жисмоний тарбия институтнинг спорт тиббиёти ва даволовчи жисмоний тарбия кафедралари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кафедрада талабаларга тиббий назорат ва даволовчи жисмоний тарбия усуллари ўргатилди, кафедра республикага даволовчи жисмоний тарбиядан инструкторлар, спорт массажи бўйича мутахассислар тайёрлаб беради.

Ўзбекистон республикасида спортчилар устидан тиббий назоратиниг тараққиётида доц. И.П. Ильинский, М.Б. Франк, О.М. Жегалло, О.А. Рихсиева, А.Х. Тураходжаевлар катта ҳисса қўшдилар.

Ватанимиз спорт тиббиётнинг тараққиёти жисмоний тарбия ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Ватанимиз жисмоний тарбия харакатининг ҳар бир даврида спорт тиббиёти олдига яхши мақсад ва вазифалар кўйилган ва унинг янада тараққий этишга даъват қилган. Шу билан бирга Соғлиқни сақлаш системасининг ва тиббиёт фанининг ютуқлари туфайли спорт тиббиётининг илмий ва методик базаси кенгаймокда. Спорт тиббиётининг ривожланишида шартли равишда кўйидаги даврларга ажратилади:

- I. Давр – спорт тиббиёти (врачлик назорати) фаннинг пайдо бўлиши ва тикланиши (1918 – 1928 йиллар):
- 2 Давр – жисмоний тарбия харакат ишларига медитсина хизмат кўрсатиш муассасаларининг ривожланиши спорт тиббиётининг умумий назарияси ва миллий асосларини ишлаб чиқиши. уларни сақлаш ва жисмоний тарбия амалиётига тадбик қилиш (1930 – 1941 йиллар):
- 3 Давр – врачлик назоратига оид ишларни қайта тиклаш спорт тиббиётининг янги системасини яратиш. Врачлик жисмоний тарбия диспансерлари ва кабинетларни ташқил қилиш. этакчи спортчиларга медитсина хизмати кўрсатиш. ватан спорт тиббиётининг халкаро майдонига кенг миқёсида чиқиши (1945 – 1985 йиллар):
- 4 Давр – спорт медитсинасига оид амалий ва илмий ишлар сифатини яхшилаш: янги ёъналишларни яратиш ва спорт тиббиётини янги методик кўргазмалар ва тавсиялар билан қайта куроллантириш (1965 йилдан бошлаб хозирги кунгача):

Спорт тиббиётини ривожлантиришда П. Ф. Лестгафт назарий жихатдан асослади. В. В. Горневский гигиена ва врач назорати бўйича йирик асарлар

яратди. Спорт назорати амалга оширишда Н. А. Семашко (1874 – 1949 й. й.) ва С. П. Летуновлар катта роль ўйнади ва мамлакатимизда спорт тиббиётини ривожлантиришда ўзбек олимларидан О. А. Риксиеванинг хизмати жуда катта.

«Спорт тиббиёти» атамаси мамлакатимизда яқиндан бери ишлатилмоқда. Бундан олдин «врачлик назорати» атамаси қўлланиб келган.

Спортчиларни назорат қилишда врач жисмоний тарбия диспансери ва кабинетларнинг аҳамияти катта. Спортчилар бу ташқилотларда доимий равишда ҳисобда бўлишади. Врач. жисмоний тарбия диспансерлари вилоят ва марказий (катта) шахарларда ташқил килиниб. бу мустақил медитсина корхонасидир. Унда бош врач. врачлар ва медитсина ҳамширалари ҳамда мутахасислар мавжуд. Унда хар хил текшириш хоналарда спортчиларнинг Соғлиқ ҳолатлари текширилади. зарурий ҳолатда махаллий ахолига тиббий ёрдам беради. Шу соҳа мутахассисларини малакасини оширади.

Врачлик кабенитларида эса жисмоний тарбия ходими даволаш ишларини олиб боради. Бундай кабинетлар хар бир шифохоналарда мавжуддир.

Дарс юзасидан саволлар:

1. Спорт тиббиёти нимани ўрганади?
2. Спорт тиббиётининг вазифаси нимадан иборат?
3. Спорт тиббиётини аҳамияти нимадан иборат?
4. Спорт тиббиётини ривожланишига кимлар ўз хиссасини кўшди?
5. Спорт тиббиётини ривожланиши тарихи нимадан иборат?
6. Спорт тиббиётини амалга ошириш йўллари.

3-МАВЗУ: Спорт патологияси асослари, шифокор назорати, ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллантириш. Умумий спорт патологияси асослари.

Режа:

- 1.Патологик (касаллик) ҳолат хақида тушунча.
- 2.Спортчиларда патологик ҳолатни келиб чиқишидан олдинги ҳолатлар.(чарчаш, зўриқиши).

3. Патологик ҳолатни олдини олишда такрорий назорат қилиш ва спортчилар жисмоний иш қобилиятини мураккаб синамалар орқали назорат қилишнинг аҳамияти ҳақида назарий маълумотларга эга эканлигини аниқлаш ва баҳолаш.

Таянч иборалар: патология, чарчаш, зўриқиш, иш қобилияти, синама, касаллик

Турли касалликлар инсониятга қадим замонлардан бери маълум бўлиб келган. Ўша вақтдан бошлаб инсоннинг аҳволини ифодалаш учун “**касаллик**” ва “**саломатлик**” тушунчаси ишла-тилган.

Саломатлик деганда, одам организмининг шундай бир аҳволи тушуниладики, бунда унинг барча функциялари ташқи мухит билан мувофиқлаштирилган бўлади, ҳамда унда қандайдир касалликлар туфайли бўлган ўзгаришлар кузатилмайди. Хуллас, **саломатлик** бу – инсоннинг ҳам руҳий, ҳам жисмоний, ҳам ижтимоий барқарорлик ҳолатидир.

Саломатлик ҳақидаги фан Валеология лотинча *valeo*-сўзидан олинган бўлиб, “саломат бўлмоқ” ёки “соғ-саломат яшамоқ”, юононча *logos*—«ilm, фан» деган маънени билдиради. Саломат-ликнинг асосий аломатлари – ташқи мухитга юқори даражали мосланишидир.

Мосланишнинг асосий вазифаси – ГОМЕОСТАЗНИ (организм ички мухити доимийлигини) сақлаб туришда бошқарув механизmlарини (нерв, гормонал, иммунитет ва АПУД тизим-ларни) такомиллаштиришdir.

Организмнинг касаллик омиллари таъсирига нисбатан барқарорлиги ташқи мухитнинг нокулай таъсирига унинг чидамлилиги билан белгиланади. Одамнинг саломатлик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли юқумли касалликларга, паст ва юқори ҳароратга, жисмоний ишларга бўлган чидамлилиги ҳам шунчалик барқарор бўлади.

Абу Али ибн Сино (саломатлик ва касаллик ҳақида): “Ҳар бир соғлом одамга мувозанатдан озгина четга чиқсан ҳолат тўғри келади, у жуда катта эмас”. “Касалликинг келиши мувозанат ҳолатидан жуда четга чиқишдан бошқа нарса эмас”, — дейди.

У соғлиқ ва касаллик даражаларини:

1. Тана ўта соғлом,
2. Тана ўта соғлом эмас.
3. Тана соғлом эмас, лекин касал ҳам эмас.
4. Тана яхши ҳолатда, саломатликни тезда қабул этувчи.
5. Тана енгил касал.
6. Тана ҳаддан ташқари касал, деб тушунтиради.

XX асрнинг охирларида унинг юқоридаги фикрлари, яъни соғлиқнинг қандай аҳволда эканлиги субъектив (сўраб-суриш-тириш), ҳамда объектив текширув орқали аниқланади. Лекин олинган натижалар ҳар доим ҳам бир-бирига мувофиқ келавер-майди. Чунончи, касалликнинг объектив белгилари мавжуд бўлмаган бир вақтда, киши ўзини ёмон ҳис қилгани ҳолда унинг организмида объектив касаллик аломатлари мавжуд бўлган. Саломатлик билан касаллик ҳолати ўртасидаги чегара қўп ҳолларда қийин ва шартли равишда белгиланган.

Касаллик деб, организм нормал ҳаёт фаолиятининг бузи-лишига айтилади. Бу бузилиш касаллик пайдо қилувчи ички ва ташқи таъсиротлар натижасида юзага келади. Бу таъсиротлар эса организмнинг мослашиш қобилияти, меҳнат қилиш ва ҳимоя кучлирини чегаралаб қўяди. Патология – касаллик ҳақидаги фан бўлиб, юонча “*patos*” – касаллик, дард ва “*logos*” – илм, фан, деган маънони билдиради.

Бутунлай соғлом организм функцияси ҳам маълум шароит-ларга қараб гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб туриши мумкин.

Ҳар бир аъзонинг ўзига яраша имкониятлари бор. Шунга кўра, соғлом организм унинг айрим аъзо ва тизимларини бошқа-риш йўли билан ўзгартириши мумкин. айрим аъзо ва тизим-ларнинг бундай мослашиши саломатликнинг асосий белгисидир.

Бунга юрак ва қон томир тизими яққол мисол бўла олади. Тинч ҳолатда юрак дақиқасига 70-75 марта уради, қисқарганда эса унинг ҳар бир қоринчasi ўрта ҳисобда дақиқасига 3,5 дан 6,5 л гача қонни ҳайдайди. Мускул ишлаганда юрак қисқариши дақиқасига 180-200 мартагача, юракнинг систолик ҳажми 160-220 мл гача, юракнинг бир дақиқалик ҳажми эса жисмонан чиниққан кишиларда 25-30 л гача, баъзи вақтларда – 40 л гача етади.

Организмнинг ёки унинг айрим аъзо ва тизимларининг мослашиш қобилияти (адаптацияси) бирор сабабга кўра йўқолса ёки сустлашса касаллик пайдо бўлади.

Патологик ҳолат тўғрисида И.П. Павлов: “Бу – организм-нинг қандай бўлмасин фавқулодда шароит билан ёки аникроқ қилиб айтганда, ҳар кундаги шароитнинг ортиқча миқдори билан учрашишидир. Сиз механик зарбага, иссиқ ёки совуқ, патоген микроорганизмлар тарафидан бўладиган ҳужумларга ва шунга ўхшаш шароитларнинг нормадан ошиб кетадиган даражасига дучор бўласиз”, – деган эди.

И.П. Павловнинг фикрича, бунга жавобан организмнинг бир бутун қилиб бирлаштирувчи кучи ҳолдан тойгунга қадар пайдо бўлган бузилишларни маълум бир даражада компенсациялаш қобилиятига эга

бўлган физиологик мослашиш механизмлари ишга тушади. Шундай қилиб, касалликнинг ривожланишига организм билан уни ўраган муҳит орасидаги ўзаро муносабат-ларнинг бузилиши сабаб бўлади.

Одамнинг мослашиш қобилияти уни ўраб турган ўзгарувчан шароит сабабларига мос келганда, одам соғлом ҳисобланади. Бу талаблар одамнинг мослашиш имкониятларидан ошиб кетса, касаллик рўй беради. Мана шу шароит касалликнинг асосий хусусиятларини ва унинг моҳиятини мукаммал равишда таърифлаб беради. Касаллик ривожланганда организмдаги ҳамма тизимларнинг хусусияти ўзгаради, чунки касаллик пайдо қиласидаги агентларга қарши курашга организмнинг ҳимоя кучлари сафарбар қилинади ва шу тариқа касаллик натижасида юзага келган бузилишларни бартараф этиш учун физиологик жараёнлар кучаяди ва ўзгаради.

Юзага келган ўзгаришларни нерв тизими тартибга солиб туриши сабабли улар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Организмда рўй берадиган, катта кичик касаллик ҳолатлари ҳам қўпми-озми умумий ўзгаришларни юзага келтиради. Бу ўзгаришлар ўз навбатида маҳаллий патологик жараёнларнинг кечишига таъсир қиласи. Шунинг учун касалликни умумий ва маҳаллий турларга бўлиш нотўғри ҳисобланади. Ҳар бир касалликда организм умумий заарланади. Бундай ўзгаришлар касалликнинг хусусиятига қараб у ёки бу аъзода жойлашади.

Демак, касаллик организм нормал фаолиятининг бузилишидир. Бу бузилиш касаллик пайдо қилувчи ички ва ташқи таъсиротлар натижасида юзага келади. Бу эса организмнинг мослашиш қобилияти, меҳнат қилиш ва ҳимоя кучлирини чегаралаб туради.

Касаллик даврлари. Касаллик қуйидаги даврларга бўлинади:

- а) яширин ёки латент (инкубацион);
- б) продромал (касалликнинг кхечиши);
- в) касалликнинг кечиш даври;
- г) соғайиш (реконвалесценция).

Касаллик бошланишидан унинг аломатлари юзага чиққунча яширин давр ёки касалликнинг латент даври бошланади. Юқумли касалликларда инкубацион давр дейилади.

Касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлиши вақтидан то касаллик симптомлари ривожлангунга қадар бўлган давр продромал давр деб аталади.

Касалликнинг барча белгилари авж оладиган давр касалликнинг кечиш даври дейилади.

Касалликнинг охирги босқичи унинг соғайиш давридир.

Касаллик ҳар хил тугалланади. Баъзан одам бутунлай соғайиб кетсада, баъзан асоратлар қолиши, аъзоларда турли турғун патологик ўзгаришлар пайдо бўлиб, одам ўлиб қолиши ҳам мумкин.

Касаллик асорат қолдирмай бемор бутунлай соғайиб кетса, соғайиш даври дейилади. Бунда организм гўё касаллиқдан илгариги ҳолатига қайтгандек бўлади.

Ўлим— касалликнинг энг оғир оқибати бўлиб, организмнинг ҳаёт учун зарур функциялари тўхтаб қолишидир. Бунда ҳаёт жараёни аста-секин сусаяди. Энг охирги нафас ёки юракнинг энг сўнгги қисқаришини ўлим деб ҳисоблаш керак. Ўлим узоқ ёки қисқа муддатли агониядан (агония – грекча курашиш демакдир) кейин нозага келади.

Агония вақтида эс-хуш йўқолади, бемор тўхтаб-тўхтаб, талваса билан нафас олади, томир уриши кўпинча қўлга уннамайди, рефлекслар йўқолади.

Клиник ўлим – (ҳаётнинг ташқи белгилари), ҳисобланган нафас олиш ва юрак уришининг тўхташидир. Бу босқич жуда қисқа – 4-5 дақиқа давом этади, баъзан бу даврда ҳаётий функцияларни реанимация (режалаштириш – янгидан, онимацион – тирилтириш) ёрдамида тикласа бўлади. Бу муддат кечиктирилса, тўқималарда қайтмас ўзгаришлар юз беради. Бунда клиник ўлим биологик ҳақиқий ўлимга ўтади.

Такрорий тиббий кўриқда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равища шуғулланувчиларнинг соғлиги, жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолатида содир бўладиган ўзга-ришларга аниқлайди. Такрорий тиббий кўрик бир йилда 1 марта ўтказилади.

Қўшимча тиббий кўрик асосан мусобақа ўтказишдан олдин, бевосита спортчиларни мусобақаларда қатнашиш масаласи ҳал қилинаётганда ўтказилади.

II. Диспансеризация – медицина хизмати кўрсатишда энг юқори ва такомиллашган туридир, бунда даволаш билан профи-лактика биргаликда олиб борилади. Етакчи спортчилар соғлигини, иш қобилятини сақлаш ва мустахкамлашга қаратилган профилак-тика ва даволаш тадбирларида малакали тиббий ёрдами кўрсатиш план асосида олиб борилади.

III. ВПН – тренировка ва мусобақалар ўтказилганда врач тренер билан биргаликда спортчиларни кузатиб боради. ВПН маълумотларига асосланиб машғулотларнинг спортчиларга бево-сита таъсири ўрганилади, тренировканинг самарадорлигини таҳ-лил қилишда турли синамалар қўйилади ва тренировкалар планига ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлади.

IV. Санитария-гигиеник назорат. Спорт иншоотлари гигиеник талабларига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда жароҳатланиш, касалланиш ва

спорт натижаларини тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун спорт иншоотлари қуриш лойихалари Давлат санитария назоратининг маҳаллий органлари билан келишилади ва объектларга топширилади, кейин улар санитария- эпидемик станциялар ва врачлик жисмоний тарбия диспансерлари доимий санитария назоратида бўлади.

V. Спорт мусобақаларида тиббий хизматни ташкил этиш.

Врач мусобақа бош судъясининг ўринбосари сифатида тасдиқланади. Тиббий ҳодим бўлмагандаги мусобақаларни ўтказиш ман қилинади.

Мусобақаларни ўтказишида тиббий хизмат йўналиши:

5. Спортчиларнинг хужжатларини текшириш ва уларни мусобақада қатнашиш учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш.

6. Спортчиларни овқатланиши ва жойлаштириш шароити, мусобақа ва тренировкалар ўтказиладиган жойларни санитария гигиена жиҳатдан назорат қилиш.

7. Мусобақа қатнашчиларини врач кўригидан ўтказиш.

8. Мусобақа қатнашчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш.

(Соғлиқ ҳолати дегандаги организмнинг ташқи ва ички муҳит омилларига нисбатан мувозанати тушунилади. Бунда организмнинг иш бажариш қобилияти юркори даражада бўлади. Касаллик ҳолати эса шу мувозанатнинг бузулиши тушунилади ва организмнинг иш бажариш қобилияти кескин пасайиб кетади.

Турли касалликлар инсониятга қадим замонлардан маълум бўлган. Улар бизнинг давримизгача этиб келган қадимий ёдгорликларда ёзиб қолдирилганлиги маълум. Қадимги китобларда фақат касалликларни даволашгина эмас. балки уларни келиб чиқишини ўрганиш хақидаги маълумотларни ҳам топса бўлади. Касалликларни умумий мохияти ва уларнинг ривожланиш конуниятларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган фан "Патология" (грекча «Патос» касаллик "логос" фан демакдир) номини олган.

Патология тирик табиатдаги нормадан чиқсан барча ходисаларни ўз ичига олади. Бундай ўзгаришлар хаддан ташқари турли-туман формада бўлганлиги сабабли патологиянинг мазмuni ҳам жуда кенг ва хилма-хилдир. Шу сабабли патология бир қанча қисмларга. бўлинади: Умумий потология, хусусий патология, патологик физиология, патологик гистология ва патологик анатомия.

Хусусий патология – айрим касалликлар ва уларнинг ҳамма белгиларини текшириш билан шуғулланади. Касал организмнинг функциясини ўрганиш патологик физиологиянинг вазифасига киради.

Функцияниң бузилиши одатда. пайдо бўлган касалликнинг дастлабки белгиси бўлади ва соғайишга қадар сақланиб қолади.

Умумий патология- турли патологик протсессларнинг умумий хусусиятларини ўрганиш ва барча патологик протсесслар ривожланишининг умумий қонуниятларини аниқлаш билан шгуулланади.

Патологик гистология - анатомиянинг муҳим қисми бўлиб. тўқималардаги ўзгаришларни микроскоп орқали аниқлайди.

Патологик анатомия- патологиянинг касаллик туфайли органлар. тўқималар ва хужайралар тузилишидаги ўзгаришларни текширадиган фандир.

Касалликнинг ривожланишида қўйидаги даврларни кўрсатиб ўтиш мумкин: а) яширин ёки латент (инкубатсион) давр; б) продромал давр: в) охирги босқич-касалликнинг тамом бўлиш даври; г) соғайиш даври (реконвалестсентсия).

1. Касалликни келтириб чиқарадиган бирорта. таъсирга жавобан организмнинг бошланиши деб хисоблаш керак. Бу реакция касалликни симптомларсиз маълум бир вақтгача яширин равишда ўтиши мумкин. Касалликни келтириб чиқарадиган агентлар таъсирининг бошланиши билан касаллик ҳолатининг юзага келиши орасидаги давр яширин давр ёки касалликнинг латент даври деб аталади. Бу давр бир неча секунддан бир неча ойлар мобайнида. хатто бир қанча йиллар давом этиши мумкин. Хар бир касаллик тарқалишининг олдини олиш ва даволаш тадбирлари учун ҳам катта аҳамиятга эга.

2. Яширин даврдан кейин баъзан касаллик рўй рост ва тез ривожланадиган симптомлар билан юзага келади. Баъзи бир холларда касаллик аста – секин бошланиб. дастлаб зимдан ва тобора рўй – рост ифодаланган симптомлар билан кечади.

Бошланаётган касалликларнинг биринчи белгилари пайдо бўлиш вақтидан тортиб. то касаллик симптомларининг бутунлай ривожланишига қадар бўлган давр продромал давр деб аталади. Баъзан продромал даврнинг белгилари муайян характерга эга бўлмайди: умуман одам бўшашади, харорати бироз кўтарилади. Бошқа холларда эса бу белгилар шу касаллик учун хос бўлган характерга. яъни касаллик турини белгилаш осон бўлади.

3. Продромал даврдан кейин касаллик барча белгиларининг авж олиш даври бошланади, бу касалликнинг кечиш даври деб аталади. Касалликнинг кечиш даврида унинг энг характерли хусусияти аниқланади.

4. Касалликни кечиш давридан кейинги босқич-унинг соғайиш даври дейилади. Соғайиш даврига тезлик билан ўтиш кризис дейилади, секинлик билан ўтса лизис дейилади. Касаллик ўткир ёки сурункали (хроник) кечиши

мумкин. Ўткир касаллик билан сурункали касалликнинг энг мухим фарқи ўткир касалликларнинг ҳамма белгилари муайян вақт ичида рўй рост ифодаланади ва пировардида йўқолади. Касалликнинг сурункали кечиш одатда организмда касаллик кузгатувчисининг узоқ вақт сақланишига боғлиқ. Сурункали касаллик учун фақат узоқ вақт кечиш характерли бўлмасдан. балки касалликка хос бўлган пасайган, баъзан хатто соғайгандек бўлган даврлар билан касалликнинг бирданига авж олиб оғирланиш даврларининг навбатланиб туриши жуда ҳам характерлидир. Касаллик хар – хил тугалланади: одам бутунлай соғайиб кетади, одам соғайса ҳам асоратлар қолади, органларда турли турғун потологик ўзгаришлар пайдо бўлади, одам ўлиб қолиши ҳам мумкин. Касаллик ҳеч қандай из колдирмасдан йўқолиб кетганда тамоман соғайиш дейилади. Бунда организм гўё касалликдан аввалги ҳолатга қайтгандек бўлади. Касаллик тамомила йўқолиши мумкин. Лекин шунда ҳам бирор органда асорат қолиши мумкин. Бу асоратлар кўпинча ўтиб кетиши мумкин. Баъзан эса касалликлардан кейин қолган асорат оғирлашиши мумкин.

Ўлим-касалликнинг энг оғир оқибатидир. Умумий ўлим деб организмнинг хаёт учун энг зарур бўлган функцияларининг тўхтаб қолишига айтилади. Бунда хаёт протсеслари аста-секин_сусаяди. энг сўнги нафас ёки юракнинг энг охирги қисқаришини ўлим моменти деб хисоблаш керак. Ўлим узоқ ёки қисқа муддатли агониядан кейин (агония-грекча "кураш" демакдир) юз беради.

Агония вақтида эс-хуш йўқолади, bemor тўхтаб-тўхтаб талваса билан нафас олади, томир уриши кўпинча қўлга сезилмайди, рефлекслар йўқолади.

Клиник ўлим-хаётнинг ташқи белгилари хисобланган нафас олиш ва юрак уришининг тўхташидир. Бу босқич жуда қисқа 4-6 минут давом этади, бироқ бу даврда хаётий функцияларни реаниматсия (ре-янгидан; анимаретирилтириш) ёрдамида. тикласа бўлади. Бу муддатдан кечиктирилса. тўқималарда қайтмас ўзгаришлар юз беради, бунда клиник лим биологик ёки хақиқий оўётади.

Одамда учрайдиган касалликлар ташқи ва ички сабаблар орқали вужудга келади.

Касалликларнинг ташқи сабабларига: 1)физик; 2)химик;
3) биологик; 4) социал; 5) психоген; 6) алиментар; 7) характер
фаолиятини камайиши; 8)харакат фаолиятини ошиши киради.

1. Касалликнинг физик сабабларига-механик, термик шикастлар, нур энергияси, электр токи, атмосфера босимининг ўзгаришлари ана шу сабаблар жумласига киради.

2. Касалликларнинг химиявий омилларига, турли хил касалликларга сабабчи бўладиган захарли моддалар кириши мумкин. Булар ташқи (экзоган) ва ички (ендоген) бўлади.

3. Касалликларнинг биологик омиллари З гурухга бўллинади: Хайвонлар паразитлари, ўсимликлар, паразитлари ва вируслар киради.

4. Касалликларнинг ривожланишида сотсиал. омил ҳам аҳамиятга эга бўлиб, бунда хар қандай касаллик организм билан унинг атрофидаги мухит ўртасидаги муносабатнинг бузилиши натижасида юзага келади. Мухитга одам учун географик иқлим шароити, атрофдаги флора, хайвонот оламидан ташқари сотсиал мухит ҳам киради. Сотсиал тузум деб, меҳнат ва турмуш шароитлари, овқатланиш, маданий хизмат кўрсатиш, соғликни саклаш чоратадбирлари тушунилади.

5. Касалликларнинг келиб чиқишида асабнинг ҳам аҳамияти каттадир. Бунда сўз катта аҳамиятга эгадир. Ятроген касалликлар деб аталадиган, яъни медитсина ходимларининг нотўғри харакатлари натижасида пайдо бўладиган касалликлар ҳам бор.

6. Касалликларнинг алиментар омиллари (грекча «ахиментоз»-овқат маҳсулотлари демакдир). Бунда овқат маҳсулотлари касалликларни келтириб чиқарадиган омил хисобланади.

7. Харакатнинг чекланиши-гиподинамия (гипокинезия) техника тараққиёти, корхоналарда меҳнат жараёнларини автоматлаштириш ва механизатсиялаштириш кишиларнинг харакатчанлигини камайтириб. организмнинг талайгина функцияларига салбий таъсир кўрсатади ва айрим касалликларнинг пайдо бўлишида ва кечишида патогенетик омил сифатида хизмат қилиши мумкин. Кам харакатлилик юрак касалликдарини пайдо бўлишида асосий омил хисобланади.

8. Харакатнинг хаддан ташқари ошиши – гипердинамия (гиперкинезия) дейилади. Гипердинамия жисмоний машғулотларнинг спортчи организмининг функционал имкониятларига мос келмаслигидир. Бунинг натижасида спортчи организмида ўткир ва сурункали жисмоний зўриқиши вужудга келади, масалан, юрак, суюклар, бўғимлар ва мускулларнинг зўриқиши натижасида хар хил касалликлар вужудга келади.

Касалликларнинг ички сабаблари(омиллари)га ирсият, гавда тузилиши (конститутсия), реактивлик, иммунитет ва аллергиялар киради.

Хозирги кунда одамда 10 минг хилдан ортиқ касалликлар учраб шулардан 2 мингдан ортиғи наслдан наслга ўтади. Бунда асосий ўтказувчи омил бўлиб, хромосмалдаги ўзгаришлар хисобланади. Конститутсия З хил бўлади: а) ориқ-новча (астениклар) бундай одамлар ўпка сили, ошқозон ичак касалликларига мойил бўлади; б) гиперстениклар (тўла-пакана) булар

семириш, қон босими юқори бўлиш каби касалликларга мойил бўлади; в) нормостениклар (одатдагидек) буларда ҳар 2 типга касалликлар учрайди.)

Зўриқишиш

Одатда, организм тренировка процесси нотўғри уюшти-рилиши даражада чиникқан натижасида зўриқиб қолади. Кўпинча зўриқиши юқори ва спорт маҳоратига эришган одамларда кузатилади. Бу ҳолат узоқ вақт давом этадиган иш қобилиятининг пасайиши билан таърифланади. Организм марказий нерв системасининг фаолияти бузилиши натижасида зўриқади. Бу қўзғалиш ва тормозланиш процессларининг ҳаддан ташқари зўриқиши туфайли содир бўлиши мумкин. Мускулнинг интенсив фаолиятида импульсларнинг проприорецепторларидан нерв ҳужайраларига кучли оқим бўлиб келиши туфайли кучли қўзғалиш содир бўлади. Айрим спорт-тренировка машғулотларининг ва мусобақаларининг орасида етарли дам олинмагандан функционал ҳолати олдинги иш таъсирида ўзгарган нерв ҳужайраларига ишнинг қайтарилиши билан янги таъсиротлар келади. Бу қўзғалиш процессининг ўта кучли кишига, нерв фаолиятининг бузилишига, организм умумий иш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади. Бошқа ҳолларда мураккаб мослашув ҳаракатларини ўзлаштириш устида ҳаддан ташқари тез иш олиб борилгандан нерв фаолияти бузилиши мумкин. Бундай шароит ва зарур бўлган жуда ҳам дифферен-циаллаш ва ўзгаришлар нерв процесслари ҳаракатчанлигининг ўта кучланишига сабаб бўлади. Бироқ бу ҳолат қандай бўлмасин, доимо марказий нерв системаси фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Бундай ҳоллар неврозлар деб аталади. Невроз мия пўстлоғида тормозланиш билан қўзғалиш процесслари ўртасидаги мувозанатнинг йўқолиши натижасидир. Зўриқишида анг аввал тренировка процессида эришилган марказий нерв системаси, яъни бош мия пўстлоғи, пўстлок ости тузилмалари (орка мия, узунчоқ мия, мияча) ички ва ҳаракат органлар томонидан келишилган ўзаро муносабатида юқори даражали такомиллашган координация (уйғунлаштирувчи) фаолияти бузилиб, бир қанча жиддий ўзгаришларга олиб келади. Ўта чарчаш ва зўриқишининг ривожланиш сабаблари шартли равишда тўртта груплага бўлинади.

а) спортчиларни саралаш системасида бўладиган камчилик-лар, ҳар хил сурункали касалликлари ва саломатлик ҳолатида бошқа ўзгаришлари бўлган спортчиларнинг катта юкламали тренировка машғулотлари ва мусобақаларда қатнашиши;

б) касаллик ҳолатида бўлган ёки касалликдан тузалмасдан ва спортчи организми етарли даражада тикланмасдан тренировка ва мусобақаларда қатнашиши;

в) катта юкламали спорт машғулотларини зўр бериб ўқув ва хизмат иши

билан биргаликда олиб борилса, уйқуга тўймаслик, ўз вақтида овқатланмаслик, витаминларнинг етишмаслиги, ҳар хил асаб бузилиши, алкоголь ичимликларни истеъмол қилиш, чекиш ва ҳ.к.

г) тренировка режими ва методикасининг нотўғри уюшти-рилиши. Зўриқиши ривожланишида касалликлардан тўла тузал-масдан машқ машғулотларида қатнашиш асосий сабаб ҳисобла-нади. Қолган сабаблар орасида оқилона тарзда уюштирилмаган тренировка (хаддан ташқари қисқа муддат давомида юқори спорт натижаларига ва юксак маҳоратга эришиш мақсадида интилиш) алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, қуйидаги сабаблар факат маҳсус машғулотлардан иборат бўлган тренировкаларни бир хилда ўтказиш, ҳафталиқ, бир йиллик ва кўп йиллик давомида тайёрлаш циклларида тренировка уюштирилишида индивидуал тайёрланиш масалаларга етарли эътибор бермаслик, жисмоний юклама орасида етарлича дам олмаслик, мусобақаларда ҳаддан ташқари кўп қатнашиш, вазни тез ва кўп микдорда йўқотиш, муҳитнинг ўзгарган шароитларига етарли мослашмаган ҳолда катта жисмо-ний юкламани бажариш, гигиенанинг асосий қоидаларирига риоя қилмаслик, тўла тикланишга керакли шароитлар бўлмаслиги, врач ва педагогларнинг тренировкалар устидан етарлича назорат қилмасликлари ва ҳоказоларни айтиб ўтишимиз зарур.

Зўриқиши мускулнинг бажарадиган ишининг характеристи ва спортчининг шахсий (индувидуал) хусусиятларига қараб, асосан гоҳ ҳаракат функцияларининг, гоҳ вегетатив функцияларининг бузилиши билан ўтиши мумкин.

Спортчиларда зўриқиши ҳолати неврозга хос касаллик аломатлари билан бирга кузатилади. Уларда ҳар хил шикоятлар: таъсирчанлик, инжиқлик ва жаҳлдорлик, ўта ҳансираш ва бош оғириши, уйқусизлик, ланжлик, ўта толикиш, кўп терлаш, спорт машғулотларини ҳоҳиҳсиз бажариш, иш қобилияти ва спорт натижаларининг пасайиб кетиши пайдо бўлиши. Афсуски, спортчининг имкониятлари ва функционал ҳола-тининг объектив кўрсаткичлари ўзгарувчан ва ноаниқ бўлганлиги туфайли спортчи ва тренер зўриқишининг бошланғич босқичини кўпинча пайқамай қолишади. Зўриқишининг бошланғич босқичида умумий ўзгаришлардан ташқари спортчиларнинг кўпроқ спорт натижаларирига эриша олмай қолиши ёки улар пасайиб кетиши, иш қобилияти ўзгарувчан бўлиб, ҳаракат техникаси ва координацияси анча бузилиши мумкин.

Дарс юзасидан саволлар:

1. Спорт потологияси асослари нимадан иборат?
2. Паталагия турларирига нималар киради?

- 3.Зўриқиши нима?
- 4.Зўриқиши босқичлари?

4-МАВЗУ: Спортчиларнинг касалланиши ва жароҳатланиши Режа:

- 1.Саломатлик ҳақида тушунча.
- 2.Стресс(босим-қучланиш) организмнинг умумий танглик ҳолати.
- 3.Касаллик сабаблари. Реактивлик (қарши таъсир).
- 4.Ирсият ва унинг касаллик пайдо бўлишидаги аҳамияти
- 5.Спортчиларнинг жароҳатланиши ва унинг сабаблари. Спортчилар жароҳатланиши ва олдини олиш ҳақида назарий маълумотларга эга эканлигини аниқлаш ва баҳолаш.

Таянч иборалар: касаллик, ирсият, стресс, реактивлик. Танглик

Саломатлик деганда, одам организмининг шундай бир аҳволи тушуниладики, бунда унинг барча функциялари ташқи муҳит билан мувофиқлаштирилган бўлади, ҳамда унда қандайдир касалликлар туфайли бўлган ўзгаришлар кузатилмайди. Хуллас, *саломатлик* бу инсоннинг ҳам руҳий, ҳам жисмоний, ҳам ижтимоий барқарорлик ҳолатидир.

Саломатлик ҳақидаги фан Валеология лотинча *valeo*-сўзидан олинган бўлиб, -саломат бўлмоқ ёки -соғ-саломат яшамоқ, юонча *logos*—«илм, фан» деган маънени билдиради. Саломатликнинг асосий аломатлари

— ташқи муҳитга юқори даражали мосланишидир.

Мосланишнинг асосий вазифаси - Гомостазни (организм ички муҳити доимийлигини) сақлаб туришда бошқарув механизmlарини (нерв, гормонал, иммунитет ва Апут тизимларни) такомиллаштиришdir .

Организмнинг касаллик омиллари таъсирига нисбатан барқарорлиги ташқи муҳитнинг нокулай таъсирига унинг чидамлилиги билан белгиланади. Одамнинг саломатлик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли юқумли касалликларга, паст ва юқори ҳароратга, жисмоний ишларга бўлган чидамлилиги ҳам шунчалик барқарор бўлади.

Абу Али ибн Сино (саломатлик ва касаллик ҳақида): — Ҳар бир соғлом одамга мувозанатдан озгина четга чиққан ҳолат тўғри келади, у жуда катта эмас‖. -Касалликинг келиши мувозанат ҳолатидан жуда четга чиқишидан бошқа нарса эмас‖, — дейди.

У соғлиқ ва касаллик даражаларини:

1. Тана ўта соғлом,
2. Тана ўта соғлом эмас.
3. Тана соғлом эмас, лекин касал ҳам эмас.
 4. Тана яхши ҳолатда, саломатликни тезда қабул этувчи.
 5. Тана енгил касал.
 6. Тана ҳаддан ташқари касал, деб тушунтиради.

XX асрнинг охирларида унинг юқоридаги фикрлари, яъни соғлиқнинг қандай аҳволда эканлиги субъектив (сўраб суроштириш), ҳамда объектив текширув орқали аниқланади. Лекин олинган натижалар ҳар доим ҳам бир-бирига мувофиқ келавермайди. Чунончи, касалликнииг объектив белгилари мавжуд бўлмаган бир вақтда, киши ўзини ёмон ҳис қилгани ҳолда унинг организмида объектив касаллик аломатлари мавжуд бўлган. Саломатлик билан касаллик ҳолати ўртасидаги чегара кўп ҳолларда қийин ва шартли равишда белгиланган.

Касалликнинг сабаблари

Касаллик ташқи ва ички сабаблар туфайли келиб чиқади. Касалликнинг ташқи сабабларига физик, кимёвий, биологик, ҳаракат фаолиятининг камайиши, ҳаракат фаолиятининг ошиши ва бошқалар сабаб бўлади.

1. Касалликнинг физик сабаблари: механик, термик шикастланишлар, электр токи, атмосфера босимининг ўзгариши физик сабаблар жумласига киради. Механик шикастлар ўтмас (лат ейиш, урилиш) ва ўткир асбоблар (кесилган ва сочилган яралар), ўқотар қуроллар, юқори жойлардан ташланган буюм ва шунга ўхшаш нарсалар таъсирида пайдо бўлади. Механик шикаст натижасида тўқималар қисман нобуд бўлади, улар эзилади, баъзан чўзилиб, узилиб кетади ва шу билан бирга, суюклар синади. Механик шикаст қон томирлар бутунлигининг бузилиши ва улардан қон оқиши билан намоён бўлади.

Шикастланишларнинг асорати тез ёки узок вақт ўтгандан сўнг пайдо бўлиши мумкин.

Шикастланишларнинг тез юзага келадиган асоратлари шикастланган жойнинг ҳажмига ва қайси аъзо шикастлан-ганлигига боғлиқ бўлади. ҳаётий муҳим аъзолар (мия, юрак, артерия ва вена қон томирлари)нинг озгина жойи шикастланганда ҳам тезда ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Травматик шок – шикастланишнинг тез орада юзага келадиган асоратларидан биридир. Ташқи таъсир натижасида тўқималар унча шикаст-ланмасада, умумий оғир ҳолатларни пайдо қилиши мумкин. Миянинг чайқалиши ўлимга олиб келиши мумкин.

Бўшлиқдаги (қорин, кўкрак, бош, бўғимлар) механик шикастлар ёпиқ (бўшлиқ деворидан ўтмаган) ва очик (бўшлиқ деворидан тешиб ўтган) бўлиши мумкин.

Орқа мия шикастланганда оёқ тўлиқ, фалажланади, чаноқ аъзолари функцияси бузилади (сийдик ва нажасни тўта олмаслик қузатилади).

Иссиқликдан шикастланиш. Иссиқликдан шикастланиш деганда, қуруқ, қаттиқ ва суюқ иссиқ момалар, буғ, иссиқ ҳаво, олов, радий, рентген, қуёш нури, куйдирувчи кимёвий моддалар ва бошқалар тушунилади. Қуидаги даражаси куйдирувчи модданииг ҳароратига ва унинг бадангача нечоғли таъсир қилишига боғлиқ. Куйиш тўрт даражага бўлинади:

Биринчи даражали куйишда - бадан қизаради, тери сатҳи бир оз яллиғланади.

Иккинчи даражали куйишда пуфакчалар ҳосил бўлади.

Учинчи даражали куйишда куйган жой жонсизланади, шу жойнинг териси кўчиб тушади ва яра ҳосил бўлади.

Тўртинчи даражали куйишда куйган жой бутунлай қўмирга айланади.

Турли қўринишдаги нур энергиялари (ультрабинафша, рентген, радијум нурлари) организмга таъсир қилиши натижасида оғир касалликлар рўй берини мумкин. Ультрабинафша нурлар организмга таъсир қилганда (баланд тоғли жойларда қуёш нури таъсирида баданнинг очик жойларини беркитмасдан юриш, нурлантириш асблолари таъсирида узоқ нурланиш ва ҳоказолар), оғир бузилишлар қузатилиши мумкин. Баданнинг ультрабинафша нур таъсир қилган жойларидаги тери яллиғланади ёки некрозга учрайди. Ультрабинафша нур юз тўр пардасига таъсир қилиши туфайли кўриш ёмонлашади. Рентген ва радијум нурларнинг катта дозалари таъсирида оғир нур касаллиги рўй беради. Бунда қон ишлаб чиқариш тизими кўпроқ заарланади.

Электр токидан шикастланиш. Организмга электр токи таъсир қилиши, токнинг кучланиши ва кучи, унинг таъсир қилиш муддати, организмнинг ҳолати ва теварак-атрофдаги муҳитга боғлиқ бўлади. Юқори кучланишли ток организмга таъсир қилганда, юрак фаолияти ва нафас тўхтаб қолиши оқибатида ўлим юзага келади. Бунда юрак мускулларининг айрим толалари (юрак фибрилляцияси) қисқариши туфайли юрак уришдан тўхтайди.

Барометрик босимнинг организмга таъсири. Барометрик босим пасайганда, яъни ҳаво сийраклашганда, организмда оксиген етишмовчилиги пайдо бўлади. Бу тоғ касаллиги ёки баландлик касаллиги деб аталади.

Барометрик босим кўтарилишганда (кессонларда ишлаш, сув остига тушадиган ишлар ва сув ости спорти), тез чарчаш, қулоқ шанғиллаши, бош

айланиши, юрак ўйнаши, нафас қисиши кузатилади. Юқори босимдан нормал босимга тезлик билан ўтиши жуда катта ахамиятга эга. Бундай ҳолат сув остига тушган одамлар (ғаввослар, аквалангчилар)нинг у ердан ёки кессондан тезлик билан сув юзасига чиққанларида юз беради. Бунда кессон касаллиги деб аталувчи баъзан ўлимга олиб келадиган оғир ҳолат рўй беради. Бунда қондаги газлар ташқи муҳитнинг босими билан белгиланадиган маълум бир босим остида эриган бўлади. Босим кескин пасайганда, қондаги газ пуфакчалари массаси ажралиши (асосан, ҳавонинг 80% ини ташкил қиласидиган азотнинг) ва қоннинг қуюқлашиши юзага келади. Газ пуфакчалари капилляр-ларда тиқилиб қолади. Оғир ҳолларда юқори босимдан нормал босимга тезлик билан ўтганда, юракнинг ўнг қоринчаси, юракнинг тож томирлари, ўпка қон томирларига газ пуфакчалари тиқилиб қолиши туфайли одам тезда ҳалок бўлади.

2. Касалликнинг кимёвий омиллари. Кимёвий моддалар кўпинча турли касалликларга сабаб бўлади. Ташқаридан орга-низмга тушадиган кўпгина заарли (экзоген) моддалар, шунинг-дек, организмда ҳосил бўладиган заарли (эндоген) моддалар ана шундай моддалар жумласидандир.

Кимёвий моддалар маҳаллий ва умумий таъсир кўрсатиши мумкин. Маҳаллий таъсир деб, кимёвий моддалар теккан жойларда пайдо бўладиган ўзгаришларга айтилади (Масалан, кучли ишқор ва кислоталар теккан жойлар териси қўпроқ куяди).

3. Касалликнинг биологик омиллари (тирик қўзға-түвчилар). Касалликларнинг тирик қўзгатувчиларини уч гурухга: хайвон паразитлари, ўсимлик паразитлари ва вирусларга бўлиш мумкин.

Хайвон паразитларига гижжалар, оддий (бир ҳужайрали) организмлар (безгак плазмодийси, дизентерия амёбаси ва спирохеталар) киради. Турли гижжалар (аскаридалар, эхинококлар, солитерлар) гельминтоз касаллиги келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ўсимлик паразитларига замбуруғлар ва бактериялар киради. Замбуруғ касалликларидан бири бўлган эпидермофития спорт-чиларда ҳам учраб туради. Улар бактериялари микроскоп остида кўринадиган бир ҳужайрали ўсимлик организмларидир. Касал-ликни келтириб чиқарадиган бактериялар одам организмига асосан, ташқи: сув, ҳаво ва овқат орқали тушади.

Вируслар одатдаги микроскоп остида эмас, балки электрон микроскоп ёрдамида (қарийиб 100000 марта катталашиб-гандагина) кўринадиган ниҳоятда майда организмлардир. Улар оламда пайдо бўладиган энг муҳим касалликлар – чечак, қутуриш, қизамиқ, полиомиелит, вирусли грипп ва бошқалардир.

4. Касалликнинг социал омиллари. Социал тузум деб, меҳнат ва турмуш шароитлари, овқатланиш, маданий хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш чора-тадбирлар тушунилади.

5. Касалликнинг келиб чикишида асаб тизимининг аҳамияти. И.П. Павловнинг ўлмас ишлари одамнинг турли аъзо ва тизимларидағи нормал ва патологик жараёнларнинг кечишида марказий нерв тизими нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Рух таъсирининг ролини қуидаги мисолларда кўриш мумкин: креслода ўтирган ва гипноз ҳолатидаги одамга чексиз тезлик билан босқич бўйлаб чиқиб кетибсиз деб ишонтирилса, унинг юрак уриши ва нафас олиши тезлашади, бунда мускул-ларнинг кучли ишлаши натижасида юзага келадиган моддалар алмашинувининг ҳамма ўзгаришлари рўй беради. Фақат руҳий ҳолатни ўзгартириш йўли билан организмнинг турли физиологик тизимларда кўп ўзгаришларни вужудга келтириш мумкин. Кучли ҳаяжонланиш (хурсандчилик, қўрқиши) таъсирида ҳам асаб тизимида ўзгаришлар юзага келганлиги маълум. Масалан, руҳий ҳиссиётлар (ҳаяжонланиш) ички секреция безлари (буйрак усти безлари, қалқонсимон без) фаолиятида анчагина ўзгаришларни келтириб чиқариши аниқланган. Бунга сабаб мазкур без гормон-ларининг қонга ўтишидир.

6. Касалликнинг алиментар омиллари (грекча алиментоз» – «овқат маҳсулотлари» демакдир). Инсон ҳаёти энергия ва тўқималарнинг узлуксиз сарфланиб туриши билан боғлиқ. Агар бу сарфлар озиқ-овқат билан тўлдириб турилмаса, ҳаёт жараёни тўхтаб қолади. Шундай қилиб, озиқ-овқатнинг асосий вазифаси энергия етказиб бериш, тўқима ва хужайраларнинг янгидан ҳосил бўлиши учун зарур бўлган пластик материал ҳосил қилиш, шунингдек, айрим органик жараёнларни бошқариб туришдан иборат.

Тўғри овқатланиш организмнинг тўғри ўсиши ва ривож-ланишини таъминлайди, организмнинг ташқи муҳитининг заарли таъсиротларига қаршилик кўрсатиш имкониятларини яхшилайди, иш қобилиятининг ошиши ва инсон умри узайишига олиб келади.

Соғлом одамнинг тўғри овқатланиши деган тушунча ўрнига рационал овқатланиш деган атама ишлатилса, илмий жиҳатдан асосланган, овқатга бўлган эҳтиёжни сифат ва ҳажм жиҳатидан таъминлай оладиган овқатланиш тушунилади.

Норационал овқатланиш кўпгина касалликларининг ривож-ланишига сабаб бўлиши мумкин. Кўп овқат еб юриш ҳам овқатланиш каби заарлидир. Унинг биринчи асорати одамнинг семириб кетишидир.

Шунингдек, моддалар алмашинуви касалликлари (атеро-склероз, қанд касаллиги ва бошқалар) ривожланиши мумкин. Овқатда витаминлар

бўлмаслиги ва етишмаслиги гиповитаминоз ёки авитаминоз деб номланувчи жиддий касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

7. Ҳаракатнинг чекланиши – гиподинамия (типокинезия, 4 қ. Илмий техника тараққиёти ривожланган ҳозирги кунда корхоналарда меҳнат жараёнларининг автоматлаштирилиши ва механизациялаштирилиши кишиларнинг ҳаракатчанлигини камай-тириб, организмнинг талайгина функцияларига салбий таъсир қўрсатади ҳамда айrim касалликларнинг пайдо бўлишида ва кечишида патогенетик омил сифатида хизмат қиласди. Кам ҳаракатлик ҳолатлари юрак касалликлари пайдо бўлишида асосий омил хисобланади.

8. Ҳаракатнинг ҳаддан ташқари ортиши — гипердинамия (гиперкинезия). Ҳозирги замон спортининг ривожланишида тренировка юкламасининг кўлами ва жадаллиги ортиб бормоқда.

Гипердинамия – жисмоний машғулотларнинг спортчи организми функционал имкониятларига мос келмаслигидир. Бунинг натижасида спортчининг аъзо ва тизимларида ўткир ва сурункали жисмоний зўриқиши ҳолатлари ривожланади. Масалан, юрак, суяклар, бўғим ва мускулларнинг зўриқиши туфайли ҳар хил касалликлар пайдо бўлиши мумкин. бундан ташқари, жисмоний зўриқиши организмнинг умумий қаршилик қўрсатиш қобилиятини сусайтириб, юқумли касалликлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Инфекцион касаллик билан оғриган вақтда жисмоний зўриқишининг салбий таъсири янада ортади. Бундай ҳолларда патологик ўзгаришлар юзага келади, касалликнинг кечиши оғирлашади.

9. Касалликнинг ички сабаблари.

Бир хил таъсирот турлари организмга турлича таъсир қиласди. Бутунлай таъсирланмаслик ёки оғир кечадиган кучли реакция рўй бериши натижасида ўлим юзага келиши мумкин. микроорганизмлар битта одам учун хавфли бўлса, бошқа одам учун мутлақо заарсиз бўлиши мумкин. Бу хоссаларга орга-низмнинг наслдан-наслга ўтадиган ва ҳаёт давомида ортирилган хусусиятлари сабаб бўлади.

Гавда тузилиши, ирсият, туғма касалликлар, реактивлик, иммунитет ва аллергиялар касалликнинг ички омилларига (эндогенларга) киради.

Организмнинг турли таъсирларга нисбатан реакциясини белгилайдиган барча функционал ва морфологик хусусиятлари тўплами конституция (гавда тузилиши) деб аталади.

Одамларни соғ анатомик (морфологик) белгилари бўйича (гавда тузилиши ва организмнинг у ёки бу қисмларининг ривожланиши бўйича) конституционал турларга бўлишга уриниб кўрилган. Бу анатомик фарқи одамнинг турли касалликларга мойиллиги, реакциянинг турли шакллари

билин боғланган. Одамнинг қандай конституцион турга мансублигини аниқлаш учун антропометрик ўлчов усулидан фойдаланилади: одамнинг конституцион классификацияси учун турли кўрсаткичлар (бўй, кўкрак қафасининг кенглиги, қориннинг ҳажми, мускулларнинг ривожланганлиги, бош суюгининг катталиги ва шу кўрсаткич-ларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари) мавжуд.

М.В. Черноруцкий одам конституциясини уч турга: астеник, нормостеник ва гиперстеник турларга бўлади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос моддалар алмашинуви хоссалари билан таърифланади.

Астеник тур (астениклар) кўндаланг ўлчовларга нисбатан узунасига йўналган ўлчовларнинг устунлиги билан таърифланади. Астеникларнинг оёқлари ингичка ва узун, кўкрак қафаси ингичка, мускуллари яхши ривожланмаган, териси юмшоқ ва нозик бўлади.

Гиперстеник тур (гиперстениклар)да узунасига кетган ўлчовларга нисбатан кўндаланг ўлчовлар устун бўлади. Гиперстеникларнинг бўйи баланд бўлмасада, семизроқ, кучли одамлар-дир. Уларнинг кўкрак қафаси кенг, оёқ-кўллари калтароқ бўлади.

Нормостеник тур (нормостениклар) – икки тур тоифасидаги ҳолатdir. Шуни айтиш керакки, одамларнинг кўпчилигига барча турларнинг хусусиятлари аралашган бўлади. Бундан ташқари, тузилиш тури бутун ҳаёт давомида ўзгариб турари ва турмушга, айниқса, меҳнат хусусиятлари ва бошқа омилларга қараб ўзгариши мумкин.

Одамнинг конституцияси касалликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида мухим ўрин тутади. Аммо ҳеч қайси консти-туцион тур касалликнинг бевосита сабабчиси бўлмайди. Одамнинг конституциясига қараб ҳам одамларда касаллик структураси тафовут қўлланади. Масалан, астеникларда кўпроқ ўпка ва овқат ҳазм қилиш тизимининг турли касалликлари, гиперстеникларда юрак ва қон-томир тизими, моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар (қанд касаллиги) ва хоказолар учраши мумкин.

Атроф-мухитнинг таъсири натижасида унинг конституция ўринини белгилашда И.П. Павловнинг олий нерв фаолияти турлари хақидаги таълимоти катта аҳамиятга эга.

Олий нерв фаолиятининг турлари. Нерв фаолиятни турларга бўлиш (классификацияси)нинг асосий кўрсаткичлари қуйидаги-лардан иборат:

- а) постлокдаги нерв ҳужайраларининг иш қобилиятини белгилайдиган нерв жараёнларининг кучи;
- б) қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг мувозанати (куч бўйича);

в) нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги – пўстлоқдаги нерв ҳужайраларининг қўзғалиш ҳолатидан тормозланиш ва аксинча, тинч ҳолатга ўтиш тезлиги кўрсаткичи.

Нерв жараёнлари кучига қараб, асосан икки – кучли ва кучсиз турга бўлинади. Кучли тур вакиллари белгисига кўра, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари баравар кучга эга бўлган, яъни мувозанатлашган ҳамда қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан устун келадиган, яъни мувозанатлашмаган турларга бўлинади. Мувозанатлашган тур вакиллари учинчи белгисига кўра, ҳаракатчан турга (бунда бир жараён иккинчиси билан осон алмашинади) тез ўтади, инерт (кам ҳаракат) турга бўлинади. Бунда бир жараён бошқаси билан секин алмашади.

И.П. Павлов нерв тизимини тўртта турга ажратган:

1. Кучли мувозанатлашмаган тур. Бунда нерв жараёнлари етарли мувозанатлашмаган, қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнига қараганда кучлироқ бўлади.

2. Ҳаракатчан тур. Бунда нерв жараёнлари етарлича кучли, яхши мувозанатлашган ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради.

3. Кучли кам ҳаракат тур. Бунда нерв жараёнлари кучли ва яхши мувозанатлашган бўлиб, бу жараён ўртacha ёки кам ҳаракат бўлиши, бирмунча тўхтатилиши мумкин.

4. Кучсиз тур. Бунда пўстлоқ элементлари иш қобилияти-нинг сустлиги билан фарқ қиласи, Шу сабабли кучли таъсиротчи-лар қўзғалиш ўрнига тормозланиш (кимёвий тормозланиш) жараёнини келтириб чиқаради. Юқорида айтиб ўтилган асосий турлардан ташқари бир неча оралиқ турлар ҳам учрайди.

И.П. Павлов таълимоти олий нерв фаолиятини илмий тарзда анализ қилишга имкон беради, бу тиббиётда ҳам, спорт педагогикаси амалиётида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нерв фаолияти анчагина издан чиқсан шахслар кучли мувозанатлашмаган ва кучсиз турларга мансубdir. Энг чидамли шахслар нерв тизими кучли мувозанатлашган турга киради.

Тиббий кўрик ва жисмоний тайёргарлик маълумотларига асосланиб, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар қуйидаги тиббий гурухларга ажратилади: асосий, тайёрлов ва маҳсус.

4. Асосий гурух – жисмоний тайёргарлиги етарли бўлган, соғлом ёки саломатлигига деярли ўзгаришлар бўлмаган шахслар асосий медицина гурухларига киради. Бу гуруҳдагилар жисмоний тарбиянинг тўла программасини бажарадилар, спорт билан шуғулланишлари ва мусобақаларда қатнашишлари мумкин.

5. Тайёрлов гурух – соғлигига бир оз ўзгариш бўлган ва жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлиги орқада қолаётган шуғулланувчилар

киради. Уларга спорт билан шуғулланиш ман этилади. Улар учун жисмоний тарбия нормативларини топшириши муддати узайтирилади, ўкув машғулотлари сони ҳам чекланади.

6. Махсус гурух – саломатлигига анчагина ўзгаришлар бўлган шахслар киради. Уларга жисмоний тарбия таълим вазирлигини махсус ўкув дастурига биноан бажарадилар. Улар нормативларни топширишидан озод қилинади.

Замонавий маълумотларга қўра, одам организмининг ташқи муҳитга мослашишида **саломатлик ҳолати**, асосан, тўрт даражага бўлинади:

1.Қониқарли мослашиш ҳолати— бу соғлом одамнинг ўргангандан кундалик ҳаёт фаолиятидир. Бу маълум даражада нормал ҳаётни ифодалайди. Бунда гомеостаз организмни бошқарувчи (нерв, эндокрин, иммун) тизимлар жуда ҳам куч сарф этиши натижасида сақланади.

Гомеостаз- организм ички муҳити доимиyllигини сақловчи ва тикланишни таъминловчи мувозанатлашган реакциялар мажмуасидир.

2.Мосланиш механизmlарининг танглик ҳолати саломатлик ва касаллик ўртасидаги чегара ҳисобланади, бошқача айтганда, бу касалликнинг бошланишидир. Гомеостаз организмни бошқарувчи тизимларнинг кўзга кўйринарли зўриқиши танглик ҳисобига сақланади. Бу ишлаб чиқариш корхоналари ходимларининг 40 фоизида учрайди.

3. Қониқарсиз мослашиш ҳолати саломатлик ва касаллик ўртасидаги тугаб бораётган чегара ҳисобланади. Физиологик тизимларнинг функционал даражаси пасаяди, булар ўртасида келишмовчилик юзага келади, чарчаш ва ўта чарчаш кузатилади. Гомеостаз организмни бошқарувчи тизимлар ўта зўриқиши ёки қўшимча тиклаш механизмларини киритиш ҳисобига сақланади.

4.Мослашишнинг тугаш ҳолати. Бунда организмнинг имкониятлари кескин пасаяди, гомеостаз тугайди, мослашиш механизmlарининг бузилиши касаллик олди ва касаллик ҳолатида намоён бўлади.

Акселирация- болаларнинг олдинги авлодларга нисбатан ўсиши ва ривожланиши, тана ўлчовларининг катталashiши, балоғатга етиш даврларининг вақтидан олдин келиши.

Гормоник акселирация - боалларнинг ҳамма морфофункционал кўрсаткичлари бўйича ўз тенгдошларидан 1-2 йилга ўзиб кетиши.

Ногормоник акселирация – ўз тенгдошларидан бир ёки бир неча морфофункционал кўрсаткичлари бўйича ўзиб кетиши.

Ретардация- болаларнинг олдинги авлодларга нисбатан ўсишдан ва ривожланишдан қолиб кетиши, балоғатга етиш даврларининг вақтидан кейин келиши.

Кейинги ўн йилликлар давомида кўп мамлакатларда касалликлар ва ўлимнинг структураси ўзгарди. Юқумли касалликлар кейинги ўринга

үтиб, асосий ўринни саратон, юрак ишемияси, қон босими ошиши, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси, рухий хасталиклар, қанд касаллиги ва бошқа юқумли бўлмаган касалликлар эгаллади. Юқумли бўлмаган ички касалликларнинг келиб чиқишида ташқи муҳитнинг айрим омиллари юзага келтирган ҳаддан ташқари шиддатли ва узоқ даволовчим этувчи стресс — таъсирланишлар муҳим, гоҳида эса ҳал қилувчи аҳмиятга эга бўлмоқда. Демак, стресс шикастларига қарши курашиш қоидаларини олдиндан ўрганиш, соғ тана бар дошини ошириш ва асосий юқумли бўлмаган касалликлар олдини олиш ҳозирги замон тиббиёти олдида турган муҳим масаладир.

Маълумки, кўпгина инсонлар ва ҳайвонлар оғир стресс ҳолатига тушганда ҳалок бўлиб кетавермайди, балки бу вазиятга нисбатан ўзида бардош топади. Демак, инсон организми стресс таъсирларга нисбатан, оғир стресс ҳхолатларда тирик қолиш учун баркамол кўникма вужудга келтирувчи механизмга эга бўлиши керак.

Стресс (инг. stress) босим, кучланиш, танглик, ҳаддан ташқари зўриқиши натижасида организмда пайдо бўладиган умумий танглик ҳолатидир. «Стресс» атамаси биринчи марта 1936 йилда Канада олим Г. Селье томонидан фанга киритилган. У организмга кучли қўзғатувчилар таъсир этганда юзага келади. Стресс бош миянинг пастки юзасида жойлашган ички секреция бези — гипофиз фаолияти кучайиши натижасида ва бунда унинг адренокортикотроп гормони, яъни буйрак усти бези фаолиятини яхшиловчи гормон ишланиб чиқиши рўй беради. Натижада буйрак усти безлари қонга кўплаб турли гормонлар, жумладан, катехоламин ва кортикоидлар ажратиб чиқара бошлайди. Кортикоидлар ўз навбатида мосланиш механизмини стимуллайди ва ана шунинг эвазига организм янги шароитларга мослашади (адаптацияланади). Умумий адаптацион синдром мослашув реакцияси бўлиб, таъсиротнинг баъзи шароитларида (Масалан, қайта ёки жуда кучли таъсиротлар натижасида) касаллик келиб чиқишига асос бўлиши мумкин. Чунки гормонлар баъзида керагидан ортиқ микдорда ишланиб чиқканда, ортиқча гормон организмга зарарли таъсир кўрсатади.

Адаптацион синдром юзага келишида гипофиз ва буйрак усти безлари гормонларидан ташқари, нерв тизими ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Ҳаддан ташқари қўзғатувчи таъсир даставвал симпатик нерв тизимини ва олий нерв марказларини қўзғатади, сўнгра улардан қўзғалиш гипофизга ҳамда буйрак усти безларига ўтиши аниқланган. Стрессда бошқа эндокрин безлар ҳам қўзғалиши мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланганда врач назоратининг умумийлиги шундан иборатки, врач назоратида қўлланиладиган, ҳамма текшириш (назоратлари) методлари шуғулланувчиларда ҳам қўлланилади ва жисмоний тарбия ва спорт билан шугалланувчилар тиббий хакамлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг махаллий органларига бўйсинади. Бошқа аҳоли мутахассисликлари каби жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларни ҳам йилда 2 марта тиббий кўриқдан ўтказилади ва уларни соғлиқ ҳолатларини баҳолайди. Касал бўлса тегишли даволаш чоралари кўрилади. Спортчиларни врач назоратидан ўтказишида айрим ўзига хос айримликлар ҳам қўлланилади. Жумладан, спортчилар ҳар бир мусобақада қатнашишларидан олдин ва кейин врачларни доимий назоратида бўлади. Буни асосан жисмоний тарбия ва врач диспансерларидан мутахассисликлар амалга оширади. Бундан ташқари аҳолини назоратдан ўтказилганда, уларни тинч ҳолатда назоратдан ўтказилса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларда эса бу жараёнга маълум бир оғирликларда ва текшириш органлар фаолиятини хисобга олган ҳолда текшириш методлари ҳам кўрилади.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг касалланиши спорт машғулотларига боғлиқ боғламаган касалланиш ва спорт машғулотларига боғлиқ бўлган касалланишга бўлинади. Боғлиқ бўлмаган касалланишда ва асосан ташқи муҳит омиллари катта аҳамиятга эгадир. Бунга овқатиш, эпидемия ва бошқалар киради. Спорт машғулотларига боғлиқ бўлган касалликларга эса спорт тренеровкасини турли ташқил этилганда, тренеровкани нотўғри ташқил этилганда содир бўладиган касалликларга бўлинади. Тренеровкани тўғри ташқил этилганда тренер томонидан спортчини врач рухсат этмаганда ўйинга қўйиб юбориш ёки спорт врачи томонидан спорчини соғлиги ёмон бўлган ҳолда машғулотга қўйиб юришлар киради. Бунда спорт врачи онгли ва онгсиз равишда иш тутиши мумкин. Врач бу касалликни тўғри баҳолай олмаганлиги ёки мутахассис жумладан, хозирги замон текшириш методларини этишмаслиги натижасида баҳолай олмаганлиги, сурункали касаллик ёки спортчини индивидуал хусусиятини туғри баҳолай олмасликлари натижасида вужудга келиши мумкин.

Тренировка методикасини нотўғри ташқил этиш эса тренеровкани ошириб юбориш, спортчини режимини нотўғри ташқил этиш (овқатланиш, кун тартиби, тренеровкани ўқув протсесси билан олиб бориш) тренеровкада индивидуал ёндалиш ёъқлигидан олиш ва ишни нотўғри ташқил этиш, орадаги узулишлардан сўнг аста секинликни тренеровкада йўқлиги, материал техник ва санитария гигиеник тўғри баҳоламасликдан иборат.

Бизга маълумки спорт билан шуғулланувчиларда, шуғулланмайдиганларга нисбатан касалланиш усуллари кам учрайди. Бу илмий текшириш ишларининг натижасида жумладан, Н.Д. Граевский берган маълумотларга кўра 1000 та актив спортчи талабалардан 137 тасида сурункали касалликлар аниқланган. Спорт билан шуғулланмайдиганларда эса бу 193 ни ташқил этган.

Таянч харакат органларини сурункали касалликлари спортчиларнинг умумий касалланишини 35,1% ни, жароҳатлар 31,7% ни, хирургик касалликлар 1,3% ни ва 31,9 % бошқа касалликлар киради. Бошқа касалликлар ичida томоқ, бурун ва қулоқ касалликлари кўп учрайди. Таянч харакат органларининг сурункали касалланиши сузувчиларда кам, аммо тезлик ва куч талаб қилувчи якка-якка курашчиларда кўп учрайди. Париферик нерв системаси касалликлар сакровчи, ўтувчи, баръерист, штангист, курашчи ва футболчиларда кўп учрайди. Томоқ, бурун, қулоқ касалликлари отувчиларда (71,5%), сув спорти турларида (40-45 %) ва қиши спорт турларида (40%) ни ташқил этади. Сурункали холетсистит (ўтпуфагини шамоллаши) гимнасткачиларда 0,4 – 0,6 % ташқил этса, бу коńьки-чангѓи ва югуриш спортчиларида 8,5% ни ташқил этади. Қон босимини ошиши штангистларда кўпроқ учраса, гимнастикачиларда унинг камайиб кетиши кўпроқ учрайди.

Демак, спортчиларни касалланишини чуқур тахлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, улар спорт билан шуғулланмайдиганларга нисбатан кам касалланадилар. Бунинг асосий сабаби, уларнинг ташқи омилларига нисбатан чиниқканликлари ва спортчиларни танлашни яхши йўлга қўйилганлигидadir. Спорчилар организмида касалликларни энгиб ўтишини ҳисобга олиб, уларни мусобақа ва тренеровка пайтидаги ҳолатларини ҳисобга олмасдан актив фаолият кўрсатишлари хар-хил салбий кўринишларни вужудга келтириши ва спортчиларни организмида чуқур ўзгаришларни вужудга келтириши мумкин.

Жароҳат бу ташқи муҳит таъсири натижасида тўқималар бутунлигини бузилишидан иборатдир. Жароҳатни куйидаги турлари учрайди: ишлаб чикириш, турмуш, транспорт, харбий, спорт ва бошқалар.

Спорт жароҳати жисмоний омил натижасида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларда анатомик тузулишини ва органларни физиологик ҳолатини ўзгариши тушунилади. Бу бошқа харакат турлари ичida энг кам 2 % ҳолатда учрайди.

Жароҳатлар ташқи қобиқни ҳаракатланишига қараб очиқ ва ёпиқ катталигига ёки хажмига қараб макро ва микро жароҳатларга бўлинади.

Ҳамда оғирлиги ва организмига таъсир этишига қараб әнгил, ўртача оғир жароҳатларга бўлинади.

Очиқ жароҳат натижасида тери қатлами бузилади ва унга касаллик тарқатувчи микроблар кириши мумкин. Ёпиқ жароҳатда эса тери бузилмайди.

Макро жароҳатда кўз ёрдамида тўқималарни катта қисмини бузилишини кўриш мумкин. Микрожароҳатда буни сезмаслик ҳам мумкин. Жароҳатни асосий белгиси оғриқдир. Микрожароҳатда бу кучли кучланиш ёки тез такрорланувчи харакатлар натижасида келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун одам буни сезмай қолиши мумкин. Бу аста – секин тўпланиб макро жароҳатга айланиши мумкин. Энгил жароҳат органларда аҳамиятли ўзгаришни вужудга келтирмайди, организм иш қобилиятини бунда йўқотмайди. Ўртача оғирликдаги жароҳатда эса кескин кўринишли бўлмаган организмдаги ўзгаришдан иборат бўлиб, бунда умумий ва спорт иш қобилияти 1-2 хафта давомида пасаяди. Оғир харакатда кишини соғиги кўринарли ҳолатда оўгаради ва унинг касалхона ва статсионарда узоқ пайт даволашга тўғри келади. Энгил жароҳатлар умумий жароҳатларни 90 % ни, ўртача оғирликдаги жароҳатлар 9 % ни, ва оғир жароҳатлар эса 1% ни ташқил этади.

Спортда жароҳатларни келтириб чиқарадиган ташқи ва ички омиллар мавжуддир.

Жароҳат сабабларини шартли равища қўйидагиларга бўлиш мумкин:
1). ўқув тренеровка машғулотларини нотўғри ташқил этиш; 2). тренировка методикасини нотўғри ташқил этиш; 3). машғулотни олиб боргандা хавфсизлик техникасига ва гигиенага амал қиласлик; 4). куч ишлатувчи усулларни қўллаш; 5). тарбиявий ишларда нуқсоннинг мавжудлиги; 6). врач назорати қоидаларини бузилиши; 7). метрологик омиллар натижасида содир бўлади.

Спорт жароҳатига хос бўлган асосий ёпиқ шикастланиш бўлиб. бунда лат эйиш, узилиш, йиртилиш, чўзилиш каби мускул ва боғламлар жароҳатлари кўп учрайди. Очиқ жароҳатлар эса жуда кам учрайди. Бу асосан шикасланиш ва шилинишдан иборатдир. Агарда тренер ёки ўқитувчи машғулотда қатнаша олмаса, спортдаги жароҳатланиш 4 баробар кўп учрайди.

Спорт турлари ичida ҳар 1000 шуғулланувчига нисбатан жароҳатни учраши қўйидагиларни ташқил этади. Боксда 158,1, курашда 103, от спортида 101,1, қиличбозликда 64,2, элканли қайиқда 50, теннис 48,3, мотоспортда 41,4, гимнастикада 29, оғир атлетикада 29,1, эшкак эшишда

18,3 , самбода 17, сузишда 13,2 , баскетболда 8,1 , волейболда 5,5 , футболда 5, энгил атлетикада 2.

Лат эйиш күпроқ боксда,хоккейда,футболда,кураш ва чанғи спортида учрайди. Мускул ва пайлар шикастланиши оғир атлетика ва гимнастикада учрайди. Пай чүзилиш курашчи, оғир атлетикачи, гимнастикачиларда,енгил атлетикачиларда (сакраш ва улоқтирувчиларда) ва спорт ўйинларида, яра шилиниши ва ишқаланишлар күпроқ велоспортчиларда, чанғичиларда, гимнастикачиларда, хоккейчиларда ва эшкак эшувчиларда күпроқ учрайди. Мия чайқалиши күпроқ боксчиларда, велоспортчиларда, мототцикл хайдовчиларда ва сувга сакровчиларда учрайди.

Жароҳатларни мойланишига кўра энг кўп учрайдигани қўл ва оёқ бўғинларида ҳисобланади. 80% кўп гимнастикада қўл бўғимлари шикастланиши, энгил атлетика ва чанғи спортида, оёқ бўғимлари кўпроқ жароҳатланади. Бош ва юз жароҳатлари боксчиларда, қўл панжалари жароҳатланиши баскетболчиларда, тизза бўғими курашчи, гимнаст ва футболчиларда кўп учрайди.

Спортчилар касалланган, жароҳатланган ва ҳаддан ташқари шуғулланганларидан сўнг,шу қобилиятини тикланишини **реабилитация** дейилади. Реабилитатсия қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик касаллик ва жароҳатлар организмга камроқўз таъсирини ўтказади. Реабилитатсия даврида соғломлаштириш машқ ва машғулотларини тўғри ташқил этиш организмни тезроқ тикланишига имконият яратади. Реабилитатсия даврида машқларни касал ва жароҳатни тури характерига боғлиқ ҳолда индивидуал ҳолатда тузилади. Реабилитатсия ва тиклантирувчи система комплекс ҳолатда олиб борилади. Реабилитатсияда машғулотлар соғлик ҳолатидагина 30-40% ни ташқил қиласи. Реабилитатсияни бошланғич даврида индивидуал машғулотлари амалга ошириш мақсадга мувофик. Реабилитатсияда спортчини иш қобилияти тикланишига ишонтириш, қўрқиши йўқотиши зарурдир. Бунда ратсионал кун тартиби, дам олишни тўғри ташқил этиш касаллик тўғрисида ўйламаслик, бунда керак бўлса психологик тинчлантирувчи воситалардан ҳам фойдаланилади (уйқуни меъёрлаштириш, психорегуляция, аудоген тренировка, мускулларни хар-хил бўшаштириш машғулотлари, нафас олиш машқлари ва дори дармон қўлланилади). Булар маҳсус даволаш масканлари ва корхоналарда олиб борилади.

Одам хаёти давомида ўзи ҳоҳламаган ҳолда турли стрессларга дуч келиб туради. Маълумки, организмнинг умумий носпецифик реакцияси стресс реакциядир. Г. Сельенииг (1982) фикрича, организмнинг нормал реакциясини таъминлаш учун албатга етарли даражада стресс бўлиши

шарт. Бу стресслар –эустресс деб аталади. Кўпчилик ҳолларда стресс таъсиrotлар ҳаддан ташқари кучайиши натижасида организмда турли бузилишлар юзага келади, бундай стресслар –дисстресс|| деб аталади.

Ҳозирги замон маълумотларига кўра, организмнинг жисмоний машқларга мослашуви буткул организмнинг таъсиrlанишини кўрсатади. Бу таъсиrlаниш мушаклар фаолиятини таъминлашга ва организмнинг ички муҳитини, унинг гомеостазини ушлаб туриш ёки доимийлигини тиклашга қаратилган.

АПУД (ўз-ўзини бошқариш) таъминловчи ўзига хос гистохимик хусусиятга эга бўлган, барча ички аъзолар, марказий нерв тизими ва иммун тизимларида жойлашган ҳужайралардир. Булар ички безлар каби турли гормонлар ишлаб чиқаради ва моддалар алмашинувини таъминлашда қатнашади.

Мослашув ҳолати молекуляр заррачалардан тортиб, бутун бир организмда ҳосил бўладиган морфологик, физиологик ва биохимик ўзгаришларда ўз аксини топади.

Мослашишинг асосий вазифаси — организмда моддалар алмашинувининг оптимал даражасини ушлаб туришда қатнашувчи механизmlар (нерв, гуморал, гормонал, иммун ва АПУД тизимлар) ни такомиллаштиришdir. Стресс таъсирида касаллик пайдо бўлишига организмнинг дастлабки ҳолати катта аҳамиятга эга. Чунончи, гипертония касаллиги билан оғриган bemорда стресс оғирроқ, яъни гипертоник кризлар билан кечади. Меъда ёки ичакда яллиғланиш касалликлари бўлса, қонайдиган яралар пайдо бўлиши мумкин. Стресс натижасида юрак мускулида ҳалок бўлган кичик-кичик қисмлар вужудга келиши мумкин. Одамда эмоционал стрессор ҳолатлар (Масалан, кучли ташвишланиш ҳолати) алохида ўрин тутади. Тез-тез қайталаниб турадиган эмоционал стрессор ҳолатлар буйрак усти безинииг функционал имкониятларини камайтиради, бу эса организмнинг заарли омиллар таъсирига бўлган мослашув қобилиятини кескин пасайтиради.

Адаптацион синдромнинг юзага келишида гипофиз ва буйрак усти бези гормонларидан ташқари, нерв тизими ҳам маълум роль ўйнайди. Ҳаддан ташқари қўзғатувчи таъсиr даставвал симпатик нерв тизими ва олий нерв марказларини қўзғатади, сўнгра улардан ўзгариш гипофизга ҳамда буйрак усти безига ўтиши аниқланган. Стрессда бошқа эндокрин безлар ҳам қўзғалиши мумкин.

Тирик организм ўз тузилишидаги таркибни сақлашга, уни бузиши мумкин бўлган ташқи таъсиrlарга қаршилик кўрсатишга қодир. Организмнинг ана шу хусусияти, яъни ўз ички муҳитини бир хилда

сақлаб туриши гомеостаз деб аталади. -Жадал‖ босқичда бу аъзолар функциясининг сафарбар бўлишига ёрдам беради.

Бунинг натижасида аъзолараро, тизимлараро, хужайра ва ҳужайралараро муносабатлар яхшиланади. Бу эса турли ҳолат ва турли стресс вазиятларда организмнинг ўзаро мувофиқлашган ҳолда ишлашига олиб келади.

Касалликни олдини олиш чора-тадбирлари ташқи муҳитга мослашиш, биологик механизмларни кучайтиришга қаратилган бўлиши керак.

Саломатликни сақлаш ва мустаҳамлашда рационал тарзда фаол ҳаракат ҳамда стресс ҳолатларнинг олдини олиш сингари тадбирлар билан бир қаторда, жисмоний тарбия, ҳам энг муҳим омиллардан бирига айланиб бормоқда.

Юксак даражадаги ютуқларга эришиладиган спорт (катта спорт) саломатлик учун маълум даражада хавф туғдирадиган (ҳаддан ташқари зўриқишиш ва жароҳатлар) анчагина шиддатли ва кенг ҳажмли жисмоний юкланишлар билан боғлиқ бўлиб, улар тиббий-педагогик назорат ўрнатилиши, ҳамда машқларнинг тўғри ташкил этилишини таъминлашни талаб қиласи.

Мана шу қоидадан келиб чиққан ҳолда соғломлаштириш мақсадида ўтказиладиган жисмоний машқлар ҳамда юқори кўрсаткичларга эришишни ўз олдига мақсад қилган катта спорт машғулотларига кўйиладиган тиббиётга оид талаблар турлича эканлигини назарда тутиш лозим.

Жисмоний машқлар З йўналишда — спорт, соғломлаштириш ва даволаш жисмоний тарбияси қўлланилиши мумкин спорт билан шугулланишдан мақсад — мунтазам равишда маҳоратни ошириш ва спортда юқори кўрсаткичларга эришишdir.

Маълумки, замонавий катта спортда анчагина жадал ва кенг ҳажмли машғулотлар қўлланилади. Масалан, штангачи ҳар қунги машғулоти давомида 60-90 кг юк кўтаради, сузувлilar эса 8-20 км масофагача сузишлари, югурувчilar эса 40 км масофани босиб ўтишлари керак. Айrim ҳолларда эса тренировка машғулотлари хафтада 10-12 марта 1,5-2 соат давомида ўтказилади. Демак катта спорт билан асосан, ўта соғлом кишиларгина шуғулланиши мумкин.

Соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг асосий вазифаси ташқи муҳитнинг турли ноҳуш таъсирларига организм қаршилигини ошириш, касалликларни олдини олишдан иборатdir. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия машғулотлари спорт кўрсаткичларига эришиш

вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қтймайди. Бундай жисмоний тарбия машғулотлари билан нафақат соғлом, балки саломатлигига ўзгаришлари бўлган ва сурункали касалликка дучор бўлган одамлар ҳам шуғулланишлари мумкин.

Даволаш жисмоний тарбияси жисмоний машқлар ёрдамида bemorларни даволаш ва соғлигини қайта тиклаш мақсадида шуғулланилади.

Бутунлай соғлом организм функцияси ҳам маълум шароитларга қараб гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб туриши мумкин.

Ҳар бир аъзонинг ўзига яраша имкониятлари бор. Шунга кўра, соғлом организм унинг айрим аъзо ва тизимларини бошқариш йўли билан ўзgartириши мумкин. айрим аъзо ва тизимларнинг бундай мослашиши саломатликнинг асосий белгисидир.

Бунга юрак ва қон томир тизими яққол мисол бўла олади. Тинч ҳолатда юрак дақиқасига 70-75 марта уради, қисқарганда эса унинг ҳар бир қоринчаси ўрта ҳисобда дақиқасига 3,5 дан 6,5 л гача қонни хайдайди. Мускул ишлаганда юрак қисқариши дақиқасига 180-200 марта гача, юракнинг систолик ҳажми 160-220 мл гача, юракнинг бир дақиқалик ҳажми эса жисмонан чиниккан кишиларда 25-30 л гача, баъзи вақтларда — 40 л гача етади.

Организмнинг ёки унинг айрим аъзо ва тизимларининг мослашиш қобилияти (адаптацияси) бирор сабабга кўра йўқолса ёки сустлашса касаллик пайдо бўлади.

Патологик ҳолат тўғрисида И.П. Павлов: -Бу — организмнинг қандай бўлмасин фавқулодда шароит билан ёки аникроқ қилиб айтганда, ҳар кундаги шароитнинг ортиқча миқдори билан учрашишидир. Сиз механик зарбага, иссиқ ёки совуқ, патоген микроорганизмлар тарафидан бўладиган хужумларга ва шунга ўхшаш шароитларнинг нормадан ошиб кетадиган даражасига дучор бўласиз‖, — деган эди.

И.П. Павловнинг фикрича, бунга жавобан организмнинг бир бутун қилиб бирлаштирувчи кучи ҳолдан тойгунга қадар пайдо бўлган бузилишларни маълум бир даражада компенсациялаш қобилиятига эга бўлган физиологик мослашиш механизмлари ишга тушади. Шундай қилиб, касалликнинг ривожланишига организм билан уни ўраган муҳит орасидаги ўзаро муносабатларнинг бузилиши сабаб бўлади.

Одамнинг мослашиш қобилияти уни ўраб турган ўзгарувчан шароит сабабларига мос келганда, одам соғлом ҳисобланади. Бу талаблар одамнинг мослашиш имкониятларидан ошиб кетса, касаллик рўй беради.

Мана шу шароит касалликнинг асосий хусусиятларини ва унинг моҳиятини мукаммал равишда таърифлаб беради. Касаллик ривожланганда организмдаги ҳамма тизимларнинг хусусияти ўзгаради, чунки касаллик пайдо қиласидан агентларга қарши курашга организмнинг ҳимоя кучлари сафарбар қилинади ва шу тариқа касаллик натижасида юзага келган бузилишларни бартараф этиш учун физиологик жараёнлар кучаяди ва ўзгаради.

Юзага келган ўзгаришларни нерв тизими тартибга солиб туриши сабабли улар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Организмда рўй берадиган, катта кичик касаллик ҳолатлари ҳам кўпми-озми умумий ўзгаришларни юзага келтиради. Бу ўзгаришлар ўз навбатида маҳаллий патологик жараёнларнинг кечишига таъсир қиласиди. Шунинг учун касалликни умумий ва маҳаллий турларга бўлиш нотўғри ҳисобланади. Ҳар бир касаллиқда организм умумий заарланади. Бундай ўзгаришлар касалликнинг хусусиятига қараб у ёки бу аъзода жойлашади.

Ирсият ва унинг касаллик пайдо бўлишидаги аҳамияти

Касалликнинг келиб чиқишига ички омиллар билан бир қаторда насл ҳам катта ўрин тутади. Наслий белгилар деб, айрим шахсларда бир наслдан иккинчисига ўтиб борадиган белгиларга айтилади. Барча хайвон ва ўсимликлар дунёсида бўлганидек, одамда ҳам нормал белгилар (юз тузилиши, соч ва кўзларнинг тузи, характеристидаги айрим белгилар ва хоказо)нинг наслдан наслга ўтиши табиий. Нормал белгилар билан бир қаторда касаллик белгилари ҳам наслдан-наслга ўтиши мумкин. *Генетика* фани насл қонунларини ўрганадиган фан бўлиб, улардан биохимиёй генетика жуда тез ривожланди ва қисқа вақт ичида табиатнинг ажойиб сирларини очиб берди. Ҳозиргача олинган маълумотлар ДНК хромосомлардаги генларни сақловчи, ирсиятни ташувчи модда эканлигини тўла-тўқис тасдиқланди. Аввало, микроорганизмларнинг бир тури иккинчи туридан олинган ДНК билан ишланганда, унинг хусусиятлари биринчи тур микро-организмларга ўтиши кузатилган. ДНКнинг генетик роли хақидаги тушунча тўхтовсиз ривожланмоқда. Тажрибалар шуни кўрсатдики, ирсий белгиларнииг бир авлоддан иккинчи авлодга ўтишини белгилайдиган генлар ДНК молекуласининг алохида сегмент-ларидан (чегараланган қисмларидан) иборат экалигини тасдиқлади. Ана шу сегментлар маҳсус ДНКни синтез қилиш орқали ҳужайра цитоплазмасида специфик оқсил вужудга келтириш орқали ДНК молекуласидаги информацияни амалга оширади. Ҳужайра ва организмнинг ўзига хос хусусиятлари маълум вақтда, тегишли ўринда, керакли микдорда специфик оқсилнинг пайдо бўлиши

били белгиланади. Ҳозирги вақтда оқсил молекуласининг ўзига хос механизми ва бу жараённинг хромосомаларда жойлашган ДНК молекулалари томонидан идора этиш йўллари кашф этилиб, ирсий белгиларнинг бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиши ва унинг пайдо бўлиш механизми аниқланди.

Организмнинг ирсий негизи (генотип наслдан ўтган барча хусусиятлар тўплами) нисбатан мустақил бўлган алоҳида элементлар – генлардан таркиб топган мураккаб тизимдир.

Организмнинг айrim белгилари ва хусусиятларини наслдан-наслга ўтказувчилар генлардир). Ҳар бир хромосомада минглаб ген бўлиб, 46 хромосомларда 6 миллионга яқин ген бўлади. Генлар бир-биридан фарқ қиласи ва ҳар бир ген ягона бир жараённи назорат қилиб, турли ҳужайраларнинг физиологияси ва ривожланишига ўзига хос таъсир этади. Насл белгиларини ўтказиш вазифасини дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) бажа-ради. Уилкинс, Уотсон ва Криклар ДНК молекулалари структу-расини аниқлашган. ДНК молекуласи бир-бирини ўраб турган ва полинуклеотид қўш спирал ҳосил қилган занжирдан иборат. ДНК молекуласи таркибига углевод компоненти дезоксирибоза, фосфор кислотаси ва тўртта азот аденин, гуанин, цитозин ва тимин сақлаган асослар киради.

Ген нуклеотидларнинг узун занжиридан иборат бўлган ДНК молекуласининг маълум бир қисмидир. Геннинг ўзига хос хусусияти ДНК молекуласидаги азот сақлаган асосларнинг кетма-кетлигига боғлиқлигидир. Бир жуфт азот асосининг жойи ўзгарганда, ген ўз вазифасини бутунлай бажармай қўяди ва турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ирсий касалликлар хромосомалар ёки хромосомалардаги кичик бир соҳа ўзгариши касалланиш натижасида намоён бўлади ва барча соматик (тана) ҳамда уруғ ва тухум ҳужайраларда маълум касаллик белгисини келтириб чиқаради. Бу авлоддан-авлодга ирсият қонуни асосида ўтади.

Бироқ табиатнинг одамни хайратда қолдирадиган ажойиб муаммолари борки, баъзи болалар майиб-мажрух, жинсий аъзолари чала ривожланган ёки икки жинсли бўлиб туғилади. Шундай нуқсонлардан бири гермафродитизм ҳисобланади. Бундай одамлар ҳалқ ўртасида хунаса деб юритилади, чунки уларда ҳам эркаклик, ҳам аёллик жинсий белгилари бўлади.

*Гермафродитизм түгма касаллик ҳисобланади.*Она қорнидаги эмбрион ривожланганлигининг издан чиқиши, мейоз бўлинишининг бузилиши ва ҳар иккала жинсий хромосомаларнинг бир хилда тараққий

етиши туфайли она қорнидаги болада ҳар иккала жинсга хос жинсий аъзолар шакллана бошлайди. Сохта гермафродитизм, одатда, икки турда учрайди: эркаклар гермафродитизми ва аёллар гермафродитизми. Эркаклар гермафродитизмиде ички жинсий аъзолар фақат эркак жинсига хос бўлиб, ташқи жинсий аъзолар қисман эркак, қисман аёлларникоға ўхшаб кетади. Аёллар гермафродитизмиде эса ички жинсий аъзолар аёллар жинсига хос бўлиб, ташқи жинсий аъзолар қисман аёллар жинсига, қисман эркаклар жинсига ўхшаш бўлади. Бундай одамлар жинсий алоқа қилиш, ота бўлиш ва туғиши қобилиятига эга бўлмайдилар.

Эркакларга хос (сохта) гермафродитлар эркакларга хос ҳийла бўйдор, оёқ-қўллари узун, овози эркакларга хос йўғон, бақувват бўладилар. Жинсий белгилари бу ҳилда ўзгарган шахсларни баъзан аёллар спорт турлари мусобақаларида учратиш мумкин. Шу сабабли 1968 йилда Халқаро Олимпия қўмитасининг қарорига биноан аёллар спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда аёлларни жинсий текширувдан (секс назорати) ўтказиш жорий қилинган.

Замонавий жинсий назорат тиббий генетика усуллари ёрдамида амалга оширилади. Одам хромосомаларини ўрганиш ўта мураккаб бўлиб, у маҳсус лаборатория текширувлари ёрдамида ўрганилади. Бу усул спорт тиббиётида ҳам қўлланилади. Ҳозирги вактда одамдаги 2000 га яқин нормал ва патологик белгиларнинг наслдан-наслга ўтиш хусусиятлари ўрганилган. Ирсий омилларга боғлиқ бўлган баъзи касалликлар, Масалан, моддалар алмашинуви билан боғлиқ айрим касалликлар, жумладан, қандли диабет (рецессив – яширин касаллик)нинг наслдан-наслга ўтиши генеалогик усулда исботланган. Қандли диабет углеводлар алмашинувининг бузилишидан келиб чиқади ва қонда қанд миқдори ортиб кетишидан билинади. Шунингдек, тутма карлик, оғир руҳий касаллик бўлмиш шизофрениянинг баъзи турлари ҳам ирсий касаллик ҳисобланади. Ирсий йўл билан ўтадиган оғир касаллик ҳисобланган гемофилия одамга хос бўлиб, қоннинг ивимайдиган бўлиб қолиши унинг белгиси ҳисобланади. Гемофилияга фақат эркаклар чалинади.

Хромосома назариясига биноан жинсий ҳужайра ўзагидаги хромосомалар наслий белгиларни ташувчилар ҳисобланади. Ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳар бир тури учун хромосомалар миқдори бир хил бўлади. демак, бир турга мансуб бўлган ҳар қандай организмнинг ҳар қайси ҳужайрасида хромосомалар муайян бир миқдорда бўлади (Масалан, хромосомаларнинг диплоид сони эчкида 60 та, қўйда 45 та, товуқда эса 78 та бўлади).

Одам танасидаги ҳар бир ҳужайрада 46 дона (23 жуфт) хромосома бўлади. Аёл киши ҳужайраларида иккита бир хил жинсий хромосома учрайди. Улар шартли равишда XX (икс) хромосомалар деб юритилади. Эркак ҳужайраларида жинсий хромосомалар икки хил бўлиб, улар X (икс) ва Y (игрэқ) хромосомалар деб юритилади. Уруғланиш жараёнида ота билан она жинсий ҳужайраларидаги 23 дона хромосома таркибидан биттадан жинсий хромосома ўтади. Ана шу хромосома ҳомила-нинг жинсини белгилайди. Уруғ ҳужайра орқали У хромосома, тухум ҳужайра орқали X хромосома қўшилса – ҳомила ўғил; уруғ ва тухум ҳужайралар орқали бир хил X-X хромосома қўшилса – ҳомила қиз бўлади. Демак, боланинг ўғил ёки қиз бўлиши ота организмидаги У ёки X жинсий хромосомаларга боғлиқ бўлади. Бинобарин, ҳомиланинг ўғил ёки қиз бўлиши фақат отага боғлиқ.. Жинсий хроматинни аниқлаш усули осон бўлиб, уни шифокорнинг ўзи лабораторияда ўтказиши мумкин. Одатда, эркак ҳужайраларда жинсий хроматин бўлмайди, у аёл ҳужайраларида бўлади.

Дарс юзасидан саволлар:

- 1.Касаллик ва унинг босқичлари?
- 2.Саломатлик таърифи?
- 3.Стресс ва унинг келиб чиқиш сабаблари?
- 4.Реактивлик нима?
- 5.Ирсият ва ирсий касалликлар?

5-МАВЗУ: Спортчиларда шифокор (тиббий) педагогик назорат ўтказиш мазмуни ва методлари.

Режа:

- 1.Тиббий-педагогик назорат.(ТПН), асосий вазифалари.
- 2.Тиббий-педагогик назоратни ташкил қилиш ташкил қилиш асослари
3. Тиббий-педагогик назорат ўтказишида қўлланиладиган услублар.

Таянч иборалар:тиббий педагогик назорат, усул, услуг, асос

Тиббий педагогик назорат

Тиббий педагогик назорат деб, врач ва тренер биргаликда тренировка, жисмоний тарбия дарсларида ёки мусобақалар пайтида ўтказиладиган

текширишларига тушунилади. Бундай назорат ёрдамида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллағунувчиларнинг организмига жисмоний машқларнинг кўрсатган таъсири баҳоланади, организмнинг функционал жисмоний тайёргарлик даражаси аниқланади ва шу текширишлар асосида ўкув тренировка жараёни такомиллаштирилади.

Спортда тиббий педагогик назорат комплекс назоратнинг асосини ташкил қиласи. Комплекс текширишлар педагогик, психологик ва медицина текширишларини ўз ичига олади. ТПН нинг назарий ва амалий асослари 40-50 йилларда спорт тиббиёти намоёндалари томонидан ишлаб чиқилган. Бундай текширишлар асосида спортчининг функционал ҳолатининг кўрсаткичларини анча аниқ баҳоласа бўлади. ТПН жараёнида спортчининг юкламадан кейин тўлиқ бўлмаган тикланиш белгилари ва ўта чарчашиб ёки ўта зўриқиши ҳолатлари яққол қўринади. Мураббий шу натижалардан хулоса чиқариб ўкув тренировка жараёнини кўриб чиқиб тузатишлар киритади.

Мураббий қайси машқ организмнинг қайси қисмига қандай таъсир кўрсатишини яхши билиши керак. Ҳар машғулот, микроцикл, мезоциклда бажариладиган машқлар ва уларнинг қайтарилиш сони тўғри танланса, тренировка жараёнининг самародорлиги анча ошади. Ҳозирги вақтда юкламанинг орга-низмга кўрсатган таъсирини аниқлаш мақсадида уч хил: қисқа муддат ичидағи, маълум вақтдан сўнг аниқланади ва йиғма тренировка самародорлиги аниқланади. Қисқа муддат ичидағи тренировка эфекти деганда айни машқ бажариш ва энг яқин дам олиш вақтида организмда содир бўладиган ўзгаришлар тушунилади. Маълум вақтдан кейинги тренировка эфекти деганда тикланишнинг сўнги фазаларидағи, яъни тренировкадан кейинги ва эртаси куни организмдаги содир бўладиган ўзгаришлар тушунилади. Йиғма тренировка эфекти қисқа муддатли ва маълум муддатдан кейинги тренировка эфектларини ўз ичига олади ва организмда узоқ вақт давомида содир бўладиган яхши ва ёмон ўзгаришларни аниқлайди, ўкув тренировка жараёнининг керакли даражада шахсийлаштириш учун ТПН врач ва мураббий билан ҳамкорликда бажариладиган ишнинг муҳим формасидир. Лекин врач ҳар доим ҳам ТПН да қатнаша олмаслиги мумкин. Шунинг учун оддий медицина текшириш методларини билиши ва шу билимлар ёрдамида машқлар таъсирини баҳолашда, ҳамда тренировка жараёнининг тўғри ташкил қилиш масалаларини ҳал қилишда фойдаланиши керак.

Оддий методларга пульсни санаш, қон босимини ўлчаш, ўпканинг тириклик сигимини аниқлаш, мускуллар кучини аниқлаш. Бу текшириш усуллари ёрдамида жисмоний машқ бажарувчи ва спортчининг зўриқиши даражаси, чарчоқлик даражаси аниқланади. Визуал кузатувлар ёрдамида

тренер, ўқитувчи ва врач спортчидан тренировкалар вақтида ташқи белгилариға қараб чарчоқлик ва толиқиши дараажалари аниқлади.

-Ташқи кўрик- Врач спортчини сўраб-суриншириб, анамнез йигиб ташқи кўрик пальпация, перкуссия аускультация каби текширишлар ўтказади. Врач спортчи юзининг ранги ва тузилиши, терива шилиқ қаватлар, ранги, мускуллар ривожланиши, тери ости ёғ қаватшиши, трвмаларни текшириб кўради.

- Нафас органлари касаллиларда физкультура машғулотлари катта роль ўйнайди. Даволашдан мақсад ундаги тўқималарни озиқланишини яхшилаш, плевра бўшлиғида тўплаган экссудат суюқлигининг тезроқ сўрилишини тезлаштириш, нафас олишнинг бошқарилишини яхшилашга қаратилган. Бундан ташқари келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларнинг олди олинади, нафас олиш узаяди, нафас мушаклари мустаҳкамлашади, кўкрак қафасининг ҳаракатланиши ошади. Бундан ташқари физкультура машқлари организмнинг кучини ва нафас органларининг сифимини оширади.

- Тиббий педагогик кузатишларни ўтказишида 5 та асосий масалага этибор берилишигни керак.

1. Ўқув тренировка масалаларида машғулотларида тренер ва ўқитувчи ишининг сифатини тиббий нуқтаи назардан баҳолаш

2. Шуғулланаётганларнинг соғломлигини аниқлаш касаллик олди ва касаллик тарафига ўзгаришлар тренировкалар вақтида намаён бўлиши мумкин

3. Спортчининг организмидаги функционал ахволини авниқлаш, алоҳида машғулотларга катта ахамият бериш

4. Ўтказилаётган тренировкаларнинг доимийлигига спортчи малакасини ошириш режасини амалда синав кўриш.

5. Тиббий, педагогик, психологик методларни танлаш ва баҳолаш спортчининг машғулотдан кейинги ахволини яхшилаш ишига катта ахамият бериш (дори дармонлар, физиотерапия, уқалаш, сув муолажалари, хаммол) Тиббий педагогик кузатувлар аниқ ва равшан бўлиши керак.

- Махсус машқ қилинганлиги аниқлаш учун такорий нагрузжалар берилади.

Такорий машқларга организмнинг реакцияси 4 хил намоён бўлади.

1. Ишга яроқлиликнинг чидамли турғун ва юқори кўрсаткичлари билан характерланади.

2. Жисмоний нагрузжалар турғун бўлмаган нагрузжаларни кўрсатади. Тикланиш даври узайтирилади.

3. Спортчининг ишга яроқлилиги ҳар бир такорий жисмоний нагрузздан кейин ўзгариб боради.

4. Ишга яроқлилик сақланган холда юрак-қон томир тизими фаолияти ёмонлашиб боради.

Жисмоний нагрузкаларнинг спортчилар организмга кўрсатадиган таъсир реакциясини аниқлаш учун шунингдек турли хил инструментал тешириш усуллари ўтказилади.

- Аёллар тана тузилишнинг эркакларнидан анча фарқи бор.

10-11 ёшгача оғирлигини хисобга олмаганда қиз болалар ва ўғил болалар бир хил бўлади.

12-16 ёшда эса қиз болалар ўсишда ўғил болалардан ўзиб кетади.

Балоғат ёшга ўғил болаларга қараганда эрта етадилар.

17-18 ўсмирлар қиз болаларни етиб оладилар ва улардан ўтиб кетадилар.

Мускуллар аёллар танасининг 35% ни, эркакларда эса 40-45% ни ташкил қиласди. Тери ости ёғ қаватлари эса аёлларда 28% ни, экакларда 18% ташкил этади.

Аёлларнинг танаси узун, елкалари энсиз, чаноқлари кенг, кўл оёқлари мускуллари калта ва мускуллари кам бўлади. Бу эса югуришни ва баландликка сакрашни чеклаб қўяди. Аёлларнинг асаб тизими тез қўзғалувчан вაэмоционал бўлади, тренер буни билиш зарур. Бу эса машғулотларда унумдорликни пасайтириб юборади, баъзида эса қизлар машғулотларга умуман қатнашмай қўйиши мумкин.

- Спортчиларда ички орган касалликлари, асаб системаси касалликлари кўп учрайди.

Тиббий педагогик кузатувнинг формалари.

1. Машғулот вақтида бевосита текшириш

2. Машғулотгача текшириш ва машғулотдан кейин 10-30 минут ўтказиб текшириш.

3. Машғулотгача, машғулотдан кейин 20-30 минут, 4-6 соат, 24-48 соатдан кейин текшириш.

4. Машғулот куни эрталаб ва кечқурун текшириш.

5. Хафта мобойнида қайта қайта текшириш.

6. Бир кун дам олдириб кейитн текшириш.

- Инфекцион-артритлар туберклёз, бруцеллез ва ревматизм каби касалликлардан кейин келиб чиқади.

Ноинфекцион-артиритлар моддалар алмашинувини бузилиши натижасида келиб чиқадиган дистрофик ўзгаришлардан пайдо бўлади. Инфекцион ва травматик артритларда бўғим ичидаги суюқлик миқдори ошади,

бўғимтоғайларида ўзгаришлар, бўғим халтаси ва боғламларида ўзгаришлар пайдо бўлади.

- Аускультация-стетоскоп ёки фенендаскоп ёрдамида текширилади. Соғлом одамда везикуляр твш эшитилади. Юракни эшитганимизда 2 та тон систолик ва диастолик товуш эшитилади. Врач текшириши вақтида Спортчининг артериал босимини тешириб кўради. Махсус асбоб сфигмоманометр ёрдамида ўлчанади, кўрсатмаларга қараб махсус текшириш усуллари ренген, электрокардиограф, фонокардиограф, спирограф, лабаратория текширувлари (қон, сийдик, ахлат, балғам) ўтказилади.

- Плеврит-плевра пардасининг яллиғланишидир. Касаллик ўпкадаги касалликларнинг туберклёз, рак, ревматизм, ўткир ўпка касалликларининг асоратидир.

Плеврит ўткир бошланади. Тана хаорати кўтарилади, йўтал, кўкрак қафасида оғриқ ва нафас олишнинг қийинлашуви билан бошланади. Даво физкультураси bemornining тана хаорати туширилиб, умумий ахволи яхшилангач бошланади. Машқлар плевра бўшлиғидаги суюқликни йўқотиш ва ўпка плеврасидаги спайкаларни йўқотишга қаратилган. Агар чап ёнбошининг пастки томонига букилиши машқлар нафас чиқарган вақтда амалга оширилади.

- Машғулотгача ва машғулотдан 20-30 минут ўтказиб текшириш. Спортчи кўрсаткичининг организм функционал ҳолатига алоқаси синаб кўрилади. Бу жисмоний зўриқиши қандай ўзгаришларга олиб келишини кўрсатади. бунда зўриқишининг хажми катта кичикилиги аниқланади. Машғулотгача ва машғулотдан кейин 20-30 минут, 4-6 соат, 24-48 соатдан кейин текшириш. Бу билан спортчи нимага қодир эканлиги, қанча дам бериб қандай натижаларга эришиш мумкинлиги соатларда ёки суткада аниқланади. Машғуло куни эрталаб ва кечқурун текшириш. Агар спортчи кунига 2-3 марта машғулот ўтказса, машғулот хажмини аниқлашга ёрдам беради.

- Иштаҳа организм ҳолатининг энг нозик кўрсаткичи. Машғулотлардаги зўриқиши холсизлик етарли даражада ухламаслик ва бошқа факторлар иштаҳада билинади. Жисмоний тарбия машқлари иштаҳани очиб юборади. Иштаҳанинг яхшилиги моддалар алмашинуви процессини оширади. Эрталабки иштаҳа ҳолати энг зарур бўлиб, бунд спортчи турганда 30-45 минутдан кейин овқатланиш хиссини сезади, бу табиий ҳолат хисобланади. Баъзида 2-3 соат ўтгандан кейин ҳамовқат егиси келмайди. Бу белги организмнинг нормал функцияси бузилганида далолат беради. Ўз-ўзини бошқариш кундалигига яхши нормал, пасайган иштаҳаёки умуман йўқлиги

белгиланади. Унда ич келишининг доимийлиги, ахлат шакли, дамлашлар ёки ич кетишлар белгиланади.

Тиббий педагогик назоратнинг асосий вазифалари:

1. Спортчиларнинг организмига жисмоний машқларнинг таъсирини ўрганиш, уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасига берилган машқлар мослигини аниқлаш.
2. Шуғулланувчиларнинг функционал тайёргарлигини баҳолаш мақсадида уларнинг саломатлигини ва функционал ҳолатини аниқлаш.
3. Ўқув тренировка жараёнини режалаштиришни такомил-лаштириш мақсадида спортчи учун қўлланилаётган тренировка воситаларини мақсадга мувофиқлигини баҳолаш.
4. Катта юкламалардан кейинги тиклантириш жараёнини яхшилашга қаратилган педагогик, психологияк, медицина воситаларини ва методларни танлаш ва баҳолаш.
5. Ўқув-тренировка машғулотларининг шароитини ва ташкил қилишни баҳолаш.

ТПН вазифаси иложи борича равшан ва бирор аниқ масалани ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак. Вазифани асосан тренер куйиши керак, аммо врач ҳам куйиши мумкин. Агарда вазифа машғулот шароити ва ташкил қилишни, шуғулланув-чиларни группаларга тўғри бўлиш ва соғлиқни баҳолаш тўғрисида бўлса – уни врач қўйиши керак, агар вазифа спортчининг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш, ўқув тренировка жараёнини такомиллаштириш, тикланиш жараёнини яхшилаш тўғрисида бўлса, уни тренер куйиши керак.

Врач кабинетида бошланган текширишлар ТПН жараёнида давом этилиши керак. Жисмоний машқлар туфайли организмга кўрсатилган салбий таъсиrlар мусобақа ва тренировка жараёнида намоён бўлади. Мусобақа ва машғулот даврида маҳсус тестлар ёрдамида ўтказилган текширишлар организмни функционал ҳолатини аниқлашга ёрдам беради, спортчиларнинг маҳсус тайёргарлик даражасини аниқлайди. Тренировка жараёнини бошқаришни такомиллаштириш учун ТПН маълумотлари катта аҳамиятга эга. Бунга мисол қилиб қўйидагиларни олиш мумкин: тренировкани тўғри ташкил қилиш, машғулотларга ёки микро-циклга воситаларни танлаш ва бўлиб чиқиш, машқларни оптимал қайтарилиш сони ва улар орасидаги дам олиш интервалларни аниқлаш, юклама ҳажмини ҳамда тикланиш даврининг давомий-лигини аниқлаш, маълум этапдаги тренировка натижаларини баҳолаш, қўлланилаётган тикланиш воситаларининг самарадор-лигини баҳолаш ва бошқалар.

Тиббий педагогик назоратнинг ташкил қилиш формалари

Тиббий педагогик назоратда спортчилар тайёрлашнинг тиббий биологик таъминотининг структурасига кирувчи оператив (қисқа муддат ичида), ҳар кунги ва ҳар этапдаги текширишлар ўтказилади.

Оператив текширишларда қисқа муддатдаги тренировка эфекти баҳоланади. Оператив текширишлар жараёнида ТПН нинг қуидаги формалари қўлланилади: а) бутун машғулот давомида, машғулотнинг ҳар бир қисмида ўтказиладиган текширишлар; б) машғулотдан олдин ва машғулот тугагач 20-30 минутдан сўнг ўтказиладиган текширишлар; в) машғулот куни эрталаб ва кечқурун.

Машғулот давомида машғулотнинг ҳар бир қисмидан кейин ўтказиладиган текширишлар машғулотнинг тўғри тузилганлиги тренерни қизиқтирган ҳолдагина ўтказилади. ТПН шундай формада ташкил қилинса, маълум қўрсаткичлар машғулотдан олдин, машғулотнинг ҳар бир қисмидан кейин, бирор машқ бажарилгандан кейин, дам олгандан кейин ва машғулот тугагандан сўнг текширишлар ўтказилади. Шуни айтиш керакки, бутун машғулот давомида ўтказилган ТПН кўп меҳнат талаб қиласди ва қандайдир даражада машғулот жараёнига халақит беради. Шунинг учун ТПНнинг бу формаси жуда ҳам зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Шуғулланувчиларни машғулотгача ва машғулотдан кейинги функционал ҳолат қўрсаткичларини солиштириб қўриб юклама ҳажмини ва спортчининг тайёргарлик даражасини баҳолаш мумкин. Бир кундаги машғулотлардан олинган юкла-манинг организмга таъсирини ўрганиш учун эрталаб ва кечқурун текширишлар ўтказилади.

Ҳар кунги ўтказиладиган текширишларда маълум муддат ўтгандан кейинги, яъни тикланишнинг сўнгги фазаларидаи тренировка эфекти баҳоланади. Бундай текширишларни ташкил қилиш формаси қуидагича бўлиши мумкин:

- а) ҳар куни эрталаб машғулотдан олдин;
- б) бир неча кун давомида эрталаб ва кечқурун;
- в) бир ёки икки микроцикл бошида ва охирида;
- г) машғулотдан сўнг бир кун ўтгач, гоҳида 1-2 кун ўтгач.

Юкламаларни микроциклга режалаштириш, кўп куч сарф қилинадиган машғулотлар кунини аниқлаш, ҳар хил турдаги машғулотлардан кейинги тикланиш даражасини аниқлаш мақса-дида бутун микроцикл давомида ҳар куни текширишлар ўтказилади.

Ҳар бир этапдаги текширишлар ўқув-тренировка жараёнини режалаштириш ва шахсийлаштиришни такомиллаштириш учун катта аҳамиятга эга, чунки бунда маълум этапдаги йиғма тренировка эффекти баҳоланади. Бунда эса шу этапга қўйилган вазифа қай даражада бажарилганлиги аниқланади.

Қилинган ишларни, қўлланиладиган тренировка услубла-рини ва воситаларни бутун этапда юз берган ўзгаришлар билан солиштириб кўриб, кейинги тренировка жараёнини режалаштириш учун керакли хulosалар чиқариш керак. Бу ишларни бажаришда врачнинг вазифаси – организмнинг умумий иш қобилиятини, организмнинг қандайдир аниқ спорт тури учун аҳамиятга эга бўлган системаларнинг функционал ҳолатидаги ўзгаришларини баҳолашдан иборат. Психологик тайёргарлигини баҳолаш керак. Тренернинг вазифаси эса спортчининг функционал тайёргарлик даражасини баҳолашдан иборат.

Ҳар бир этапдаги текширишлар ҳар 2-3 ойда бир марта ўтказилиши керак. Текширишлар бир кун дам олгандан кейин, эрталабки нонуштадан сўнг 1-2 соат ўтгач ўтказилиши керак. Текширишлардан олдин спортчи жисмоний машқ бажармаслиги керак.

Мураббий ва врач, спортчи ўзини-ўзи текшириш қўрсаткичларини анализ қилиш орқали, ўзлари учун муҳим бўлган маълумотларни олишлари мумкин. Бу маълумотлар ҳар кунги текширишлар, ҳар хил синамалар билан биргаликда машғулотлар микроцикли тузилишининг эффективлигини баҳолашга ёрдам беради. Ҳар бир спортчи ўзини-ўзи назорат қилиш кундалигини тутиши керак, мураббий ва врач эса кундаликдаги маълумотлар билан танишиб боришлари керак.

Кундаликда кайфият, уйқу, иштаха, иш қобилияти ҳақида маълумотлар ҳам бўлиши керак. Кундаликда яна 1 минутдаги пульс ва нафас олиш сони, ўпканинг тириклик сифими, вазни, артериал қон босими ва қўл динамометриясининг қўрсаткичлари бўлиши керак. Яна кундаликка қуидагиларни ёзиш мумкин: саломатликнинг ёмонлашиши, иш тартибининг бузилиши ва бошқалар.

Аёллар эса ҳайз кўриш циклининг ўтиши ҳақида харак-теристика ёзишлари керак.

Тиббий-педагогик назорат ўтказишда қўлланиладиган услублар

ТПН да турли тадқиқот усуллар қўлланилиши мумкин. Бир неча системаларнинг функционал ҳолатлари ўзгаришларини аниқлашнинг имкониятини берувчи услублар қўллангандагина ТПН катта аҳамиятга эга бўлади. Бундай ўзгаришларнинг даражаси ва характеристери юкламаларнинг

таъсирини баҳолашда ва тикланиш давомийлигини баҳолашда ишончли мезон бўла олади.

Тренировка жараёнини бошқаришда биохимик тадқиқот усулларининг аҳамияти каттадир. Спортчи ҳолатини комплекс баҳолашда фақатгина биохимик тадқиқот бўйича комплекс врач назоратини ўтказиш катта хатога олиб келади.

Тренировка таъсирида организм ҳолатининг ўзгариши ва тренировка жараёнини нисбатан аниқроқ бошқаришда ТПН комплекс усулига етарли ва тўла баҳо беришга имкон беради.

Савол-жавоб (анамнез) ва ташқи кўрик (соматоскопия) шуғулланувчиларда чарчаш аломатларини кузатиш врач ва тренер учун спортчи организмни ҳолатини, унинг жисмоний машқ бажаришдаги зўриқиши, толиқиши, даражасини аниқлаш ва хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Шуғулланувчидан машғулот олдидан ва машғулот вақтида ўзини ҳис қилиши, толиқиши, шуғулланишга бўлган ҳохиши, баъзи машқларни бажаришдаги қийинлигини сўраш лозим. Шикоятларнинг йўклиги, ўзини яхши сезиши организмнинг юкламаларга яхши мослашишидан доим далолат бермайди. Чунки баъзи бир касалликларда, масалан, юракнинг ўта зўриқишини фақат маҳсус усуллар ёрдамида аниқланади. Агар шуғулланувчида машқ бажариш пайтида ва машғулотдан кейин баъзи шикоятлари бўлса бу юкламаларнинг шуғулланувчи тайёргарлигига мос эмаслиги, саломатлиги ёмонлашганидан далолат беради.

Ташқи кўрик асосида чарчашнинг даражасини аниқлаш мумкин (тери ранги, терлаш даражаси, нафас олиши, ҳаракат турғунлиги, диққати).

Юз терисининг ўзгармаслиги ёки бироз қизариши, озгина терлаши, нафас олишнинг тезланиши, ҳаракат координациядаги ўзгаришларнинг йўклиги, югуриш ва югуришда тетиклиги, шуғулланувчининг унча катта бўлмаган толиқиши даражасида эканлигига гувоҳлик беради.

Ўртача толиқиши даражасида юзнинг қизариши, ўта терлаш, чуқур ва тез нафас олиши, ҳаракат координациясининг ўзгариши (машқ бажаришда ва юришда қадамнинг ўзгариши, ён томонга тебраниши), диққатининг пасайиши билан белгиланади.

Ўта толиқиши даражасида эса юзнинг бирданига қизариши, терлагандада майкада тузнинг пайдо бўлиши, нафас олишнинг тезланиши, баъзан тартибсиз равишда нафас олиши, ҳансира бўлиши, ҳаракат координациясининг анчагина бузилиши (ёнга чайқалиб баъзан йиқилиши, техникасининг бузилиши) диққатини йўклиги билан характерланади.

Терлаш даражасига баҳо беришда юкламанинг шиддати, кун ҳарорати, шамолнинг бор ёки йўклиги ва ичимлик исьемол қилганлигини ҳисобга

олиш керак. Кучли терлаш содир бўлганда шуғулланувчидаги бунинг сабабини аниқлаш лозим.

Тана вазнини ва ундаги ўзгаришларни аниқлаш – оддий, лекин жисмоний юклама таъсирини баҳолашда муҳим усуслардан биридир. Вазни ўлчаш мақсадга мувофиқдир. Юкламадан кейин спортчининг вазни ўртача 300-500 гр, энди шуғулланишни бошлаганларда 700-1000 гр пасайиши керак. Катта тезликдаги ва узоқ муддатли юкламадан (узоқ масофага югуриш, чанғи ва велосипед пойгасидан) кейин 2-6 кг вазн пасайиши керак. Йиллик тренировка циклининг тайергарлик даврида бошқа давларга қараганда вазннинг пасайиши фаоллашади. Юқори спорт формасига эришганда спортчининг вазни нормаллашади.

Жисмоний машқга бўлган организмнинг реакциясини баҳолашда, юрак-қон томир системаси фаолиятини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Машғулот олдидан, разминкадан кейин, машғу-лотнинг асосий қисмида, баъзи машғулотларни бажаргандан кейин, дам олгандан кейин ёки юклама шиддатининг пасайиши даврида пульс ва қон босими ўлчанади.

Юклама шиддати ва характеристига кўра, пульснинг ўзгариши ва тез тикланиши организм функционал ҳолати даражасини аниқлаш имконини беради. Масалан, агар 400 метрга 70 секунд давомида югуришда спортчи пульси 160 урса ва 2 мин дан кейин 120 гача тикланса, шу билан бирга, навбатдаги худди шундай юкламадан кейин 150 урса ва 3 мин дан кейин тикланса, бу ҳол ЮҚТ системасини функционал ҳолатининг ёмонлашишини кўрсатади.

Организмнинг функционал ҳолатининг муҳим кўрсаткичи- бу пульс тикланишининг тезлиги. Яхши мослашган спортчилар-нинг пульси тинч ҳолатда минутига 60-80 та, жисмоний юклама-дан кейин 2 минутдан кейин 180 уришдан 120 уришгacha пасаяди.

Артериал қон босимнинг ўзгаришлари организмни жисмо-ний машқга чидамлилигини аниқлашга имконият беради. АҚБ нинг ўзгаришларини баҳолашда максимал, минимал ва пульс босимларини солиштирилиши катта аҳамиятга эга.

Организмни яхши мослашишида максимал ва минимал АҚБ ларнинг ўзгаришлари пропорционал бўлиши керак, пульс тез бўлса, максимал қон босим ҳам баланд бўлади. Организмнинг чиниқиши қобилияти ёмонлашганида максимал қон босимни ўзгариши камаяди, пульсни тезланиши эса сакланади. Функционал ҳолат ёмонлашишининг энг охирги чегараси – бу гипотоник реакциядир. Бундай реакция ўта чидамлиликни ошириш учун ўтказилган машқлардан сўнг ўта чарчаш ҳолатида бўлиши мумкин.

Тезкор куч сифатли машқларда максимал қон босимнинг ҳаддан ошиши рўй бериши мумкин: гипертоник реакция (220-240 мм.сим./уст.). Жисмоний машққа бўлган минимал қон босимнинг нормал жавоб реакцияси унинг пасайиши билан намоён бўлади. Аммо баъзида минимал қон босим ўзгармайди ёки ошади. Бундай ҳол организмнинг машққа мосланиш қобилияти пасайишининг белгисидир.

Шундай килиб, спортчининг тайёргарлиги бажарилган машқга тўғри келганда пульс тезлашади, максимал қон босим ошади, минимал қон босим пасаяди. Машқдан кейин бўлган пульс босимнинг пасайиши ЮҚТ системасини ўта чарчашини ифода-лайди, юкламадаги ёмон мосланишини кўрсатади.

Электрокардиография. ТПН нинг ҳамма формаларида қўлланилади. ЭКГ кўрсаткичларида синус ритмини сақланиши, бўлмачалар-қоринчалараро ва қоринчалараро ўтказувчанлигини давомийлигининг сақланиши, юкламаларга яхши реакция деб ҳисобланади.

ЭКГда экстрасистолаларнинг пайдо бўлиши, бўлмачалар-қоринчалараро ва ўтказувчанлигининг ўзгариши, R тишининг пасайиши, манфий Т тишининг пайдо бўлиши юкламаларнинг ҳаддан ташқари шиддатлигини кўрсатади.

Ташқи нафас олиш тизими функцияларни текшириш ТПН да катта аҳамиятга эга эмас, чунки нафас олиш резервлари жуда катта ва ҳеч қачон бутунлай ишлатилмайди. Баъзи бир ташқи нафас олиш тизими функцияларининг назорати жисмоний машқларнинг таъсирини ва тикланиш даврларини баҳолашга имконият беради. Нафас олиш частотасини аниқлаш энг оддий ва тарқалган услубdir. Нафас олиш частотаси тинч ҳолатда аниқланади, машқдан олдин, машқ давомида, машқдан кейин. Жисмоний машқдан сўнг нафас олиш частотаси 1 минут давомида 30-60 гача етиши мумкин.

Ўпканинг тириклик сигими (ЎТС) ва ўпканинг максимал вентиляциясини (ЎМВ) машқ давомида, машқдан олдин, машқлар оралиғида ва машқдан кейин аниқланади. Енгил машқлардан кейин бу кўрсаткичлар озгина ошади ёки камаяди (ЎТС 100-200 мл га, ЎМВ 2-4 литрга). Ҳаддан ташқари катта машқлардан кейин ЎТС 300-500 мл га ЎМВ 5-10 литрга камайиши мумкин.

ТПНда нерв мускул системаларини текшириш муҳим роль ўйнайди. Нерв-мускул системаларнинг касалликлари ва травма-ларига нотўғри уюштирилган тренировкалар сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ТПН ўтказганда иложи борича кенг даражада текширишлар ўтказилиши лозим: оёқ, қўллар ҳарака-тининг тезлиги, кучи ва мускулларнинг статик

чидамлилиги, ҳаракатларни муайян бажариши, Ромберг синамасини бажариши, қўл титрашининг бор йўқлигини аниқлаш зарур.

ТПНда ҳаракат реакцияларининг яширин даврини электро-миография ёрдамида мушакларнинг таранг бўлиш латент даврла-рини аниқлаш ва баҳолаш мумкин, чунки бу қўрсаткичларнинг ўзгариши чарчаш даражасини баҳолайди.

Клинико-биохимик методлари ҳозирги замонда ТПН да кенг қўлланилади. Кондаги сут кислотасининг миқдори тренировка-ларнинг йуналишини аниқлашга ёрдам беради. Шунинг учун сут кислотасини аниқлаш машқларни уюштиришда муҳим роль ўйнайди.

Текширишлар ўтказганда тренировкадан 3 минутдан сўнг бармокдан қон олинади. Тренировкадан кейин сут кислотасининг миқдори 4 моль/л дан кам бўлса, юкламалар етарли эмас. Чидамлик сифатини ривожлантирувчи тренировкаларда сут кислотасининг миқдори 5-6 моль/л да бўлиши керак, анаэроб алмашинувни тежашга йулланган тренировкаларда эса 8-11 моль/л.

Кондаги мочевина миқдори организмнинг юкламаларга мосланишини аниқлашга ёрдам беради. Қон мочевинаси оксил моддаларни парчаланиш махсулотидир. Спортчиларда эрталабки мочевинанинг миқдори 3,5-7 моль/л, 7 моль/л дан ошса – бу алмашинув процессларида мувозанат йўқлигининг далолати, 8 моль/л дан ошса – ҳаддан катта юкламанинг оқибати.

Тезлик ва тезкор сифатларини ривожлантирувчи машқлар-нинг эфективлигини аниқлашда қонда анорганик фосфат миқдори аниқланади.

Клинико-биохимик текширишларда 11 оксикортикосте-роидлар, глюкоза ва бошқалар аниқланади.

Тиббий педагогик назорат ўтказишда қўлланиладиган функционал синамалар

Жисмоний машқларнинг спортчи организмига ва тайёр-гарлик даражасига таъсирини ҳар хил функционал синамалар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Қўшимча юкламалар бериш синамалари.

Қўшимча юкламалар беришда ҳар қайси функционал синама (20 марта ўтириб туриш, бир жойда 15 сек давомида максимал темпда югуриш) қўлланиши мумкин. Бу синамалар ўтказишда факат битта талаб бор – юкламалар миқдори тўғри бўлиши керак. Қўшимча жисмоний юкламалар кўпинча трени-ровкалар олдидан бажарилади ва тренировкалардан 10-20 минут ўтгач. Синамага бўлган жавоб реакциялар пульс ва артериал қон босим ўзгариши ва тикланишига асосланиб баҳоланади.

Кўшимча юклама бериш тестига бўлган жавоб реакция-ларнинг учта варианти ажратилади.

Биринчи варианти: тренировкадан олдинги қўшимча юкла-мага бўлган жавоб риакцияси тренировкадан кейин ўтказиласига қўшимча юкламага жавобриакциясидан кам фарқланиши билан характерланади. Фақат пульс ва артериал қон босим тикланиш даврида ўзгариш мумкин. Умуман олганда, бундай жавоб реакцияси спортчининг жисмоний машқлардан кейин функционал ҳолати ўзгармаганлигини ифодалайди.

Кўшимча юкламага жавоб риакциясини иккинчи варианти спортчиларни функционал ҳолатининг ёмонлашишини ифода-лайди. Тренировкадан кейин қўшимча юкламага бўлган пульснинг жавоб реакциясига нисбатан анча ўзгаради, артериал қон босим эса унча ўзгармайди (қайчи феномени). Пульс артериал қон босимнинг тикланиш даври чўзилади. Бундай жавоб риакцияси шуғулланувчининг тайёргарлиги паст бўлса, ҳаддан ташқари катта жисмоний машқдан сўнг ўта чарчаш ҳолида рўй бериши мумкин.

Учинчи вариантда қўшимча юкламага мосланиш яна ҳам ёмонлашади. Чидамлилик сифатини ривожлантирувчи спорт турларига гиптоник ва дистоник жавоб реакциялар рўй беради. Тезкор куч сифатларини ривожлантирувчи спорт турлари эса гипертоник, гиптоник, дистоник риакциялар рўй беради. Тикланиш даврлари анча чўзилади. Бундай жавоб реакция спортчи функционал ҳолатини ёмонлашганлиги ифодалайди. Сабаби – тайёргарлиги етарли даражада эмас. Шиддатли машқ бажаришда рўй берган учта чарчаш ҳолати деб баҳоланади.

Кўшимча юклама бериш функционал синамалардан бири тренд – анализдир.

ТРЕНД – АНАЛИЗ:

Тинч ҳолатдаги, тикланиш даврининг 1- ва 3 - минутлардаги пульслар ҳажмининг учдан бир қисми. Тренировкадан олдинги ва кейинги Трендларнинг айирмаси асосида тренировка даврида олинган машқларнинг таъсиротини аниқлашга имкон беради.

Синамани ўтказиш услуби: Тренировкадан ёки дарсдан олдин текширилувчининг тинч ҳолатда **10 сек давомида** пульси саналади (**f 0**). Бундан кейин **40 см босқичга 1 мин давомида** 30 марта чиқиб тушиш машқи бажарилади. Машқ тугагач, шу захоти тикланиш даврининг биринчи минутасининг бошида **10 сек давомида** (**f 1**) ва тикланиш даврининг **3-минутининг бошидан 10 сек давомида** (**f 3**) пульс саналади. Олинган натижаларни бир-бирига қўшиб ҳажми Зга бўлинади – бу уч пульснинг тренди деб айтилади.

$$T_o = \frac{f_o + f_1 + f_3}{3}$$

Бундан кейин ҳар қундаги тренировка ўтказилади. Тренировкадан 5-10 мин ўтгандан кейин 10 секунд давомида пульс саналади (fo) ва 1 минут давомида яна 30 марта 40 см босқичга чиқиб тушиш машқи бажарилади. Машқ тугагач, шу захоти тикланиш даврининг 1-минути бошидан 10 сек давомида пульс саналади (f 1). Олинган натижаларни бир-бирига қўшиб ҳаж учга бўлинади, бу ҳам 3 пульснинг тренди деб айтилади.

$$T_o = \frac{f_o + f_1 + f_3}{3}$$

Тренировка мобайнида олинган юкламани баҳолаш учун Тренд То дан Тренд T_{fo} ни айриш керак. Олинган айрма тренировка даврида олинган жисмоний машқнинг таъсирини аниқлайди.

НМТ (юклама миқдорининг таъсири) = To – T_{fo}

БАҲОЛАШ:

Айрма 0 – 1,0 бўлса олинган юкламанинг миқдори жуда

1,1 – 2,0 бўлса, олинган юкламанинг миқдори кам

2,1 – 4,0 бўлса, олинган юкламанинг миқдори ўртacha

4,1 – 6,0 бўлса, олинган юкламанинг миқдори ўртacha

6,0 дан кўп бўлса – ҳаддан ташқари катта.

Махсус тайёргарликни баҳолаш учун ТПН да спортчи-ларнинг орган ва системаларни специфик (махсус) иш бажаришга мосланишини аниқловчи тестлар қўлланилади.

Энг кенг тарқалган тестлар – такрорий махсус юкламалар берувчи тестлар. Такрорий юкламалар бериш тестлар жадвалида кўрсатилган. Машқлар бажаришдан олдин тинч ҳолатда, ўтирган ҳолда текширишувчининг пульси, артериал қон босими, нафас олиш частотаси аниқланади.

Разминкадан кейин биринчи машқ бажарилади, машқ тугагач пульс, артериал қон босим ва нафас олиш частотаси яна аниқланади. Ҳар текширувдан сўнг спортчи яна машқларни такрорлайди.

Такрорий машқлар бажариш тестларни спорт натижаларини ва машқларга мосланишини солиштириб врач ва тренер биргаликда шуғулланувчининг тайёргарлик даражасини баҳолайди. Спорт натижалари вақт қўрсаткичлари ва махсус иш бажариш қўрсат-кичларини солиштириш асосида баҳоланади.

Машқларга мосланишини пульс, нафас олиш частотаси, артериал қон босимнинг ўзгаришларига ва тикланиш даврига асосланиб баҳоланади.

Мосланиш яхши даражада бўлса, нормотоник жавоб реакция кузатилади, дам олиш даврида ҳамма кўрсаткичлар тез тикланади, маҳсус кўрсаткичлари галдан-галга мустахкамланади.

Ёмон мосланишда атипик реакция рўй бериши мумкин. Такрорий машқларга 5 вариант жавоб реакциялари кузатилади.

Биринчи вариант: спорт натижалари баланд ва турғун, машқларга мосланиш яхши дам олиш даврларда тез тикланади. Бундай жавоб реакция маҳсус тайёргарлиги баландлигини ифодалайди.

Иккинчи вариант: маҳсус натижалари ва мосланиши ўрта даражада. Бу вариант қониқарли чиниқишини ифодалайди.

Учинчи вариант: маҳсус натижалар дам кўтарилади, дам пасаяди. Юрак қон томир системасининг кўрсаткичлари шу билан бирга ўзгаради. Керакли вақт давомида спортчи организм функцияларини зўр гайрат билан тута олмайди. Бу ҳол жисмоний тайёргарлигининг етарли даражада эмаслигини ифодалайди.

Тўртинчи вариант: галдан-галга маҳсус натижалари ва машқларга мосланиши ёмонлашади. Дам олиш интервалларида тикланмайди. Бундай вариант жисмоний тайёргарлиги паст спортчиларда учрайди.

Бешинчи вариант: натижалари галдан-галга сақланади, мосланиш кўрсаткичлари ёмонлашади. Бундай вариант спорт-чининг етарли даражада чиниқмаганлигини ифодалайди.

Такрорий юкламалар синамалари тренировка процессининг тўғри ўютирилишини баҳолашга ёрдам беради.

Ҳар хил спорт турларида такрорий юкламалар бериш синамалари

Спорт тури	Машқларнинг характери	Такрорлан иш сони	Машқла раро интер- валлар.
Енгил атлетика	60 м югуриш.	4-5	3-4
Қисқа масофага югуриш.			
Ўрта масофага югуриш.	100 м югуриш	4-5	3-5
Узун масофага югуриш.	400 мюгурниш	5-8	6-8
Марофонча	1000-3000	3-4	7-10

югуриш.			
Сакраш	сакрашлар	3 сериялар-нинг ҳар бири-да сакраш	4-5
Ирғишиш	ирғишиш	3 сериялар-нинг ҳар бири-да 3 ирғишиш	6-5
Сузиш:			
Қисқа масофа.	50 м сузиш	3-4	3-5
Узун масофа	200 м сузиш	3-4	3-5
Эшкак эшиш	500 м эшкак эшиш	3-4	3-5
Бокс			
Соя билан жанг ўтказиш	3	2-3	
Кураш			
Тулумни орқага эгириб	3-4	2-3	30 сек давомид а
Гимнастика	Мажрубий эркин машқ	3	3-4
Оғир атлетика	Максимал вазндан 75-80 Ташкил этувчи штангани кўтариш	3-4	3-4
Футбол	Серияли югуриш 5x30 м стартга ёнгил темпда	3	2-3

	қайтиш		
Велоспорт	200 м йўл	4-5	3-5

Спортга танлаш ва саралашнинг тиббий муаммолари

Замонавий спортда бир неча йиллар давомида юқори малакали спортчиларни тайёрлашда қобилиятли болалар ва ўқувчиларни танлаш ва саралаш масалаларига катта аҳамият берилади. Спорт машғулотлари билан шуғуланиш 10-12 ёшдан ёки 5-6 ёшдан бошлиши кераклиги исботланган.

Замонавий спортни ривожлантириш даражаси юксакдирки, мусобақалардаги халқаро даражали натижаларни кам спортчилар кўрсатишлари мумкин. Айрим спортчилар мисли кўрилмаган натижага эришадилар, демак спорт исьедодлик ғояларига катта аҳамият берилиши лозим. Ҳар бир ўспиринга спорт фаолиятининг турини тавсия этиш спортга танлаш вазифасини ўтайди. Спорт турининг талаблари асосида энг яроқли ўспиринларни танлаш – спортга саралаш вазифасини ўтайди. Спортга танлаш ва саралаш педагогик, психологик ва тиббий биологик усуллари комплексли равища қўлланилиши асосида ўтказилади.

Спорт маҳоратини ошириш жараёни - узоқ давомли, бир неча босқичларга бўлинади: дастлабки спорт тайёргарлик (7-10 ёш), спорт тури билан шуғуланишни бошланғич даражаси (10-12 ёш), спорт тури йўналтирилиши (13-15 ёш) спорт маҳоратини эгаллаш (15-17 ёш) спорт малакасини ошириш (18 ва ундан катта ёш).

Замонавий маълумотларга кўра морфологик, физиологик ва психологик кўрсаткичлар наслдан-наслга ўтиши аниқланган. Спортга саралашда куйидаги кўрсаткичлар тавсия этилди.

Морфологик кўрсаткичлар: 1 – бўй, 2 – тана массаси (тана оғирлиги), 3 – кўлларнинг нисбий узунлиги – кўллар узунлигининг индекси, 4 – Оёқларнинг нисбий узунлиги – оёқлар индекси, 5 – Тана оғирлигининг актив массаси (ТАМ).

Физиологик кўрсаткичлар 1) ЎТС, 2) пульс, 3) Купер тести, 4) Новакки тести, 5) PWC₁₇₀ тести, 6) МКЎ, O₂ етишмовчилигига турғунлик. Ҳаракат кўрсаткичлари: 1) Қўлнинг нисбий кучи (Кафт кучи кг x 100); 2) эгилувчанлик; 3) тезкорлик; 4) мувозанатнинг турғунлиги; 5) Тана оғирлиги кг. Турмуш тарзида ҳаракат активлиги етарли баланд бўлганда 33 коэффициенти ишлатилади

**Турли ёшдаги жисмоний тарбия ва спорт билан
шуғулланувчи шахсларда ТПН**

Катталарда ёшига қараб қуйидаги гурухлар ажратилади:

Аёлларда балоғат ёши – 34 гача, ўрта ёшли – 35-54, қарилик 55-74, эркакларда балоғат ёши – 39 гача, ўрта 40-59, қарилик 60-74, мўйсафидлик аёллар ва эркаклар учун 75-89, узок умр қўрганлар – 90 ёш ва ундан катталар. Турли ёшдаги шахсларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишига рухсат этиш – тиббий назоратнинг бош вазифасидир.

Айрим касалликларда жисмоний тарбияни оммавий турлари билан шуғулланиш бутунлай ёки вақтинча ман этилади. Одамнинг ёши қанча катта бўлса организмни ички ва ташқи таассуротларга мослашиш қобилияти камаяди. Қарилик, қарилик касалликларини олдини олишда ва кексаларни мослашиш қобилиятини бир меёрда ушлаш ва оширишда жисмоний тарбия ва оммавий спорт турларининг аҳамияти каттадир.

Тиббий қўриқдан ўтказилишида умуний тиббий текширишлар қаторида жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш асосида ҳаракат режими белгиланади. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларни ЮУС (томир уриш) тартибига катта аҳамият берилади. Катта спорт билан шуғулланувчи спортчиларни максимал юрак уришининг сони 220 ёшини айриш формула бўйича ҳисобланади. Масалан: спортчи 20 кирган бўлса максимал юракнинг уриш сони – $220-20=200$ бўлади. Машғулот таъсирида ЮУС максимал даражасидан $60-80\%$ ташкил қиласа, шундагина жисмонан чиниқтириш вазифасини ўтайди. Шу билан бирга $(220-\text{ёш}) \times 0,85$ формуласи ҳам ишлатиши мумкин. Оммавий спорт, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш жисмоний тарбияда 180 - ёш ажратиш формуласи қўлланилади. Холдак формуласи: $170 - \text{ёш ажратиш формуласи} \times 0,85$ қўлланилади. Машғулотларнинг давомийлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади: 70 – ёш ажратилади. Ҳар хил ёшдаги шуғулланувчиларни ўзига хос, зарар келтирмайдиган юрак уруш сони ва машғулотнинг давомийлиги ҳам аниқланади: Масалан 30 ёшга кирган шуғулланувчининг юрак уруш сони $170-30=140$ га teng бўлади, $70-30=40$ дақиқа (машқни бажариш давомийлиги аниқланади). Бир дақиқада 140 юрак уриш сонида 40 дақиқа давомида жисмоний машғулотни ўз саломатлигига зарар келтирмасдан шуғулланиши мумкин.

Агар шуғулланувчи 60 ёшда бўлса: $170-60=110$ юрак уруш зарбида қуйидаги формулалар бўйича $70-60=10$ дақиқа давомида 110 ЮУЗда машғулот бажариш мумкин.

Аёлларнинг тиббий назорати.

Аёллар ва қизларни жисмоний тарбия билан шуғулланиши улар организмининг анатомик – физиологик хусусиятларини ва оналик биологик функцияларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши лозим.

Мунтазам ва түғри ташкил этилган жисмоний тарбия машқлари қизлар ва аёлларда ўсиш ва саломатлигига яхши таъсир кўрсатади. Одатда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулла-надиган аёлларда шуғулланмайдиган аёлларга нисбатан ҳомила-дорлик ва туғиш анча енгил ва кам асоратли бўлади

Жисмоний машғулотлар билан шуғулланган онадан туғил-ган чақалоқ ўз тенгдошларидан бўй узунлиги ва тана оғирлиги кўрсаткичлари билан устунроқ турадилар.

Аёллар, эркакларда қўлланиладиган каби тиббий кўрикдан ўтишади. Шу билан бирга қиз ва аёллар гинекологик кўригидан мунтазам равища йилда бир марта ўтишлари лозим. Айрим ҳолатларда (қориннинг пастки қисмида, тос соҳасида оғриқларда, ҳайз кўришнинг бузилишлари ва ҳ.к.) юқумли касалликларда, ёки қорин бўшлиғи яллиғланиш жараёнлари юз берганда, туғищдан кейин, аборт, гинекологик касалликлардан кейин мусобақаларга қатнашиш учун рухсатнома олишда қўшимча гинекологик кўригидан ўтиши лозим.

Жисмоний машғулотлар ва спорт билан шуғулланувчи қиз ва аёлларни ҳайз кўриш ва келажакда она бўлиш хусусиятларига путур келтирмаслик тиббий назоратининг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳайз кўриш даври қизларнинг биологик етилишини исбот-лайди ва бу мураккаб биологик жараён 10-13 ёшдан бошланади. Соғлом қиз, аёллар ўзларини яхши ҳис этадилар ва ҳайз кўриш даврида бемалол машғулотларда ва мусобақаларда қатнашишлари мумкин.

Айримларда ҳайз кўришдан 1-2 кун олдин соғлигига бироз нохуш ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин, бошқаларда эса ҳайз даврида ўта таъсирчанлик, диққат эътиборини пасайиши, бел қисмида ёки қорин соҳасида оғриқ иш қобилятини пасайиши билан кечиши мумкин.

Айрим ҳолатларда ҳайз кўриш даврида мусобақаларда иштирок этган қиз ва аёлларнинг яхши спорт кўрсаткичларни кўрсатиш қобилияти аниқланган. Демак, ҳар бир қиз ва аёлларни машғулотлар ва мусобақага қатнашишга рухсат бериш масалалари индивидуал равища олиб борилиши лозим. Ҳайз кўриш даврида танани совуқланишдан ёки ҳаддан ташқари иссиқдан сақланлаш лозим (куёш нурларининг бевосита таъсири, совуқ сувда чўмилиш, совуқ ёки иссиқ душ қабул қилиш ман этилган). Кўрсатилган тавсияларни бажарилишида аёлларнинг туғмаслик ва ҳайдан эрта қолиш вазиятга тушишлари мумкинлиги аниқланган.

Ҳомиладорлик ҳолатида спорт машғулотларини бажариш ва мусобақаларда қатнашиш ман этилади. Бундай ҳолатларда енгил жисмоний машғулотлар тавсия этилади. Жисмоний машғулотлар дастуридан кучли,

кучаниш машғулотлар ва танани тебрантириш машқлари асосан 3-4 ҳафтали ҳомиладорликда. Қўлланилиши ман этилади. Ҳомиладорликнинг тўртинчи ойидан бошлаб спорт ўйинлари билан шуғулланиш ман этилади.

Махсус машқлар ёрдамида қорин, орқа, тос ости ва қовур-ғалараро мускулларини мустаҳкамлаш лозим. Ҳомиладорликни 7-8 ойларида бачадонни ҳаддан ташқари катталанишида кўпчилик машқларни ётган ҳолда бажарилиши тавсия этилади. Бунда тўғри нафас олишни ўргатиш қорин мускулларини қисқариш ва ёзилишини ўзлаштирилиши лозим.

Чақалоқ туғилгандан сўнг биринчи 4-6 ҳафта давомида бачадонни қисқартириш ва умумий тетиклантирувчи машқлар тавсия этилади, 4 ойнинг бошидан мунтазам равишда аста секин юкламани оширган ҳолда, жисмоний машғулотлар қўлланилади. Болани эмизиш даврида жадал спорт машғулотлари ва мусоба-қаларда қатнашиш ман этилади, чунки бундай ҳолатлар она сутини сифати ва миқдорига манфий таъсирот кўрсатиши мумкин. Болани қўқракдан ажратишдан 6 ой ўтгандан кейингина жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига рухсат берилади.

Аёллар организми жисмоний ривожланиш, функционал ҳолати, жисмоний иш қобилияти билан эркаклардан кўзга кўринарли фарқланади масалан: аёллар юрагини оғирлиги эркакларга нисбатан 10-15% юрак ҳажми чиниқанларга кўра камроқ юракни уриш зарби тинч ҳолатида эркакларнига нисбатан $10-15 \text{ см}^3$ га, қон айланишини дақиқали ҳажми – 0,5-0,8 л/дақ камроқ бўлади.

Максимал юклама бажарилиши юракдан қонни чиқиш ҳажми эркакларга қараганда аёлларда кўзга кўриниши камроқ бўлади. Аёлларни ЮУС эркакларга қараганда тинч ҳолатида дақиқасига 10-15 тага кўп бўлади. Булар аёлларни юрак-томир системасини функционал имкониятларини эркакларга нисбатан пастлигидан далолат беради. Ташқи нафас системасини текширишда аёлларда нафас олишни тезлиги, нафаснинг чуқурлиги ва дақиқали нафас ҳажми эркакларга нисбатан камлиги исботланган. ЎТС $1000-1500 \text{ см}^3$, МКЎ 500-15 мл/дақ эркакларнинг кўрсатки-чига қараганда камроқ бўлади. Аёлларда асосан нафас олиш кўқрак шакли, эркакларда – қорин шакли бўлади. PCW₁₇₀, Новакки тестлари бўйича ўлчанган жисмоний иш қобилияти эркакларни-кидан камроқ. Жисмоний юкламага аёлларни жавоб реакциясига ҳам фарқланишлар кўринади. Жисмоний юкламага аёлларни жавоб реакциясида ҳам фарқланишлар кўринади. Жисмоний юкламаларга аёлларни жавоб реакцияси кўзга кўринарли ЮУС ошиши, КБ кам даражада кўтарилиши ва уларни тикланиш давларини узайиши билан характерланади. Замонавий спорт талаблари бўйича қизлар ва аёллар эркаклар спорт турлари билан ҳам шуғулланмоқдалар (футбол, курашни турлари ва хоказо), қиз ва

аёлларни организмига путур келтирмаслик мақсадида бу спорт турларига танлашда, машғулотлар жараёнида пухта ва түғри машғулотларни уюштирилишига катта аҳамият берилиши керак. Спорт машғулотларни дунё миқёси кўламида ва жадаллиги кун сари ошиб борилиши туфайли устозларни асосий вазифаларидан бири. Спортга ўта соғлом қизларни танлаш ва машғулотлар жараёнида шуғулланувчиларни соғ-саломатлигига, келажакда она бўлиш физилатига, болага салбий таъсирот кўрсатмаслигига машғулотларни замонавий талабларга риоя қилиб түғри ташкил қилишга катта аҳамият берилиши керак. Афсуски, аёллар спортида ноҳуш ҳодисалар-биологик етилишининг кечикиши, 17 ёшда ҳам ҳайз кўрмаслик, тиббий-ходимларнинг рухсатисиз ҳар хил дори-дармонларни ва допинг моддаларни ўзбошимча истемол қилиш, аёлни энг муҳим она бўлиш физилатига қайтарилимаса путур келтириш мумкин.

Жисмоний тарбия ва спортни соғломлаштириш усулида, қўлланилиши кенг тарқалган. Ҳар бир ёшда саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортни қўлланишининг аҳамияти ошиб бормоқда.

Назорат саволлари:

1. Тиббий назорат тартиби нимадан иборат?
2. ТПНнинг мазмун моҳияти нима?
3. Аёллар тиббий назорати?
4. Тиббий назорат усуллари ва услублари қандай?
5. ТПН синамалари хақида маълумот беринг?

6- МАВЗУ: Ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишида шифокор назорати.

Режа:

1. Бирламчи шифокор назоратини ташкил қилиш ва унинг вазифаси, мақсади.
2. Шифокор назоратида қўлланиладиган усуллар. Функционал тизим ва уларни баҳолаш.
3. Шифокор назоратининг хulosса қилиши, тиббий гуруҳлар ва унинг баённомаси ҳақида назарий маълумотларга эга эканлигини аниқлаш ва баҳолаш.

Таянч иборалар: Бирламчи шифокор назорати, функционал тизим, тиббий гурух, баённома

Спорт тиббиётида кўлланиладиган тиббий назорат усуллари

I. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи кишиларни тиббий кўриқдан ўтказиш.

Дастлабки, такрорий, қўшимча турларга бўлинади.

Дастлабки – яъни биринчи марта тиббий кўриқдан ўтказиша жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга руҳсат этиш-этмаслик масаласи ҳал қилинади ва текширувчини сало-матлиги тўғрисида справка берилади.

Тиббий кўрик умумклиник текшириши асосида олиб борилади:

Сўраб-суруштириш (анамнез), кўздан кечириш, пайпаслаш (пальпация): перкуссия, аускультация ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш усуллари кўлланилади.

Бундан ташқари паспорт маълумоти ва спорт анамнези аниқланади. Ўкув тренировка процессини ташкил этиш учун органларининг функционал имкониятларини ва иш қобилиятини аниқлаш мақсадида махсус синамалар ёрдамида текширилади.

Анамнез йиғиш-врачлик тешируднинг асосий усулларидан бири ҳисобланади. Бу усулни мадицина практикасига буюк рус врачи, ўган асрда яшаб ўтган Г.А Захарын киритган. Г.А Захарын беморга ташхис қўйишга обьект текширувдан ташқари беморни сўраб суруштириш усули билан касаллик сабабини, кечиш характерини унинг ривожланишини асосий симптомларини аниқлаш унинг ташқи мухит билан боғлиқлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Спорт тиббиётида ҳам анамнезга катта эътибор берилади. Олдин паспорт маълумотлари, кейин эса тиббиёт ва спортга оид анамнез йиғилади.

Паспорт маълумотлари-касби, вазифаси, маълумоти, оилавий шароити, турмуш тарзи каби маълумотлар йиғилади.

Тиббиётга оид анамнез-спортчи томонидан қандай касалликлар травма-хирург операцияларини ўтказганлиги, оиласи ва қариндош уруғидаги касалликлар сўраб-суруштирилади, заарли одатлари аниқланади, (чекиш, алькогол қабул қилиш)

Спортга оид анамнез спорт билан шуғулланиб юрган даврда текширувчидан спорт машғулотларини қачон бошланганлиги, методикаси тренировка режими ҳақида маълумотлар олинади.

Олдин текширувчидан қайси ёшдан спорт билан шуғулланиб бошлагани ва қайси спорт тури билан шуғилланиши, шу даврда спортдаги техник кўрсаткичлар ўзгарганлиги, қачон яхши кўрсаткичларга эришганлиги, охирги йилларда қандай натижаларга эришганлиги аниқланади. Кейин эса спортчининг тренировкаси ҳақида маълумот

йигади, яъни давомийлигини йил давомида дам олиш вақти, тахминий нисбийлиги, оғирликларни күтариши, мусобақа вақтида қатнашиши частотаси ҳақида маълумот йиғади. Бундан ташкари,тренировка системасидаги камчиликлар , тренировкани доимий вақтида ўтказмаслиги, мусобақаларга тайёргарликсиз қатнашиш ёки касал ҳолатда қатнашиш, зўриқиши белгилари пайдо бўлиши, спортга оид шикастланишлар аниқланади.

Спорт анамнезини йиғишида унинг характеристики,режими, методикаси ва спортда эришган натижаларга эътибор берилади. Сўраб-суриштириш вақтида спортчининг эрталаб гигиеник гимнастикаси бажарилаётганлиги, чиниқиши машқларини қилаётганлиги, ўз-ўзини текширияптими шу ҳақда сўралади.

Кенгроқ анамнез қўпинча бирламчи текширувда сўралади. Кейинги текширувларда фақатгина турмушдаги ўзгаришлар ишда, ҳаётда, дам олиш режимида ва шахсий гигиенасидаги ўзгаришлар сўралади.

Врачлик текширувининг методлари ва вазифалари

Спортчи текшириш вақтида спортчи врач бир қанча вазифаларни ечади: унда спортчининг соғлигининг холати жисмоний ривожланиш, организмнинг функционал ҳолати ва ҳокозо врач ўзининг доимий текширувлари натижасида спортчидаги ўзгаришларни ўрганади. Спорт машғулотлари спортчи организмига яхши таъсир қиласяптими ёки ёмон таъсир қиласяптими, шуларни кузатиб боради. Врач томонидан спортчига форма 227 спортчи врач контроль картаси тўлдирилади. Унга медицина ва спорт анамнези, жисмоний ривожланиш, нерв, кон-томир,нафас, овқат ҳазм қилиш айриш ва функционал синамалар ёзилади.

Кейинчалик форма 227 а спортчининг диспансер кузатув журнали тутилади. Врач спортчини сўраб-суриштириб, анамнез йиғиб ташки кўрик пальпация, перкуссия аускультация каби текширишлар ўтказади.

Ташки кўрик-врач спортчи юзининг ранги ва тузилиши, терива шилиқ қаватлар, ранги, мускуллар ривожланиши,тери ости ёғ қават,шиши, трвмаларни текшириб кўради.

Пальпация-тери қаватининг ҳолати,тери турлари лимфа безлари катталашуви, қАОқонсимон безнинг катталашуви,таянч ҳаракат аппаратининг ҳолати, оғир нукталари теширилади.+оринни пайпаслаб қорин бўшлиғида қаттиқлик даражаси,оғирлиги аниқланади. Пальпация ёрдамида ЧСС ва нафас частотаси аниқланади.

Перкуссия органларини қилиб қурилганда ҳар хил товушлар чиқади. Масалан хаво сақловчи органлар юқори товуш (м-н ўпка) хаво сақламайдиган органларда (юрак жигар) секин ёки буғиқ товуш чиқади.

Перкуссия бир ёки икки бармоқ билан текширилади.+ўлини танасига қўйган ҳолда тўқиллатиб уриб кўрилади.

Аускультация-стетоскоп ёки фенендаскоп ёрдамида текширилади. Соғлом одамда везикуляр твш эшитилади. Юракни эшитганимизда 2 та тон систолик ва диастолик товуш эшитилади. Врач текшириши вақтида Спортчининг артериал босимини тешириб кўради. Махсус асбоб сфигмоманометр ёрдамида ўлчанади, кўрсатмаларга қараб махсус текшириш усуслари ренген, электрокардиограф, фонокардиограф, спирограф, лабаратория текширувлари (қонсийдик, ахлат, балғам) ўтказилади. Бундан ташқари тор мутахасислар неврополог, хирург, акулист, отарларинголог каби врачлар кўрилади. Текширишлардан кейин врач спортчи хақида холосани ёзади (форма 227) шундан сўнг спортчига машғулот ва мусобақалар руҳсат этилади.

Тиббий кўрик ва жисмоний тайёргарлик маълумотларига асосланиб, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар қуидаги тиббий гуруҳларга ажратилади: асосий, тайёрлов ва махсус.

1. Асосий гуруҳ – жисмоний тайёргарлиги етарли бўлган, соғлом ёки саломатлигига деярли ўзгаришлар бўлмаган шахслар асосий медицина гуруҳларига киради. Бу гуруҳдагилар жисмоний тарбиянинг тўла программасини бажарадилар, спорт билан шуғулланишлари ва мусобақаларда қатнашишлари мумкин.

2. Тайёрлов гуруҳ – соғлигига бир оз ўзгариш бўлган ва жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлиги орқада қолаётган шуғулланувчилар киради. Уларга спорт билан шуғулланиш ман этилади. Улар учун жисмоний тарбия нормативларини топшириши муддати узайтирилади, ўқув машғулотлари сони ҳам чекланади.

3. Махсус гуруҳ – саломатлигига анчагина ўзгаришлар бўлган шахслар киради. Уларга жисмоний тарбия таълим вазирлигини махсус ўқув дастурига биноан бажарадилар. Улар нормативларни топширишидан озод қилинади.

Такрорий тиббий кўрикда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланувчиларнинг соғлиги, жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолатида содир бўладиган ўзга-ришларга аниқлайди. Такрорий тиббий кўрик бир йилда 1 марта ўтказилади.

Қўшимча тиббий кўрик асосан мусобақа ўтказишдан олдин, бевосита спортчиларни мусобақаларда қатнашиш масаласи ҳал қилинаётганда ўтказилади.

П. Диспансеризация – медицина хизмати қўрсатишда энг юқори ва такомиллашган туридир, бунда даволаш билан профи-лактика биргаликда

олиб борилади. Етакчи спортчилар соғлигини, иш қобилятини сақлаш ва мустахкамлашга қаратилган профилактика ва даволаш тадбирларида малакали тиббий ёрдами күрсатиш план асосида олиб борилади.

III. ВПН – тренировка ва мусобақалар ўтказилганда врач тренер билан биргаликда спортчиларни кузатиб боради. ВПН маълумотларига асосланиб машғулотларнинг спортчиларга бево-сита таъсири ўрганилади, тренировканинг самарадорлигини таҳ-лил қилишда турли синамалар қўйилади ва тренировкалар планига ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлади.

IV. Санитария-гигиеник назорат. Спорт иншоотлари гигиенник талабларига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда жароҳатланиш, касалланиш ва спорт натижаларини тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун спорт иншоотлари қуриш лойиҳалари Давлат санитария назоратининг маҳаллий органлари билан келишилади ва объектларга топширилади, кейин улар санитария- эпидемик станциялар ва врачлик жисмоний тарбия диспансерлари доимий санитария назоратида бўлади. Марказий нерв системасини текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади.

Сўраб-суриштириш калла, мия нервларининг ҳолати, харакат, бош мия катта ярим шарлари пўстлоғининг биотокларини ўз ичига олади. Сўраб суриштириш-неврологи ва шикастларга қаратилган неврология анализ ўз ичига нерв системасининг касалликлари ҳақида кенгроқ маълумотларни нейроинфекционлар ўтказганлигини кала, ва умуртқа погонаси травмалари ҳақида улардан кейинги даъво муддати, машғулотлардан ва муносабатлардан озод этганлиги кабиларни қамраб олади.

Махсус неарологик анализ умумий ва спорт анализ билан бевосита боғлиқ, уасосан спортчининг шикастланишларига, унинг умумий ҳолатга уйқу характерига, иштаҳасига кайфиятларига, ишқобилятига, бундан ташқари харакат, сезги органларининг ҳолатига караб тўлдирилади. Спортчининг шикоятларни аниқлашда бош оғриш ва бош айланишга катта эътибор берилади.

Спортчининг баъзида каллада ёпиқ травма олгандан кейин объектив ўзгаришлар аниқланади. Бу аегетатив вестубляр аппаратга талуқли бўлади. Агар спортчи бош оғриш ва бош айланишга шикоят қилса ундан оғриқ характери пайдо бўлиши вақти физик ва эмоционал зўриқишларга боғлиқлиги аниқланади. Бундан ташқари қайси машқлардан кейин бош оғриш, шу вақтда қисқа вақт хушини йўқотиш ва мувозанатини йўқотиш ҳақида маълумотлар йифилади. Олинган маълумотлар спортчининг олий фаолияти хусусиятларини аниқлашга, нерв процесларининг харакатчанлигини, бир хил меъёрга ушлаб туриши кабиларни аниқлашга ёрдам беради. Нерв процесларининг кучли қатъийлик, ботирлик, активлик мағсадга интилиши билан харакатланади. Ундан спорт натижаларининг

ўсиш динамикаси, спортга оид маҳоратларини қатъийлик билан эгаллашга ёрдам беради. Нерв процесларининг бир хил меъёрда ушлаб туриши учун куйидаги критерийлар, яхши кайфият, оиласа муносабатли, коллективдаги хулқ атвори муносабатларга ва машғулотларга муносабати киради.

Нерв процесларининг харакатчанлиги техник прёмларининг пухтачилик билан ўзлаштириш, нотўғри ўрганилган прёмларни тезда унитиш ва хокозо билан характерланади. Экспериментал маълумотлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики спорт машғулотлари процесида нерв процесларининг кучли ва харакатчанлиги ошиши кузатилади.

Кала, мия нервларининг холатини текширишда асосий эътиборни кўриш, кўзни харакатга келтирувчи уч шохли юз эшитиш нервларга қаратилади.

Харакат координатаси-ҳар хил пробалар ёрдамида аниқланади. Статик координация оддий ва ромберг пробаси ёрдамида аниқланади. Чайқалиши ва мувозанатни йўқолиши (Ромберг холатини қўриш) координациясининг аниқлаш учун бармоқ-бурун ва бошқа пробалардан фойдаланади. Бармоқ-бурун пробаси кўзлари Юмуқ ҳолда кўрсаткич бармоқ билан бурун учига текизиш керак. Бармоқларнинг каттароқ ва бармоқ учининг бурунга нотўғри олб борилиши динамик координатасининг бузилганлигидан далолат беради. Бу ўзгаришлар кала-мия травмаларидан кийин келиб чиқади.

Координацион пробалар спортчининг мусобақа ва машғулотлардан олдин ва кейинги зўриқиши даражасини белгилайди.

Спорт тиббиёти олдида туган муҳим масала

- 1.Киши соғлигини, жисмонан ривожланишини текшириб бориш спорт машғулотлари билан боғлиқ ҳолда.
2. Организмнинг функционал ҳолатини текшириш.
3. Спорт травмаларининг диагностикаси, касаллиги ва профилактикаси.
- 4.Касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш.
- 5.Шуғулланиш режимини тўғри йўлга қўйиш, тўғри овқатланишини ташкил қилиш, санитария гигиена режимига риоя қилишни таъминлаш.
- Бўғим касалликларнинг асосий клиник белгиларига бўғимлар соҳасидаги оғриқлар, харакатнинг чекланиши маҳаллий тана ҳароратининг кўтарилиши, шиши қизариш каби белгилар киради.

Атrozларда тоғайлар ингичкалашиб боради, бўғим юзларида суюк тўқималари ўсиб чиқади. Бўғим ва бўғим бошчасининг шакли ўзгаради.

- Врач спортчининг функционал ҳолатига баҳо бериши, жисмоний машқларнинг тайёргарлиги ва бундан ташқари тор мутахасислар

неврополог, хирург, акулист, отарларинголог каби врачлар кўради. Текширишлардан кейин врач спортчи ҳақида хulosани ёзади (форма- 227) шундан сўнг спортчига машғулот ва мусобақалар руҳсат этилади.

- Бронхиал астма- бу касаллик инфекцион аллергик касаллик бўлиб, хурож билан кечади ва хурож билан кечади ва хурож оқибатида бронхлар деворининг шишиши пайдо бўлади, bemor нафас этишмаслиги келиб чиқади ва бўғилиб қолиши мумкин.

Даволаш физкультура машқлари хурожлар орасида амалга оширилади. Нафас машқлари ва машқларни бўшаштирувчи машқлар галма-галдан алмаштирилиб бажарилади. Нафас машқлари нафас олиш вақтини узайтириш учун тез айтишлар ва баъзи бир харфлар ва бўғинлардан фойдаланилади, масалан ж-ж-ж, бр-бр-бр ва хокозо.

Бронхлар ўтказувчанигини ошириш учун bemorга бурун билан нафас олиш буюрилади. Нафас олишни узайтириш учун оғиз орқали нафас олиш машқлари амалга оширилади. Машқлар bemornинг ўтирган ёки тик турган ҳолатларида бажарилади. Уларнинг давомийлиги bemornинг холатига қараб белгиланади.

- Ҳафталик дам ва хафта давомида текшириш.

а) ҳар куни эрталаб.

б) эрталаб ва кечқурун.

в) Бирор микроциклик машғулот бошида ёки охирида. Бунда биронта энг куч кўп сарфланадиган машғулот олинади ва кейин ўзига келиши учун қанча вақт сарфланиши аниқланади.

Дам олишдан сўнгги текшириш 2-3 хафта ўтказиб текширилади. Эрталаб овқат едирмай, бадантарбия қилмасдан текширилади.

-Ўз-ўзини бошқаришнинг объектив маълумотлари.

Энг оддий ва кенг тарқалган методлардан бири пульсни аниқлашdir. Пульсни аниқлаш ҳеч қандай қийинчиликларни келтириб чиқармайди. Пульс частотаси асосий объектив кўрсаткич хисобланади. Асосий эътиборни юрак ритмига қаратиш керак. Нормал ритмда пульс турткилари бир хил бўлиши керак. Баъзида пульс уришдаоралиқлари бир хил бўлмайди, яъни аритмик бўлади. Кўпгина спортчилар ўз-ўзини бошқариб, ортостатик пробани мустақил равишда ўтказишади.

Нафас частотаси қориннинг пастки қисмига кафтни қўйиб аниқланади. Тана оғирлиги бутун кун давомида ўзгариб туриши мумкин. Шунинг учун эрталаб ич васийдик пуфаги бўшатилгандан сўнг кейин ўлчанади.

-Физик факторлар (гидро, бальнео, элеро, ёруғлик, иссиқ муолажалар, массаж, аэроинвазия) Рационал овқатланиш, витаминизация, баъзи тиббий ўсимлик ва фармокологик воситаларни қўллаш, суткалик режимни тўғри

ташкил қилиш. Тикланиш мураккаб процесс бўлиб, кечиши бир қанча факторларга хар хил функциянинг фазали ва гетерохранизми билан характерланади. шунинг учун организмнинг функционал бўлинмларига бир вақтда таъсир қилиш, яхши натижа бериши, бундан ташқари иш қобилятини психик, соматик сфера, ҳаракат аппарати, нерв тизими вегетатив органларни таъминлаб, асад ва жисмоний чарчашни чиқаради.

- Чаноқ суяклари синганда bemor чалқанча ётиши керак. Тизза бўғимлари тагига қаттиқ болиш қўйилади. Даво машқлари 3-4 кундан кейин бошланади. Аввал лка ва тана соҳаларига машқ қилинади, оёқларини сувб туриб ҳаракат қилдириш мумкин. Икки ҳафтадан кейин оёқлар машқлари кучайтирилади, лекин оёқ тизза бўғими тагига болиш тураверади. Икки ойдан кейин оёқта туриш мумкин машқлар тик турган холда қисман бажарилади.

- Семизлик-ёғлар алмашинуви бузилиши натижасида касаллик келиб чиқади. Семизлик ички секреция безларининг бузилиши, кўп овқатланиш, жисмоний ҳаракатнинг камлиги туфайли хам келиб чиқади. Даволаш гимнастикаси организмда энергия сарфланишига, bemor организмининг иш фаолиятининг ошишига олиб келади.

Машқлар асосан барча мускуллар иштирокида эркин олиб барилади. Асосан қорин машқлари олиб борилади. Айланы ҳаракатлар, катта бўғимларнинг машқлари хар хил машқдан кейин юриш, чопиш машқлари амалга оширилади. Машқ давомийлиги 45-60 минут.

-Этиология-бу касалликнинг келиб чиқиши сабаблари ва ривожланишидир. Касалликни келтириб чиқарувчи сабаблари: эгзоген ва эндоген турларга бўлинади. Касллик юққандан кейин организмда унинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилиши керак.

- Бўғим касалликларининг асоратларига контрактура киради.

Бу бўғим касалликларни даолашда комплекс даво чоралари қўлланилади. Бундан дори-дармонлар билан бирга физотерапевтик даво муолажалар, жарроҳлик операциялари, даволаш гимнастикаси машғулотлари усулларидан фойдаланадилар.

Бўғим касалликларининг олдини олишда инфекцион ва ноинфекцион касалликларни ўз вақтида даволаш, асоратларини ўз вақтида олдини олиш муҳим ўрин тутади.

- Нерв ва мушак системасининг функционал ҳолати баҳо бериш жисмоний машқларнинг тайёргарлиги, балки машғулотларга ва муносабатларига қатнаши спорт машғулотларининг планини, умумий ва спорт режими каби муаммоларни ҳал қиласи.

Нерв системасининг функционал ҳолати маълум даражада спортчининг ҳаракати машғулотларни, чанқоқлигини, ҳаракат координациясининг қанчалик пухта эгаллаганлигини аниқлайди. Бу системанинг яхши функционал ҳолат машғулотларининг яхши ўтказишини, спортчини эса узоқ вақт спортчи формасини ушлашга ёрдам беради. Спорт билан доимий шуғилланиши ҳаракат автомат тизимини ишлаб чиқишига, бунда эса ҳаракат машқларини мустаҳкам бўлишига олиб келади.

Ўпка эмфиземаси-бу касалликда ўпка тўқимасининг эластилик ҳолати пасаяди, бронхлар ўтказувчанлиги пасаяди, натижада нафас етишмовчилиги кеоид чиқади.

Бу касалликда қўл ва оёқ машқлари кучли ҳолатда ва қорин машқларининг таранглигини ошириш мақсадида машқлар ўтказилади. Нафас машқлари нафас олиш вақтини узайтирилган холда ўтказилади. Кўкрак типида нафас олиш сусайган вактда диафрагма нафас машқлари ҳаракатлари амалга оширилади. Машқлар bemorning ётган ёки ўтирган холатларида амалга оширилади. Агар касаллик билан юрак етишмовчилиги бирга кечса юрак етишмовчилигига ўтказиладиган машқлар хам ўтказилади.

Текшириш усуллари 2 хил бўлади.

1. Оддий усулда аппаратларсиз текшириш.
 - а) анамнез ва визуал кузатувлар (сўров, субъект ива чарчашини кузатиш)
 - б) Тана массасини ўлчаш.
 - в) Пульсини аниқлаш.
 - г) Қон босимини ўлчаш.
 - д) Аростатик проба.
 - е) Нафас частотаси.
- 3) Ўпканинг тириклик сифимини ўпка вентеляцияси.
- ж) Нафас кучи, нерв системаси, мускуллар стандарт специфик зўриқишилар.
2. Мураккаб тиббий аппаратлар ёрдамида текшириш.
Булар а ва б подгруппаларга бўлинади.
 - а) ЭКГ, полиандиаграф, ансигенометрия, хлонансиметрия, мистонометрия, электромиграфия.
 - б) Радиотелеметрик кузатувлар.
 1. Юрак қисқаришини, частотасини синаш (текшириш)
 2. Ўпка частотасини аниқлаш
 3. ЭГК
 4. Электромиография.

**Спорт тиббиётида мусобақаларни тиббий таъминлаш қўйидаги
бўлимлардан иборат:**

1. Спортчиларни мусобақага қатнашишга қўйиш учун врачларнинг мандат комиссиясида қатнашиши, врач келтирилган форма ва талабларга биноан берилган талабномаларнинг тўғрилигини назорат қилиб боради. Талабномада қатнашувчиларнинг ёши ва квалификацияси кўрсатилади. Врач ўз хулосасини мусобақада 10-15 кун олдин бериш лозим. Ҳар бир қатнашувчининг қоғозида тиббий ходимнинг имзоси ва муҳри бўлиши шарт. Агар имзо ва муҳр бўлмаса, улар мусобақага қўйилмайди. +атнашувчиларнинг ёши қайси спорт турига қатнашишига қараб аниқланади.

2. Қатнашувчиларнинг тайёргарлиги, овқатланиши, жойлашиши, машғулот ва мусобақалар ўтказиладиган жойнинг санитария холатини назорат қилиш. Мусобақадан олдин бош врач ёки СЭС ходими жойнинг санитария холатини текшириб чиқади, қатнашувчиларнинг овқатланиши, яшаш шароитлари, эпидемиология холат, трасс, ечиших хоналарини, ювениш хоналарининг санитария аҳволи кўриб чиқилади. Шунингдек, ичимлик суви билан таъминлаш, хоналарни юқумсизлантириш ҳам текшириб чиқилади. Агар бирон бир камчилик бўлса, уни дарҳол бартараф қилиш шарт.

3. Мусобақа вақтида қатнашувчилар устидан шифокор назорати, касаллик ва травманинг олдини олиш. Шифокор ва тренер хамкорликда қатнашувчиларнинг саломатлиги ва ўзини хис қилишларини қузатиб боришади. +атнашувчи ҳақида тиббий хулосалар ёки тўғри келмаса, касаллик ва травмалар, ўта зўриқиши холлатлари ва етарли жисмоний тайёргарлик бўлмаса спортчи мусобақаларга қўйилмайди. Агар спортчи травма олган бўлса, фақат шифокор руҳсати билан мусобақаларга қўйилади. Асосий эътибор уларнинг овқатланишига қаратилади. Шифокор СЭС ходими билан озиқ-овқатлар сақланиши жойининг санитария холатини, овқат блоки ходимларини тиббий текширувдан ўтказади.

4. Мусобақа иштирокчиларига тиббий ёрдам ташкил қилиш бунда тиббий пунктлар ташкил қилиниб, спортчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади. Тиббий ходимлар навбатчиликда туришади ва барча қатнашувчилар мусобақада қатнашиб бўлмагунча ўз жойларини ташлаб кетмайди. Тиббиёт таъминотининг йиғини ва шифокор ва ўрта тиббийходим ва врачлик-жисмоний диспансери қўлида тузилади.

Тренер врач билан биргаликда спортчининг тиббий маълумотномасини текшириб, кўриб кейин руҳсат беради.

Йиғин бошида ва охирида тиббий текширув ўтказилиб, врач педагог кузатувлар доимий назорати ўрнатилади. Йиғиндан кейин тренер ва врач

томонидан врачлик-физкультура диспансерига кузатув натижаларини бериб юборилади.

Тикланиш воситалари спортчининг умумий тайёргарлик режасига киритиши зарур.

Улар қуйидагилар:

1. Оддий моддаларнинг кунлик қўлланилиши (машғулотларнинг рационал тузилиши, дам олиш ва яшаш режимини, шахсий гигиена, рационал овқатланишни, витаминизация, гидромуолажалар, массаж ва бошқаларни тўғри ташкил қилиш)
2. Тикланиш воситаларини маҳсус таъминланган спорт базаларида ўтказиш.
3. Спортчиларнинг маҳсус тикланиш марказларида чарчаҳ хиссини йўқотиш-бу организмнинг тикланганлигидан далолат бермайди.

Шунинг учун доимий равишда тикланиш қандай кечайтганлигини объектив назорат қилиш, уни амалга ошириш учун ҳар хил воситаларни қўллаш керак.

- Ички

1. Чарчаҳ толиқиши, зўриқиши холатлари спортсимен организмида айрим системаларнинг функционал холатидаги ўзгаришлар.

Спортсименларни мураккаб машқларни бажаришга жисмоний жихатдан тайёр эмаслиги.

Таянч харакат аппарат ива тери шикастланиши.

Тери касалликларига тери чақаланиши, тилиниши, шилиниши, яралар, эзилишлар киради.

Тери чақалганда ўша соҳа қизаради ва ачишади оғрийди, пуфак хосиил бўлади.

Тери шилиниши-тери эпидермик қаватининг шикастланиши билан кечади, шикастлашган жойда оғриқ пайдо бўлади, қон лимфа оқади.

Яра тўқималарининг тери бутунлигини бузилиши билан шикастланишига айтилади. Яралар қон оқиши, четлари ажралиши, оғриқ функцияларнинг бузилиши билан характерланади.

Тери эзилиши тўқима ва шикастланиши билан характерланади. Эзилишлар қандайдир ўтмас анжомлар ёрдамида урилишдан келиб чиқади. Шикастланиш соҳасида қонталаш оғриқ пайдо бўлади. +он қўйилишлар баъзида бўғим соҳаларида содир бўлади.

- Ампутация қилинган беморларда даволаш гимнастикасининг қўлланилиши. Ампутация этилганда даволаш гимнастикасини қўллашдан мақсад бемор умумий ахволини яхшилаш, чўлтоқнинг контрактура ва атрофия бўлишининг олдини олиш, уларни бартараф қилиш, соғлом оёқ-қўлларни мускулларини максимал даражада чиниқтириш ва ривожлантиришдан

иборат. Оёқ ампутация қилинганда вестибуляр аппаратни машқ қилдириш керак, чунки бундай беморни мувозанатини сақлаш учун бошқача шароитлар пайдо бўлади. Кўлни ампутация қилишганда йўқотилган малакаларни ўрнини босувчи малакалар хосил қилиши керак. даво гимнастикалари ампутациядан кейин 3-4 қундан кейин бошланади, нафас машқлари соғлом қўл-оёқни мустаҳкамловчи машқлардан бошланиб, кейин шикастланган қўл-оёқнинг қолган бўғимлари учун машқ қилинади.

-Овқат хазм қилиш органлари касалликларида даво гимнастикаси.

Жисмоний машқлар овқат хазм қилиш органларининг харакат ва сектетор функцияларига стимулция таъсирини кўрсатади, ички ва меъда фаолиятининг нерв регуляциясини яхшилайди, қорин мускулларини кучайтиради.

-**Экзоген-сабабларга:** физик,химик,биологик,социал,психик ҳолатлар, харакатнинг ошиши, ёки пасайиши сабаб бўлади.

- 1.Физик факторларга темпратура,нур,элктр токи,атмосфера босим киради.
2. Механик факторларга: урилиш, босилиш, сиқилиш, лат ейиш, сини шва чиқишлиар киради.
3. Химик факторларга: кислота ва ишқорлар таъсири, ўз-ўзига қасд қилиш.
- 4.Биологик факторларга: касалликни чиқарувчи микроблар, эхинококлар,вируслар, замбуруғлар таъсирида организми химоя функциясининг пасайиши натижасида касаллик риожланади.
5. Социал факторлар.

6. Гипокинез ва гиперкинез

7. Психоген факторлар,ятрген касалликлар.

-Анамнез йиғиши-врачлик тешириувнинг асосий усулларидан бири ҳисобланади. Бу усулни мадицина практикасига буюк рус врачи, ўган асрда яшаб ўтган Г.А Захарыин киритган. Г.А Захарыин bemорга ташхис қўйишга объект текширувдан ташқари bemорни сўраб суриштириш усули билан касаллик сабабини, кечиш характерини унинг ривожланишини асосий симптомларини аниқлаш унинг ташқи мухит билан боғлиқлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Спорт тиббиётida ҳам анамнез катта эътибор берилади. Спорт анамнезини йиғишида унинг характери, режими, методикаси ва спортда эришган натижаларга эътибор берилади.

-Марказий нерв системасини текшириш қўйидагиларни ўз ичига олади. Сўраб-суриштириш калла, мия нервларининг ҳолати,харакат, бош мия катта ярим шарлари пўстлоғининг биотокларини ўз ичига олади.

Сўраб суриштириш-неврологи ва шикастларга қаратилган неврология анализ ўз ичига нерв системасининг касалликлари ҳақида кенгроқ маълумотларни нейроинфекционлар ўтказганлигини кала, ва умуртқа поғонаси травмалари

ҳақида улардан кейинги даъво муддати, машғулотлардан ва муносабатлардан озод этганлиги кабиларни қамраб олади.

Ўпка туберкулёзи-бу касалликнинг сил таёқчалари чақиради. Касаллик вақтида нафас етишмовчилиги ва организмнинг умумий етишмовчилиги ва захарланиши содир бўлади. Даволаш гимнастикаси касалликнинг ўткир давридан бошқа хамма даврида тана харорати тушган ва умумий аҳволи яхшилангач палаталарда ўтказилади. Машқлар беморнинг умумий аҳволи яхшилашга қаратилган бўлиб, аввалига қўл-оёқ машқлари кейин нафас машқлари ўтказила бошланади. Эрталабки гигиеник ва даволаш гимнастикаси юриш машқлари қўлланилади. Кейинчалик санаторий шароитида спорт машқлари, ўйинлар ва саёҳатлар уюштирилади. Санторий шароитдаги режим:

- 1.Эрталабки гигиеник массаж 1-2 км юриш.
- 2.Кейинчалик юришни 3-4 км га ошириш, сувда сузиш,спорт машқлари, валейбол ва стол тенниси ўйинларини ташкил қилиш.
3. Юришни 10 км га етказиш, 10-15 мин югуриш, спорт машқлари ва ўйинларни ташкил қилиш.

Врач-педагогик кузатувларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:
Шароит билан танишиш, машғулотларни ташкил этиш ва методикаларни ташкил этиш, мусобақалар ва тренировкаларнинг организмга таъсирини ўрганиш, тренировкалар режалари жараёнини масалаларини аниқлаш,жисмоний нагруззкалар ҳажмини аниқлаш,ўқитувчи ва тренер ўртасида хамкорликни ташкл этиш,врач педагогик кузатувларини тренировка режим ива методларни индивидуаллаштириш соғликни сақлашнинг асосий шартларидан биридир.

- Ўсмир ёшлар устидан шифокор назоратини ўрнатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - а) 1 йилда 2 марта диспансер кузатувини ўтказиш. Бунинг учун спортчининг диспансер кузатуви журнали тутилади ва юритилади. (227-а форма)
 - б) Тренер йўлланмаси билан касаллик ёки травмадан, мусобақалардан олдин қўшимча тиббий кўриклар ўтказилишини ташкил қилиш.
 - в) Қўшимча ва қайта нагруззкаларни қўллаган холда шифокор педагог кузатувларини ўтказиш.
 - г) Мусобақа ва машғулотлар ўтказиладиган жойда, кийим бош ва пойабзаллар устидан керакли санитария тиббиёт назоратини ўрнатиш.
 - д) Ёш спортчиларнинг овқатланиши устидан зарур бўлган назоратни ўрнатиш.
 - е) Қайта тиклаш воситаларини қўллаш.

ж) Шифокор томонидан берилган күрсатмаларни тренер томонидан қатый бажарилиши, машғулот методикаси ва режаси, машғулот ва мусобақаларга рухсат бериш вақтини белгилайди.

1. Спорт машғулотларнинг ташкил этишдаги хатоликлар 30-60 % травмаларниң келиб чиқишига сабаб бўлади.
 2. Машғулотларни ва мусобақаларни ташкил этишда, хамда ўтқазишда камчиликлар.

Үйкүв-машқ машгүлötларини ўтқазишида инструкция, техника хавфсизлигига амал қилмаслик сабаб бўлади.

3. Машғулотларни үтқазишида моддий-техник жихатдан таъминлашнинг пастилиги (15-25 %)
 4. Гигиеник ва об-хаво шароитларнинг нокулайлиги (2-6 %)
 5. Спортсименнинг ахлоқи, ўзининг тутишинининг ёмонлиги (5-15%)
 6. Врач талабларининг бузилиши.

- Юмшоқ түқималар заарланганда даволаш гимнастикасининг қўлланилиши.

Шикастланган түқималарни хирургик обработка қилингандан кейин даволаш гимнастика умум мустаҳкамловчи машқлари, меҳнат билан даволаш турлари кўлланилади.

Иккиламчи чок солингандан кейин тикилган түқималарни йиртиб юбормаслик учун амплитудаси унча катта бўлмаган секин темпда бажариладиган машқЛар буюрилади. Чок иплари олингандан кейин машқЛар тўлиқ маплетудасида бажарилади.

Умумқувват машқлар соғ қўл-оёқларга машқлар буюрилади.

Даво гимнастикаси чандиқ тўқиманинг нормал ривожланишига ёрдам беради.

Меъда ва 12-бармоқли ичакнинг яра касаллиги.

Меъда ва 12-бармоқли ичакнинг яра касаллиги билан оғриган беморларда даво гимнастикаси вазифаси организмни умуман мустаҳкамлаш, марказий нерв системаси фаолиятини ва трофика жараёнлари кечишининг, омаллаштириш асоратларга қарши курашишдан иборат. Касалликнинг ўткир даврида даволаш гимнастикасини қўллаш мумкин эмас, бемор ахволи яхшиланганда бир қанча оддий нафас машқлари (беморда ўрнида ётганда) бажаради. Беморни машқларни бажариш билан бирга чукур нафас олишга ўргатилади. +орин мускулларига мўлжалланган машқларни тайинлаш мумкин эмас.

-Эндоген факторлар:

1.Ирсият.	3.Реактивлик.
2.Конституция.	4.Иммунитет.
5. Аллергия.	

Патогенез-бу касалликнинг механизм ива патологик ҳолатининг ривожланишидир.

Травматик-артритлар турли эзилишлар, шикасланишлардан кейин хосил бўлади.

- Паспорт маълумотлари-касби, вазифаси, маълумоти, оиласи шароити, турмуш тарзи каби маълумотлар йиғилади.

Тиббиётга оид анамнез-спортчи томонидан қандай касалликлар травма-хирург операцияларини ўтказганлиги, оиласи ва қариндош уруғидаги касалликлар сўраб-суриштирилади, заарли одатлари аниқланади, (чекиш, алькогол қабул қилиш)

Спортга оид анамнез спорт билан шуғулланиб юрган даврда текширувчидан спорт машғулотларини қачон бошланганлиги, методикаси тренировка режими ҳақида маълумотлар олинади.

- Махсус неврологик анализ умумий ва спорт анализ билан бевосита боғлиқ, у асосан спортчининг шикастланишларига, унинг умумий ҳолатга уйқу характеристига, иштаҳасига кайфиятларига, ишқобилятига, бундан ташқари ҳаракат, сезги органларининг ҳолатига қараб тўлдирилади. Спортчининг шикоятларни аниқлашда бош оғриш ва бош айланишга катта эътибор берилади. Спортчининг баъзида каллада ёпиқ травма олгандан кейин объектив ўзгаришлар аниқланади.

- Спортчиларнинг врач кузатуви асосида асосан диспансер назорати ётади. Бунда врач спортчинининг саломатлигини доимий равища кузатиб боради. Табийки спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар мунтазам равища соғликлари назорат қилиб борилиши, жисмоний машқларнинг организмга таъсири аниқланиши мақсадида диспансер текширувлари ўтказилади. Бу текширувлар махсус врачлик физкультура диспансерида амалга оширилади. Диспансер назоратида турган спортчиларга врачлар ўзларининг тавсияларини бериб боради, улар ўртасида методик илшарни ташкил этиб боради.

- Врач-педагог кузатишларини олдига қўйган мақсадига боғлиқ равища қўйидаги ташкил этиш формалари бор:

1. Бевосита тренировка машғулотлари пайтида (тренировкагача, тренировкадан кейин, айрим машқлар бажаришдан кейин)

Текшириш, тренернинг машғулотни тўғри режалаштиргани, машқларни бирлаштириш вариантлари, дам олиш орқали вақтларини билиш, қизиқтирган вақтда врачдан маслаҳат сўрайди.

2. Тренировкадан кейин ва 30-40 дақиқадан кейин жисмоний нагрузкаларнинг организмга таъсирини текшириш.

3. Тренировкагача ундан 20-30 дақиқа ва 24-28 соатдан кейин тикланиш даражасини текшириш.
4. Тренировка куни эрталаб, кечқурун жисмоний нагрузкаларни организмга таъсирини текшириш.
5. Жисмоний нагрузкаларни тўғри режалаштириш мақсадида 1 хафта мобайнида қайта нагрузкалар бериш.
6. Ўрганилган тренировка этапларини баҳолаш мақсадида 2-3 хафта дам олишдан кейин текширишдан ўтказилади, врач педагог кузатишларида оддий ва мураккаб методлардан қўлланилади.
 - Ўрта ва катта ёшдаги шахслар жисмоний тарбия ва спорт билан қанчалик кўп шуғуллансалар шунчалик уларнинг саломатликлари учун фойдадир. Ўрта ва катта ёшдаги шахсларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига қараб қўйидаги гурухларга бўлинади: Аёллар учун ўрта ёш-35-54 ёш

Врачлик текшируванинг методлари ва вазифалари.

Спортчи текшириш вақтида спортчи врач бир қанча вазифаларни ечади: унда спортчининг соғлигининг холати жисмоний ривожланиш, организмнинг функционал ҳолати ва ҳокозо врач ўзининг доимий текширувлари натижасида спортчидаги ўзгаришларни ўрганади. Спорт машғулотлари спортчи организмига яхши таъсир қиласяптими ёки ёмон таъсир қиласяптими, шуларни кузатиб боради.

- Ҳаракат координатаси-ҳар хил пробалар ёрдамида аниқланади. Статик координация оддий ва ромберг пробаси ёрдамида аниқланади. Чайқалиши ва мувозанатни йўқолиши (Ромберг холатини қўриш) координациясинининг аниқлаш учун бармоқ-бурун ва бошқа пробалардан фойдаланади. Бармоқ-бурун пробаси кўзлари Юмуқ ҳолда кўрсаткич бармоқ билан бурун учига текизиш керак. Бармоқларнинг каттароқ ва бармоқ учининг бурунга нотўғри олб борилиши динамик координатасининг бузилганлигидан далолат беради. Бу ўзгаришлар кала-мия травмаларидан кийин келиб чиқади.

Координацион пробалар спортчининг мусобақа ва машғулотлардан олдин ва кейинги зўриқиши даражасини белгилайди.

- Спорт вачининг вазифалари.

1. Врачлик педагогик кузатувлар (мусобақа ва машқлар жараёнида)
2. Машғулотлар, машқлар ва мусобақаларинг тиббий санитария жиҳатидан таъминлаш.
3. Спорт шикатларива касалликларининг олдини олиш ва даволашни ташкил қилиш.

4. Шикастланишлар ва касалликлардан кейин спортчиларнинг ишга лаёқатлилигини тиклаш.
5. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича врачлик тавсияларини бериб бориш.
6. Спортчилар ўртасида санитария маорифи ишларини ташкил қилиб бориш.
7. Жисмоний тарбия ва спортни аҳоли орасида кенг тарғибот ишларини олиб бориш.

V. Спорт мусобақаларида тиббий хизматни ташкил этиш.

Врач мусобақа бош судъясининг ўринбосари сифатида тасдиқланади. Тиббий ҳодим бўлмагандаги мусобақаларни ўтказиш ман қилинади.

Мусобақаларни ўтказишида тиббий хизмат йўналиши:

- Спортчиларнинг хужжатларини текшириш ва уларни мусобақада қатнашиш учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш.
- Спортчиларни овқатланиши ва жойлаштириш шароити, мусобақа ва тренировкалар ўтказиладиган жойларни санитария гигиена жиҳатдан назорат қилиш.
- Мусобақа қатнашчиларини врач кўригидан ўтказиш.
- Мусобақа қатнашчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш.

VI. Спорт шикастланишининг олдини олиш.

Спортдаги шикастланишларни келиб чиқишини тренер ва жисмоний тарбия ўқитувчилари олдини олиш тадбирларини амалга оширишда актив иштирок этишлари зарур.

VII. Спорт ва жисмоний тарбиянинг умумий ғояларини пропаганда қилиш барча агитация ишларини олиб бориш, соғлом турмуш тарзи, рационал меҳнат ва дам олиш режими, овқатланиш билан боғлиқ масалалар устида ҳам тўхталиб ўтиш керакки, чекиш ва ичкиликнинг зарарини тушунтириш, яъни умумий санитария муолажа ишларини фаол олиб бориш зарур.

Ирсият ва унинг касаллик пайдо бўлишидаги аҳамияти

Касалликнинг келиб чиқишига ички омиллар билан бир қаторда насл ҳам катта ўрин тутади. Наслий белгилар деб, айрим шахсларда бир наслдан иккинчисига ўтиб борадиган белгиларга айтилади. Барча хайвон ва ўсимликлар дунёсида бўлганидек, одамда ҳам нормал белгилар (юз тузилиши, соч ва кўзларнинг тузи, характеристидаги айрим белгилар ва хоказо)нинг наслдан наслга ўтиши табиий. Нормал белгилар билан бир қаторда касаллик белгилари ҳам наслдан-наслга ўтиши мумкин. **Генетика** фани насл қонунларини ўрганадиган фан бўлиб, улардан биохимиёвий генетика жуда тез ривожланди ва қисқа вақт ичида табиатнинг ажойиб

сирларини очиб берди. Ҳозиргача олинган маълумотлар ДНК хромосомлардаги генларни сақловчи, ирсиятни ташувчи модда эканлигини тўла-тўкис тасдиқланди. Аввало, микроорганизмларнинг бир тури иккинчи туридан олинган ДНК билан ишланганда, унинг хусусиятлари биринчи тур микро-организмларга ўтиши кузатилган. ДНКнинг генетик роли хақидаги тушунча тўхтовсиз ривожланмоқда. Тажрибалар шуни кўрсатдики, ирсий белгиларнииг бир авлоддан иккинчи авлодга ўтишини белгилайдиган генлар ДНК молекуласининг алоҳида сегмент-ларидан (чегараланган қисмларидан) иборат экаилигини тасдиқ-лади. Ана шу сегментлар маҳсус ДНКни синтез қилиш орқали ҳужайра цитоплазмасида специфик оқсил вужудга келтириш орқали ДНК молекуласидаги инфомацияни амалга оширади. Ҳужайра ва организмнинг ўзига хос хусусиятлари маълум вақтда, тегишли ўринда, керакли миқдорда специфик оқсилнинг пайдо бўлиши билан белгиланади. Ҳозирги вақтда оқсил молекуласининг ўзига хос механизми ва бу жараённинг хромосомаларда жойлашган ДНК молекулалари томонидан идора этиш йўллари кашф этилиб, ирсий белгиларнинг бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиши ва унинг пайдо бўлиш механизми аниқланди.

Организмнинг ирсий негизи (генотип наслдан ўтган барча хусусиятлар тўплами) нисбатан мустақил бўлган алоҳида элементлар – генлардан таркиб топган мураккаб тизимдир.

Организмнинг айрим белгилари ва хусусиятларини наслдан-наслга ўтказувчилар генлардир). Ҳар бир хромосомада минглаб ген бўлиб, 46 хромосомларда 6 миллионга яқин ген бўлади. Генлар бир-биридан фарқ қиласи ва ҳар бир ген ягона бир жараённи назорат қилиб, турли ҳужайраларнинг физиологияси ва ривожланишига ўзига хос таъсир этади. Насл белгиларини ўтказиш вазифасини дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) бажа-ради. Уилкинс, Уотсон ва Криклар ДНК молекулалари структу-расини аниқлашган. ДНК молекуласи бир-бирини ўраб турган ва полинуклеотид қўш спирал ҳосил қилган занжирдан иборат. ДНК молекуласи таркибига углевод компоненти дезоксирибоза, фосфор кислотаси ва тўртта азот аденин, гуанин, цитозин ва тимин сақлаган асослар киради.

Ген нуклеотидларнинг узун занжиридан иборат бўлган ДНК молекуласининг маълум бир қисмидир. Геннинг ўзига хос хусусияти ДНК молекуласидаги азот сақлаган асосларнинг кетма-кетлигига боғлиқлигидир. Бир жуфт азот асосининг жойи ўзгарганда, ген ўз вазифасини бутунлай бажармай қўяди ва турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ирсий касалликлар хромосомалар ёки хромосомалардаги кичик бир соҳа ўзгариши касалланиш натижасида намоён бўлади ва барча соматик (тана)

ҳамда уруғ ва тухум ҳужайраларда маълум касаллик белгисини келтириб чиқаради. Бу авлоддан-авлодга ирсият қонуни асосида ўтади.

Бироқ табиатнинг одамни хайратда қолдирадиган ажойиб муаммолари борки, баъзи болалар майиб-мажрух, жинсий аъзолари чала ривожланган ёки икки жинсли бўлиб туғилади. Шундай нуқсонлардан бири гермафродитизм ҳисобланади. Бундай одамлар халқ ўртасида хунаса деб юритилади, чунки уларда ҳам эркаклик, ҳам аёллик жинсий белгилари бўлади.

Гермафродитизм түгма касаллик ҳисобланади.

Она қорнидаги эмбрион ривожланганлигининг издан чиқиши, мейоз бўлинишининг бузилиши ва ҳар иккала жинсий хромосомаларнинг бир хилда тарақкий этиши туфайли она қорнидаги болада ҳар иккала жинсга хос жинсий аъзолар шаклана бошлайди. Сохта гермафродитизм, одатда, икки турда учрайди: эркаклар гермафродитизми ва аёллар гермафродитизми. Эркаклар гермафродитизмидан ички жинсий аъзолар фақат эркак жинсига хос бўлиб, ташқи жинсий аъзолар қисман эркак, қисман аёлларнига ўхшаб кетади. Аёллар гермафродитизмидан эса ички жинсий аъзолар аёллар жинсига хос бўлиб, ташқи жинсий аъзолар қисман аёллар жинсига, қисман эркаклар жинсига ўхшаш бўлади. Бундай одамлар жинсий алоқа қилиш, ота бўлиш ва туғиши қобилиятига эга бўлмайдилар.

Эркакларга хос (сохта) гермафродитлар эркакларга хос хийла бўйдор, оёқ-қўллари узун, овози эркакларга хос йўғон, бақувват бўладилар. Жинсий белгилари бу ҳилда ўзгарган шахсларни баъзан аёллар спорт турлари мусобақаларида учратиш мумкин. Шу сабабли 1968 йилда Халқаро Олимпия қўмитасининг қарорига биноан аёллар спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда аёлларни жинсий текширувдан (секс назорати) ўтказиш жорий қилинган.

Замонавий жинсий назорат тиббий генетика усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Одам хромосомаларини ўрганиш ўта мураккаб бўлиб, у маҳсус лаборатория текширувлари ёрдамида ўрганилади. Бу усул спорт тиббиётида ҳам қўлланилади.

Хозирги вақтда одамдаги 2000 га яқин нормал ва патологик белгиларнинг наслдан-наслга ўтиш хусусиятлари ўрганилган. Ирсий омилларга боғлиқ бўлган баъзи касалликлар, Масалан, моддалар алмашинуви билан боғлиқ айрим касалликлар, жумладан, қандли диабет (рецессив – яширин касаллик)нинг наслдан-наслга ўтиши генеалогик усулда исботланган. Қандли диабет углеводлар алмашинувининг бузилишидан келиб чиқади ва қонда қанд миқдори ортиб кетишидан билинади. Шунингдек, туғма карлик, оғир руҳий касаллик бўлмиш шизофрениянинг

баъзи турлари ҳам ирсий касаллик ҳисобланади. Ирсий йўл билан ўтадиган оғир касаллик ҳисобланган гемофилия одамга хос бўлиб, қоннинг ивимайдиган бўлиб қолиши унинг белгиси ҳисобланади. Гемофилияга фақат эркаклар чалинади.

Хромосома назариясига биноан жинсий хужайра ўзагидаги хромосомалар наслий белгиларни ташувчилар ҳисобланади. Ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳар бир тури учун хромосомалар миқдори бир хил бўлади. демак, бир турга мансуб бўлган ҳар қандай организмнинг ҳар қайси хужайрасида хромосомалар муайян бир миқдорда бўлади (Масалан, хромосомаларнинг диплоид сони эчкида 60 та, қўйда 45 та, товуқда эса 78 та бўлади).

Одам танасидаги ҳар бир хужайрада 46 дона (23 жуфт) хромосома бўлади. Аёл киши хужайраларида иккита бир хил жинсий хромосома учрайди. Улар шартли равишда XX (икс) хромосомалар деб юритилади. Эркак хужайраларида жинсий хромосомалар икки хил бўлиб, улар X (икс) ва Y (игрэқ) хромосомалар деб юритилади. Уруғланиш жараёнида ота билан она жинсий хужайраларидаги 23 дона хромосома таркибидан биттадан жинсий хромосома ўтади. Ана шу хромосома ҳомила-нинг жинсини белгилайди. Уруғ хужайра орқали У хромосома, тухум хужайра орқали X хромосома қўшилса – ҳомила ўғил; уруғ ва тухум хужайралар орқали бир хил X-X хромосома қўшилса – ҳомила қиз бўлади. Демак, боланинг ўғил ёки қиз бўлиши ота организмидаги У ёки X жинсий хромосомаларга боғлиқ бўлади. Бинобарин, ҳомиланинг ўғил ёки қиз бўлиши фақат отага боғлиқ..

Жинсий хроматинни аниқлаш усули осон бўлиб, уни шифокорнинг ўзи лабораторияда ўтказиши мумкин. Одатда, эркак хужайраларда жинсий хроматин бўлмайди, у аёл хужайраларида бўлади.

Киши танасида хромосомалар сонининг кам ёки кўп бўлиши оғир касалликка сабаб бўлади. Шерешевский Тернер касаллигида аёл ҳужайраларида 46 хромосома ўрнига 45 та хромосома бўлади. Бундай аёлларнинг бўйи паст, ақлий қобилияти ҳам анча заиф, иккиламчи жинсий белгилари эса етарлича тараққий этмаган бўлади. Уларнинг аксарияти туғмайди. Клайнфельтер касаллигига учраган эркакларда ортиқча (47 ёки 48 та) хромосомалар бўлади. Бу касалликка учраган беморларнинг қўл ва оёқлари узун, ақли паст, Клайнфелтер касаллиги бор эркаклар ота бўлиш қоби-лиятидан маҳрум бўлишади.

Хромосомалар сони ўзгармаган ҳолда ҳам генлар табиий ёки сунъий шарт-шароитлар, нурланиш, алгоколь ва ҳоказо таъсирида мутацион ўзгаришларга учраши туфайли ирсий касалликлар ривожланиши мумкин.

Бу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун уларни тўғри аниқлаш жуда муҳим. Ирсий касалликлар генотипнинг хусусияти билан белгиланади. Бундан тиббиёт мазкур касал-ликларга қарши кураша олмайди, деган маъно чиқмайди, албатта. Агар хромосомалар тузилишидаги ўзгариш ўз вақтида (гўдаклик даврида) аниқланса, касалликнинг оғир аломатларини қисман ёки бутунлай бартараф этса бўлади.

Хозир олимлар зурриёт сирларини ўрганибина олмасдан балки уларни ўз хохишига қараб идора қилиш устида ҳам иш олиб бормоқдалар.

Республикамида барпо этилган тиббий генетика консуль-тациялари бу масалада катта ёрдам бермоқда. У поликлиникага ўхшаш тузилган бўлиб, авлоддан-авлодга ўтаётган касалликларни аниқлаш, уларни олдини олиш, фарзанд кўрмасликдан шикоят қиласидаги одамларни қабул қилиш, касаллик сабабларини ўрганиш, турмуш қураётган ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш каби ишларни олиб боради.

Тошкент ва бошқа шаҳарларда очилган тиббий-генетика консультацияларига эси киравли-чиқарли, соқов, гаранг, кўр, тутқаноғи бор, нуқсони бор болаларнинг ота-оналари мурожаат қиласидилар. Бу ерда уларга ёрдам кўрсатилади ва маслаҳатлар берилади.

Спорт тиббиётида юрак-қон томир тизимини текширишга катта аҳамият берилади, чунки юрак-қон томир тизими одам организмининг ҳаётий зарурий асосий тизимиdir.

Юрак-қон тизими атрофидаги мухитда ишлаб турган мушаклар ва ички аъзоларга кислородни ташишда асосий ўрин эгаллайди. Мунтазамлик спорт машғулотлар жараёнида юрак-қон томир тизимларда ва бошқа ички аъзоларда мосланиш ўзгаришлар ривожланади.

Жисмоний машқларга узоқ кўниши (мосланиш) натижасида ҳар бир ички тизимларда ўзига хос функционал ўзгаришлар пайдо бўлди ва бу ўзгаришлар айрим ички аъзоларда морфологик тузилишидаги ўзгаришлар билан кечади.

Бундай ўзгаришлар ички аъзоларни юқори иш қобилиятини таъминлайди. Спорт иш қобилиятининг даражаси кўпинча юрак-қон томир тизимининг самарали ишига боғлиқдир. Спортчилар шиддатли ва узоқ давоимли жисмоний юкланишларни бажаришга мұяссар бўладилар. Бошқача айтганда, жисмоний машғулотлар давомида марказдан узоқлашган аъзолар кўп микдорли қон билан таъминланадилар.

Спортчиларнинг ички аъзолар тизимида жисмоний юкла-нишга жавобан узоқ давомли кўниши натижасида ўзига хос функционал ва морфологик ўзгаришлар ривожланади. Бу ўзгаришлар спортчиларни ички аъзоларни иш қобилиятини оширади. Бундай ўзгаришлар спортчиларнинг

шиддатли ва узоқ муддатли вақтли жисмоний юкланишларни бажаришга имкон беради. Баъзи ички тизимлар, масалан овқат ҳазм қилиш тизими, ажратув тизимлари мускуллар ҳаракатида иштирок этмайдилар, аксинча, жисмоний юкланишларда овқат ҳазм қилиш ва бошқа тизимларнинг фаолиятларини сусайиши кузатилади. Қорин бўшлиғида жойлашган ички аъзоларнинг қон билан таъминланиши жисмоний юкланишлар давомида пайтида тинч ҳолатига нисбатан тўрт баравар камаяди. Инсон ҳаёти моддалар алмашиниш жараёнлари орқали таъминланади. Уларни зарурий шарт билан ишлаб турган аъзоларга ва тўқималарга тўхтовсиз кислородни етказишидир. Юрак қон томир ва нафас олиш системаларининг тузилишида ва функционал ҳолатидаги пайдо бўлган спортчилар учун энг муҳимдир. Бу икки системалар жисмоний юкланишлар даврида нейрогуморал томонидан жиддий бошқарилади. Бу туфайли организмда ягона кислородни ташувчи (транспорт қилувчи тизими), бошқача айтганда юрак-нафас олиш системаси фаолият кўрсатади.

Юрак-нафас олиш системаси ташқи нафас аппаратини, қонни юрак-томир системаси ва тўқима нафас олиш системасини ўз ичига олади. Қон айланиш ташқи муҳитдан ишлаб турган мушакларда ва аъзоларга кислородни ташишда алоҳида ўрин эгаллайди, шу туфайли бу системасининг асосий лимитловчи (чегараловчи) халқаси бўлиб ҳисобланади. Мускуллар (мушаклар) ҳаракати даврида юракнинг иш қобилятини ҳаддан ташқари ошириш мумкин эмаслиги туфайли инсонни индувидуал (шахсий) “кислород шифти” бир минутда 3-6 л кислород билан чегара-ланилади. Шу муҳим факт спорт иш қобилятини таъминлашда юрак фаолиятини аҳамиятини исботлайди.

Жисмоний юкланишда ўпкадан 1 мин 140-160 литр ҳаво ўтказилади. Ҳар 1 л ҳавода, нормал атмосфера босими шароитида, 0,21 л кислород ташкил қиласи. $140-160 \text{ л} \times 0,21 \text{ л}$ кўпайтирилишида ўпка 1 минутда организмга 29 л кислородни еказишилигини аниқлаймиз, демак бу кўрсаткич одамнинг “кислород шифти”дан 4 баравар ошиқроқдир. Энди қон айланиш системасига эътибор берайлик, қоннинг кислород ташувчи моддаси гемоглобиндир, 100 гр гемоглобин 0,134 кислородни ташиши (транспорт) мумкин.

Кислородни ҳаддан ташқари талаб қилувчи спорт турларида (жисмоний чидамлиликни ривожлантирувчи) спортчилар машғу-лотлари асосан юрак фаолиятини оширишига қаратилган бўлади.

Спорт фаолиятини таъминлашда юракни лимитловчи (чегараловчи) роли туфайли юракнинг зўрикиши бошқа аъзоларга нисбатан қўпроқ учрайди.

Соғлом кишиларнинг 1 л қонда 150 гр гемоглобин бор. Демак 1 л қонда нормал шароитда $0,134 \times 150 = 0,2$ л кислородни ташкил этади.

Одам юраги 1 мин 25-30 литр қон хайдайди. Қуйидаги рақамларни хисобга олиб шундай хулоса чиқариш мумкин: 25-30 литр қондаги кислород 5-6 л дан ошмайди Шу кўрсаткичлар кислородни максимал ўзлаштиришга (КМУ) кўрсаткичига тўғри келади.

Келтирилган рақамларга биноан қон айланиш системаси ишлаб турган муддатларга кислородни етказишини чегаралайди.

Юракни шу чегараловчи хусусияти спорт фаолиятини таъминлашда асосийлардан биридир ва бошқа ички аъзоларга нисбатан ўта зўриқишига кўпроқ чалинади. Спорт устозлари спортчилар юракнинг тузилиши ва функционал хусусиятларини кўрсата билишлари, юрак миокардини шикастланиши ва функционал ҳолатини бузилишини олдини олишда муентазам равишда тиббий назоратни ўтказилиши ҳақида билишлари лозим. Юрак-томир системасининг чегараловчи хусусияти юракни ишлаб чиқариш фаолияти билангина боғлиқ эмас. Бунда четда жойлашган механизмлар, масалан капиллярдаги қон оқиши ҳам муҳимдир. Майда капиллярлардаги қон айланишнинг тезлиги эритроцитдан O_2 га маъсул ҳужайраларининг митохондрияларига ўтиши ҳам кўзга кўринарли таъсир қилиши мумкин. Спортчиларга юрак-томир системасининг хусусиятлари ўтган асрда олимлар диққатига сазовар бўлган. Яхши жисмоний чиникан кишиларда юракнинг катталиги, кучли томир уриши ва бошқалар аниқланган 1889 йилда янги тиббий атама "спорт юраги" (Хеишен) тавсия этилган. Бу атама соғлом, юқори функционал имкониятга эга бўлган юракни билдиради. Спорт юраги (спортчилар) комплексли тузилиш ва функционал хусусиятларга этадир. Бу ҳолатлар мускул ишини бажаришда юракни юқори даражали мосланиш ва иш қобилиятини таъминлайди.

Эндокрин ва нерв системаси биргаликда тирик организм фаолиятини бошқарувчи системалардир. Организмдаги бирор процесс улар иштирокисиз амалга ошмайди. Бу системалардан бирортасини асосий дейиш қийин, чунки иккала система ҳам бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, улар функцияси бузилганда организмда яққол ўзгаришлар юз беради.

Эндокрин системасини ички секреция безлари ташкил этади, уларнинг ўзига ҳос хусусияти шундаки, ташқарига чиқариш йўллари бўлмайди, шунинг учун улар моддаларни бевосита қон ва лимфага чиқаради. Бу моддаларни организмнинг ички муҳитига ажralиб чиқиш процесси ички ёки эндокрин секреция (юнонча "эндос" – ички ва "крино" – ажратаман) номини олган. Эндокрин система тўғрисидаги тушунчаларнинг ривожланиши ички секреция безлари ва улар ажратадиган биологик актив моддалар-

гормонларни тадқиқ қилиш билан боғланган. Ички секреция безларининг тузилиши, функцияси ва фаолиятининг бузилишини ўрганадиган фан “эндокринология” номини олган.

Эндокрин системасига билан узвий боғланган марказий нерв системасининг бир қисми ҳисобланувчи гипоталамус (дўмбоқ ости) гипофиз, ғўрасимон без (эпифиз), қалқонсимон без, қалқонсимон без олди безлари, меъда ости безининг оролча (инкретор) қисми, буйрак усги безлари, меъда ва ичак деворида жойлашган эндокрин ҳужайралар, тухумдон ва маяк киради. Узоқ вақтгача эндокрин системасига айрисимон без (тимус) ҳам киритиларди, лекин сўнгти йилларда бу безнинг иммун жараёнидаги аҳамияти кўпроқ намоён бўлди. Эндокрин системани ташкил этувчи ички секреция безларининг шакли ва катта-кичиклиги турлича бўлиб тананинг ҳар хил қисмларидан жой олган, гормонлар ажратиш улар учун умумийdir. Худди шунинг ўзи ички секреция безларига ягона система деб қарашга имкон беради.

Гормонлар – юқори биологик актив моддалар бўлиб, миллиграмммининг мингдан бир улушидан ошмайдиган жуда кичик концентрацияси ҳам таъсир этади, шу билан бирга уларнинг таъсир кўрсатиши ўсиш ва жисмоний ривожланиш, моддалар алмашинуви, жинсий ривожланиш, шу жумладан иккиласи жинсий белгиларнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади..

Бош миянинг бир қисми ҳисобланган ва гипофиз билан чамбарчас боғланган гипоталамуснинг гормонлари активлик хусусиятига эга бўлган моддалар ажратиши 50-йилларнинг охирида аниқланди. Бу гормонларнинг кимёвий тузилиши содда бўлиб, гипофизга таъсир кўрсатади ва турли хил мураккаб гормонлар ажратишга мажбур қиласи. Рилизинг-гормонларнинг биринчи тадқиқотидан шу нарса маълум бўлди, гипофизни активлаштирувчи гормонлар ортиқча ажралганида қалқонсимон без ва жинсий безлар функцияси кучаяр экан. Бу рилизинг-гормонларни клиника амалиётида қўллаш ва улардан қатор эндокрин касалликларга ташхис қўйишида фойдаланиш имконини берди.

Рилизинг – гормонларни группаларга (гипоталамус ядроси) йифилган ва гипофиз билан қон томирлар ҳамда нервлар тармоғи востасида боғланган нерв ҳужайралари томонидан ажратилиши қизиқарлидир. Масалан: гипоталамус ядролари вазопрессин ва окситоцин гормонларини ажратади, улар сув-туз алмашинувини идора этишда ва томирлар тонусининг бошқаришда қатнашади. Вазопрессин ва окситоцин ажратувчи гипоталамус ядролари заарланганда қандсиз диабет деб аталган касаллик пайдо бўлади. Қандсиз диабет ташналиқ, сийдикни кўп ажралиши (бир суткада 4-12 л ва бундан ортиқ) билан ифодаланади. Бу билан бирга гипофизни

активлаштирувчи гормонлар билан бир қаторда гипофиз томонидан гормонлар ишлаб чиқарилишини сусайти-рувчи гормонлар (ингибиторлар) ажратиши аниқланади. Гипота-ламуснинг ҳам нерв, ҳам эндокрин системанинг бир қисми эканлиги ҳисобга олинса, организмнинг ана шу иккита энг муҳим физиологик системасининг алоқаси тушунарли бўлиб қолади.

Гипофиз (бош миянинг пастки ортиғи) – ички секрециянинг марказий безидир, у калла суяги асосидаги турк эгаридан жой олган бўлиб, гипофизар оёқча деб аталган маҳсус тузилма орқали бош мия билан бириккан.

Гипофизнинг олдинги, ўрта ва орқа бўлаги бор. Олдинги бўлак бутун безнинг 70% ни ташкил этади. У қон томирлари жуда кўп бўлган зич безсимон тўқимадан иборат.

Олдинги бўлак бошқа безларга қараганда гормонлар ҳосил қилиш жиҳатидан энг актив ҳисобланади, у етти хил гормон ажратади. Булар орасида организмни ўстирадиган гормон бор, у тўқималарда юз берадиган биохимиявий жараёнларга бевосита таъсир қўрсатади, гипофизнинг бошқа гормонлари ички секре-циянинг бошқа безлари орқали таъсир этади. Шу сабабли улар троп гормонлар (юонча “тропос” – йўналиш) деб номланади. Бу гормонлар жумласига буйрак усти безлари пўстлоғининг фаолиятини стимулловчи адренокортикотроп, қалқонсимон без фаолиятига таъсир қўрсатувчи тиреотроп, жинсий безларга таъсир қилувчи гонадотроп, сут безлари функциясини стимулловчи пролактин гормонлар ва бошқалар киради.

Ўрта бўлак тўқималарида меланин пигментининг ҳосил бўлиши ва тақсимишнинг, кўзининг тўр пардасида эса кўрув пурпурини тартиба солиб турадиган гормон ишлаб чиқади. Орқа бўлак анча кичик ва мия гипофизар оёқчасининг гўё давоми ҳисобланади. Унда безсимон тўқима бўлмайди ва тузилишига кўра нерв тўқимасига жуда ўхшаб кетади. Шу сабабли у нейрогипофиз деб аталади. Гипофизнинг орқа бўлаги гормонлар ажратмайди. У гормонларнинг ўзига хос йифиладиган жойидир, бу ерда вазопрессин ва окситоцин гормонлари тўпланиб боради. Булар гипоталамус ядроларида ҳосил бўлиб, у ердан гипофизнинг орқа бўлагига тушади.

Гипофиз гормонлари оқсилдан ташкил топган, уларнинг кимиёвий тузилиши аниқланган ва кўпчилиги синтез қилинган. Улар эндокрин касаллиги ва баъзи бир бошқа касалликларни даволашда кенг кўлланилмоқда. Гипофиз гормонлари секреция-сининг бузулиши организмда турли хил касалликларни келтириб чиқади, уларнинг характеристи гипофизнинг зааралланганлик даражасига, турига ҳамда шу билан боғланган гормонларнинг ортиқча ёки кам ажраллишига боғлик.

Гипофиз гормонлари секрециясининг кўпинча бирданига бир нечтаси, кам ҳолларда эса, битта ёки иккитаси бузилиши мумкин. Ўсиш гормонинг ортиқча ажралиши, ўсиш жараёнининг кучайиши билан кечадиган иккита касалликнинг ривожланишига олиб келади. Ўсиш гормони ёшлик пайтида кўпроқ ажралса, бўй пропорционал ўсади, бундай ҳолларда гигантизм (дарозлик) вужудга келади. Дароз одамнинг бўйи, одатда мазкур ёш ва жинс учун хос бўлган бўйидан баланд бўлади. Лекин бундай одам бақувват бўлмайди, аксинча, касаллик зўрайиб борганда тез толиқиши қайд этилади, буқрилик кузатилади, баъзан кўз хиралашади. Ўсиш гормони 20-25 дан юқори ёшда ортиқча ажралса, акромегалия деб аталувчи бошқа касаллик пайдо бўлади. Бу касалликларнинг ривожланишига кўпинча инфекциялар сабаб бўлиши мумкин, шу боисдан юқумли касалликларнинг олдини олиш гипофиз фаолияти бузилишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Баъзан ўсиш гормонларнинг ортиқча ишлаб чиқарилишига гипофиз ўсмаси сабаб бўлади.

Гипофизар паканалик ёки гипофизар нанизм деб аталувчи касаллик гигантизмнинг қарама-қарши ҳолати ҳисобланади. У ўсиш гормонининг етарли ажралмаслиги билан боғланган ва ўсишнинг кескин даражада тўхтаб қолиши билан характерланади. Айни вақтда тана тузилиши пропорционаллигича қолаверади, лекин бўй мазкур ёш учун энг паст бўйдан 10-15 см паст бўлади, ўсишдан орқада қолишдан ташқари жинсий ривожланишнинг орқада қолиши, иккиламчи жинсий белгиларнинг бўлмаслиги кузатилади. Одатда, паканалик 2-5 ёшдан бошланади ва шу сабабли болаларнинг ўсишдан орқада қолиши ота-оналарнинг диққат-эътиборини жалб этиши лозим.

Катталарда гипофиз функциясининг етишмовчилиги гипо-физдаги яллигланиш процеслари, баъзан гипофизнинг ўсмадан зарарланиши, аёлларда эса, туғруқ давридаги қон йўқотишга алоқадор бўлиши мумкин. У дармонсизлик, вазннинг камайиши, қон босимининг пасайиши, камқонлик, шунингдек эндокрин касалликлар (ҳайз кўрмаслик, жинсий алоқанинг сусайиши) да намоён бўлади.

Гипофиз фаолиятининг изидан чиқсан барча ҳолларда врачга мурожаат этиш лозим. Чунки эрта бошланган даво яхши натижа беради. Гипофиз касалликлари қараб даволанади. Агар гормонлар етарли ишлаб чиқарилмаса, гипофиз ёки бошқа ички секреция безларининг гормонал препаратлари ўрнининг босадиган дорилар билан даво қилинади. Гормонлар ортиқча ишлаб чиқа-рилган қатор ҳолли ўスマларни операция қилиб олиб ташланади ёки рентгенотерапия қўлланилади.

Бош мия яримшарлари тагида анча ичкарида эпифиз жойлашган, у унча катта бўлмаган ғуррасимон қизғиш-кул ранг бездир. Узок вақтларгача функцияси номаълум эди, кўпгина тиббиёт олимлари организм ҳаёт фаолияти учун унинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, деб ҳисоблашарди. Лекин сўнгги йилларда ўтказилган текширишлар бу безнинг организм учун нақадар муҳимлигини кўрсатиб берди. Эпифиздан бошқа эндокрин безларни бошқариб турадиган биологик актив моддалар ажратиб олинди. Эпифиз организмнинг кун ва тун алмашинувига мосла-шишига имкон берувчи орган ролини бажарса керак, деб тахмин қилишади. У организмнинг қатор системалари, шу жумладан, жинсий циклнинг бир маромда ишлашига таъсир кўрсатди. Болаларда эпифизнинг кўпроқ ишлаши эртароқ балоғатга етишга, олатнинг катталashiшига, можак активлигининг ортишига, ўсишдан орқада қолишга сабаб бўлади. Олимлар эпифизнинг физиологик ролини аниқлаш устида фаол иш олиб боришишоқда ва чамаси, яқин келажакда ана шу безнинг сирлари ҳақидаги маълумотларни қўлга киритиш мумкин бўлади.

Қалқонсимон без ички секрециянинг бошқа безларига нисбатан бир мунча катта бўлиб, у бўйин соҳасида кекирдакнинг олд томонидан ҳиққилдокдан бироз пастда жойлашган. Қалқон-симон без врачларга қадимдан маълум, улар қалқонсимон без организм ҳаёт фаолиятида муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблашган. Қадимги хитой врачлари қутилилган қалқонсимон бездан бўқоқни даволашда фойдаланишган.

Қалқонсимон безнинг номи қалқонсимон тоғайга таъассуб қилиб қўйилган, лекин у мутлақо қалқонга ўхшамайди. Қалқон-симон без тоқ орган бўлиб, бўйинча билан бириккан икки палладан иборат. Катта ёшдаги кишиларда қалқонсимон безнинг вазни 30-40г. Тупроғи, суви ва озиқ-овқат маҳсулотларида йод етишмайдиган районларда қалқонсимон безнинг вазни бирмунча катта бўлиши мумкин ва бу касаллик “Бўқоқ” деб аталади. Ёш улғайган сари безнинг кичиклашиши кузатилади. Қалқонсимон без иккита гормон-тироксин ва трийодтиронин ишлаб чиқаради. Булар бевосита қонга ажратилади. Бу гормонларнинг ҳосил бўлиши учун тирозин аминокислотаси ва йод зарур бўлади. Қалқонсимон без тироксин ва трийодтиронин ташқари кальцитонин ҳам ишлаб чиқаради. Кальцитонин организмда кальций алмашинувини бошқаради. Қалқонсимон безнинг гормонлар ишлаб чиқариши турли омилларга, биринчи навбатда, ички секрециянинг бошқа безлари (гипофизнинг олдинги бўлаги, буйрак усти безлари, жинсий безлар) нинг фаолиятига ва йодниниг овқат билан киришига боғлиқ. Қалқонсимон безнинг гормонлар ишлаб чиқаришига ташқи муҳит ҳарорати, турли хил эмоционал ва жисмоний тазийиқлар таъсир этади. Гипофизнинг олдинги бўлаги олиб ташланиши ёки заарланиши сабабли тиреотроп гормонини

етиши маслигидан, қалқонсимон безни кичиклигидан гормонлар ишлаб чиқариши кескин камайиши аниқланган. Шу билан бир вактда организмга тиреотроп гормони юборилганда қалқонсимон без вазни ва тироксин ҳамда трийодтиронининг қонга ажралиши ошади. Қалқонсимон без гормонлари гипофиз олдинги бўлагининг функционал ҳолатига таъсир қиласди: агар қалқонсимон безнинг бир қисми олиб ташланиб, унинг гормонлар ишлаб чиқаршини камайтирилса, гипофиз олдинги бўлагининг активлиги кучаяди, тиреотроп гормон ажралиши ошади. Қалқонсимон без функция-сининг ростланиши гипофизнинг тиреотроп гормон ажратишини идора этувчи маҳсус гормон хисобланган тиреолиберин ёрдамида гипоталамус томонидан амалга оширилади. Эндокринологлар бу гормонни синтез қилишган ва ундан қалқонсимон без касал-ликларида диагноз қуиши ҳамда бу касалликларни даволашда фойдаланилади.

Қалқонсимон без гормонлари организмда ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Бу гормонлар тўқима ва органларнинг этишишини идора этиб, уларнанг функционал активлиги, ўсиш ва моддалар алмашинувини белгилаб беради. Қалқонсимон без гормонларнинг этиши маслиги, бўлмаслиги, шунингдек ортиқча бўлиши организмнинг турли касаллликларига олиб келади. Қалқонсимон без функцияси камчилигига (ташқи муҳитда йод этиши маслиги, касалликлар ва х.к.) гипотиреоз деб аталувчи касаллак пайдо бўлади: айни вактда барча моддалар алмашиниш жараёнларининг секинлашуви кузатилади, шу муносабат билан кўпгина орган ва тўқималарда ўзгаришлар юзага келади Натижада юзага келган касаллик аста секин ривожланади ва шу боисдан bemорлар кўпинча узоқ вақт врача мурожат этмайдилар: бўшашиб, уйқучанлик, бепарволик пайдо бўлади, кейинчалик кўз атрофи шишиб, хатто жазирама иссиқ ҳавода ҳам эт увишади. Оғир ҳолларда шиш бутун танага тарқалади, бундай ҳолат миксидема деб аталади. Бундан ташқари қалқонсимон без функциясининг камчилиги ёки бу безнинг бутунлай йўклиги туғма бўлиши мумкин: бундай она қорнидаги ҳомилада моддалар алмашинувининг турлича бузилиши юз бериб, бола бош миясидан рўйи-рост ифодаланган ўзгаришлар билан туғилади: бу гипотиреознинг креотинизмга чалинган bemорларнинг ташқи кўриниши ўзига хос, яъни паст бўйли, териси сарғимтири туслади, қуруқ, соч ва тирноғи мўрт, синувчан, турқи совуқ, юқори даражада шишган бўлади. Кўпинча бундай болаларда кар-соқовлик қайд қилинади. Гипотиреоз табиатда йод этишмайдиган жойда айниқса кўп учрайди. Ташқи муҳитда йод этиши маслиги “Эндемик бўқок” деб аталган касаллик билан боғланган. Кул ранг тупроқли, бўз тупроқли жойларда ташқи муҳитда йод этишмайди. Қалқонсимон без йод этиши маслиги натижасида организмни гормонлари билан етарли миқдорда таъминлай

олмайди. Эндемия бор районларда бўқоқнинг ҳар хил турлари учрайди. Қалқонсимон без бир текисда катталашган бўқоқ – диффуз бўқоқ деб аталади. Агар без бир текис катталашмаса (ўнг ёки чап бўлагига катталашса), бўқоқ – тугунили бўқоқ, деб аталади. Эндемик бўқоқнинг олдини олиш учун ош тузига йод (1000 кг ош тузига 25 г ҳисобида калий йодид) қўшилади. Бу хил туз, одатда, пачкаларда қуруқ қоронғи жойда, зич беркитиладиган шиша ёки ёғоч идишда сақланади. Уни нам жойда сақлаш калий йодининг тез парчаланиб, профилактика самарадорлигининг йўқолишига олиб келади. Қалқонсимон без ортиқча гормон ажратганда гипертиреоз касаллиги пайдо бўлади (Диффуз токсик бўқоқ). Гормонларнанг ортиқчалиги организмда ўзгаришларга, яъни асосий алмашунувнинг бузилишига сабаб бўлади. Асосий алмашинув деб, инсон ҳаётини қувватлаб туриш, яъни гавда ҳароратини сақлаб туриш, юрак қисқаришлари, нафас характерини таъминлаш учун етарли бўлган энергиянинг вақт бирлигидаги минимал сарфига айтилади. Асосий алмашинуви умумий моддалар алмашинувининг бир қисми деб қаралади, айни вақтда қалқонсимон без гормони бўлган тироксин унинг энг муҳим ростловчиси ҳисобланади. Диффуз токсик бўқоқда кузатиладиган тириоид гормонларни кўпроқ ҳосил бўлиши асосий алмashi-нувининг ортиб бориши, кислороднинг кучли истъемол қилиниши ва организмда иссиқлик ҳосил бўлиши билан ўтади. Бунинг натижасида томир уриши тезлашади, тери томирлари кенгаяди, тер чиқиши кучаяди, нерв системаси кўзғалувчанлиги ва меъда-ичак йўлининг фаолияти ошади.

Қалқонсимон безнинг орқа томонида катталиги 10-15 мм келадиган нўхотга ўхшаган тангачалар бор. Булар қалқонсимон без олди безлари ёки паратириод безларидир. Улар сони 2 дан 12 гача бўлиши мумкин, кўпроқ 4 та бўлади. Қалқонсимон без олди безлари организмда кальций ва фосфор алмашинувини ростлаб турадиган паратгормон (паротириоид гормон) ишлаб чиқаради. Кўпгина физиологик процесслар (нерв импульсларини узатиш, қон оқиши, суюк тўқимасининг ҳосил бўлиши, мускуллар қисқариши, тухум ҳужайранинг уруғланиши ва бошқалар) организмда кальцийнинг тўғри алманишидагина амалга ошади. Скелет суюкда кальций тўпланадиган жой ҳисобланади, лекин бу ерда кальций миқдори ўзгармайди, деган гап эмас: организмда кальций алмашинуви доим ўзгариб туради ва кальций ионлари скелет суюкларидан қон ва бошқа тўқималарга ва аксинча, қон ва тўқималардан скелет суюкларига ўтади. Кальций организмга овқат билан бирга киради. Аксинча ўсимлик маҳсулотларида кўп бўлади. Паратириоид безларнинг заарланиши уларда содир бўладиган ўсма ва яллиғланиш процессларига боғлиқдир. Бу безлар ўсмадан заарланганда гипертиреоз касаллиги пайдо бўлади, бу касаллик паратгормоннинг ортиқча яшлаб

чиқаришига алоқадор бўлиб, скелет суюкларида бўшлиқлар, ўзига хос кисталари ҳосил бўлиши суюкларнинг синиши билан характерланади. Бунда кўпинча суюк синиши кузатилади. Кальцийнинг сийдик билан бирга кўп миқдорда ажралиши буйракларда тош ҳосил бўлишига ёрдам беради (сийдик тоши касаллиги). Буйрак усти безлари ички секреция безлари орасида алоҳида ўрин тутади. Улар гормонларнинг ортиқча ажралиши, баъзан гипофиз функция-сининг кучайиши билан боғланган Иценго-Кушинго касаллигини юзага келишига сабаб бўлади. Касаллик гавдада ортиқча ёғ тўпланиши, юз шаклининг ўзгариши, терида узун йўллар, йирингли яралар пайдо бўлиши, қон босиминииг кўтарилиши, суюкларнинг мўртлашуви, углеводлар алмашинувининг бузилиши, аёлларда ҳайз кўринишнинг тўхтаб қолиши, эркакларда жинсий мойилнинг сусайиши намоён бўлади. Қатор ҳолларда бу касаллик бошдан кечирилган инфекция (айниқса грипп) касаллиги билан боғланган бўлади. Буйрак усти безларининг пўстлоқ қисмида етарли миқдорда гормон ишлаб чиқарилмагандан Аддисон касаллиги рўй беради

Жинсий безлар эркакларда мояқ, аёлларда эса тухумдондан иборат. Мояқ эркакларнинг жинсий гормонлари ҳисобланган андрогенлар ишлаб чиқаради, булар ичиде тестостерон муҳим ўрин тутади. Андрогенлар эркаклардаги иккиламчи жинсий белгилар (мўйлов ва соқол чиқиши, жинсий майл)нинг ривож-ланишини белгилаб беради. Ўғил болаларда тестостерон ортиқча ажралганда барвакт балоғатга этиш кузатилади. Эркак-ларда жинсий гормонлар етарли ажралганда жинсий мойиллик йўқолади, бўшашиш, ҳафсаласизлик, тез қариш кузатилади. Агар эркак-ларнинг жинсий гормонлари аёлларда зўр бериб ишлаб чиқилса (бу хол буйрак усти безлари заарлангандан юз беради), уларда иккиламчи эркаклик жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши кузатилади: бу холат маскулинизация (латинча "маскулинас" – эркаклик) деб аталади. Аёлларнинг жинсий безлари (тухумдон) эстрогенлар ва бир қатор бошқа гормонлар ишлаб чиқарилади, булар аёллар жинсий органлари ва иккиламчи жинсий белгиларининг нормал равожланишини таъминлайди, ҳайз кўриш цикли, ҳомиладорликнинг нормал кечишига имкон яратади ва ҳ.к. Аёлларда тухумдон гормонлари секрецияси изидан чиқсанда жинсий ривожланиш, ҳайз кўриш цикли бузилади, бола ташлаш ҳоллари кузатилади. Тухумдондаги яллиғланиш процеслари ана шу касалликларнинг асосий сабабчиси ҳисобланади, шу туфайли тухумдон яллиғланишини даволаш гормонал бузилишларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, эстерогенлар организмни бошқарувчи энг муҳим системадан бири ҳисобланади.

Эндокрин системани текшириш

Спортчиларни комплекс кўриқдан ўтказишда кейинги йилларда эндокрин системани текшириш тобора катта ўрин эгалламоқда. Бу система модда алмашинувини умумий тартибга солинишида аҳамиятли бўғин. Модда алмашинуви организмда рўй берадиган барча биологик жараёнларини асоси ҳисобланади.

Эндокрин система қуйидаги безлардан иборатdir: қалқон-симон, қўшқалқонсимон, бўқоқсимон, гипофиз, эпифиз, буйрак усти бези, меъда ости ҳамда жинсий безлар ҳисобланади. Бу безларининг гормонлари кичик дозаларда ҳаракат қиласи, фермент ва витаминалар билан биргаликда биокатализаторлар туркумига тегишли бўлади.

Қалқонсимон без функциясини текшириш. Спортчиларда эндокрин системасининг четга чиқиши аксарият ҳолларда қалқонсимон безнинг гиперфункцияси билан қайд этилади (Базедов касаллиги). Бу ҳолни ўта кўп шуғулланишдан фарқ қилиш гоҳида қийин бўлади. Чунки бу ҳолатларнинг дастлабки белгилари бир-бирига ўхшашиб. Бу ҳолларда анамнез маълумотлар тўплашда асабийлик, кайфиятнинг тез ўзгариши, тахикар-дия, бирмунча юқори толиқканлик, тез терлаш, оғирликни йўқотиш ҳароратнинг субфебриль (37,1-37,2) бўлишига шикоятлар билдирилади.

Кўриқдан ўтказиш давомида қалқонсимон безнинг катта-лашганлигини, айниқса ютишда, кўз чақчайиши, кўзнииг нотабиий ялтираши, терлаш сингари ҳолатлар яққол кўзга ташланади.

Қалқонсимон без ажратиб чиқарадиган гормон-тироксин, ачитиш жараёнини бошқарар экан, модда алмашинувининг турларини тартибга солишида қатнашади, қалқонсимон без функционал ҳолатини баҳолашда асосий усул асосий алмashi-нувини – киши тўла тинч ҳолатида сарфлайдиган кувват миқдорини аниқлаш ҳисобланади. Қалқонсимон безлар чиқара-ётган тироксин кўпайиши ёки камайиши асосий алмашинувнинг кўпайиши ёки пасайишига тегишли таъсир кўрсатиши ҳисоб-ланади.

Килокалорияларда ифода қилинган асосий амашинув катталиги нормада Гаррис-Бенедик таблицаси бўйича ҳисоб-китоб қилинган лозим катталик билан қиёслаганда 10% атрофида бўлади. Асосий алмашинувнинг 10% га ортиши қалқонсимон безнинг гиперфункциясидан, 10% дан камайиши эса гипофунк-циясидан далолат беради.

Қалқонсимон безнинг функцияси тўғрисида шунингдек, унинг радиоактив йодни ютишига қараб ҳам хuloscha чиқариш мумкин. Қалқонсимон без функциясининг бирмунча ошганлиги ҳолатида 24 соатдан кейин киритилган йоднинг 25 фойздан кўпроғи унда тутиб қолинади.

Буйрак усти безларининг функцияларини текшириш

Буйрак усти безларнинг ички сектор фаолияти организмга кўп томонлама таъсир кўрсатади.

Буйрак усти безларининг мия моддалари специфик гормонлар (хусусан адреналин) чиқариб ички секреция безлари ва нерв системаси ўртасида алоқани амалга оширади. Улар углевод алмашинуви тартибга солинишида қатнашиб йирик қон томирлари ва юрак мускуллари активлигини тутиб туради. Буйрак усти безларининг мия қобигига ўхшаш моддалари организм бутун ҳаётий фаолиятида муҳим роль ўйнайдиган альдестерон, глюкокортикоид ва бошқа гормонларни ажратиб чиқаради, ҳамда минерал, углевод оқсил алмашинувида организмда гуморал ва трофик жараёнлар тартибга туширилишида қатнашади.

Кучли мускул иши таъсири остида буйрак усти безларининг мия, шунингдек, қобик қатлами функциялари кучайиши рўй беради. Уларнинг даражасига кўра, спортчи организмига зўри-қишининг таъсири тўғрисида хулосага келиш мумкин.

Кўп шуғулланган спортчиларда уларнинг тайёргарлик даражасига мос келувчи зўриқишилардан кейин буйрак усти безлари мия, шунингдек, қобик функциялари қисман ошиши қайд этилади. Уларни текширишнинг маҳсус методлари балан аниқлаш мумкин.

Хаддан ташқари зўриқиши ҳолларида буйрак усти безлари гормонал функцияси зўриқиши рўй беради. Бу специфик гормонлар ажралиши камайишида намоён бўлади. Бунда минерал ва сув алмашинуви ўзгариши – қоннинг зардоларида натрий даражаси пасайиши ҳамда калий миқдори ортиши кузатилади. Эндокрин системани текширишнинг турли методларини кўллаш спорт медицинасида ҳамон етарли даражада йўлга қўйилгани йўқ.

Овқат ҳазм қилиш системасини текшириш

Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз бўшлиғи лаблар ва тил, овқат йўли, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, ингичка ва йўғон ичак, жигар, ўт пуфаги, ошқозон ости бези ва бошқаларни ўз ичига олади.

Спортчиларда овқат ҳазм қилиш системаси текширили-шининг методикаси одатдаги клиник текшириш билан қиёслаганда қандайдир ўзига хосликка эга эмас. Бу текширишнинг вазифаси овқат ҳазм қилиш системаси функционал ҳолатини аниқлаш ҳамда ўз вақтида даволаш мақсадида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларни олдиндан билишдан иборатdir. Кўрикдан ўтка-зишда овқат ҳазм қилиш системаси заарланиши учун

характерли шикоятлар бор-йўқлиги аниқланади (диспепсик шикоятлар). Машғулотлар давомида юзага келиши мумкин бўлган ўнг қовурға ости, курак ости ҳамда қорин доирасида оғриқ, оғирлик йўқлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, спортчи тўғри овқатланадими, овқатланиш режимига риоя қиласиди, сингари саволлар аниқланади. Пальпация, яъни бармоқлар билан ушлаб кўриш йўли билан ошқозон жигар, ўт пуфаги, ичаклар доирасида касалликлар бор йўқлигини аниқланади.

Агар спортчида овқат ҳазм қилиш системасидан шикоятлар бўлмаса, ҳамда бармоқ билан текширишда ҳеч қандай ўзгаришлар маълум бўлмаса, у ҳолда текшириш шу билан якунланади.

Айрим ҳолларда ошқозон, жигар, ўт пуфаги, секретор ва мотор функцияси ҳолатини аниқлашда маҳсус текширишлар ўтказиш зарур бўлади. Ошқозон секретор функциясини текшириш зоналаштириш ёрдамида ўтказилади. Агар умумий кислоталик 60-70 бирликни ташкил этса, эркин кислота миқдори 20-40 ташкил этса, секретор функция нормал ҳисобланади. Ошқозоннинг ферментатив активлигини баҳолашда пепсин (овқатдаги оқсилларни эритадиган ҳазм қилишга ёрдам берадиган меъда сувининг ферменти) билан синов ўтказилади. Ошқозон шарбати солинган пробиркага товуқ оқсили бўлакчаси солинади, у нормада икки соатдан кейин ҳазм қилинади.

Спортчи жигар соҳасидаги оғриқка шикоят қиласа, дуоденал зоналаштириш ўтказилади. Бундай текширишда уч порция сафро олиниди A – ўн икки бармоқли ичакдан, B – бевосита ўт пуфагидан, C – жигар йўлларидан.

Микроскопик текширишлар ёрдамида шамоллаш меъёрини зараркунандаларни (лямблияларни) тушган тузлар (холестерин) ва шу кабиларни билиш мумкин.

Ошқозон мотор функциясини аниқлаш ҳамда унда морфо-логик ўзгаришларни билиш учун рентгент текшириш – рентге-носкопия, ҳамда ошқозон рентгенография қилишдан фойдаланилади. Рентгент текширувлари, шунингдек ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги яраларни, ўсмаларни ҳамда бошқа нарсаларни аниқлашда ёрдам беради.

Ошқозон-ичак тракти, қон системаси, шунингдек организм умумий ишчанлик қобилияти мослашувида турли патологик ўзгаришларга норационал, бирмунча кам, ҳамда маълум тартибга кўра жисмоний зўриқиши даражасини ҳисобга олмаган ҳолда овқатланиш олиб келиши мумкин. Шунинг учун спортчилар овқатланишини системали назорат қилиш зарур. Овқатланиш спортчи фаолияти натижасида сарф бўлган куч-куват ўрнини тўла қоплаши лозим. Яъни овқатланишнинг бир кеча қундуздаги калориясининг куч-куватини, бир кеча-қундузда сарфлангани катталигига

мос бўлиши лозим. Спортчиларнинг овқатлари сифат жиҳатидан тўла қонли бўлиши талаб этилади. Бунга оқсиллар, ёғлар, углевод ва витаминлар тўғри мутаносиблиги натижасида эришилади. Бир кеча-кундуз давомида истъемол қилинадиган оқсилларнинг миқдори тана вазнининг ҳар бир килограммига 2-2,5 граммни ташкил этиши лозим. Оғир машғулотлардан кейин тана оғирлигининг ҳар бир килограммига оқсил миқдорини 2,5 граммдан бир мунча кўпайтириш мумкин. Бу кучни яхшироқ қайта тиклаш учун зарур. Овқатланиш рационидаги ёғларнинг асосий (80-85%) қисмини ҳайвонлар ёғи ташкил этиши лозим.

Бир кеча-кундуда 15% дан кам бўлмаган миқдорда ўсимлик ёғларини истъемол қилиш талаб этилади. Овқатнинг углевод қисмининг 64% крахмал ва 35% ини конфет, қиём сингари шириналклар билан бирга бирмунча оддий қандлар ташкил этиши, бу ўринда қанднинг маълум бир қисмини асал билан алмаштириш мумкин.

Спортчиларнинг овқатлари витаминларга бой бўлиши муҳимdir. Чунки спорт билан шуғулланиш натижасида уларга бўлган талаб ортади. Шунингдек, электролитлар (калий, натрий, магний ва бошқалар) кўплаб истъемол қилиниши лозим. Буларга ҳозирги вактда катта аҳамият берилмоқда. Бу электролит ёки микроэлементлар ҳар қандай овқат таркибида бўлади, зарур ҳолларда уларнинг овқатларига маҳсус дори-дармонлар (калий хлорли эритмаси, панангин) сифатида қўшиб истъемол қилиш мумкин.

Спорт машғулотлари овқатланишдан сўнг 2-3 соат ўтгач бошланиши лозим. Мусобақалар олдидан улар бошланишидан 3,5 соат олдин овқатланиш мақсадга мувофиқdir. Тренировкадан ёки мусобақалар тугагандан сўнг 30-40 минут ўтмагунга қадар овқатланмаган мақсадга мувофиқdir.

Ажратиш системаларни текшириш

Ажратиш системалари органларига буйрак ва сийдик йўллари киради. Улар ўз навбатида сийдик ажратиш, сийдик пуфаги ҳамда сийдик йўлидан иборатdir. Буйраклар иккита аъзодан иборатdir. Улар орқали организмда ҳосил бўладиган “шлак”лар қон орқали чиқиб кетади. Уларни тутиб қолиш оғир касалликларга олиб келади. Жисмоний машқлар давомида моддалар алмашинуви сезиларли ортади, организмдан чиқиши талаб қиласидан “шлак”лар миқдори ҳам кўпаяди, буйракка тушадиган юклама каттароқ бўлади.

Ажратиш системасини текшириш методлари қуйидаги-лардан иборатdir: анамнез, кўриқдан ўтказиш, пальпация, сийдикни текшириш.

Анамнез – врач сўраш давомида спортсменда сийдик ажратиш системасига шикоят бор-йўқлигини, сийдик чиқариш билан боғлиқ оғриқлар,

белда оғриқлар, шунингдек, күз остида қандай шишлар бор-йўқлигини аниқлайди. Илгари буйрак касаллиги бўлган бўлмаганлигини ҳам аниқлайди.

Врач кўригидан ўтказаётгандан буйрак сурункали шамоллаши билан оғриган текшириувчиларга хос кескин рангпарлик ва шишганликка эътиборни қаратади.

Қорин бўшлиғини текшириш давомида буйрак касаллиги борлиги, сийдик чиқариш йўли ва сийдик пуфаги худудида касалликларнинг борлиги аниқланади. Буйрак лоханкаси (жоми) ва сийдик найи касалликларида белга бармоқ билан уриб кўрилганда оғриқ сезилади (Пастернацкий симптоми). Сийдикни текшириш мажбурий ҳисобланади, нормал сийдик тиник бўлиб, ачиган реакция беради. Унинг ранги турли хил пигментларга боғлиқ бўлади. Бир кеча-кундуздаги сийдик миқдори нормада 1500 мл ни ташкил этади. Унинг химиявий таркиби номунтазам бўлиб, қатор шароитларга, асосан овқатланиш хусусиятига боғлиқ бўлади. Химиявий моддалар концентрациясига боғлиқ ҳолда унинг солиштирма оғирлиги ўзгаради. Бу оғирлик нормада 1015-1020 ни ташкил этади. Сийдикда оқсиллар ва қанд миқдорини аниқлаш бирмунча катта аҳамиятга эга. Соғлом кишиларда уларнинг миқдори у қадар сезиларли бўлмайди. Айрим ҳолларда соғлом кишиларда жисмоний зўриқишилардан кейин сийдикда патологик ўзгаришлар рўй беради: оқсиллар, эритроцитлар ва цилиндрлар пайдо бўлади. Бу буйракдан қон чиқиши кескин камайиши ва буйрак кортикал қатлами ишемияси билан изоҳланади. Одатда сийдик қуилишининг нормаллашуви 24 соатдан кейин рўй беради. Ўта катта зўриқишилардан кейин ўзгаришлар 48, хатто 72 соатга қадар сақланиб қолиши мумкин. Ҳамма ҳолларда, яъни сийдикдаги ўзгаришлар бирмунча узоқ давом этадиган бўлса, ажратувчи системани маҳсус текшириш талаб этилади.

I. Жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланувчи кишиларни тиббий кўрикдан ўтказиши.

Дастлабки, такрорий, қўшимча турларга бўлинади.

Дастлабки – яъни биринчи марта тиббий кўрикдан ўтказища жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга руҳсат этиш-этмаслик масаласи ҳал қилинади ва текширувчини сало-матлиги тўғрисида справка берилади.

Тиббий кўрик умумклиник текшириши асосида олиб борилади:

Сўраб-суруштириш (анамнез), кўздан кечириш, пайпаслаш (пальпация): перкуссия, аускультация ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш усуллари қўлланилади.

Бундан ташқари паспорт маълумоти ва спорт анамнези аниқланади. Ўқув тренировка процессини ташкил этиш учун органларининг функционал имкониятларини ва иш қобилиятини аниқлаш мақсадида маҳсус синамалар ёрдамида текширилади.

Тиббий кўрик ва жисмоний тайёргарлик маълумотларига асосланиб, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар қуйидаги тиббий гурухларга ажратилади: асосий, тайёрлов ва маҳсус.

1. Асосий гурух – жисмоний тайёргарлиги етарли бўлган, соғлом ёки саломатлигига деярли ўзгаришлар бўлмаган шахслар асосий медицина гурухларига киради. Бу гурухдагилар жисмоний тарбиянинг тўла программасини бажарадилар, спорт билан шуғулланишлари ва мусобақаларда қатнашишлари мумкин.

2. Тайёрлов гурух – соғлигига бир оз ўзгариш бўлган ва жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлиги орқада қолаётган шуғулланувчилар киради. Уларга спорт билан шуғулланиш ман этилади. Улар учун жисмоний тарбия нормативларини топшириши муддати узайтирилади, ўқув машғулотлари сони ҳам чекланади.

3. Маҳсус гурух – саломатлигига анчагина ўзгаришлар бўлган шахслар киради. Уларга жисмоний тарбия таълим вазирлигини маҳсус ўқув дастурига биноан бажарадилар. Улар нормативларни топширишидан озод қилинади.

Такрорий тиббий кўрикда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланувчиларнинг соғлиги, жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолатида содир бўладиган ўзга-ришларга аниқлайди. Такрорий тиббий кўрик бир йилда 1 марта ўтказилади.

Қўшимча тиббий кўрик асосан мусобақа ўтказишдан олдин, бевосита спортчиларни мусобақаларда қатнашиш масаласи ҳал қилинаётганда ўтказилади.

II. Диспансеризация – медицина хизмати қўрсатишда энг юқори ва такомиллашган туридир, бунда даволаш билан профи-лактика биргаликда олиб борилади. Етакчи спортчилар соғлигини, иш қобилиятини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган профилак-тика ва даволаш тадбирларида малакали тиббий ёрдами кўрсатиш план асосида олиб борилади.

III. ВПН – тренировка ва мусобақалар ўтказилганда врач тренер билан биргаликда спортчиларни кузатиб боради. ВПН маълумотларига асосланиб машғулотларнинг спортчиларга бевосита таъсири ўрганилади,

тренировканинг самарадорлигини таҳ-лил қилишда турли синамалар қўйилади ва тренировкалар планига ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлади.

IV. Санитария-гигиеник назорат. Спорт иншоотлари гигиенник талабларига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда жароҳатланиш, касалланиш ва спорт натижаларини тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун спорт иншоотлари қуриш лойихалари Давлат санитария назоратининг маҳаллий органлари билан келишилади ва объектларга топширилади, кейин улар санитария- эпидемик станциялар ва врачлик жисмоний тарбия диспансерлари доимий санитария назоратида бўлади.

V. Спорт мусобақаларида тиббий хизматни ташкил этиш.

Врач мусобақа бош судъясининг ўринбосари сифатида тасдиқланади. Тиббий ҳодим бўлмагандаги мусобақаларни ўтказиш ман қилинади.

Мусобақаларни ўтказишида тиббий хизмат йўналиши:

- Спортчиларнинг хужжатларини текшириш ва уларни мусобақада қатнашиш учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш.
- Спортчиларни овқатланиши ва жойлаштириш шароити, мусобақа ва тренировкалар ўтказиладиган жойларни санитария гигиена жиҳатдан назорат қилиш.
- Мусобақа қатнашчиларини врач кўригидан ўтказиш.
- Мусобақа қатнашчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш.

VI. Спорт шикастланишининг олдини олиш.

Спортдаги шикастланишларни келиб чиқишини тренер ва жисмоний тарбия ўқитувчилари олдини олиш тадбирларини амалга оширишда актив иштирок этишлари зарур.

VII. Спорт ва жисмоний тарбиянинг умумий ғояларини пропаганда қилиш барча агитация ишларини олиб бориш, соғлом турмуш тарзи, рационал меҳнат ва дам олиш режими, овқатланиш билан боғлиқ масалалар устида ҳам тўхталиб ўтиш керакки, чекиш ва ичкиликтининг зарарини тушунтириш, яъни умумий санитария муолажа ишларини фаол олиб бориш зарур.

Дарс юзасидан саволлар:

- 1.Диспанцер назорати нима?
- 2.Ирсият ва ирсий касалликлар?
3. Спорт врачининг вазифалари нималардан иборат?

4. Врачлик текширувининг методлари ва вазифалари қандай?
5. Овқат ҳазм қилиш тизимидағи касалликлар?

7-МАВЗУ: Спортда иш қобилятини тиклаш воситалари.

РЕЖА:

- 1.Қайта тиклаш воситаларини таснифи.
- 2.Спортда қўлланиладиган қайта тиклаш воситалари.
3. Фармокологик ва физикавий тиклаш воситалари.

Таянч иборалар: тикланиш, қайта тикланиш, тасниф, фармокологик тикланиш, физикавий тикланиш

Замонавий спортнинг энг муҳим муаммоларидан бири спортчиларнинг иш қобилятини оширишdir. Етакчи дунё спортчиларининг бир кунда камида 3-4 марта спорт машғулотларини бажаради. Спорт машғулотларини кўлами ва жадаллиги ошиши билан бирга спорт мусобақаларининг сони ҳам ошиб бормоқда. Маълумотларга қараганда айрим етакчи спортчилар даврида 51-54 марта мусобақаларда иштирок этишган.

Чарчаш – бу физиологик жараён бўлиб, бирор ақлий ёки жисмоний юкламадан юзага келади ва қисқа вақтли дам олишдан кейин ўтиб кетади. Ўта чарчаш эса чарчаш жараёнининг усма-уст келиши, касалликлардан сўнг тикланмасдан машғулотларда иштирок этганда, тренировка режими бузилганда пайдо бўладиган, патологияолди ҳолатини ривожланишига сабаб бўладиган ҳолат.

Такрорий катта ҳажмли ва қувватли жисмоний юкланишлар таъсирида спортчи организмида иккита карама-қарши ҳолатлар ривожланади:

1. Жисмоний чиникиш ва спорт иш қобилятини ошиши (сарфланган энергетик ресурслар қайта тикланган ҳолатларида);
2. Сурункали чарчаш ва спортчини дармони қуриши (мунтазамлик равища тикланиш жараёнларининг муддатлари узайган ҳолда).

Замонавий спортда спортчининг организми фаолияти ва иш қобилятини оширишда навбатдаги машғулотлар тўлиқ тиклан-маган ҳолатида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Спорт машғулотларини жараёнидаги жадаллаштириш ва спорт иш қобилятини оширишда қайта тиклаш воситаларли кенг мунтазамлик равища қўлланилишига катта аҳамият берилади. Замонавий спортга таълуқли ҳаддан

ташқари физик ва психик (рухий) юкланишларда қайта тиклаш воситалардан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга этадир.

Хозирги замонда қайта тиклаш воситалари икки турли шаклда ўтказилади:

а) спорт машғулотлар ва мусобақалар жараёнидаги спорт-чиларни тиклаш системаси

б) тиббий реабилитация системаси: бошқача айтганда касалланиш, шикастланиш, ўта чарчаш ва ўта зўриқишлардан кейин спортчиларни иш қобилятини қайта тиклашдир.

Қайта тиклаш воситаларининг таснифи

Қайта тиклаш воситалари учта асосий – педагогика, психологик ва тиббий гурухларга бўлинади.

Педагогик воситалари:

- асосий воситалар бўлиб ҳисобланади, чунки рационал равища тузилган спорт машғулотларнигина қайта тиклаш жараёнларини тезлаштиради ва спорт натижаларни оширади. Бунда қуйдаги факторларга катта аҳамият берилади: микро ва макроциклларда шу билан спортчини кўп йиллар давомида тайёрланишида юкланиш ва дам олишни бирга қўшиб тўғри олиб борилиши. маҳсус қайта тиклаш цикларини киритиш, дам олиш кунлар, машғулотларни ҳар хил шароитларда ўтказилиши, мушакларни бўшаштирувчи машқлар, енгил кросслар, машғулот-ларни кириш ва тугаш қисмларини рационал равища тузилиши ва ҳ.к.

Психологик воситалари: – психологик – асаб танглигини (таранглигини) четлатади, шу боис организмининг ҳаракат ва физиологик функциялари тезда қайта тикланади.

Буларга ҳар хил асабий ва руҳий ҳолатларини бошқариш усуслублар: ухлаб дам олиш, ўз кучига ишонтириш, ўз-ўзини иродасини мустаҳкамлаш, мушакларни бўшаштириш усуллари, бўш вақтларни сермазмунли ўтказиш, гипноз ва х. киради.

Жисмоний иш қобилятини тиклашда қўлланиладиган тиббий воситалар асосий рольни ўйнайди.

Тикланиш деганда организмнинг функционал ҳолати ўзгаргандан кейин унинг физиологик ҳолатини ишдан олдинги ёки унга яқин гомеостаз (ички мухитни сақлаш) ҳолатига қайтиши тушинилади.

Аэроб реакциялар ва ассимиляция устун келиши тикланиш жараёnlарининг характерли томонидир.

Маълумки, ишдан кейин даврда фақат организмнинг сарф қилган ресурслари ва шунингдек, унинг физиологик функциялари тикланибина қолмай балки муҳим функционал структур қайта қурилишлар ҳам бўлади. Шунинг учун тикланиш жараёнларини билиб ҳисобга олиш тренировка юкламаларига доимо тўғри ёрдам беради.

Юкланиш натижасида организмнинг ички муҳитида кучли ўзгаришлар содир бўлади, қон реакцияси кислотали томонга сурилади, энергетик ресурслар камаяди, терморегуляция, бузи-лади,

Юрак-қон томир, нафас системаларининг фаолияти бузи-лади. Буларнинг фаолиятини яхшилашда тиббий воситалар ёрдам беради. Бунинг натижасида чарчоқлик ҳолати йўқолади, иш қобилияти ошади, организмга кейинги бериладиган юкланишга мосланишини енгиллаштиради.

Спортчилар организмнинг иш қобилиятини қайта тиклашда спорт тиббиётида кенг комплексли воситалар қўлланилади. Бунга биринчи навбатда маҳсус овқатланиш, эргогенли диета ва витаминалар киради.

Бундан ташқари ўсимликлардан ва сунъий йўл билан тайёрланган фармакологик препаратлар қўлланилади

Гигиеник воситалари ҳам кенг қўлланилади – бир меёрдаги режим, табиатдаги табий кучи ва х.з. Энг асосийси эса тикланишнинг жисмоний воситаларнинг йифиндилари: массаждан тортиб, сауна, термо (иссиқ) – электробаро, – магнит ва бошқа услублар қўлланилади.

Кўпгина тиббий воситалар организмга катта таъсир қиласи. Бу воситаларни нотўғри қўлланиши, организм ҳолатига мос келмаслиги, дозировка кўпайиб кетиши, спортчиларнинг соғли-ғига таъсир этиши, унинг иш қобилиятини ёмонлашишига олиб келади. Шунинг учун буни қўллашда спортчиларнинг индивидуал ҳолатини, ёшини, жинсини соғлигини, жисмоний ривожланишига, организмнинг конкрет ҳолатига, машғулотнинг ёки мусобақанинг босқичи ва характерини ҳисобга олиш керак. Бу воситалар врач кўрсатмаси асосида қўлланилади.

Машғулотлар ва мусобақалар жараённида спортчиларни иш қобилиятини оширишда, тикланиш жараёнларни тезлаштиришда ва чарчаҳ ҳолатиларни олдини олишда овқатланиши катта аҳамиятга эга.

Модда алмашинув туфайли ўсиш ва ривожланиш, морфо-логик ўзгаришларни турғунлигини ва биологик системаларни функционал дараҳалари таъминланади.

Катта жисмоний юкланишларда озиқа моддаларга эҳтиёжлиги, қисман оксил моддаларга ва витаминаларга ошиши кузатилган юкланишларни куч ва қувват ошиши билан энергияни сарфланиши ҳам ошади.

Спортчилар ва спорт устозлари ҳар хил жисмоний юкла-нишга тааллукли энергиясини мос келишини аниқлаши мумкин.

Қайта тиклаш жараёнларини тезда тиклаш мақсадида катта юкланишлар ва мусобақалар давомида овқатланиш калориясини ўйлаб чиқарилган нормативларга нисбатан 5-10%, суюкликни эса 0,5-1 литрдан ошириш лозим. Тикланиш даврида озуқа билан оқсил моддаларини истемел қилинишига катта аҳамият берилади. Озуқани оқсил таркибини 50-60 % гўшт, балиқ, жигар, сўзма, сут ташкил қиласидар.

Оқсил моддалар таркибига кирувчи аминокислоталар., глутамин (сутки буғдойни оқсиллари) липопротеинлар (сут, жигар, мол гўштли оқсил моддаларни ва холин)мол жигарида, тилда, тухум сариғида, нўхатда қайта тикланиши таъминланади.

Ёғ ва углеводлар – тиклаш жараёнларида катта роль ўйнайдилар. Ёғ махсулотлари 20-25% дан ошмаслиги лозим ва углеводларни миқдорини ошириш лозим. Жигар ва мушакларда гликоген запасларини оширишда юкланишлардан 24-28 соат ўтгандан кейин спортчиларни озуқа таркибини углеводлар билан бойитилиши лозим. Булар бир суткали калориясини 60% ташкил этиши керак. Қайта тиклаш даврида углеводлар таркиби: 64% крахмал ва 36% оддий қандлардан иборат бўлиши керак. Тикланишни таъминлашда онсон енгил сурилувчи углеводлар (Масалан асал), хўл мевалар ва сабзавотлар катта юкланишлар даврида бир суткали рационини 15-20% ташкил қилишлари лозим.

Тикланиш жараёнларини – кальций, фосфор, натрий, магний, темирга бой менерал моддалар тезлаштиради. Бу модда-лар мушаклар, бош мия, миокардда алмашинув жараёнларини бошқариши, ферментларни ва витаминаларни организмда ўзлаш-тирилиши, кислородни ташувчи хусусиятларини, сужак тўқима-ларини мустаҳкамланишида катта роль ўйнайди.

Иссиқ шароитда машқ давомида кўп терлаш натижасида тикланиш даврида озуқа рационида ош тузини миқдорини сутка давомида 5-7 г кўпайтириш мумкин, мушакларни тиришишида спортчиларга махсус тузли таблеткаларни бериш керак.

Тикланиш даврининг бошланишида организмда ишқорлик моддалар минерал сувлар, хўл мевалар ва сабзавотлар билан таъминлаш керак. Ичакларни фаолиятини яхшилашда қатиқ, кефир ва апельсинларни овқатланиш режимига киритиш лозим.

Кун давомида 3-4 марта овқатланиш тавсия этилади (машғулотлар ва мусобақалардан 1,5-2 соат ўтгандан кейин). Тиклаш муаммоларида витаминалар алоҳида ўрин эгаллайди. Катта юкланишларда витаминалар

етишмовчилиги юзага келиши мумкин. Замонавий спортда комплексли витаминын препаратлар қўлла-нилади. Шулар қаторида комплексли препаратлар (углеводлар менирал тузлар микроэлементлар ва витаминалар йифиндиши ёки оқсил моддаларни йифиндиши) кенг қўлланилади.

Мушакларни энергетик потенциалини оширишга олиб келувчи овқатлаланиш энергоген диета деб ном олган (угле-водлар, оқсил ва ёғ моддаларни композициясини ўзгартириш).

Мушакларда гликогенни миқдори қанчалик кўп бўлса, жисмоний юкланиш шунча катта самарали бажарилади. Масалан, оддий аралаш диетада (КМУ) велоэргометрда МПКнинг 75% ташкил қилинган жадалликда машқ 114 дақ давомида, углевод диета – 167 дақ, оқсил-ёғ диетада атиги 57 дақиқа давомида тўхтовсиз машқ биринчи ҳодисада гликогенни миқдори 1,75 г/100 г мушакни оғирлигига тенг, иккинчисида – 3,51 /100 г учинчисида эса атиги 0,63 г/100 г эканлигини аниқлашган.

Мушакларда кислароднинг таркиби қанча кам бўлса, шунча узун масофага югуриш тезлиги паст бўлади. Энергоген диета нафакат спортчиларни иш қобилятини оширишда, шу билан спортчиларни машғулотлар ва мусобақаларни самарадорлигини таъминлашда ҳам қўлланилади.

Оқсил моддалар

Оқсиллар (протеидлар) – тирик организм ҳужайраларида синтезланадиган биологик полимерлар. Оқсил тирик организмнинг ҳаётий маҳсулоти бўлиб, унинг яшаши, ривожланиши, етилиши ва ўзига ўхшаш насл ҳосил қилишига имкон яратади. Барча оқсил молекулалари углерод, водород, азот, кислород ва оз миқдорда олтингугуртдан ташкил топган. Оқсил молекулалари занжиридаги бўғинлар аминокислоталардан иборат. Ҳужайра қуруқ оғирли-гининг 50% дан ошиқроғини оқсил ташкил этади.

Оқсилнинг организм ҳаёт – фаолиятидаги аҳамияти нихо-ятда хилмалади. Оқсилнинг структурали оқсил деб аталувчи катта группаси организм турлича структурасининг ҳосил бўлишида иштирок этади. Ҳужайралар қобиғи ва уларнинг ички тузилмалари – органнеллалар, шунингдек, нерв устунлари қобиқлари полисаха-ридлар ва ёғлар билан мураккаб моддалар ҳосил қилувчи алоҳида эримайдиган оқсилдан ташкил топган. Оқсил қон томирлари девори таркибига қиради. Тери, пай, бойлам, тоғай, суюк таркибидаги коллаген оқсили бўлади. Кератин сон, тирноқ тузилмаларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Гормонлар оқсили организмнинг барча ҳаётй жараёнла-рини, ўсиши ва кўпайишини бошқариб туради. Алоҳида ёргулик сезгир оқсил – родопсин ёрдамида кўз тўр пардасида предметлар тасвири акс этади. Мускулларда қисқарадиган оқсил миозин ва актин борлиги туфайли улар қисқаради ва ёзилади. Айни шу оқсил туфайли барча ҳайвонлар юриш қобилиятига эга. Баъзи ҳайвонлар (илон, ҳашорат ва бошқа) ҳамда ўсимликларнинг кучли заҳарли моддалари, шунингдек бактериялар токсини хам оқсилдир. Шунинг учун улар тухум оқида ва ўсимликлар уруғида тўпланади. Баъзи оқсил заҳира озиқ моддалар ҳисобланади. Ферментлар оқсилнинг муҳим ва турли группасини ташкил этади. Организм-даги барча кимёвий жараёнлар ферментлар иштирокида ўтади. Овкат ҳазм бўлиши, кислороднинг ўзлаштирилиши, моддаларнинг ўзаро бир-бирига айланиши, алмашинув маҳсулотларининг ҳосил бўлиши ва организмдан чиқариб юборилиши, энергия тўпланиши, қон ивиши ва бошқа ферментлар иштирокисиз амалга ошмайди. Баъзи оқсил группалари ташувчанлик функциясини бажаради. Масалан, эритроцитлардаги гемоглобин кислородни ўпкадан организмнинг турли тўқималарига элтади ва тўқималарда ҳосил бўлган карбонат ангидридни ўпкага олиб келиб, нафас чиқарганда унинг ўпкадан ташқарига чиқиб кетишига имкон яратади. Оқсил организмни ҳимоя қилиш вазифасини хам ўтайди. Қонга касаллик пайдо қилувчи бактериялар ёки уларнинг организм ҳаёт фаолияти учун хайф түғдирадиган маҳсулотлар тушганда организмда антителлар – иммуноглобулин оқсил ишлаб чиқарилади. Улар организм учун ёт бўлган заҳарли оқсилни ёки касаллик пайдо қилувчи микроорганизмлар ҳаёт-фаолияти маҳсулотларини нейтраллашда иштирок этади. Оқсилнинг организмни ҳимоялаш вазифасига қоннинг ивишини хам мисол қилиб келтириш мумкин. Қон плазмасида фибриноген оқсили эрийди. У рангиз ва кўринмайди. Лекин қон томирнинг шикастланган жойида фибриноген тез полимерланиб, оқ фибрин ипига айланади ва чўқмага тушиб, жароҳатланган жойни пахта янглиғ тўсиб қўяди. Сувда эритмайдиган, кимёвий жиҳатдан инерт оқсилдан тортиб, сувда эрийдиган, биологик жиҳатдан актив, заҳарли барча оқсилпептид боғи билан боғланган айни бир хил аминокислоталардан ташкил топган. Табиатда 20 хилга яқин аминокислоталар (оқсил шу аминокислоталардан тузилган) мавжудлиги уларнинг занжирларда маълум кетма-кетликда жойлашишини чексиз ўзgartиришга амалий имконият яратиб беради.

Хар бир оқсилнинг политептид занжири оқсилига хос бўлган аминокислоталарининг тузилиши бир хилда ёки бир-бирига яқин бўлган, лекин аминокислота қолдиқлари турлича кетма-кетликда жойлашган иккита оқсилнинг хоссаси кимёвий жиҳатдангина эмас, балки биологик жиҳатдан

хам деярли турлича бўлади. Оқсил молекуласи аминокислота занжиридаги биттагина аминокислота қолдиғи ўрнининг алмаштирилиши ҳам айни оқсил хоссасининг анчагина ўзгаришига сабаб бўлади. Аксари оқсил таркибига кирадиган аминокислота қолдиқларининг сони 100 дан кам эмас. Улар оқсил таркибида қатъий тартибда бирин-кетин жойлашиб, оқсил молекуласининг полипептид занжирини, яъни барқарор бирламчи структурасини ташкил қиласиди. Жуда кўп аминокислоталардан тузилган узун полипептид занжирининг турли қисмлари ўзаро боғланиши туфайли оқсил молекуласининг юксак ташкилий шакллари – иккиласми, учламчи ва тўртламчи структуралари ҳосил бўлади. Тирик организмда оқсил пайдо бўлиши нуклеин кислоталари ва кўп сонли маҳсус ферментлар иштироқида ўтадиган мураккаб жараёндир.

Оқсил шакли, тўқимаси ва индивидуал ҳоссалари билан фарқ қиласиди. Ҳар қандай оқсил иссиқ қонли ҳайвонлар, жумладан одам организмига киритилганида антитела ҳосил бўлишига бўлишига олиб келади, яъни оқсил антиген ҳоссасига эга. Организмга ёт оқсил кирганида аллергик ҳолатни юзага келтиради. Организмга сингмаган оқсил ва полипептидлар ичакда сўрилиб, қонга ўтади ва организмга аллергия сингари таъсир этади.

Оддий оқсилларниг ҳазм бўлиши ва сўрилишининг бузилиши. Оқсил озиқ-овқат рационининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Овқат билан меъда-ичак йўлларига кирган оқсил овқат ҳазм қилиш шираларидағи ферментлар таъсирида парча-ланади (сингийди). Озиқ-овқатдаги оқсил аминокислотагача парчаланиб, ичак орқали қонга ўтади. Шундай қилиб, озиқ-овқатдаги оқсил ўзига хос кўринишини йўқотади, ундан ҳосил бўлган аминокислоталардан организм ўзига мос – структурали, ферментли ва ҳ.к. оқсилни вужудга келтиради. Баъзи оқсил- нинг меъда-ичак йўлида чала парчаланиши анча оғир касалликларга сабаб бўлиши мумкин.

Оқсилга ёлчимаслик ва у билан боғлиқ бўлган камчи-ликлар. Одам организмнинг оқсилга ёлчимаслигига қуйидаги омиллар сабаб бўлиши мумкин: оқсилнинг организмга озиқ-овқатлар билан етарли миқдорда кирмаслиги, озиқли оқсилнинг чала ҳазм бўлиши ва яхши сўрилмаслиги (кучли ич кетиши, диспепсия, дизентерия, чиллашир, овқат ҳазм қилиш безлари функциясининг бузилиши) оқсилнинг организмда жуда кучли алмашинуви, бинобарин, физиологик ҳолатлари (ҳомиладорлик, лактация ва б. да) куйганда, суяқ синганда, хирургик операция-ларда, инфекцион касалликларда ва б.да содир бўладиган стресс (танглик) ҳолатларида унга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги, турли касалликларда, масалан, нефроз, қон йўқотиш, оқсилнинг экссудат ва транссудатларга ўтиши, тўқималарда, қон

зардобида оқсил синтезининг бузилиши, бир қатор касалликларда (гастрит, ярали колит, илеит ва б.) оқсилнинг ичак эпителийларидан ўтиб йўқолишида.

Оқсилга ёлчимаслик организм тўқималарининг ўзидағи оқсилнинг парчаланишига ва азот балансининг бузилишига сабаб бўлади. Дастрлаб қон зардобидаги оқсил миқдори камайиб гипопротеинемия пайдо бўлади. Гипопротеинемия суюқликнинг қондан тўқималарга ўтишига ва шиш пайдо бўлишига олиб келади. Қондан кейин иккинчи навбатда жигар, мускул ва теридаги оқсил миқдори камая бошлайди, энг сўнггида юрак мускули ва бош мия оқсили тугай бошлайди. Марказий нерв системаси функциясининг бузулиши оқсил алмашинувига анча таъсир кўрсатади. Оқсилнинг парчаланиши тезлашиб, янгидан ҳосил бўлиши эса секинлашади. Бу атрофия, дистрофия ва бошқа камчиликларни келтириб чиқаради. Гормонларнинг оқсил алма-шинувида алоҳида аҳамияти бор. Қалқонсимон без гормонлари организмдаги оқсил парчаланиши жараёнини кучайтиради ва ҳосил бўлишни тезлаштиради. Гипофизда ишланиб чиқадиган ўсиш гормони таъсирида оқсилнинг ҳосил бўлиши ва синтез-ланиши тезлашади. Бу оқсил миқдорининг кўпайишига ва организмнинг ўсишига имкон яратади.

Кучли машғулотлар бажарлишида, айниқса 2-3 мартадан кўп ўтказиладиган машғулотларда, қайта тикланиш жараёнларини жадаллаштиришда овқатланиш режимига маҳсус озуқа препарат-лар киритилади. Булар қаторига оқсил гидролизатли спорт ичимликлари киради. Қуруқ спорт ичимлик “Олимпия”, “Спортакиад”, “Виктория”, “Эргтон”, “Велетон”, “Диета Экстра” ва оқсил-глюкозали шоколад, оқсил печеньеси, “Олимп” оқсил мармелади ва бошқалардир.

Фармакологик тиклаш воситалари

Спортчиларни иш қобилятини бир меърида сақлаш, катта юкланишлардан кейин, ўткир ва сурункали чарчаш, ўта чарчаш, бетоблик ҳолатиларда, замонавий спортда ҳар хил фармакологик моддалар қўлланилмоқда. Ўсимлик фармакологик моддаларга кўпроқ аҳамият берилади. Ҳар бир вазиятда тренер ва врач биргаликда фармакологик моддаларни қабул қилиш масаласини ечишлари лозим.

Витаминалар. Спортчиларнинг иш қобилятини қайта тиклашда витаминалар алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, витаминаларнинг этишмовчилиги иш қобилятининг пасайишига, чарчаш ва ҳар хил касаллик ҳолатиларига келтириши мумкин.

Бу дорилар фермент системаларини активлаштиради, иммунитетни оширишга кўмаклашади, тўқимада кислородни ўзлаштиришни яхшилайди, нерв ва гуморал регулицияни ривожлантиради, модда алмашинуви чиқиндиларини организмдан чиқиб кетишини тезлаштиради. дориларни

буюришга факат врачнинг ҳуқуқи бор. Уларни тренерлар томонидан буюрилиши, спортчиларни ўзлари кўллаши ман этилади. Болалар ва ўсмирлар дориларни кўллашда алоҳида эҳтиёт бўлмоқлари лозим.

Пластик таъсир хусусиятига эга бўлган дори-дармонлар (нуклеотидлар) ҳужайраларнинг тикланишига ва уларнинг ичида регенератив жараёнларини кечишига ёрдам беради, анаболик хусусиятлари ва дистрофияга қарши кўрсатиш хусусиятигаша эга. Углевод алмашинувига таъсир кўрсатади, фермент ва кофермент-ларни етишмаслиги тўлдиришда кўмаклашади, юрак ва скелет мушакларида модда алмашинувини яхшилайди. Жисмоний зўриқишлиар натижасида ривожланган миокард дистрофиясини олдини олишида ва даволашда бу гуруҳ дориларнинг аҳамияти каттадир. Бу гурухга калий оротат, рибоксин, АТФ, оқсил аралашмалари ва озуқа қўшимчалар киради. Энергетик таъсирига эга бўлган дори дармонлар. Кислород етишмовчилигига (гипоксия организмни турғунлигини оширади). Керакли энергетик модда-ларни эҳтиёт қиласи, метаболик реакцияларга тезда киришади ва Кребс циклида тез сўрилади ва сарфланади, ферментларни ва коферментларни активлиги оширадилар, катта юкланишларда организмда ҳосил бўладиган заарли радикалларни миқдорини камайтиради. Бу гуруҳ дори дармонларга карнитин хлорид, пикамилон, янтар кислотаси, панангин, ноотропил киради.

Антиоксидантлар (витамин Е, токофероллар ва бошқалар) узоқ вақт даволовчи этадиган машғулотларда липидларнинг ортиқча кўп миқдори ҳосил бўладиган заарли моддаларни таъсирини ўтмайдиган қилиб қўяди.

Адаптогенлар-булар асосан ўсимликлардан олинадиган биостимуляторлардир (женьшень, хитой лимонники, левзия (марал илдизи)). Булар қаторига ва комплексли дорилар ҳам киради Улар организмни турли хил зекстремал таъсирига каршиликни оширади, юкланишлардаги функционал ўзгаришларни тиклашга кўмаклашади. Тезлик ва кучли юкланишларда, зўриқиши билан ҳамда ўта дикқат ва мураккаб координацияли ҳаракат талаб қилувчи спорт турларида самарали қўлланилади.

Ноотроплар – бош миянинг интегратив механизмларига бевосита активлаштирувчи таъсир кўрсатадиган, хотирани яхши-лайдиган, фикрлашни стимуллаштирадиган, бош мияни стресс таъсиротига чидамлилигини оширадиган преперат. Ноотроплар координацияни яхшилабгина қолмай, спортдаги йўқолаётган кўникма ва техникани тикланишини тезлаштиради.

Ноотроп препаратлар модда алмашинуви жараёнига таъсир кўрсатгани учун уларни “метаболик терапия” препаратлари қаторига қўшадилар. Бу препаратларни кечки пайт ва психомотор қўзғалишда қабул қилиш мумкин эмас.

Ноотропларни қўллаш

Спорт тури	Тренировка босқичлари	Тайёрлов	
Циклик		*	* Асосий
Тезлик-куч		*	* Максус Тайёрғалик
Яккакураш	*	*	* Мусобака оли
Координаци он		*	*
Спорт ўйинлари	*		*
Спорт тури	Тренировка босқичлари	Тайёрлов	Асосий
Циклик		*	* Максус Тайёрғалик
Тезлик-куч		*	* Мусобака оли
Яккакураш	*	*	*
Координаци он		*	*
Спорт ўйинлари	*		*

Ноотроплар

Препаратлар	Бир кунлик доза		Қабул қилиш давомийл иги, хафта
	Катта кишила р	Ўсмирлар	
Аминалон	0,5 г. 3 маҳал		2-3-4
Луцетам	2 таб.	1 таб.	2-4

Ноотропил	0,8 г. 2 маҳал	0,4 г. 3 маҳал	3-4
Пирамем	0,8 г. 3 маҳал	0,4 г. 2- 3 маҳал	4-6
Пантогам	0,5 г. 2- 3 маҳал	0,25 г. 3 маҳал	4
Пиридитол	0,1-0,3 г. 2 маҳал	0,05-0,1 г. 2 маҳал	3-4
Энцефабол (драже)	-	0,1 г. 1-3 маҳал	2-4
Энцефабол (5%ли эритмаси)	-	1 чой қ. 2 маҳал	2-4

Катта жисмоний юкланишдан кейин жигар функциясини нормалаштирувчи (гепатопротекторлар) деб аталувчи дори дармонлар. Булар организмни шлаклардан (захар чиқиндилар) тез тозалашда, жигардаги модда алмашиниш функциясини ва дезинтоксикацияни (захарларни парчалаш) кучайтиришида ёрдам беради. Булар аллахол, леганол, эссенциале, карсил, лецитин, метионин, галстена ва бошқа дорилар.

Метионин – аминокислота бўлиб, организмда бўй ўсиши ва азот алмашинуvida муҳим ўринни эгаллайди. Холин синтезига асос бўлади, бунинг эвазига ёғлардан фосфолипидларнинг синтезини нормалаштиради ва жигарда нейтрал ёғнинг тўпла-нишини камайтиради. Метионин адреналин, креотинин синтезида иштирок этиб, гормонлар, ферментлар, В₁₂ ва С витамиnlари, фоли кислотаси фаолиятини жадаллаштиради. Метиллаштириш йўли билан организмда модда алмашинуви оқибатида пайдо бўладиган баъзи заҳарли моддаларни заарсизлантиради. Метио-нинни қўллаш учун тавсия: жигар касалликларини даволашда ва уларнинг профилактикасида, катта ҳажмли мушак машқ машғулотларида. Метионинни қабул қилгандаги ножуя таъсири: қусиш. Вирусли гепатитларда қўллаш маън этилади.

Қон ишлаб чиқаришни яхшиловчи дорилар (темир дорилар, гемостимулин, кобабамид) асосан жисмоний зўриқишида қизил қон таркибидаги ўзгаришлар билан кечганда (ўта баландлик тоғ шароитларда ўтказиладиган машғулотларда, ўта чарчаш ҳолат-ларда) қўлланилади.

Бош мия хужайраларининг модда алмашинувини ва энергетик жараёнларни яхшиловчи моддалар ақлий ва жисмоний иш қобилятини оширувчи моддалар ноотроплар деб номланади. Улар марказий нерв

системаси ва анализаторларни микрожа-роҳатланиши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган зўриқишлиарда, ўта чарчашларда. Неврозларда, вегетатив дистония касалликларида қўлланилади. Буларга аминалон. пирацетам. церебролизин ва бошқалар киради.

Физикавий тиклаш воситалари

Физикавий факторлар юқори биологик активлигига эга бўлиб спорт тиббиётида касалликларни олдини олиш, даволаш, организмни чиниқтириш қайта тиклашни тезлаштириши ва иш қобилятини оширишда кенг қўлланилади. Табиий факторлар (қуёш, ҳаво, сув) билан бирга ҳар хил душлар ванналар махсус ванналар, иссиқлик ва нурлар, кислород, электротоклар массаж ва ҳаммом турлари қўлланилади.

Физикавий факторлар организмда қатор жавоб реакция-ларни вужудга келтиради ва шу билан организмнинг ҳимоя кучлирини, ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирига қаршилигини оширади, чарчашни тарқатади, қайта тиклашни тезлаштиради. Физик факторлар икки групга бўлинади: организмга умумий таъсир килувчи (душлар, ванналар, умумий ва сувли массаж, ҳаммомлар) ва маҳаллий таъсир этувчи (электромуолажалар, ванналар, иссиқ муолажалар, сегментар массаж ва б.) муолажалар чарчаган айrim мушакларда ўтказилади, катта ҳажмли ва жадал машғулотлардан кейин умумий ва маҳаллий чарчаш оқибатларини тарқатишда умумий таъсир воситалари қўлланилади. Бир кунда икки марта машғулотлар ўтказилиши циклида биринчи машғулотдан кейин маҳаллий таъсир воситаларни қўлланилиши, иккинчи машғулотлардан кейин организмга умумий таъсир кўрсатувчи воситалар қўлланилиши тавсия этилади.

Бир бирига мос келмаган муолажаларни қабул қиласлик керак Умумий (ванна, сауна) ва маҳаллий таъсир этувчи (ультратовуш, аэрозоль, парафин) воситаларни биргаликда қабул қилиш мумкин

Сувли муолажалар энг кўп тарқалганларидан биридир. Сувнинг ҳароратига қараб душ совуқ (20 гача), салқин (20-30), илиқ ва салқин- ўртacha (31-36), илиқ (37-38), иссиқ (38 дан ортиқ) душларга ажратилади. Эрталаб машғулотлардан кейин тетиклан-тирувчи қисқа муддатли (30-60 с) совуқ ёки иссиқ душ олинади, Кечқурун машғулотлардан кейин уйқудан олдин илиқ тинчлан-тирувчи душ қабул қилинади.

Спорт тиббиёти амалиётида душнинг бир неча турлари қўлланилади: Шарко души – сув ҳарорати 30-35, 1,5-3 *аттм* босимида 2-3 дақиқа давомида тери қизаргунча бир неча марта такрорланади.

Каскадли душ – ўзига хос «сувли массаж» – 2,5 метр тепаликдан кўп миқдорда совуқ сувнинг тушиши.

Сув ости массажи – ванна ёки сув ҳавзасида аппарат ёрдамида ўтказилади. Сувнинг ҳарорати 35-38, босими 1-3 *атм* (спорт турига қараб) муолажани давомийлиги ҳам спорт турига, ёшига ва функционал ҳолатига қараб белгиланади. Масалан: сузувларда 5-7 дақиқа, югурувчиларда 7-10 дақиқа, курашчилар ва боксчиларда 10-15 дақиқа давомида ўтказилади. Сув ости массажи ҳафтада 1-2 марта иккинчи машғулотлардан кейин уйкудан 2-3 соат олдин қабул қилинади.

Ҳар хил ванналар қайта тиклаш ва даволаш мақсадида қўлланилади. Оддий, иссиқ, вибрацияли ванналар қаторида гипертермик (сув ҳарорати 39-43), умумий, ўтириш ва оёқлар ванналари қўлланилади. Бу ванналар асосан таянч ҳаракат аппаратини фаолиятини нормаллаштиришда (мушакларнинг “қотишида”, миофасцит, миозит ва б.) жароҳатланиш ва ўта чарчаш ҳолатларни олдини олишда қўлланилади. Одатда ҳар хил ванналар қўлланилади. Курс давомида 5-7 дақиқали 8-10 муолажалар қабул қилинади.

Гипертермик умумий ва оёқ ванналари узоқ масофага спорт югуриш вакилларига тавсия этилади. Маълумотларга кўра югуришидан кейин (асосан узоқ давомли, жаддаллик, марафон) оёқлар мускулларида оғриқлар пайдо бўлиши аниқланган: миофибриллаларни, перемизий нерв толаларини, капиллярларни шикастланиши аниқланган. Пасликка югуришда мускулларни қотиб қолиши (асосан биринчи 3-5 кунларда) оғриқлар ёмон бўлиши, мускулнинг қон оқими бузилиши, мускулларни кислород билан таъминланишининг етишмовчилиги (гипоксия) кузатилади.

Ҳаммоллар (буғлик ва қуруқ-сауна) спорт иш қобилятини қайта тиклашда кенг қўлланилади. Буғли ва қуруқ ҳаммоллар ҳарорати ва намлиги билан ажраладилар. Буғли ҳаммоллар юқори намлиги (70-100%) ва ҳавони паст ҳарорати (40-60) билан, қуруқ ҳаволи юқори ҳарорати (70-1000) ундан ҳам юқори ва ҳам намлиги (5-15% даражасида) билан характерланади. Ҳаддан ташқари исиш, организмнииг функцияларини ва иссиқ алмашинуви бузилишига ҳавфли вазиятлари камроқ бўлганлиги туфайли саунани кишилар енгилроқ кўтаришади.

Саунани қабул қилиш тартиби бажариладиган юкланиш асосида тузилади. Машғулотлар кунида спортчилар сауна муолажасини 5-7 дақиқа: кириши сони 3 марта бўлиши лозим. Кейинги кунларда саунада бўлиш вақтини 10-15 дақиқа узайтириш (25 дақиқадан, кўп бўлмаслиги лозим), кириш сонини 4-5 мартача кўпайтириш мумкин. Ҳар бир кириш оралиғи 5-15 дақиқа бўлиши керак.

Совуқ таъсирлар (совуқ душ, ҳавза) ва массаж билан биргаликдаги олинган саунани самародорлиги анча ошади.

Тиклаш воситалари комплекс равища ўтказилиши лозим. Тиклаш тадбирларини самадорлиги уларнинг комплекслигига, муддати, спорт тури, спортчининг ёши ва چарчаш ҳолати даражаларига боғлиқдир. Белгиланган тиклаш воситаларини орасида ва кучли, жаддаллаштирилган ўқув машқлардан кейин қўлланилади.

Масалан электромуолажалардан сўнг массажни ўтказилиши бир неча бор самаралилиги аниqlанган.

Биринчи ўқув машғулотларидан кейин маҳаллий таъсир этувчи факторлар (электрофорез, ультратовуш, электростимуляция ва бошқалар), иккинчидан организмга умумий таъсир қўрсатувчи: ванналар, сувли массаж, умумий массаж, сауна ва б. Мусобақалар даврида асосан тиклаш воситаларни организмга таъсир қилувчи муолажалари (қисқа вақт давомида) тавсия, этилади тайёрлов даврида – умумий ва маҳаллай факторлар бирга қўшиб ўтказилади, айниқса, айрим касалликлар юз берганда: миозит (мушакни яллиғланиши, пайлар қинини яллиғланиши)

Қайта тикланиш жараёнларини тезлаштиришда оксигено-терапия – кислород ёрдамида даволаш усули қўлланилади.

Катта жаддаллик ва қўламли жисмоний юкланишларда гипоксия (кислородни етишмовчилиги) юз беради. Маълумотларга кўра гипоксия, кислородни ташувчи ва иммунитет системаларига, қон томирларни ясси мушакларига, қонни таркибиغا, жигар ва бошқа аъзоларни тузилиш ва функцияларига салбий таъсир қўрсатиб, кўп касалликларни вужудга келтириши исботланган. Спорт тиббиётида кислородли коктейллар (кислород эритилган витаминли-ичимликлар, намланган кислород билан нафас олиш) ва гипербарик оксигенация (ГБО) махсус барокамераларда атмосфера босимидан баланд босим шароитларда кислород, ёки кислород аралашмаси билан нафас олинади.

ГБО – гипербарик оксигенацияни даволаш даврида такрор-ланган усулда (камерани режими – 0,9-10 *атм* давомийлиги 45-60 дақиқа ва 6-9 марта қабул қилиниши) қўлланилиши тавсия этилади.

Таянч-харакат аппаратининг шикастланиши ва касалланиши ҳаддан ташқари چарчаш ва гипоксия туфайли келиб чиқсан касалликларда кислород билан даволаш усули кенг қўлланилади. Кислород тери ости, бўғим атрофига ва бўшлиқларига бевосита киритилади. Кислород ҳужайраларни шикастламайди, қон айла-нишини яхшилайди, қайта тикланиш жараёнларини кучайтиради, қонталашларни самарали равища тарқалишини таъминлайди, тўқималарда модда алмашинув жараёнларини яхшилашга таъсир қўрсатади. Бурун бўшлиғига кирган кислород, буруннинг ички

пардасини куриши, танаачаларни пайдо бўлиши ва бурун тогайини ўзгаришидан сақлайди.

Дарс юзасидан саволлар:

1. Тикланиш нима?
2. Функционал тикланиш қандай амалга оширилади?
3. Фармокологик тикланиш нима?
4. Қайта тикланишга таъриф беринг?

8-МАВЗУ: Даволаш жисмоний тарбия асослари, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимлари фаолияти, даволаш жисмоний тарбия асослари

РЕЖА:

1. Даволаш жисмоний тарбиянинг организмига таъсири.
2. Даволаш жисмоний машқлар асосий турлари.
3. Шифобахш даволаш жисмоний машқлар, сузиш, гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари.

Таянч иборалар: Даволаш жисмоний тарбия, юрак қон томир, нафас олиш фаолияти, даволаш асослари

ДЖТ – реабилитатсион чора –тадбирлар комплексида кенг қуламига эга.

ДЖТ га асосий курсатмалар: касаллик окибатида келиб чиккан кучсизланиши ёки узгаришнинг юклиги, бемор ҳолатида ижобий динамика, ахволи яхшилана борши, оғриқ хуружларининг камайши, клиник ва лаборатор-инструментал маълумотларининг яхшиланиб бориши.

ДЖТ нинг воситалари: ДЖТ ни асосий воситаси булиб даволаш мақсадида қулланувчи жисмоний машклар ва табий омиллариdir.

Жисмоний машкларни гимнастик, спорт – иншоатлари, уйинлар турларига булинади.

Гимнастик машклар. Гимнастик машклар бутун организмнинг турли орган системаларигина эмас балки маълум мусқуллар гурухига, бутимларга хам таъсир курсатади. Шунга боғлиқ холда улар булинади: 1 умумий ривожлантурувчи (умумий кувватни оширувчи); 2.маҳсус. Умумий кувватловчи машклар бутун организмни согломлаштириш ва мустахкамлашга юналгандир. Маҳсус машкларнинг вазифаси у ёки бу таянч харакат қисмларига таъсир этиш. Масалан: товондаги машклар товон яссилигига ёки жароҳатланганда қулланилади, умуртқа машклари уларнинг деформатсияларида, чегараланган бугимларда маҳсус бугимлар машклари. Тана учун бериладиган машклар соглом организмга умумий кувватини оширувчи таъсирга эга.

Оёклар учун бериладиган турли хил соглом шахслар учун қулланувчи умумий тонусни оширувчи машклар хисобланади. Аммо уларни маҳсус

усуллари билан қулланиши оёкларда ташрих утказилган беморларда ташрихдан кейин махсус таъсирга эга булади.

Бундай ҳолатда бир машк қайсиdir инсонга умумкуватни оширувчи, қайсиdir инсон учун эса махсус таъсирга эгадир. Бундан ташкари бир машкни қуллаш усулига bogлик равишда турли хил вазифа бажариш мумкин. Масалан, тизза ёки тирсак бугимида ёзувчи –букувчи машклар бир беморга бугимларидаги харакатчанликни рвожлантириш учун, бошка беморга бугимлар атрофидаги машкларни мустахкамлаш учун, яна бир беморда эса мушак -бугим хиссини қучайтириш учун қулланилади. Жисмоний машкларни таснифлашда бир неча белгиларга асосланади.

Анатомик белги. Майда (кафт, товон, юз), урта (буйин тирсак, болдир, сон)ва йирик (оёк- қуллар ва тана) мушаклар гурухи учун машклар фаркланды.

Мушаклар кискаришини харакати. Мушак кискариши харакатига кура жисмоний машклар динамик (изотоник ва статик) изометрик турига булинади.

Динамик машклар: Бунда мушаклар изотоник режимда ишлайди. Бунда кискариш ва бушашиб даврлари навбатлашиб ётади, тана ва оёк-қуллар бугимлари харакатга келтирилади. Масалан, тирсак бугимида қулни букиб ёзиш машки, қулни елка бугимида айлантириш, танани ёнга, олдинга эгилиши. Динамик машклар фаоллигига кура фаол ва нофаол булиши мумкин. Улар куйилган вазифага, бемор ҳолатига, касаллик ёки шикастланиш характеристері хамда катый мос келувчи юкламаларни тузилишига bogлик булади.

Фаол машклар: Беморлар билан одатдаги ёки енгиллашган шароитларда мустакил равишида олиб борилади, (оғриқ кучи, ишкаланиш кучини бартараф этган ҳолатда) Харакат бажаришини осонлаштириш учун махсус сирпанувчи юза (текислик) хосил қилинади (горизонтал эгилувчи,) турли осилиш мосламалари. Мушак кискаришини кийинлаштириш учун амортизатор ёки каршилик билан машклар бажарилади. Микдорланган каришликтен харакатни турли боскичларда қулланиш мумкин бошида, урта ва охирида.

Нофаол (пассив)машклар: методист ёрдамида, беморнинг эркин кучисиз бажарилади. Бунда мушакларнинг фаол кискариши вужудга келади. Нофаол машклар қон ва лимфа айланишини яхшилаш учун қулланилади.

Статик машклар: бунда мушаклар таранглашади, аммо узунлигини узгартиrmайди, мушаклар кискарилари юзага келмайди. Масалан, бемор дастлабки ҳолати орка билан ётган булиб, икки оёгини кутарган ҳолатда

ушлаб турса, у дастлаб динамик машқ бажарган (оёкни кутариш ва шу ҳолатда ушлаб туришда) статик машқ бажарган булади.

Изометрик машклар ритмик (30-50 марта бир дакикада) ва маълум давомийликда (мушаклар давомийлиги 3 с) бажарилади. Мушакларни ритмик кискартириш шикастланиш ёки касалликдан 2 кун утгандан сунг бажариш тавсия этилади. Дастлаб bemор мустакил равишда машклар бажаради, сунгра ЏТ га тавсия этилади. Бир дарс мобайнида 10-12 та мушак кискариши оптимал хисобланади.

Мушаклар харакати: Характерига қура машклар булинади: а) нафас б) коррексияловчи; в) мушаклар бушашига, г) мусқулларни чузилишига, д) мувозанатдаги машклар; е) рефлектор, ж) харакат координатсиясига з) ритмопластик, у) гимнастик таёкчалар ва снарядлар қуллаш.

Нафас машклари ташки нафас функциясининг яхшилаш, нафас мушакларининг мустахкамлаш, асоратини олдини олиш (пневмония, ателектаз, плеврал битишмалар, плеврокордиал битишмалар ва бошкалар), ҳамда жисмоний машклар пайтида ва ундан сунг жисмоний юкламани камайтириш мақсадида қулланади.

Тикловчи даво машкларида динамик, статик нафас машклари қулланилади.

Нафас машқларида тана ва оёк қулларни харакатида ёрдамчи нафас мушаклари катнашади.

Статик нафас машкларида қул, оёқ, тана харакатисиз чуқур, ритмик нафас машкларида уз ифодасини топади. Бундай гурух машкларига киради:

- 1) Нафас типини узгартирувчи машклар а) тулик нафас типи б) нафаснинг кукрак типи в) диафрагмал нафас
- 2) Микдорланган каршилик машклари.
 - а) қул қовурға соҳасида, кукрак қафаси уртасида утказиладиган машклар.
 - б) Қоринни юқори квадратига хар-хил оғирликдаги кум куйиб диафрагмал нафас олиш машклар.
 - в) юқори кукрак икки томонлама нафас –қулни умров ости соҳасига босиб турилади.
 - г) пастки кукрак нафаси- бунда қул инструктори ёрдамида пастки қовурғалар эзиз турилиб, каршилик хосил қилинади.
 - д) Юқори кукрак нафаси – унгдан, қуллар ёрдамида юқори қисмлари кисиб турилади.
 - е) Пудовчи уйинчоклар, туплар қулланади.

Дренаж нафас машқлари- балгамни бронхлардан енгиллаштиришга каратилган машклар. Махсус жисмоний машклар бажараётган вақтда шикастланган соҳа трахея бифуркатсиясидан юқори турган ҳолатда булиши

керак, шунда шикастланган бронхлар бушлгидан балгамнинг окиб чикиб кетиши осонлашади.

Суюклик окиб чикиб кетиши учун қулай шароит яратишига каратилган динамик ва статик машклар бажарганда bemor машклар бошланишидан олдин 5-10дак. дренаж ҳолатида туради. (бундай ҳолатда туриш давомийлиги кейинги машкларда узайтирилади). Масалан, агар йиринг учоги упка юқори булагининг олдинги сегментида булса bemor оркага эгилган ҳолатда булиши керак, орка сигмент дренажида олдинга, упка учи дренажида чапга эгилган булиши керак. Нафас чиқариш пайтда нафасининг юқори қисмига карши курсатади. Вибротсион массаж ёки енгил силкитиш нафас чиқариш даврида балгам ажралишини енгиллаштиради.

Динамик дренаж машкларининг самарадорлиги йиринг учоги бор bemорларда оддий гимнастик машклар бажарилганда хам уз ифодасини топади. Бунда дастлабки ҳолатни танлаш мухим ахамиятга эгади.

Масалан йирингли жараён упканинг юқори булагида булса дастлабки ҳолат утирган ёки турган ҳолатда булгани маъқул. Агар унг упканинг булаги жарохатланган булса bemor соглом томонга ёнбошлаш керак.

Дастлабки ҳолатни фаол харакатлари билан алмаштириб туриш, яъни танани унг ёки чап томонга буришининг йиринг учогини бушашида яхши самара беради.

Коррекцияловчи машқлар таянч харакат аппаратининг баъзи касалликларида, қулланилади. (купрок кукрак қафасидаги опператсияларида) Коррекцияловчи машкларнинг вазифаси кучизланган чузилган мушакларни мустахкамлаш, қонтрактурани камайтириш (масалан, скалиозда, умуртқалар остеохондрозида).

Бўшашиш учун машқлар умумий ва махаллий характерга эга, Мушаклар яхши бушашиши учун bemor шундай ҳолатни эгаллаш керакки бунда мушаклар бириккан нукталар имкон даражада бир-бирига якинлашиши керак.

Чўзилиш учун бажариладигон машқлар у ёки бу бутимнинг харакатини ошириб маълум амплитудада бажарилади. Унинг махсус таъсири интенсивлиги мушакларнинг фаол тарангланиши, оғриқ хисси, инерсияловчи ва дастлабки ҳолат билан улчанади. Бу турдаги машклар тукималар ва тери эластиклиги пасайганда бугимлар харакатчанлиги сусайганда бажарилади.

Мувозанатдаги машқлар.Харакат координатсиясини таком миллаштириш юришни яхшилаш, хамда бузилган функцияларни тиклаш мақсадида қулланилади. (МНС касалликларида, **линфа** қон айланиши бузилганда, вистибуляр аппарат касалликларида).

Рефлектор машклар бошка мушак гурухлари таранглашиши билан бошка маълум гурух мушакларига таъсир этиш машклари.

Идиоматор машклар оёк қуллар ҳолатини узгартирмаган ҳолатда актив куринишида алоҳида мушак гурухларга импулслар юбориш билан харакатланади. Бундай машклар мушаклар кискаришини чакириб уларнинг иш фаолиятини яхшилаш ва мустахкамлаш учун хизмат қилади. Бундай машклар ётоқ режимидаги беморларга (иммобилизатсиядаги, фалаж ва парезларда) тавсия қилинади.

Ритмопластик машклар. купинча беморлар шифохонадан чикиб кетаётганда тавсия қилинади, бунда тикланиш боскичи таянч –харакат системасини тулик функционал кобилятини тиклаш асосий мақсад хисобланади. Яна неврологик амалиётда (неврозларда) хам қулланилади. Машклар мусика остида ритмиқ, тана ҳолатда бажарилиб, бемор умумий ҳолатига олий нерв фаолиятининг типига boglik равишта қулланилади. Гимнастик предметлар ва снарядлар қуллаб бажариладиган машклар. Бунда гимнастик таёқчалар, туплар, гонтел, снарядлардан фойдаланилади.

Спорт- амалий машклари.

Буларга юриш, югуриш, сузиш, урмалаш, эшкак эшиш ва бошталар киради. ДБТ амалиётида юриш машки энг куп қулланилади. Юриш машки таянч кобилятини тикловчи, юриш стереотипини яхшиловчи, оёк мушаклари мустахкамлигини оширувчи, бугимлар харакатчанлигини яхшиловчи, компенсатсияни шакллантирувчи, вегетатив функцияни стмулловчи хусусиятига эга. Юриш юклама билан ёки оддий юриш ҳолатида қулланилиши мумкин. Юриш оёкларга куйилаётган юкламаларнинг даражаси билан улчанади. Уларга бемор тана вазни, кадамларининг темпи ва узунлиги, вақт юлнинг релефи киради.

Ўйинлар.

ДЖТ да 4та юкламаси ошиб борувчи уйинлар фаркланади:

- 1) жойида
- 2) кам харакатли
- 3) харакатли
- 4) спортив .

Ўйинлар танлаб таъсир килиш хусусиятига эга, беморнинг эркин сифатларига узининг таъсирини утказади. Уйинлар функцияларни нормаллаштириш ёки турли компенсатсияларни мустахкамлаш мақсадида қулланилади.

Даволаш жисмоний тарбияси. Даволаш тарбияси асослари .

Жисмоний фаоллик- хаётий шароитларининг узлуксиз бир тури булиб ,нафакат биологик балки иштимоий ахамиятга эгадир. У онтогенезнинг барча

боскичларида тирик организимнинг табиий биологик талаби сифатида каралиб, индивиднинг функционал имқониятларига мос келган равища инсон соглом хаёт тарзининг муҳум принсибига айланади.

Даволаш бадан тарбияси . (ДЖТ)

Методларнинг умумий тавсифи. ДЖТ – даволашнинг шундай методики, бунда инсон соглигини ва меҳнат фаолиятини тиклаш, асоратлари ва окибатларини олдини олиш мақсадида жисмоний маданият усусларида фойдаланилади.

ДЖТ факатгина даволаш- профлактик усули булиб колмай, балки даво-тарбиявий жараёнлари булиб хам хисобланиб, бунда инсон жисмоний машкларга нисбатан онгли равища муносабатда булиб, гигиеник куникмаларга одатланишни инсон организмини табиятининг табий омилига нисбатан чиникишни таминалайди.

ДЖТнинг таъсир обекти булиб бемор хисобланиб, унда бемор организими функционал ҳолати хусусиятлари хар томонлама қуриб чиқилади. Бу эса

ДЖТ амалиётида услубий шакллар, қуланиладиган унсурларнинг турли-туманлигини келтириб чиқаради.

ДЖТ табий биологик метод, унинг асосида организмнинг асосий фаолияти – мушаклар харакати ётади. Харакат организмнинг усиши, ривожланиши ва шакилланиш жараёнларини стимулайди, олий руҳий ва эмотсионал сферанинг такомиллашувини таъминлайди, умумий тонусни оширади.

ДЖТ носпетсифик терапия методи, бунда жисмоний машклар носпетсифик кузгатиш ролини бажаради. Физиологик функцияларининг бошқаруви механизимлари фаолланиш билан бөглиқ равища ДЖТ бемор организимига тизимли таъсир курсатади.

ДЖТ патогенетик терапия методи. Жисмоний машкларнинг систематик равища қуланилиши организмининг реактивлигини ошириб унинг махаллий ва умумий куринишларини узгартиради.

ДЖТ фаол функционал терапия усули. Регуляр микдорланган шугулланиш бемор организмининг алоҳида тизимлари хамда огирилигини усиб борувчи жисмоний юкламага мосланилишини таъминлайди, охир окибатда бемор функционал адаптатсиясининг ривожланиши руй беради.

ДЖТ Ушлаб турувчи терапия методи. Тиббиёт реаблитатсиясининг охирги этапларида хамда кексалик даврида хам қуланилади.

ДЖТ кайта шакллаш терапияси методи. ДЖТ методикаментоз терапия ва даволашнинг турли жисмоний усусларида бирга қулланган яхши самара беради.

ДЖТ нинг харакатли хусусиятларидан бири беморларнинг жисмоний тарбия билан микдорланган шугулланиш жараёни.

ДЖТ да умумий ва махсус шугулланиш фаркланади. Умумий шугулланиш бемор организмининг согайиш, мустахкамлаш ва ривожланиш ёрдам беради. Хамда у умумий кувватловчи ва ривожлантирувчи жисмоний машкларнинг турли- туман куринишларида қулланилади. Махсус шугулланиш касаллик ёш жарохатлари туфайли бузилган функцияларнинг ривожлантириш учун қулланилади. Бунда жарохат соҳасига бевосита таъсири этувчи ёки функционал бузилишларни коррексия килувчи(масалан, плеврал битишмалардаги нафас машклари полиартритларда бугимлар учун машклар) харакатлар қулланилади.

Даво мақсадида қулланган жисмоний машкларни қилиник физиологик асослаш.

Харорат- виссерал рефлекслар назарияси И.М Сеченов И.П Павлов Н.Е Веденский ва А.А. Ухтомский ишларида уз ифодасини топган булиб бунинг асосида жисмоний машклар таъсирида ички органлар функцияси узгариши ётади. Харакат анализатори проприоретсептив афферентатсияси ички органлар функциясига салмокли таъсири курсатади.

Бошкача айтганда проприоретсепсия МНС оркали вегетатив сферани скелет мушаклари талабига мослашишни таъминлайди. Бу бодликликнинг узулиши (функционал ёки морфологик) харакат виссерал мувозанат бузилишига олиб келади, хамда организмнинг хам мотор хам вегетатив сферада патология келиб чикади.

Жисмоний машкларнинг терапевтический таъсири остида шугулланиш жараёни ётади.

Шугулланиш МНС нинг бошкарув ва координатсияловчи функцияларини мукаммаллаштиради.

Шугулланиш натижаси булиб бутун организмнинг функционал кобилятининг ортиши ва алоҳида орган ва тизимларнинг узаро муносабатининг кучайши хисобланади.

Мушак фаолияти турлари.

ДЖТ да мушак фаолиятининг Зта тури фаркланади.

- 1) динамик оркада колувчи
- 2) динамик устун келувчи
- 3) статик.

Биринчи ва иккинчи тури изотоник режимда, учунчи тури эса изометрик режимда бажарилади.

Динамик ортда колувчи мушак фаолиятини физиологик нормал чегарасидаги гемодинамик ва бошка функцияларнинг бироз узгариши билан таъминланади. Бунда талаб килувчи қон айланиши хажми нафакат юрак уриш частотаси ва систолик босимнинг ортиши билан, балки диостолик

босимининг пасайши, шунингдек пулс босимининг ортиши билан хам таъминланади.

Динамик фаолият устун келувчи ишда албатта юрак уриш частотаси ва систолик босим ортиши керак.

Жисмоний машклар билан шугулланиш уз ахамиятига кура МНС фаолиятини ортиради: бош мия ва пустлок остида кузгалиш ва тормозланиш реаксиялари орасидаги мувозанат яхшиланади, янги шартли рефлекслар орасидаги бодганишлар мустахкамлиги ортади.

Шугулланишнинг терапевтик самараси остида харакат доминантлари ривожланиши ётади.

Жисмоний машклар таъсир механизми.

Жисмоний машклар организмга тонусни оширувчи (стимулловчи), трофик (компенсатор) ва нормаллаштирувчи таъсир курсатади.

Тонусни оширувчи (стимулловчи) жисмоний машклар организм касаллик пайтида функциялар фаолияти бузилиши натижасида мажбурий гипокинезм ҳолатида булиб, бу эса бемор ахволига янада салбий таъсир курсатади, хамда касалликнинг янада ривожланишига юл очада. Жисмоний машкларнинг тонусловчи таъсири асосан харакат виссерал рефлексларни кучайтиришга каратилади.

Афферент импульсатсиянинг кучайиши харакатнинг марказий нейронларида хужайра метаболизмини кучайтиради. Бунинг окибатида МНС нинг организмга трофик таъсири кучаяди.

Шугулланиш пайтида юрак- қон томир системасига таъсир этиш гемодинамиканинг барча асосий ва ёрдамчи омиллари таъсирида юзага келади. Жисмоний машк бажариш вақтида юрак мускуларининг озикланиши кучайиши хисобига миокарднинг кискариш фаолияти ортади. Регионар қон окиш фаоллашади, күшимча (навбатчи) капилларлар фаолиятга киришади.

Мушак юкламаси пайтида томирлар тонусининг марказий бошкаруви стимулланиши гемодинамиканинг иккинчи омили (екстракардиал) фаолигига олиб келади. Веноз қон айланишининг кучайиши гемодинамиканинг ёрдамига омиллар грухини таъминлади – кукрак қафасининг ва дияфрагманинг, Қорин ичи босимининг узгариши скелет мушакларнинг кискариши ва бушаш ритмиклиги ва бошкалар. Бундай шароитда жисмоний машклар гемодикамикани яхшилаш юрак қон томир системасининг ортиб борувчи юкламага адаптатсиясини кучайтиришда ва унинг функционал кобилиятини кутаришда самарали омил хисобланади. Жисмоний машклар умумий ривожлантирувчи сифатида баҳоланади. Маълумки шугулланиш таъсирида организмнинг турли хил экстремал омиллари таъсирига чидамлилигини

оширади. Жисмоний машкларнинг систематик қулланиши организмнинг узгарувчи ташки мухит шароитига сезиларли даражада мосланишини ортиради, харакат- таянч аппарати нафас тизимини, қон айланиш фаолиятини яхшилайди, беъморларнинг жисмоний ҳолати ва иш фаолиятини яхшилейди.

Умумий тонусни ошрувчи машклар юналтрувчи таъсирига хам эга. Алоҳида орган ва системалар функциясини стимуллайди. Масалан; оёклардаги йирик бугимлар машклари гавдани буриш, Корин пресси мусқуллари учун бажариладиган машклар ичаклар перисталтикасини оширади.

Стимулловчи таъсири ДЖТ да беморнинг эмотсионал сферасига ижобий таъсири сифатида курилади. Жисмоний машклар, харакатли уйинлар bemордаги руҳий тормозни бартараф этади, касаллик ҳақидаги тушкунликни енгади ва bemорда узига хос ишонч пайдо булади.

Жисмоний машкларнинг трофик таъсири.

Тукима метаболизмининг физиологик бошкарув механизмларидан бири трофик рефлекслар хисобланади. МНС нинг турли булимлари, жумладан бош мия пустлоги ва гипоталамус трофик функцияни бажаради. Маълумки, нерв фаолияти барча куриниши реализатсяси алмашинув даражасининг узгаришига bogлик, бу айникса таянч-аппарат харакати бажарувчи эфектор механизм сифатида намоён булганда яккол ифодасини топади. Харакат тизими проприоретсепторларидан келаётган информатсия барча органларга, жумладан, нерв системаси хужайраларига хам таъсири этади. Проприоретсепторларнинг организмнинг хар- хил талабига мослашиши ва пластиклиги маҳсус рефлектор механизмлар оркали бошカリлади. Мушак ретсепторларининг симпатик иннерватсияси мавжуд. Симпатик нервнинг эфферент импулслари трофик таъсири курсатади, шундай куринишда унинг кузгалувчанлигини бошкаради.

Тонусловчи ва стимулловчи таъсири етишмаганда скелет мушаклари тонуси пасаяди, проприоретсептив импульсатсия частотаси камаяди, бу уз навбатида нерв трофиkasига таъсири этади. Жисмоний машк бажарилган пайтда проприоретсептик импулсатсия кучаяди, бу эса бузук доирани бартараф этиб, нерв трофиkasини стимулятсия қиласи, таянч – харакат аппарати ва организм физиологик тизимлари орасидаги мувозанатни тиклайди. Фаолланган проприоретсепсия нарв системаси томонидан ички органлар регулатсиясини яхшиланишини таъминлайди. Айнан трофик жараёнлар юрак мушакларининг функционал кобилиятини оширади. Регенерат хосил булиш фазасида жисмоний машкнинг трофик таъсири барчага маълум. Унинг асосида мушак фаолияти пайтида энергия сарфини компенсатсия килиш учун пластик жараёнларнинг кучайши ётади. Жисмоний машклар трофик жараёнларни стимуллабгина колмасдан, балки бу

жараёнларни функционал оқмига юналтиради, ва бир мунча тула кимматли регенерат хосил булишини таъминлайди. Жисмоний машкнинг трофик таъсири регенератив ёки кампенсатор гипертрофия куринишида намоён булади. Регенератсион гипертрофия тукима элементларининг бирмунча интенсив физалогик реаксиялари куринишида намоён булади. Масалан, оёклари травматик жарохатланган bemорларда мушак юкламаси машклари маълум мушакларда нерв трофик фаолиятини оширади, РНК – оксил системасини фаоллайди, оксил синтезини кучайтириб, парчаланишни сусайтиради, липидлар ва углеводлар утилизатсияси кучайиши хисобига аероб ва анаероб энзиматик системалар кувватини оширади. Найсимон суякларда функционал юкламанинг ортиши деформатсия зонасидаги микротиркулатсияни ошириб суяк хосил булиши жараёнларини кучайтиради.

Турли хил умуртқа остеохондрози синдромларида, сколиозларда ва бошка касалликларда мушак таранглиги пасаяди. Шунда жисмоний машкларнинг трофик таъсири яхши самара беради. Остеохондрозда мушак таранглашиши қон билан таъминланишининг бузилиши, нерв шохларининг эзилиши билан бирга кечади. Мусқул гурух-ларига бушаштирувчи таъсир курсатувчи машклар микротиркулатсияни яхшилади, нерв томир хосилларининг эзилишини камайтиради. Марказий ва периферик нерв системаси касалликларида мушаклар функцияси пасайиши контрактура ёки бугимлар харакатчанлиги бузилишига олиб келади. Бугимларда узок вақт фаол харакатнинг булмаслиги уларда иккиласми узгаришларга олиб келади. Махсус жисмоний харакатларни бажариш жараёнида бугимлар атроф тукимасида қон ва лимфа айланиши яхшиланади, харакатчанлик ортади. Бу уз навбатида қул ва оёклар фаолиятини тулик тикланишига олиб келади.

Компенсатсиянинг шаклланиши.

Компенсатсия бу бузилган функцияни вақтинча ёки доимий тулдриб туриш. Масалан, унг қул травматик шикастланганда bemor хар –хил майший оператсияларда чап қулини ишлата бошлайди. Бу тезкор компенсатсия булиб экстремал ҳолатларда юзага келади, лекин бу тулик эмасдир. Кейинчалик жисмоний машклар билан шугулланиш ва бош мияда янги структур мустахкамланган вақтинчалик болнанишлар шаклланиши натижасида узок вақтли компенсатсияни таъминловчи усуллар ривожланади

Бу принциплар турли органлар жарохатланганда компенсатор жараёнлар учун қулланиш мумкин. Масалан оёклар шикастланиши натижасида мувозанат ва юриш бузилади. Бу жараён асосида вестибуляр аппаратдан мушаклар проприоретсепторларидан оёклар ва тана ретсепторларидан хамда

курув ретсепторларидан сигнализатсиянинг бузилганлиги ётади. (дефект сигнализатсияси принсипи) МНС да бу ахборотни кайта ишлаш натижасида харакат марказлари ва мушак гурухлари функциялари шундай узгарадики улар мувозанатни маълум даражада тиклаш ва юришни узгарган ҳолатида булсада саклаб колишга каратилади. Дефект ҳақидаги сигнализатсиянинг бузилиши даражаси ортиб бориши мобайнида МНС нинг янги соҳалари хам компенсатор жараёнларига кушилиб кетади. (компенсатор механизмлар мобилизатсиясининг ривожланиши принсипи). Келгусида эффектив компенсатсия ёки жароҳат бутунлай бартараф булганида нерв системасининг олий булимига киравчи эфферент импулслари окишини узариши мумкин. Шунга мос равишда аввал компенсатор фаолиятда катнашмаётган маълум функционал тизими қисми учиши мумкин янги –янги копонентлар фаолияти изига тушиши мумкин (бузилган фаолияти тикланиши кайта афферентатсияланиш принсипи). Жисмоний машқ билан мунтазам шугулланишдан сунг етарли стабил анатомик дефектининг сакланиши асосида вақтинча боғланишлар стабил комбинатсияси ва оптимал компенсатсияси таъминланади, яъни бу жароҳатда минимал оксоклик юзага келади. (афферентатсиянинг санксционланиш принсипи). Компенсатор механизмларнинг узок вақт шугуланиши (таёклар ёрдамида юриш, мустакил юриш). Бузилган ёки юкотилган функцияларни маълум даражада тикланишини таъминлаш мумкин. Лекин кейинги мураккаб рефлектор механизимлар такомилланишувида булар маълум узаришларга олиб келмайди, яъни компенсатсиянинг стабилизатсияси келиб чикади. (компенсатор мосланишининг нисбий стабилизатсияси принсипи).

Патологик узгарган функциялар нормаллашуви ва организм фаолияти бутунлигининг тикланиши. ДЖТ – бу патологик жараёнларни юкотиш учун мослашув, химоя ва компенсатор механизмларнинг тугри шакилланишини таъминловчи терапиядир. Харакат функциясининг тикланиш билан биргаликда саломатлик хам сакланади. Функционал бузилишлари тикланишининг мухим юли проприоретсепторларга таъсир этишнинг ундан импулсатсия МНС га кириб, умумий тонусни ошрувчи таъсир этади.

Жисмоний машқ алоҳида холларда физиологик функцияларга симптоматик таъсир курсатади. Масалан, маълум нафас машклари харакат - пулмонал рефлекслар механизми буйича бронхларнинг дренаж функциясини ораллаб, балгамнинг осон кучишини таъминлаш мумкин.

Даволаш жисмоний тарбиясининг қуллашга курсатма ва карши курсатмалар.

ДЖТ – реабилитацион чора –тадбирлар комплексида кенг қуламига эга.

ДЖТ га асосий курсатмалар: касаллик окибатида келиб чиккан кучсизланиши ёки узгаришнинг юклиги, бемор ҳолатида ижобий динамика, ахволи яхшилана борши, оғриқ хуружларининг камайши, клиник ва лаборатор-инструментал маълумотларининг яхшиланиб бориши.

ДЖТ га асосий карши курсатмалар: беморнинг оғир ҳолати, бузилиши туфайли қонтактнинг юклиги, асалликнинг уткир даври ва ривожланиб бориши, юрак-қон – томир етишмовчилигини ортиб бориши, синусли тахикардияси (100дан ортик) ва брадикардия (50 зарилар мин дан паст) пароксизмал ёки хилпиловчи аритмияларнинг тез- тез кайталаниб турши, экстросистолия 1.10 да, эКТ да манфий динамика, атрио, – вентрикуляр блокада 2-3 даражаси, гипертензия (220/120 мм.сим. уст. дан юқори) гипотензия (90-50 мм.сим. уст. дан паст), тез – тез кайталанувчи гипер – ва гипотоник кризлар қон кетиш ва тромбоэмболия хавфи, анемиянинг борлиги (еритротситларнинг 2,5-3,0 млндан паст булиши, эЧТнинг 20 -25мм/ соатдан юқори булиши, лейкотситоз).

Юрак қон томир тизимининг функционал ҳолати

Спорт тиббиётида юрак-қон томир тизими текширишга катта аҳамият берилади, чунки юрак-қон томир тизими одам организмининг ҳаётий зарурий асосий тизимидир.

Юрак-қон тизими атрофидаги мухитда ишлаб турган мушаклар ва ички аъзоларга кислородни ташишда асосий ўрин эгаллайди. Мунтазамлик спорт машғулотлар жараёнида юрак-қон томир тизимларда ва бошқа ички аъзоларда мосланиш ўзгаришлар ривожланади. Жисмоний машқларга узоқ кўниши (мосланиш) натижасида хар бир ички тизимларда ўзига хос функционал ўзгаришлар пайдо бўлди ва бу ўзгаришлар айрим ички аъзоларда морфологик тузилишидаги ўзгаришлар билан кечади. Бундай ўзгаришлар ички аъзоларни юқори иш қобилиятини таъминлайди. Спорт иш қобилиятининг даражаси кўпинча юрак-қон томир тизимининг самарали ишига боғлиқdir. Спортчилар шиддатли ва узоқ давоимли жисмоний юкланишларни бажаришга мұяссар бўладилар. Бошқача айтганда, жисмоний машғулотлар давомида марказдан узоқлашган аъзолар кўп микдорли қон билан таъминланадилар. Спортчиларнинг ички аъзолар тизимида жисмоний юкла-нишга жавобан узоқ давомли кўниши натижасида ўзига хос функционал ва морфологик ўзгаришлар ривожланади. Бу ўзгаришлар спортчиларни ички аъзоларни иш қобилиятини оширади. Бундай ўзгаришлар спортчиларнинг шиддатли ва узоқ муддатли вақтли жисмоний юкланишларни бажаришга имкон беради. Баъзи ички тизимлар, масалан овқат ҳазм қилиш тизими, ажратув тизимлари мускуллар ҳаракатида иштирок этмайдилар, аксинча, жисмоний юкланишларда овқат ҳазм қилиш ва бошқа тизимларнинг фаолиятларини сусайиши кузатилади.

Қорин бўшлиғида жойлашган ички аъзоларнинг қон билан таъминланиши жисмоний юкланишлар давомида пайтида тинч ҳолатига нисбатан тўрт баравар камаяди. Инсон ҳаёти моддалар алмашиниш жараёнлари орқали таъминланади. Уларни зарурий шарт билан ишлаб турган аъзоларга ва тўқималарга тўхтовсиз кислородни етказишидир. Юрак қон томир ва нафас олиш системаларининг тузилишида ва функционал ҳолатидаги пайдо бўлган спортчилар учун энг муҳимдир. Бу икки системалар жисмоний юкланишлар даврида нейрогуморал томонидан жиддий бошқарилади. Бу туфайли организмда ягона кислородни ташувчи (транспорт қилувчи тизими), бошқача айтганда юрак-нафас олиш системаси фаолият кўрсатади.

Юрак-нафас олиш системаси ташқи нафас аппаратини, қонни юрак-томир системаси ва тўқима нафас олиш системасини ўз ичига олади. Қон айланиш ташқи муҳитдан ишлаб турган мушакларда ва аъзоларга кислородни ташишда алоҳида ўрин эгаллайди, шу туфайли бу системасининг асосий лимитловчи (чегараловчи) ҳалқаси бўлиб ҳисобланади. Мускуллар (мушаклар) ҳаракати даврида юракнинг иш қобилятини ҳаддан ташқари ошириш мумкин эмаслиги туфайли инсонни индувидуал (шахсий) “кислород шифти” бир минутда 3-6 л кислород билан чегара-ланилади. Шу муҳим факт спорт иш қобилятини таъминлашда юрак фаолиятини аҳамиятини исботлайди.

Жисмоний юкланишда ўпкадан 1 мин 140-160 литр ҳаво ўтказилади. Ҳар 1 л ҳавода, нормал атмосфера босими шароитида, 0,21 л кислород ташкил қиласи. $140-160 \text{ л} \times 0,21$ кўпайтирилишида ўпка 1 минутда организмга 29 л кислородни еказишлигини аниқлаймиз, демак бу кўрсаткич одамнинг “кислород шифти”дан 4 баравар ошиқроқдир. Энди қон айланиш системасига эътибор берайлик, қоннинг кислород ташувчи моддаси гемоглобинdir, 100 гр гемоглобин 0,134 кислородни ташиши (транспорт) мумкин. Кислородни ҳаддан ташқари талаб қилувчи спорт турларида (жисмоний чидамлиликни ривожлантирувчи) спортчилар машгу-лотлари асосан юрак фаолиятини оширишига қаратилган бўлади. Спорт фаолиятини таъминлашда юракни лимитловчи (чегараловчи) роли туфайли юракнинг зўриқиши бошқа аъзоларга нисбатан кўпроқ учрайди.

Соғлом кишиларнинг 1 л қонда 150 гр гемоглобин бор. Демак 1 л қонда нормал шароитда $0,134 \times 150 = 0,2$ л кислородни ташкил этади. Одам юраги 1 мин 25-30 литр қон хайдайди. Қуйидаги рақамларни ҳисобга олиб шундай хулоса чиқариш мумкин: 25-30 литр қондаги кислород 5-6 л дан ошмайди. Шу кўрсаткичлар кислородни максимал ўзлаштиришга (КМУ) кўрсаткичига тўғри келади.

Келтирилган рақамларга биноан қон айланиш системаси ишлаб турган муддатларга кислородни етказишини чегаралайди. Юракни шу чегараловчи хусусияти спорт фаолиятини таъминлашда асосийлардан биридир ва бошқа

ички айзоларга нисбатан ўта зўриқишига кўпроқ чалинади. Спорт устозлари спортчилар юракнинг тузилиши ва функционал хусусиятларини кўрсата билишлари, юрак миокардини шикастланиши ва функционал ҳолатини бузилишини олдини олишда мунтазам равишда тиббий назоратни ўтказилиши ҳақида билишлари лозим. Юрак-томир системасининг чегараловчи хусусияти юракни ишлаб чиқариш фаолияти билангина боғлиқ эмас. Бунда четда жойлашган механизмлар, масалан капиллярдаги қон оқиши ҳам муҳимдир. Майда капиллярлардаги қон айланишнинг тезлиги эритроцитдан O_2 га маъсул хужайраларининг митохондрияларига ўтиши ҳам кўзга кўринарли таъсир қилиши мумкин. Спортчиларга юрак-томир системасининг хусусиятлари ўтган асрда олимлар диққатига сазовар бўлган. Яхши жисмоний чиниқсан кишиларда юракнинг катталиги, кучли томир уриши ва бошқалар аниқланган 1889 йилда янги тиббий атама “спорт юраги” (Хеишен) тавсия этилган. Бу атама соғлом, юқори функционал имкониятга эга бўлган юракни билдиради. Спорт юраги (спортчилар) комплексли тузилиш ва функционал хусусиятларга этадир. Бу ҳолатлар мускул ишини бажаришда юракни юқори даражали мосланиш ва иш қобилиятини таъминлайди.

Спортчилар юрагининг структур (тузилиш) хусусиятлари

Спортчилар юрагининг катталashiши, юрак бўшлиқла-рининг кенгайиши, юрак қоринчаларининг ва юрак бўлмачалари деворларининг қалинлашишига боғлиқдир.

Дилятация – юрак бўшлиқларининг (қоринчалар ва бўлмачалар) кенгайишидир. Юрак қоринчаларини кенгайиши катта аҳамиятга эга. Бу спортчиларнинг юрагининг энг муҳим функционал хусусиятлари юқори иш қобилиятини таъминлайди. Спортчиларни юрагини катта кичиклигини аниқлашда теле-рентгенометрик ва ультратовушли эхокардиография усуллари кўлланилади.

Соғлом, жисмонан чиниқмаган 20-ЗО ёшдаги эркакларда юрак ҳажми ўртacha 760 см^3 га teng бўлади, аёлларда эса 580 см^3 . Маълумотларга қараганда энг катта юраклар чидамлиликни ривожлантирувчи спорт турлари билан шуғулланувчиларда (велосипед, ўрта ва узоқ масофага югуриш, чанғи спорти) учрайди ва бу кўрсаткич $800-1200\text{ см}^3$ ни ташкил этади. Бокс, карате, спорт ўйинлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг юраклари кўзга кўринарли катталашмайди. Асосан тезкорлик ва кучни ривожлантирувчи спорт турлари билан шуғулланувчиларнинг юраги спорт билан шуғуллан-маганларнидан кам фарқланади. Демак, дилятация асосан чидамлиликни ривожлантирувчи спорт турлари билан шуғулла-нувчиларга таълуқлидир. Рационал равишида машқ қилмаган вақтда энг кучли спортчи юрагининг массаси камдан-кам ҳолларда ва жуда оз миқдорда 500 г катталигидаги критик ҳолатидан сал ортиқ бўлади. Ҳаддан ташқари юрак ҳажмининг катталашуви ($1200-1700\text{ см}^3$) нотўғри

машғулотлар уюштирилиши натижасида юрак мушакларини заарланишини ифодалайди. Спорт тиббиёти амалиётида шахсий нисбий юрак ҳажми (юрак ҳажми кўрсаткичи спортчининг вазнига бўлинади) аниқланади.

Охирги йилларда спортчиларнинг юрагини текширишда ультра-товуш, эхокардиография усули кенг қўлланилмоқда. Эхокардиограммада юракнинг систола ва диастола давридаги фаолиятини, бўшлиқлар диаметрини, деворларининг ва қоринча-лараро пардасининг қалинлашганлигини аниқлаш мумкин.

Махсус формулалар ёрдамида қоринча бўшлифининг охирги диастолик ҳажми (ОДХ) ва охирги – систолик ҳажми (ОСХ) миокард массаси (ММ), уруш ҳажмининг (УХ) хисоблаб чиқиш мумкин. ОДХ-спорт юрагини кенгайиши (диллятация) даражасини ўлчами бўлиб спортчиларда спорт турига қараб 100-200 мл атрофида, шуғулланмаганларда эса 80-140 мл бўлади.

Миокарднинг физиологик гипертрофияси (кattалашиши) спортчи юрагининг иккинчи структур (тузилиш) хусусиятидир. Умумий гипертрофияга ўхшаб юрак гипертрофияси аъзони иш қобилятини оширишни таъминлашда муҳим мосланиш механизм-дир. Жисмоний машғулотларни бажарилишида спорт юраги бир қисқаришда тинч ҳолатга қараганда икки баравар, қисқа вақт давомида 2-3 марта кўпроқ қонни ҳайдashi керак. Ўз - ўзидан кўриниб турибдики, қон ҳайдашда куч ошмоқлиги лозим. Бу миокард гипертрофияси юрак мускулини катталаниши туфайли амалга ошади. Жисмоний юкланишлар таъсиридаги миокарднинг каттала-ниши (қалинланиши) саркомерларнинг сони, митохондрияларнинг сони ва уларни катталаниши, рибосомалар ва юрак мушагининг қисқартирувчи бошқа элементларнинг сони кўпайиши эвазига юзага келади.

Юрак массасини катталаниши миокарднинг гипертрофия-сини асосидир. Табийки, юракнинг гипертрофияси, патологик гипертрофияга чалинган беморларга қараганда бир мунча кичикроқ. Юракка тушадиган жисмоний юкланишларни камайиши миокарднинг физиологик гипертрофиясиغا қайтиши мумкин.

Марҳум спортчилрни юрагини текширилганда кўпчилигига юракнинг массаси норманинг юқори даражасида ёки нормадан ошганлиги исботланган (Н.Д. Граевская, Райдель ва бошқалар) Юракнинг ишchan гипертрофияси капилляр толаларини ошиши билан характерланади, усиз юракни кам даражали гипертрофияси ҳам миокард толаларини нисбий кислород очлигига олиб келиши мумкин.

Ишchan гипертрофия ривожланишида миокард толаларининг сонига нисбатан капиллярлар сони ошади (Комадел ва бошқалар), шу туфайли мушак элементларни қон билан таъминланиши ўзгармайди. Мақсадга мувофиқ ривожланган миокарднинг ишchan гипертрофияси хақидаги сўзлар факат унинг

мўтадил даража-ригагина таълуқлидир. Рационал равишда машқ қилинган вақтда энг кучли спортчи юрагининг массасини камдан-кам ҳолларда ва жуда оз миқдорда 500г катталигидаги критик ҳолатидан сал ортиқ бўлади. Агарда гипертрофия ҳаддан ташқари бўлса, бунда миокарднинг қон билан таъминланиши ёмонлашади. Бу ҳолат-ларда айрим мушак элементларининг нисбий кислородга очлик ҳолатлари вужудга келади. Булар натижасида юрак хужайралари некрозга (ўлим) учрайди. Кейинчалик ўлган мушак тўқималари қўшимча тўқималар билан алмашлади, бошқача айтганда кардиослероз ривожланади.

Бундай гипертрофия (катталаниши) соғ спортчи юрагини исботламайди. Юрак гипертрофиясининг бу тури спорт машғулотларининг норационал қўлланишида, содир бўлган айрим касалликларда вужудга келиши мумкин. Ҳаддан ташқари миокард гипертрофияси, ҳаддан ташқари юрак диллятацияси каби (юрак бўшлиқларнинг кенгайиши) спортчилар юрагининг касалланиши ҳақида маълумот беради. Бундай юракнинг қисқариш ҳусусияти пасаяди ва унинг ишқобилияти камаяди.

Дарсга оид саволлар:

1. Жисмоний даволаш машқлари нималардан иборат?
2. Анатомик белги нима?
3. Мушаклар қискаришини харакати қандай?
4. Динамик машклар ҳақида маълумот беринг?
5. Фаол машкларга мисоллар келтиринг?
6. Нафас машқлари қандай амалга оширилади?

9-МАВЗУ: Ўқувчиларнинг жароҳатланиши (шикастланиши)

РЕЖА:

1. Ўқувчиларнинг, спорт билан шуғулланувчиларнинг шикастланиши.
2. Зўриқиш, ўта зўриқиш.
3. Ўткир ва сурункали зўриқиш.

Таянч иборалар: шикастланиш , зўриқиш, ўта зўриқиш, ўткир зўриқиш. сурункали зўриқиш

Спортчи организмида учрайдиган касалликлар.

Спортчидар руй бериши мумкин булган касалликлар турлари. Спортчидар учрайдиган касалликлар 2 гурухга булинади:

1. Спортчи билан боғлиқ булмаган касалликлар
2. Спорт машғулотларини нотуғри бажариш натижасида юзага келадиган шикастланишлар.

Спорт машғулотлари билан боғлиқ булмаган касалликлар:

1.Юқумли касалликлар: грипп, ангина, ичбуруғ, юқумли сариқ касаллиги ва бошқалар.

2.Шамоллаш натижасида юзага келадиган касалликлар: ларингит, транҳобронҳит, упканинг яллиғланиши (зотилжам), радиқулит, неврит.

3.Захарланишлар:

- а) овқатдан заҳарланиш;
- б) кимёвий моддалар билан заҳарланиш;

4.Заарарли одатлар билан боғлиқ буладиган касалликлар:

- а) тамаки чекиш;
- б) спиртли ичимлик истеъмол қилиш;
- д) гиёхвандлик.

5.Наслдан бериладиган касалликлар.

Изоҳ: Бу касалликлар тиббий билим асослари фанида батафсил ўрганилган. Шунинг учун, улар ҳақида қисқа тақориј тушунча берилади.

Спорт машғулотларни нотуғри бажариш натижасида юзага келадиган касалликлар. Бу касалликларга:

1. Ўта чарчаш;
- 2.Тренировкани нотуғри утказиш туфайли юзага келадиган касаллик ҳолати;
- 3.Зуриқиши;
- 4.Спортчининг тусатдан ҳушидан кетиши;
- 5.Спортчидар гипогликемия ҳолати;
- 6.Спортчи жигаридар оғриқ синдроми;
- 7.Спортчидар нейро-серқулятор дистония синдроми.

Чарчаш ва ўта чарчаш.

Чарчаш – бу нормал физиологик ҳолат, яъни одам жисмоний машғулот бажариши натижасида маълум вақтдан кейин ҳужайра ва туқималарда тупланган энергия берувчи моддалар заҳираси тугаб, мусқулларда чарчаш юзага келади ва уларнинг иш бажариш қобилияти вақтинча пасаяди (ақлий иш бажарганда эса бош мия нерв ҳужайраларида чарчаш юзага келади). Маълум вақтда дам олганидан кейин ҳужайра ва туқималарда энергия берувчи моддалар қайтадан тупланади ва организмнинг иш қобилияти тикланади. Чарчаш ҳолати тез бартараф этилиши ва унинг чуқрлашмаслиги

учун чарчаш белгилари юзага келганды одам иш фаолиятини вақтінча тұхтатиб, дам олиши, күч қувватини тикловчи (юқоридаги мавзуга ҳаралсін) тадбирларни утқазилиши лозим. Ҳар бир спортчи күн тартибиға риоя қилиши керак.

Үта чарчаш.

Бу одам организмининг касаллық ҳолатидир. Ута чарчашнинг сабаби 2 ҳил булади: а) жисмоний иш бажариш (спорт машғулотларини) натижасыда ута чарчаш; б) ақлий меңнатнинг меъёридан ортиқ бажариши натижасыда ута чарчаш.

Спортчининг ута чарчаши сабаби жисмоний машғулотларни, яғни тренировка мусобақаларни күн тартибиға риоя қилмасдан бажариши натижасыда юзага келади. Жисмонан ута чарчашнинг сабаби спортчи ҳар кунғи жисмоний машғулотдан кейин етарли дам олмаслиги, күч-қувватни тикловчи тадбирларидан фойдаланмаслигидир.

Спортчыда аста-секин, кундан-кунга күч-қувват камая боради, ҳаракат тезлиги ва ҳаракат күчи камаяди, мувозанатни сақлаш қобилияты бузилади, олдинги спорт курсатгичлари ёмонлаша бошлайды, машғулот бажарғанда тез чарчайды, нафас қисади, юраги уйнайды, күп терлайды. Оддий чарчаганда озроқ дам олагандан кейин күч-қувват тикланиб, иш қобилияты яхшиланади. Аммо, ута чарчашда эса қисқа вакт дам олишдан кейин күч-қувват тикланмайды.

Бундан ташхары спортчининг рухияти бузилади, яғни у құзғалувчан, тез жағынан қаралады, үйқуси нотинч, қурқинчли тушлар куради, иштахаси пасаяди. Тренировка утказышда ҳохиш юқола бошлайды. Баъзда тана соҳасыда оғриқ пайдо булади.

Ута чарчашни даволаш.

1. Ута чарчаш белгилари пайдо булиши биланқ, спортчи тренери ва узининг беркитилған дүхтирига мурожаат қилиши керак.

2. Ута чарчаш белгиларини енгил ёки оғирига қараб спортчига дам берилади.

3. Дам олиш даврида у күч-қувватни тикловчи тадбирларни утқазиши, купроқ ухлаши, тоза ҳавода сайд қилиши, яхши овқатланиши керак.

4. Ута чарчаш белгилари бартараф этилғандан сунг тренировка машғулотларини бажаришга рұхсат этилади. Лекин ҳаракат ҳажми ва тезлиги олдингига нисбатан камроқ булиб, аста-секин купая боради.

Үта чарчашни олдини олиш.

1. Ҳар күнлик машғулотдан кейин, яғни оддий чарчашдан кейин яхши дам олиш керак. Күч-қувватни тикловчи тадбирлардан тулиқ фойдаланиши лозим.

2. Спортчи кун тартибига риоя қилиши керак.

3. Спортчининг уз-узини назорат қилиш кундалиги булиши, узида ҳис этган узгаришларни унга батафсил ёзиб бориши ва юзага келаётган салбий ҳолат белгиларини уз вақтида аниқлаши, тренери ва спорт дўхтири билан маслаҳатлашиб туриши керак.

Тренировкани нотўғри ўтказиши туфайли юзага келадиган касаллик ҳолати.

Тренировкани нотуғри ўтказиш туфайли юзага келадиган касаллик ҳолати малакали мусобақаларга тез-тез қатнашадиган спортчиларда юзага келади. Организмни тезроқ чиниқтириш ва мусобақада яҳши натижага эришиш учун тренировка машғулотларини кун тартибига риоя қилмасдан, яъни ҳар бир машғулотдан кейин етарли дам олмасдан ўтказилиши, машғулот ҳажми ва тезлигини тез суръатларда ошириши, туйиб уҳламаслиги, сифатли овқатланмаслиги натижасида юзага келади.

Тренировка қоидасининг бузилиши туфайли юзага келадиган касаллик ҳолати (перстренированность) З даражада кетиши мумкин:

1-даражада. Бунда спортчининг уйқуси нотинчланади, мувозанати бузилади, машғулотдла тез чарчайди.

2-даражада. Спортчида умумий кучсизлик, ҳомушлик пайдо булади. Тез жаҳли чиқади, иштаҳаси пасаяди, уйқусининг нотинчлиги кучая боради, ёқимсиз тушлар куради, уйқудан кейин узини дам олгандек ҳис қилмайди. Кузининг остида кукариш, озроқ шиш пайдо булади. Ранги оҳаради, вақти-вақти билан юрак соҳасида гижимланиш, санчиш пайдо булади. Мувозанатнинг бузилиши кучая боради, машғулотдан кейин қисқа муддат дам олиш куч-қувватни тикламайди.

3-даражада. Спортчининг руҳияти бузилади, яъни унда неврастеник невроз ҳолати вужудга келади. Бунинг 1-даврида спортчи қузғалувчан булиб қолади. Тез жаҳли чиқади, уйқусизлик юзага келади, артериал қон босими нормадан ошади, томир уруши тинч ҳолатда ҳам тезлашган булади (75-85 марта 1 дақиқада), максимал артериал босими 130-150 минимал босими 80-90 м гача кутарилади. 2-даврида яъни неврознинг кучайиши натижасида спортчи руҳиятининг бузилиши чуқурлашиб, у ута бушашади, атрофдаги воқеаларга бефарқ муносабатда булади. Тренеровка ўтказишга ҳоҳиши йуқолади. Утирган жойида мудрайди, кечаси эса уҳлай олмайди, юрак соҳасида ғижимланиш, санчиш белгилари тез-тез такрорланади. Томир уруши нормага нисбатан секинлашди (1 дақиқада 55-60 марта), максимал босими 110-100мм.гача, минимал босими 60-50 мм.гача пасаяди.

Машғулот тезлиги, кучи камаяди, мувозанати бузилади, тез чарчайди, дам олиши кучини тикламайди. Спорт курсаткичлари пасаяди.

Даволаш.

1-даражада қуидаги тадбирлар утказилади:

1.Бир ҳафта дам берилади.

2.Дам олиш даврида купроқ ухлаши, яхши овқатланиши, кучини тикловчи тадбирлар утқазиши лозим.

3.Дам олиш муддати утгандан сунг 1 ой давомида тренировка машғулотларининг ҳажми ва тезлиги секин оширилиши керак. Тренеровка кунаро утказилиши лозим. Мусобақаларга 1 ойдан кейин қуввати тикланиб, тренеровкада спорт курсаткичлари аввалги ҳолатига қайтгандан сунг руҳсат этилади.

2-даражада қуидаги тадбирлар утказилади:

1.Спортчига икки ҳафта дам берилади.

2.Дам олиш кунларида купроқ ухлаш, сифатли овқатланиш, куч-куватни тикловчи воситаларни қуллаш тавсия этилади.

3.Дам олиш муддати тугагач, 2 ой давомида тренировка машғулотларининг тезлиги ва ҳажми аста секинлик билан оширилади. Мусобақага 2 ойдан кейин қатаншиши мумкин.

4.Спортчи кун тартибига қатъий риоя қилиши, машғулотлар ҳажми ва тезлигини организмнинг имқониятидан келиб чиққан ҳолда аста-секинлик билан ошириши лозим.

3-даражада қуидаги тадбирлари:

1.Спортчига 1 ой дам берилади.

2.У дам олиш уйига, профилакторияга, санаторияга ётиб даволаниши керак.

3.Дам олишдан қайтгандан кейин тренировка машғулотларининг ҳажми ва тезлиги 2-3 ой давомида секинлик билан оширилиши лозим. Мусобақаларга 3 ойдан кейин руҳсат этилдаи.

Олдини олиш.

Спортчи кун тартибига риоя қилиши зарур.

1.Тренировка машғулотларини бажариш вақти ҳаракат тезлиги ва ҳажми организмининг жисмоний функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда аста-секинлик билан амалга оширилиши лозим.

2.Спортчи уз-узини назорат қилишни унутмаслиги керак.Машғулотларни узининг имқониятидан келиб чиққан ҳолда бажариши лозим.

3.Машғулот ҳажми ва тезлигини ошириш тренер ҳамда спорт дўхтирининг маслаҳатига кура ҳал этилиши керак.

Спортчининг зўриқиши.

Спортчининг зуриқиши 2 турда булади:

1. Уткир зўриқиши.
2. Сурункали зўриқиши.

Сурункали зуриқиши юқорида айтиб ўтилган тренировка машғулотларини қоидасининг бузилиши туфайли аста-секин вужудга келади (унинг 3-даражаси ҳақида юқорида маълумот берилган).

Спортчининг ўткир зўриқиши.

Спортчи организмининг функционал ҳолатини, чиниканлигини хисобга олмасдан, машғулот ҳажми ва тезлиги бирданига ошириб юборилиши туфайли юзага келади. Катта ҳажмдаги ва тезликдаги тренировка машғулотини бажаргандан кейин ёки мусобақадан кейин шунингдек, тренировка ва мусобақа вақтида спортчидан тусатдан зуриқиши ҳолати юзага келади.

Зўриқиши белгилари.

Зуриқишининг енгил турида артериал қон босими кутарилади, томир уриши тезлашади, юрак уйнайди, лаблари оҳаради, кукаради, нафаси қисади ва йиқилади. Текширганда спортчи юрагининг чегараси кенгайган, жигари катталашган, оёқларида шиш аниқланади.

Зуриқишининг оғир турида миянинг маълум қисми ҳолсизланиши ёки миянинг баъзи қон томирларининг ёрилиши натижасида мия инсулти юзага келади. Бунда спортчи ҳушини йуқотиб йиқилади, юз-қовоқ мусқуллари дириллайди. Қул- оёқлари тиришади, юзининг бир томони қийшайиши мумкин. Ёки спортчининг юраги бирданига тухтаб қолади ва у йиқилади. Текширганда юрак уриши ва томир уриши сезилмайди, артериал қон босими пасайиб, нолга тушади. Қул-оёғи совийди, ранги оҳаради.

Даволаш.

1. Спортчи текис жойга ётқизилади.
2. Тез ёрдам чақирилади ёки шу жойда булган спорт дўхтири ёрдам курсатади.

3. Спорт дўхтири булмаса, тез ёрдам етиб келгунича тренер ва бошқа спортчилар биринчи тиббий ёрдам курсатишлари керак:

- а) Юрак тухтаган булса, юрак соҳасига массаж қилинади. Юрак мусқулига адреналин ёки ноадреналин 1мл шпритс орқали юборилади.
- б) нафас тухтаган булса, «офиздан бурунга» ёки «офиздан – оғизга» усулида сунъий нафас берилади. Тери остига 1мл нордиамин, кордиамин, адреналин, норадреналин каби дориларнинг биттаси инъексия қилинади.
- д) Мия инсулти юзага келиб, юз мусқуларида, оёқ-қул мусқуларида тиришиш булса, бошига совуқ сувга намланган сочиқ ёки румол қуйилади, магнезий сулфат 25%ли 5мл, 0,5% ли 2мл новокайн биргаликда шпритс билан мусқул орасига (думба соҳасига) юборилади.

Изоҳ: Тез ёрдам етиб келганидан сунг зуриққан спортчига мутахассис дўхтирилар ёрдам курсатадилар.

Тиббий ёрдам.

1. Жигарда оғриқ пайдо булиши ҳақида спортчи тушунчага эга булиши керак. Мусобақа пайтида жигарда оғриқ пайдо булганида спортчининг узига-узи ёрдам курсатиши лозим. Бунинг учун у қулининг бармоқлари ва кафти билан жигарнинг унг қовурға остини массаж қиласди (уқалайди) ва чукур нафас олиб чихаради.

2. Агар юқоридаги тадбир ёрдам бермаса, ҳаракатланишни тухтатиб, спортчи ётқизилади ва остига 0,1%-ли 0,5-1мл антропин инъексия қилинади.

3. Жигар соҳасидаги оғриқ бартараф этилгунича ёғсиз, витаминаларга бой, таомлар ва жигар функсиясини яҳшиловчи дори-дармонлар қулланилади.

Дарс юзасидан саволлар:

1. Чарчаш ва ўта чарчашнинг бир биридан фарқи?
2. Зўриқиш ва сурункали зўриқиш?
3. Спортчиларнинг қун тартиби

10-МАВЗУ: Юрак-қон томир тизимининг спортчиларда ўзига хослиги, касаллиги.

РЕЖА:

1. Юрак қон томир тизимининг функционал ҳолати. Спортчилар юрагининг тузилиши ва унинг ўзига хос хусусияти.
2. Спортчилар юрагининг функционал хусусиятлари.(дилатацияси, гипертрофияси).
3. Юрак қон томир тизимининг динамик кузатуви ва унинг аҳамияти(пульсометрия, артериал қон босимининг ўзгариши).

Таянч иборалар: Юрак қон томир тизими, гипертрофия, пульсометрия, артериал қон босими, аускультация

Дунё соғлиқни сақлаш ташқилотининг берган маълумотига кўра юрак қон-томир касалликлари ҳамма мамлакатларда бошқа касалликлар ичida биринчи ўринда туради. Бунинг асосий сабаби жисмоний меҳнатнинг камайиб кетганлигидир, бунда асаб системасининг зўриқиши ва натижасида мускул қисқариши билан асаб зўриқишини бир бирига тўғри келмаслиги хисобланади. Бу касалликлар хозирги пайтда ўлим ва майибликни асосий сабабчилариидир.

Юрак қон-томир системаси касаллукларига қуидаги касаллуклар киради: атеросклероз, юракнинг ишемик касаллуклари (стенокардия ва миокар инфаркти), гипотеник ва гипертоник касаллуклар, миокардит, миокард дистрофияси, эндокардит, юрак пароги ва бошқалар.

Атеросклероз - липид ва кальтсий тузлари томирларнинг ички деворида йиғилиб артерия бўшлигининг торайиши, томир деворларининг дағаллашуви билан ифодаланган артерияларининг сурункали системали касаллукларири.

Юракнинг ишемик касаллуклари (ЮИК). Юрак мусқулларини қон билан таъминлайдиган тож артерияларнинг атеросклеротик ўзгариши сабабли ривожланадиган бу хасталик хозирги кунда дунёда энг кўп тарқалган касаллик хисобланади. Бу касалликка бир қатор бошқа хасталиклар ҳам учраб туради: стенокардия, миокард инфаркти ва инфаркдан кейинги кардиосклероз шулар жумласидандир. Бу касаллик гиперхолестеринемия, гипертония, чекиш, кам харакатчанлилик, семизлик, қандли диабет, стресс ва ирсий омиллар натижасида келиб чиқади.

Стенокардия - юрак мушакларининг кислородга бўлган эҳтиёжи билан кислородни қон билан этиб келиши орасидаги мувозанатнинг бузилишидан иборат касаллукдир. Сурункали юрак ишемик касаллукларининг энг кўп учрайдиган турларидан бири бўлиб, асосан (90 фоиз) тож артерияларининг атеросклерози туфайли ривожланади. Шунингдек у томирларни ўスマлар эзиб қўйганда ва киши рухан қаттиқ истироб чеканда (10 фоиз холларда) учрайди.

Миокард инфаркти - ўткир касаллик бўлиб. уни асосан юрак мушагидаги ишемик некроз ўчоғи келтириб чиқаради. Кейинча у атериосклероздан кейин ривожланади. Баъзан миокард инфаркти тож артерияларининг тромбози ёки атеросклеротик булакчага қон қуилишидан ривожланиши мумкин.

Миокард инфаркти 2 хил катта ва кичик ўчоқли бўлади. Юрак мушагининг бутун қалинлигига ривожланган инфаркт трансмурал, энкардга яқин бўлгани супикардиал, эндокардга яқин бўлгани эса субендакардиал инфаркт деб юритилади.

Чап қоринчанинг олд деворида инфаркт ўчоғи учраши жихатидан биринчи ўринда туради. 2 ўринда орқа девори, 3 ўринда қоринчалараро тўсик деворининг мушаги ва нихоят, охирги 4 ўринда сўрғич мушаклари туради.

Юрак мароминииг бузулиши (артимия). Юрак маромининг бузулиши артимия деб аталади. Артимиялар юрак миокардларининг автоматизм ва ўтказувчанлик хусусиятлари анатомик жахатдан ўзгарганда рўй беради.

Юрак фаолияти тезлиги ва мароми бузилишининг қуидаги турлари фарқ қилинади:

- Синус тугунининг автоматизми (импульс хосил бўлиши узатилиш тартиби) издан чиқса, синус тахикардияси, синус брадикардияси ва синус аритмияси юзага келади;
- юрак мушакларининг баъзи қисмларида (синус тугуни бундан мустасно) фаол импульс ўчоғи пайдо бўлганда эктопик аритмиялар рўй беради. Бунда навбатдан ташқари қисқаришлар (екстросистем) кузатилади;
- юракнинг ўзгарувчанлик фаолияти импульснинг бўлмачаларидан қоринчаларга ўтиш ёки қоринчалар ичидан ўтиши) бузилганда турли хил тўсиқлар пайдо бўлади;
- юракнинг қўзғалувчанлик, ўтказувчанлик ва қисқарувчанлик қобилияти бузилганда тебранма (тирок) аритмия вужудга келади.

Хафа қон (гипертония) қасаллиги. Гипертония юрак томир қасалларни ичида кенг тарқалган хасталикдир. Уни биринчи марта бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино бемор қон томирини пайпаслаб қўриб аниқлаган қон томир (пульс) нинг тўлиқ ва таранг эканлигини кузатган. Касалликнинг асосий белгилардан бирини босимини ортиши бўлиб, бу халат кўпинча асаб тизимининг қўзғалиши таранглашуви, кучли хаяжонланиш туфайли юзага келишидан Ибн Сино бу касалликни "Хафа қон" хасталиги деб атаган. Кейинчалик артерия қон босимини ўлчайдиган асбоблар (Потен, 1876) қон босимини ўлчаш усууллари (Рива-Роччи, 1890) кашф этилганда, фонендоскоп билан (Коротков) қон томирини эшишиб аниқлаш жараёнлари тиббиётда тадбиқ қилинганда касалликни тўла тўқис аниқлаш имконияти яратилди.

Хафа қонликни 3 даражаси фарқ қилинади:

И-даражаси. Қон босими 160F95-180-105 мм. сим. устунигача ортиши. Бунда бош оғриғи, бошда шовқин ва уйқуни бузилиши содир бўлади.

ИИ-даражаси. Бунда қон босими 200F115 мм. сим. устунигача ошади. Бунда биринчи даражадаги қон босими ошиши ҳамма белгилари (симптомлари) янада чуқурлашади. Бунга яна бош айланиш ва юрак соҳасида оғриқ пайдо бўлади.

ИИИ-даражаси. Қон босими 230F130 мм. сим. устунигача ва ундан юқорни ташқил этади. Қон томирларни органик заарланиши, атеросклерозлар вужудга келади, жуда кўп органларда дистрофик ўзгаришлар қон айланиш этишмаслиги, стенокардия. Бу даражада қон ошиши натижасидан сўнг кўп холларда инфаркт миокарди мияга қон қуилиши (инфаркт), буйрак этишмовчилиги вужудга келади.

Қон босими пасайиб кетиши (гипотония). Қон айланиш системаси бошқарилишини Марказий вагитатив функтсияларни бузилиши натижасида келиб чиқади. Бу эса парасимпатик ва гормонал (буйрак устун бези) бошқарувини бузишига унинг бўшашиб кетишига олиб келади ва қон босимини 100F60 мм. сим. устунидан камайиб кетишига олиб келади. Бу асабни доимий бузулишига, юқумли касалликлар натижасида эаарли моддалар билан заарланиш келиб чиқади.

Бод касаллиги (ревматизм). Бу бириктурувчи тўқималарнинг иммунологик яллиғланиши, аллергик касаллигидир. У асосан шу касалликга мойил бўлган ёшларнинг юрак ва қон томир тизимини заарлайдиган хасталик хисобланади.

Ревматик артритда аввало катта бўғимларда ўзгарувчан оғриқлар кейинчалик эса уларда шишлар пайдо бўлади. Сўнгги йилларда bemорларнинг 15 фоизида майда бўғимларда яллиғланиш (артрит) қайд қилинган. Лекин бу ҳолат одатда қайталанувчан бўлади.

Ревмокардит - ревматизмда кузатиладиган ва энг кўп учрайдиган (беморларнинг 90-95 фоизида) клиник белги бўлиб, бунда эндокард, миокард ва перикардда яллиғланиш ривожланади. Юрак ички қаватнинг яллиғланиши эндокардит деб аталади. Юракнинг ўрта (мускул) қаватини яллиғланиши миокардит дейилади. Ташқи қават ёки эпикардни яллиғланиши эпикардит дейилади.

Юрак пороги - бу юрак клапанларини этишмаслиги тушунилади. Бу клапанларни қисилиши ва яллиғланиши натижасида содир бўлади.

Даволаш жисмоний тарбияси - даволашнинг комплекс турига киради (физиотерапевтик,дори-дармон,хирургик, диетик, овқатланиш, курорт ва бошқа турлари). Даволаш жисмоний тарбияси таъсирида қон томирларда қоннинг харакати яхшиланади, яъни қон томирларни кенгайтирилиши натижасида қон харакати яхшиланади. Бунинг натижасида мускул ва бошқа тўқималарда оксидланиш-қайтарилиш реактсиялари тезлашади, тўқималарни овқатланиш яхшиланади. Жисмоний машқларнинг периферик қон томирини тезлаштиради. Бунинг натижасида қўшимча қон томирларида қон оқими амалга ошади. Бу эса тўқималарнинг кўпроқ қон билан таъминланишини амалга оширади ва натижада О₂ сарфи кўпаяди. Худди шунингдек даволаш жисмоний машқлари таъсирида вена қон томирларида қон оқимини яхшилайди ҳамда уларда қонниг тўхтаб қолишини олдини олади. Жисмоний машқлар таъсирида қоннинг минутлик хажми ва қон харакат тезлиги ошади. Даволаш жисмоний тарбия машғулотлари таъсирида юракка қоннинг келиши ва ундан чиқиб кетиши аста-секиник билан тезлашади. Қон

айланишини яхшиланиши аста-секинлик билан юрак қисқаришини нормаллашишига олиб келади.

Жисмоний тарбия машқлари юрак қон томир системаси касалликларига юқорида кўрсатиб ўтилган трофик, яъни овқатлантирувчи таъсир механизмидан ташқари яна организм (органларни) куч-қувватини оширувчи таъсир хам кўрсатади. Бундан ташқари компенсатор ва тиклантирувчи таъсир механизмлари орқали ҳам организмнинг ишини яхшилайди.

Спортчиларни тайёрлашнинг асосий тури бўлган спорт тренеровкаси жисмоний машқлар билан мунтазам равишда шуғулланишни тақозо этади. Бу эса организмнинг функционал имкониятлари ва қобилиятини такомиллаштиради. Тренировка даврида организмнинг юқори кўрсаткичларга эришишга қаратилган умумий ва ихтисослаш-ган такомиллашувнинг мураккаб масалалари хал этилади. Шу билан[^] бир каторда тренировка соғлиқни сақлаш жисмоний ривожланишни яхшилаш, организмнинг ташқи мухит таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилиятини оширишга қаратилган бўлиши керак. Тренировка протсесс тўғри ташқил этилиши ўзини ижобий натижасини беради. Тренировка протсесси нотўғри уюштирилиши натижасида спортчи организмнинг толиқиши ва турли ўзгаришлар, яъни хаддан ташқари чарча什, зўриқиши ва ўта зўрикиш рўй бериши мумкин.

Бу холлар узоқ давом этадиган иш қобилиятнинг пасайиши, функционал ҳолат ва саломатликнинг ёмонлашуви билан тарифла-нади. Бутун организм орган ёки тўқима ишлагандан кейин иш қоби-лиятининг вақтинча пасайиши чарча什 деб аталади. Одатда чарча什 спортчиларда толиқиши пайдо бўлиши, иш қобилияти пасайиши, харакат координатсияси ва бир неча функционал кўрсаткичларнинг ўзгариши билан тарифланади. Бу нормал физиологик ҳолат хар бир тренировка машғулотларининг бажарилиши давомида содир бўлиб, бир қадар узоқ дам олишдан кейин чарча什 босилади. Чарчаши тушунтириш учун бир неча назария баён қилинган. Баъзи олимлар чарчашнинг сабаби иш натижасида запасларнинг тугашидан иборат деб изох_беришса, бошқа олимлар парчаланиш махсулотларининг мусқулни тўлдириб юбориш чарчашга сабаб бўлади деб ўйлашади. Аммо баён қилинган назариянинг иккаласи ҳам чарча什 ходисасини мукаммал тушунтириб бермайди. Иш қобилиятнинг узоқ сақланишида ва чарчашнинг бошланишида марказий нерв системасининг хал қилувчи роль ўйнашини И.М.Сеченов, И.П.Павлов, Н.Е.Введенский ва А.А.Ухтомскийлар ўз текширишларида кўрсатиб бердилар. Чарчашнинг ривожланишида марказий нерв системаси фаолиятининг аста-секин сусайиши мухим ўрин тутади. Хар қандай жисмоний иш вақтида чарчашнинг

ривожланишида энг аввало марказий нерв системаси функционал ҳолатининг ўзгаришига боғлиқ бўлади.

Агар нагрузкадан нагрузкагача организм узоқ вакт давомида тикланмаси (ва дам олишнинг нотўғри режими ҳамда касаллик на-тижасида спортчи ҳолатининг ўзгариши ва бошқа сабабларга алоқа-дор бўлиши мумкин) тикланмаслик аломатлари йигилаверса физиологик чарчашиб ўта чарчашиб ҳолатига ўтади.

1. Юрак уришини (ПС) ва артериал босимини (АБ) тинч ҳолатда улчашнинг усулини ургатиш.

И. Юрак уришига ва артериал босимига баҳо бериш. Жуфт булиб тинч ҳолатда билак артериясида юрак уриши ритмини ва уриш тулиқлигини улчаш.

Икки киши бир-бирини елка артериясида артериал босимни улчаш, олинган хulosага асосан уриш босимини аниқлайди (АБ).

Спорт билан шуғулланмаган эркакларда бир дақиқада юраги 60 -70 марта уради, аёлларда бир дақиқада 70-88 марта уради, Агарда 60 дан кам булса, **бу-брадикардия**, юрак уриши бир дақиқада 100 дан куп булса-**тахикардия**. Спорт билан шуғулланмайдигиларга нисбатан спортчиларнинг юрак уриши секинироқ ва купчилик спортчиларнинг бир дақиқадаги юрак уриши 40-60 булади, Брадикардия-спортчиларда меъёрий ҳолдир. Аниқ куринадиган брадикардия-бу юрак уришининг 40 дан кам булиши, чарчоқдан утиши ва юрак мускулларининг Патологик узгарганида содир булади.

Юрак уришининг ритмилиги. Тинч ҳолатда юрак уриши ритмидир. Бу дегани ҳар секундда 1 марта уриб туради ёки ҳар 10 секундда 1тага узгариши мумкин. Айрим вақтларда спортчиларда ритм бузилганлиги аниқланади-артмия. Артмия ҳаво олиш ва экстрасистологик булиши мумкин. Ҳаво олиш артмияси ҳаво олганда юрак уриши купайиши ва ҳаво чиқарганда юрак уриши камайиши билан тафсифланади. Патологик равишда, буни ҳудди нафас олиш артмияси тонусининг адашган нервлари дейиш мумкин.

Екстрасистологик--бу навбатдан ташқари юракнинг қисқаришидир. Экстрасистол тафсиф олиш ва органиқ келиб чиқиши мумкин. Буни яҳшилаш учун спортчи уз ҳаво олишини тухтатиб туриши керак. Бунда ҳаво олиш артмияси яҳшиланиши мумкин. Бошқа вақтда ҳаво олишни тухтатганда, ҳаво олиш бошқа ҳолат артмияси экстрасистолга таъсир курсатмайди.

Коннинг таркиби ва функциялари

Қон плазма ва шакли элементлар: қизил танаачалари (еритротситлар), оқ қон танаачалари (лейкотситлар) ва қон пластинкалари (тромботситлар) дан ташқил топган. Қоннинг шаклли элементлари 35-34% ни ташкил қиласи.

Чақалоқларда эритротситлар сони 1 мм^3 да таҳминан 6 млн булади, бир ёшга келиб камаяди, сунгра аста-секин купая боради. Лейкотситлар микдори ҳам туғилишида юқори булади, бироқ бола ҳаётининг 5-кунидан бошлаб камая боради ва 1 ёшга келиб 2 баравар камаяди, катталарда эса 1 мм^5 да урта ҳисобда 7000 булади. Бу узгишлар лейкотситларнинг турли шакллари ҳисобига руй беради: эозинофиллар ва нейтрофиллар микдори аста-секин камая боради, лимфотситлар эса купаяди.

Барча шаклли элементлар қон яратиш туқималарида-қизил суюк кумиги, лимфа тугунлари, талоқ, айрисимон без, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш йуллари буйлаб жойлашган лимфа фолликулларида ҳосил булади.

Қон плазмаси 46-65% ни ташқил қиласи. У мураккаб биологик мухит булиб, таркибида моддалар алмашинувининг оралиқ ва охирги маҳсулотлари, оқсиллар, турли тузлар, углеводдар, липидлар, гормонлар, витаминалар, эриган газлар булади. Плазма организмнинг туқима суюқликлари билан узаро боғлик булади.

Қоннинг ҳужайравий ва ҳимиявий таркиби ёшга боғлик узгишларни, шунингдек организм функцияларининг бирор таъсирига (стресс, қон йуқотиш, очилик, инфектсияга) кура узгишларини ва патологик жараёнларни акс эттиради.

Қон туқималар ва ҳужайраларнииг ҳаёт фаолиятини, шунингдек, уларнинг яхши организмда турли функция бажаришини таъминлайди. Бу унинг транспорт функциясини, турли моддаларни организм доирасида ташувчи мухит сифатидаги вазифасини ифодалайди. Чунончи, қон нафас газлари - кислород ва карбонат антидрид газини ташийди. Бунга нафас функцияси дейилади ва уни эритротситлар - энг куп сонли қон элементлари амалга оширади. Улар шаклига кура, диаметри 7-8 микрон келадиган икки томони ботик дискка ухшайди. Эритротситлар ғозаксимон тузилишга эга, уларда кислород ташувчи гемоглабин пигменти куп микдорда булади.

Қон гормонлар, ферментлар, витаминалар ва бошқа физиологик актив моддаларни ташиб организмнинг фаолияти гуморал бошқарилишида иштирок этади, ички мұхитининг кислота-ишқорий мувозанатани қувватлаб туради, водород ионлари ва эриган моддалар қонтентратсиясининг доимийлигани таъминлайди. Қон, шунингдек, ҳимоя функциясини бажаради, чунки организмда ҳосил буладигаи ёки унга тушадиган ёғ жисмлар ва микроорганизмларни юқумсизлантириш ҳусусиятига эга. Бу қонда эритротситларнинг катта гурухи – лейкотситлар борлигига боғлик.

Улар деярли рангсиз, шарсимон булади. Эритротситлардан фарқ қилиб, лейкотситлар ҳар ҳил хужайралардир. Улар орасида нейтрофидлар, базофидлар, эозинофиллар, лимфотситлар ва монотситлар булади.

Организмнинг ҳимоя кучи моддани тараарсизлантира олган ҳолдагина унинг шу моддага нисбатан иммунитети, яъни ҳимояси ҳақида гапириш мумкин, Иммун система амалга ошириб, ёт моддаларни (антигенларни) аниқлайди, кайта ишлайди ва йуқотади. У қизил суюк кумиги, тимус, талоқ, лимфа тугуллари, шунингдек, овқат ҳазм қилиш йули ва нафас олиш йуллари буйлаб жойлашган лимфоид тукима уюмларини уз ичига олади. Лимфотситлар иммун система хужайралари орасида марказий уринни эгаллайди. Улар барча шаклли элементлар каби, қизил суюк кумигида ҳосил булади. Сунгра эса бирламчи лимфоид органлар (айрисимон без ёки тимус) да этилади, купаяди ва уз ривожини иммун система булган иккиламчи лимфоид органлар тугаллайди.

Узоқ яшовчи шаклларга мансуб В-лимфотситлар ва Т-лимфотситлар антителолар куринишидаги иммунологик хотира ташувчи ҳисобланади. Улар бирламчи иммун жавобда пайдо булади ва лимфада айланиб юришда давом этади. Иккиламчи жавобда бу хужайралар купаяди ва муайян узига ҳос лимфотситларнинг купайишини, яъни тез ва жадал жавобни таъминлайди. Ҷақалоқларда иммун система паст булади ва катта булгандагина тулиқ этилади, чунки лимфотситларнинг табақаланиши ва купайиши она корнидаги ривожланиш даврида ҳам, кейинчалик ҳам доимо руй береб туради.

Иммун хотира бир одамдан (иммун донордан) бошқасига утиши мумкин. Бунга вақтсинация жараени дейилади. Шунинг учун организмга безарар миқдордаги (нобуд қилинган ёки тириқ, бироқ кучсиздантирилган) антигенлар ёки микроорганизмлар қиритилади. Вақтсинациядан ҳатто бир неча йил утгандан кейин ҳудди шу антиген билан такрор учрашганда қонда узига ҳос антителолар булади ва энг муҳими иммун реакциялар биринчи kontaktдаги нисбатан бирмунча тез ривожланади. Бошдан кечирилган касалликдан сунг қоладиган актив иммунитетдан фарқли равишда иммунитетнинг бу тури пассив иммунитет номини олган.

Организмнинг ҳимоя функциясида қон пластинкалари-тромботситларнинг бевосита иштироки бор. Агар лейкотситлар инфектсия билан заарланишдан, турли ҳил токсинли элементлардан ҳимоя қилса, тромботситлар қон оқишини тухтатишда иштирок этади, ивиш ва шикастланган майда темирларни беркитиб қуиши йули билан қон оқишининг олдини олади. Қон ивиши жараёнида тромботситлар этакчи ахамиятта эга.

Қон тана температурасини идора қилишда иштирок этади. Сувнинг солиширма иссиқлик сифими бошқа суюкликлар ва қаттиқ жисмларнидан юқори ва шу туфайли қон плазмаси атроф-муҳит температурасига боғлиқ ҳолда муайян иссиқлик микдорини бериш ва қабул қилиш ҳусусиятига эга. Қонни тақсимлаш меҳанизми тананинг доимий температурасини саклашга имкон беради. Агар ҳаво температураси комфорт шароитдан юқори булса, периферик томирлар кенгаяди ва иссиқлик таркотиш ортади ва ақсинча, паст температурада иссиқлик йўқотилиши кескин пасайиб, қон ички органлар томирларига утади.

Одамнинг қон биринчи марта 1901 йилда Ландштейнер тасвирилаган. Қон эритротситлар мембраналаридағи узига ҳос моддаларнинг алоҳида йиғиндисига асосланаб группаларга булинади, Бу моддалар аллютиногенлар (антigenлар) дейилади. А ва В ҳарфлари билан ифодаланади.

Қон плазмасида α ва β билан ифодаланадиган бошқа моддалар-агглютининлар (антителолар) булади. Қон таркибидаги шу моддаларга кура 4 группага булинади. 1 группадаги қон (0 билан белгиланади) эритротситларида A ва B аллютиногенлар булмайди, унинг плазмасида эса α ва β агглютининлар булади. ИИ группадаги қон (Aβ) A агглютиноген ва A агглютинин, ИИИ группадаги қон (Bα) A агглютиноген ва B агглютинин, ИВ группадаги қон (AB)-A ва B агглютиногенларни эритротситларда сақлайди, агглютининлари булмайди.

Қон группалари эмбрион ривожланишининг ilk даврида шакланади ва яшаш мобайнида узгармайди.

Қоннинг бошқа иммун генетик белгиси резус-фактор номини олган булиб, у қон группалари билан бирга уларнинг ҳилма-ҳиллигини вужудга келтиради. Резус-фактор қон эритротситларда буладиган линопротеиддир. Бу фактор 85% одамлар қонида булади ва уни резус-мусбат дейилади. Бирок 15% ҳолларда у булмайди, бундай қон резус-манфий дейилади. Резус-фактор бор-йуқлиги одам соғлигига таъсир қилмайди, бироқ қоннинг бу ҳоссалари катта аҳамият касб этадиган шароит булади: қон қуйиш, орган ва туқималарни кучириб утказиш ва айниқса ҳомила ривожланишининг эмбрион даври шулар қаторига жиради.

Қон айланишнинг ёшга ҳос ҳусусиятлари

Бола туғилган кундан бошлаб, юраги ўсиб, вазни орта боради ва функтсияси узгаради. Бу жараён бола ҳаётанинг биринчи йилида, қисман боғча ёшида ва жинсий балоғат ёшида жуда тез содир булади. Юрек қонус шаклидаги мусқулли орган. У ташқи сероз-епикард, урта мусқул-миокард ва ички ясси эпителий - эндокард каватдан иборат. Эпикард юрак ҳалтасига

туташиб кетган. Юракнинг унг ва чап булмалари бор. Унг булмага танадан келадиган вена томирлари чап булмага упкадан келадиган упка веналари қуйилади.

Юракнинг ҳар бир булмаси булмача ва қоринчалардан ташкил топган. Шундай қилиб, юракда иккита юрак булмаси ва иккита юрак қоринчаси бор. Янги туғилган боланинг юраги 30 г, 5 ёшда 100 г, 10 ёшда 185 г, 15 ёшда 250 г, катта одамда 300-350 г булади.

Бир ёшда юракнинг вазни янги туғилган чақалокникига нисбатан 2 марта, 3 ёшда 3 марта, 5 ёшда 4 марта, 10 ёшда 6 марта, 16 ёшда 11 марта ортади. Бу ортиш асосан чап қори деворининг қатимлашуви ҳисобига булади. Боланинг ёши ортиши билан юракнинг ҳажми ҳам ортиб боради: 1 ёшнинг оҳирида юракнинг ҳажми 42 см^3 ; 7 ёшда 90 см^3 , 14 эшда 130 см^3 катта одамда эса 2.80 см^3 ни ташкил этади.

Юракнинг асосий иши қонни қон томирларга бос остида ҳайдаб беришdir. Қон артерия томирлари орқали юракдан чиқади, вена томирлари орқали юракка қуйилади. Чап қоринчадан чиқаёттан упка артерияси билан юрак қоринчалари орасида ярим ойсимон қопқоқлар (клапанлар) бор. Бу қопқоқлар фақат бир томонга очилади. Булмачалар билан қоринчалар уртасидаги чодирсимон копқоқ ҳам бир томонга очилади. Чап қоринча аортага қон чиқарип бераётганда, босим 130-150 мм симоб устунига кутирилади унг қоринчада эса 15-30 мм симоб устунига тенглашади. Янги туғилган боланинг юраги минутига 120-140, 1-2 ёшда 110-120, 5 ёшда 95-100, 30-14 ёшда 75-90, 15-18 ёшда 65-75 марта кисқаради ва ҳоқазо. Юрак бир марта қискарганда қон томирларга ҳайдаб чиқарган қон микдори юракнинг систолик ҳажми дейилади. Урта ҳисоб у янги туғилган болада 2.5 см^3 ни, 1 ёшда 10 см^3 , 5 ёшда 20 т ни, 1,5 ёшда $40-60 \text{ см}^3$ ни, катта одамда $65-75 \text{ см}^3$ ни ташкил этади.

Юрак бир минутда қон томирларга ҳайдаган қон микдори юракнинг минутлик ҳажми дейилади. Янги туғилган болада бу 350 см^3 га, 1 ёшда 1250 см^3 га, 5 ёшда $1800-2400 \text{ см}^3$ га, эшда $2500-2700 \text{ см}^3$ га, 15 ёшда $3500-3800 \text{ см}^3$ га, катта одамда $3500-400 \text{ см}^3$ га тенг булади.

Қон босимининг ёшга қараб ўзгариши

Юрак кискариши тезлашиб, систолик ҳажми ортганда қон босими кутарилади, юрак уриши секинлашиб, систолик ҳажми камайганда қон босими пасаяди. Артерия қон босими қон томирлар диаметрининг умумий йиғиндисига боғлиқ. Артериал ва капилляр томирлар девори торайганда қон босими кенгайганда аксинча булади, яъни пасаяди.

Соғлом одамда қон томирлар мусқулли деворининг ҳаракати нерв гуморал механизми билан бошқарилиб туриши туфайли қон босими

узгаради. Катта одамда аортада максимал, яъни систолик босим симоб устунида 120-140 мм, элка артериясида 110-125 мм, минимал, яъни диастолик босим 70-80 мм, майда артерияларда 70-80 мм, артериолаларда 40-60 мм, капиллярларда 20-40 мм, йирик веналарда 2-5 мм булади.

Максимал қон босими билан минимал қон босими уртасидаги фарқقا пульс босими дейилади. Пульс босими урта ҳисобда симоб устунида 30-40 мм булади. Болаларда артериал қон босими катталардагига қараганда анча паст булади. Янги туғилган болада максимал қон босими 60-65 м, бир ёш оҳирида 90-105 мм, минимал қон босими 50 мм булади.

Ўғил ва қиз болаларнинг қон босими 5 ёшгача бир ҳил булади. 5 ёшдан 9 ёшгача угил болаларда симоб устунида 1-5 мм, яъни қизларникига нисбатан юқори булади. 9 ёшдан 13 ёшгача қизларда 1-5 мм булади. Жинсий балоғат ёшида угил болаларда қон босими бир оз кутарилади. Боланинг ёши ортиши билан қон томирлар деворининг торайиши, тана вазнига нисбатан юрак массаси ва ҳажмининг секин ортиши ҳисобига қон босими ҳам, пульс босими ҳам ортиб боради, бирок қизларда анча суст ортади. Бу эса угил болаларда юрак систолик ҳажмининг юқори булиши билан изоҳланади.

Қон болаларда катталарга нисбатан томирларда анча тез оқади. Янги туғилган болада қон организмдан 12 секундда, 3 ёшда 1,5 секундда, катта одамда эса 22 секундда айланиб чиқади. Болаларда қоннинг айланиб чиқиши учун кам вақт сарфланишига сабаб шуни уларнинг қон томирлари калта булади, юраги тез ишлайди.

Жинсий балоғатга этиш даврида юракнинг усиши қон томирларини усишига нисбатан олдинга кетади. Бу эса қон босимининг усишига яъни, «ёшлик гипертониясига» сабабчи булади, чунки юракнинг итариш кучи нисбатан ингичка булган қон томирларининг қаршилигига учрайди. Албатта, қон босимининг бундай ҳолати жисмоний юкламаларни берганда эҳтиёткорликни талаб қиласи.

Дарс юзасидан саволлар:

1. Юракнинг вазифаси нимадан иборат?
2. Қоннинг шаклли элементларини нималар ташкил этиади?
3. Юрак ритмининг нормалари қандай?
4. Қон гурухлари ва унинг махияти?
5. Артериал қон босимини анивлаш тартиби қандай?

11-мавзу: Нафас олиш органлари, модда алмашинувининг бузилиши ва томир касалликлари

РЕЖА:

1. Нафас олиш органлари тизимининг функционал ҳолати.
2. Спортчиларда нафас олиш органлари хусусиятлари.
3. Спортчиларда модда алмашинуви ва унинг бузилиши.
4. Спортчиларда варикоз ва тромбофлебит касаллиги ҳақида назарий маълумотга эга қилиш.

Таянч иборалар: Модда алмашинуви, оғиз бушлиғи, бурун, ўпка, тромбофлебит

Нафас олиш органлари тизимининг функционал ҳолати

Нафас олиш организмнинг асосий функцияларидан бири бўлиб, организмга кислород киришини, ундан оксидланиш-ҳайтарилиш жараёнларида фойдаланиш, шунингдек, организмдан моддалар алмашинувининг оҳирги маҳсулоти булган карбонат ангидрид гази ва бошقا баъзи бирикмалар чақирилишини таъминлайдиган жараёнлар йифиндисидан иборат. Нафас олишнинг икки тури: ташқи ва туқима орқали, нафас олиш булади. Ташқи нафас олиш нафас олиш органларидаги қон билан ташқи муҳит уртасидаги газлар алмашинуви, кислороднинг қон билан барча органлар ва туқималарга утишини, улардан эса карбонат ангидрид газининг тескари йуналишда утишини таъминлайди. Туқима орқали нафас олиш туқима ҳужайраларининг кислород истеъмол қилишига асосланади ва бу оксидланиш-қайтарилиш реактсияларининг йифиндисидан иборат булиб, моддалар алмашинувининг оҳирги маҳсулоти ҳосил булиши ва физиологик функтсиялар амалга ошиши учун фойдаланиладиган энергия ажратиш билан кечади.

Ташқи нафас олиш газлар алмашинуви учун мослашган органларга амалга ошади, улар оғиз бушлиғи, ҳалқум, ҳиқилдоқ, трахея, бронхлар ва упкадан ташкил топган.

Кичик мактаб ёшидаги болалар нафас системасида улка ҳажмининг катталариши, нафас олиш тезлигининг секинланиши кузатилади. Бир дақиқада нафас олиш сони 7 ёшлиларда - 23, 8 ёшлиларда - 22, 9 ёшлиларда - 21, 10 ёшлиларда 18-20 марта булади, нафас олиш чукурлиги ортади. Упканинг дақиқалик ҳажми 11 ёшларда 4400 мл га этади. Шуни айтиш керакки, упканинг ҳажми 8 ёшгача болаларда ва қизларда бир ҳил булади, кейин болаларда қизларга нисбатан ортиқ булади. Кичик мактаб ёшдаги болаларда упканинг нисбий дақиқалик ҳажми усмир ва ёшлардагига қараганда куп булади.

Упкагинг тириклик сифимининг (УТС) ёшга қараб узгариши қуйидаги расмда келтирилган (5 расм). У қизларга нисбатан болаларда ортиқ булади.

Нафас аппаратининг функционал имқониятини ҳарактерловчи максимал упка вентилятсияси ва нафас резерви бу ёшда сезиларли ортади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда алвеолалар сатқи капиллярларнинг умумий ҳажми катталардагига нисбатан кичик булгани сабабли упканинг диффузия қобилияти кам булади, лекин, бу ёшда қоннинг нафас имқонияти ортади. Ёш катталашиши билан мактаб болаларининг кислород этишмаслигига чидамлиги ортиб боради.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, упканинг тириклик сиғимининг ортишига катта таъсир курсатади.

Ўрта мактаб ёшидаги болалар нафас олиш органларда ҳам бошқа сиетемаларга ухшаш узгаришлар кузатилади. Упка оғирлиги 450 дан 500 гр гача ортади. Нафас ритми 23 дан 20 гача, нафас ҳавоси ҳамма 160-260 мл гача, упканинг тириклик сиғими ортади (5 расм). Упканинг дақиқалик ҳажми 3.6 л дан 4.7 л гача. Жисмоний иш бажарганда упканинг энг юқори дақиқалик ҳажми болаларда ва қизларда бир ҳил булмайди. Шу билан бирга қизларда унинг фарқи ҳам сезиларли булади. Нафаснинг дақиқалик ҳажми кичик мактаб ёшидагилардагига қараганда кам, лекин катта мактаб ёшидагиландан юқори булади. Бу даврда упканинг тириклик сиғими аниқ купаяди. Бунда ҳам болаларда қизларга нисбатан юқори булади. Усмирлик даврида нафас типи, хиз болаларда эса кукрак билан нафас олиш типи қарор топади. Балоғатга этиш даврида усмирлар организми кислород этишмаслигига (гипоксия) катта ёшли одам организмидан кура камроқ чидайдиган булади.

Нафас тезлиги катта мактаб ёшидагиларда урта мактаб ёшидагиларнинг нафас тезлигидан фарқ килмайди, лекин нафас чуқурлиги ортади, нафас дақиқалик ҳажми катталардагига тенглашади. Упканинг тириклик сиғими (УТС) катталардагига баробар булади.

Ўпканинг дақиқалик ҳажми 8-10 л гача булади, 1 кг вазнга ҳаво истеъмоли камаяди, 14 ёшда 125 мл/кг булса, катта кишиларда 80 мл/кг. Бу билан бирга C_2 истеъмол камаяди. 6.2 мл/кг дақиқалик 10 ёшда булса, 20 эшда 4.5 мл/кг дақиқаликни ташкил қиласи C_2 ни узлаштириш коеффитсенти орта боради. Агар 7 ёшда 1 л 30 л ҳаводан олинса, катталар 1 л C_2 ни ҳаводан олади.

Жисмоний машҳ бажарганда катта мактаб ёшидаги болаларда упка вентилятсияси 12 марта ортса, катта кишиларда 15-18 марта, яҳши чиниқкан спортчиларда эса 20-25 марта ортади. Упка вентилятсияси асосан болларда нафас сони ҳисобига булади.

Нафас олишни бошқарилишини ёшга ҳос ҳусусиятлари

Боланинг туғилиш арафасида унинг нафас олиш маркази нафас олиш ва нафас чиқариш ритми фазаларини бошқара олади, лекин катта ёшдаги болалар нафас марказини фаолиятига ҳараганда такомиллашмаган булади. Бунга сабаб болани туғилиш арафасида нафас маркази функционал шаклланиши тугамаган булади. Нафас ритмини, чуқурлигини ва миқдорини катта узгарувчанлиги бандан далолат беради. Янги туғилган ва гудак болаларда нафас мааказининг қузғалувчанлиги паст булади. Илк болалик ёшида уларнинг кислород этишмовчилигига (гипоксияга) чидамлилиги катта ёшдаги болаларга нисбатан юқори булади.

Ёш ошган сари нафас марказининг карбонат ангадридга булган сезгирилиги ошаверади ва мактаб ёшида катталар даражасига этади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жинсий балоғатга этиш даврида нафас бошқарилишининг вақтинчалик узгариши туфайли кислород этишмовчилигига чидамлилик пасаяди.

Туқималарнинг кислород билан этарлича таъминласлиги гипоксия деб аталади. Гипоксиянинг турт тури: гипоксемик, анемик, дамланма ва гистотоксик турларига ажралади.

1. Алъвеолар ҳаводан қонга этарлича кислород утмаслиги гипоксемик гипоксияга сабаб булади.

2. Қоннинг кислород бириктириш хоссаси сусайиши, яъни қоннинг кислород сифимининг камайиши анемик гипоксияга сабаб булади.

3. Дамланма гипоксия қон айланишининг умумий камчилигига капиллярларда қоннинг суст ҳаракатланиши натижасида вужудга келади.

4. Гистотоксик гипоксия туқималар кислород билан этарлича таъминланмаганда пайдо булади.

Иш бажараётганда мусқуллар сарфлайдиган кислород миқдори кескин ошади. Ана шу эҳтиежни қондириш учун ташқи нафас ва кислороднинг қон билан ташкилий жадаллашиши керак. Бундай пайтда кислород узлаштирилиши ошади. Жисмоний иш давомли булса, упка вентилятсияси узлаштирилган кислород микдорига яраша ошади.

Иш давом этаверса, упка вентилятсиясининг юқори даражада сақлаб туриш меҳанизми узгаради. Энди четдаги ва марказий ҳеморетсепторларнинг қузғолиши нафас марказига сезиларли таъсир утказа бошлайди. Ишлаб турган мусқулларнинг кислород билан таъминланишини яхшилашда туқималардаги оксигемоглобининг парчаланишини тезлашиши ҳам аҳамиятга эга.

НАФАС ОЛИШ ОРГАНЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИДА ДАВОЛАШ МАШҚЛАРИ.

Нафас олиш органлари касалликларига плеврит, зотилжам, ўпка эмфиземаси, бронхиал астма, ўпка сили, бронхит ва бошқалар киради.

Плеврит- ўпка серроз пардасининг яллиғланиши касаллиги. Плеврит 2 хил бўлади, қуруқ ва экссудатив.

Зотилжам- ўпка алъвеолалари, оралиқ тўқима ва томирлар системассининг яллиғланиши касаллиги. Бу хасталик қўпроқ эркакларда ва ёш болаларда қўпроқ учрайди. Ўткар ўчоқли ва сурункали бўлади.

Ўпка эмфиземаси- ўпка алъвеолалари деворини яллиғланиши ва бунинг натижасида ўпканинг эластиклиги ёъқолиши касаллиги. Бу асосан карнайчи ва сурнайчиларнинг мутаххасислик касаллиги хисобланади.

Бронхит- Бу бронхларни шамоллашидан иборат бўлган касаллик бўлиб, касаллик нафас олиш органлари касалликлари орасида энг кўп учрайди. Бу касаллик ўткир ва сурункали бўлади.

Бронхиал астма- юононча бўғилиш, хансираш деган маънони билдиради. Бу хасталик сурункали, қайтарилувчи, юқумли ва юқумсиз сабаблардан келиб чиқувчи касалликдир. Унинг ривожланишда бронхлар реактив холда ўзгаради. Касалликни келиб чиқишида ирсият ва ташқи омиллар (турли ёт моддалар ёки аллергенлар, об-хавонинг ўзгариши, хаяжонланиш ва бошқалар) муҳим ахамият касб этади.

Ўпка сили-Бу касалликни сил таёқчалари келтириб чиқаради. Даво физқулътураси bemorni тўғри нафас олишга ўргатиш ва нафасни чуқурлаштириш орқали нафас функтсиясини яхшилаш ҳамда нафас мусқулларини мустахкамлашга, ёрдам берувчи восита хисобланади.

Плевритилар – қуруқ экссудатив ва йирингли превритларда даво физқулътурасидан фойдаланиш тавсия этилади. Ундан фойдаланганда қуйидаги мақсадлар назарда тутилади; яллиғланиш жараёнини ёъқотиш, плевритда сизиб чикқан суюқликнинг шимилиб ёъқолиши, чандиқлар пайдо бўлишининг олдини олишга ва функтсия бузилишларининг қайта тикланишига ёрдам беради.

Қуруқ плевритда даво физқулътураси bemorniнг иситмаси тушгандан ва оғриклари пасайгандан кейин тайинланади. Умум чиниқтирувчи ва нафас машқлари, ўтириш ва тик туришнинг дастлабки ҳолатида қўлланилади. Машқнинг аввалида харакатлар амплитудаси ҳам чегараланган хажмда бўлиб, энгил харакатлар қўлланилади. Машқлар секин суръатда 3-4 марта такрорланади. Борган сари харакатлар амплитудаси кенгайтирилади; машқлар 4-6 марта такрорланади ва уларни ўртacha суръатда бажарилади. Қуйидаги машқлар бажарилади; иккала қўлни ёки бир қўлни ёнга, тепага, орқага харакатлантириш билан бирга гавдани ёзиш, ёнларга буриш, четга эгилиш ва хоказолар.

Екссудатив плевритда оддий гимнастика машқларини аввало ётган ҳолатда, кейин ўтирган ва тик тўрган дастлабки ҳолатларда бажарилади. Беморнинг умумий ахволи яхшиланиши гавда температураси нормал даражага тушиши, эритротситлар чўкиш тезлиги камая борган сари актив нафас машқлари қўшила боради, уларни хосил бўлган чандиқларини чўзиш, умумий моддалар алмашинувини яхшилаш, организмни умумий тонусини кўтариш мақсадида берилади. Машғулотлар 15-20 манут давом этади. Даволаш охирида умуммустахкамловчи ва нафас машқларидан волейбол, чангидга юриш, эшкак эшиш қўшилади.

Зотилжам (пневмония) – зотилжамда даво физкултурсидан қуидаги мақсадлар кузда тутилади. Беморларнинг умумий ахволини яхшилаш. лимфа ва қон айланишини яхшилаш плеврада чандиқ хосил бўлишни олдини олиш, юракни аста – секин жисмоний нагруззкаларга мослаштириш учун унинг мусқулини мустахкамлаш.

Дарс юзасидан касалликлар:

- 1.Нафас аъзоларига еималар киради?
- 2.Моддалар алмашинуви қандай жараён?
- 3.Ташқи ва ички нафас вазифалари?
- 4.Нафас машқлари нималардан иборат?

12-МАВЗУ.Жароҳатлар ва асаб тизими касаллиги касаллиги , таянч-харакат аппарати касалликларини даволаш жисмоний тарбияси.

РЕЖА:

1. Жароҳатлар турига ва жароҳат босқичига қараб даволаш жисмоний тарбиянинг қўлланилиши.
2. Асаб касаллиги турига қараб даволаш жисмоний тарбия қўлланиши.
3. Таянч-харакат аппарати касалликларида (остеохондроз, деформацияланган остеоартроз, радикулит,цианоз) даволаш жисмоний тарбияси қўлланиши

Таянч иборалар:Жарҳат турлари, таянч харакат аппарати, деформация, остеоартроз, радикулит, остеропароз

Скелет мусқуллари аёлларда тана массасининг тахминан 30-35% ни, эркакларда 40% ни ташкил қиласди. Улар мусқул туқимасининг кундалангтарғил типига киради ва тананинг ташқи шакли-шамойили ва рельефини белгилайди, чунки баъзи бир истисноларни ҳисобга олмагандан, скелетни қоплаб туради. Скелет мусқуллари одам организми қодир булган турли хил харакатларнинг ҳаммасини бажаради. Улар туфайли тана мувозанатни саклаб

туради, нафас олиш харакатлари, куз ҳаракатлари, товуш ҳосил булиши, чайнаш, ютиш, ички органларни шикастланишдан муҳофаза қилиш амалга оширилади.

Кундаланг-тарғил мусқуллар бириктирувчи туқима билан мусқул дасталарига боғланган куп сонли мусқул толаларидан ташкил топган. Толалар узунлиги бир неча миллиметрдан бир неча сантиметргача булиши мумкин. Ташқи ва ички бириктирувчи туқимали пардалар пайга-зич толали тортмага айланиб, мусқуллар унинг ёрдамида сүякка маҳкам ёпишади. Мусқулларда толалар микдори турлича: майдаларида улар бир неча юзлаб, йирикларида бундан куп булади. Шунга мувофиқ ҳолда мусқуллар кучи ҳам бир хил эмас, у мусқуллар барча толаларининг кундаланг кесими майдони билан белгиланади. Мусқул толаси кундаланг кесимнинг майдони урта ҳисобда 0,01 квадрат миллиметрга teng. Одам танасида 300 миллиондан зиёд тола бор. Агар улар бир-бирига уланса, бундай мусқул кесимининг майдони уч квадрат метрдан ошади. У 25 тоннагача юкка бардош бера олган буларди.

Мусқуллар пай ёрдамида қисқариб, ричаг ролини бажарадиган сүякни тортади - шу тариқа турли хил ҳаракатлар амалга оширилади. Оёқ-қулларда ричаг ролини узун сүяклар бажаради. Ҳаракат юз берадиган буғим таянч нуқтаси булиб хизмат қиласи, ҳаракатни амалга оширадиган мусқул ёпишадиган жой - куч қуйиладиган нуқта, сүякларга оғирлик кучи таъсир қиласиган жойқаршилик курсатиш нуқтаси булиб хизмат қиласи. Маълумки, тана ричагларида куч қуйиладиган нуқта купинча таянч нуқтасига яқин туради ва шунга кура, мусқул купроқ куч ишлатишига туғри келади. Масалан, узатилган кулда 101 кг юкни кутариш учун қул мусқуллари 100 кг куч сафарбар қилиши лозим.

Бажариладиган ҳаракатлар турига кура, мусқуллар букувчи ва ёзувчи, яқинлаштирувчи ва узоқлаштирувчи, юқорига кутарувчи ва пастга туширувчи, айлантирувчи, қисувчи ва кенгайтирувчи булади. Айрим мусқуллар ёки уларнинг гурухи бир йуналишдаги ҳаракатларни биргаликда амалга ошириши мумкин. Бундай мусқулларни синергистлар дейилади. Қисқарган вақтда карама-қарши ҳаракат пайдо қиласиган мусқуллар амтагонистлар дейилади. Ҳатто энг оддий ҳаракат актларида ҳам одатда ҳам синергастлар, ҳам антагонистлар иштирок этади.

Катта ёшдаги одамда мусқул толалари микдори доимий булиб қолади, уларнинг диаметри эса асосан мусқулларнинг чиникәнлигига боғлиқ. Мусқуллар нечоғлик тез ва жадал ишласа шу қадар йуғонлашади, бинобарин, қучли булади. Доимий чиникиш машқлари, жисмоний юк толалар диаметриннинг 2 баравар ортишига сабаб булади. Спортчиларда скелет мусқуллари тана массасининг 50% гача қисмини ташкил қиласи.

Скелет мусқулларининг усиши, ривожланиши ва шаклланиши 20-25 ёшгача дазом этади ва бу жараён нотекис кечиши кузатилади. Энг куп усиб ривожланиш даврлари бола ҳаётининг биринчи йилига ва балоғат ёшига түгри келади. Янги туғилган боланинг ҳамма скелет мусқуллари булади, бироқ уларнинг вазни катта одамнидан 37 марта кам ва бутун танаси вазнининг 24% ни ташкил қиласи. Кичик ва урта мактаб ёшида мусқуллар массаси сезиларли даражада ортади. Айни вактда уларнинг функционал кучайиши ва химиявий таркибининг узгариши кузатилади. Катта мактаб ёшида боланинг мусқуллари бирмунча сеқин усади ва 18 ёшгача келиб умумий тана вазнининг тахминан 42% га этади.

Мушаклар ҳаракатланиш органларининг фаол қисми булиб, уламинг фаолияти натижасида организм ва органлар ҳаракатга келади Одам организмидан 600 дан ортиқ скелет мушаклари бор. Вояга етган одам гавдаси вазнининг деярли 42% ини мушаклар ташкил этади, ёш организмда эса 20-25% ини ташкил этади. Спорт билан шуғулланувчи одамлардажнушакларнинг умумий оғирлиги гавдага нисбатан 50% гача[^]етади. Ёш улғайган сари мушакларнинг ҳажми ва оғирлиги аста-секин камая боради. Скелет мушаклари анча мураккаб тузилган. Улар таркибида бир-бирига параллел жойлашган узун-қисқа мушак толалари булади, бу толалар юмшоқ толали бириктирувчи туқима ёрдамида бирикиб, тутам ҳосил қиласи. Ҳар қайси мушак бир қанча шундай тутамлардан ташкил топади. Мушак толаси тутамларини бириктирувчи туқимадан тузилган юпқа парда—**фассия** ураб туради. Мушаклар устида хам шундай парда булади. Фассиялар тиббиёт амалиётида жуда катта аҳамиятга эга. Фассияларда қон томирлари ва нерв толалари жойлашган.

Скелет мушакларининг икки учидар пайлар бор, улар ялтироқ оқ ёки сарғиш ранги билан ажралиб туради, қуллар шу пайлар ёрдамида сұякларга ёпишади. Ҳар қайси мушакда мушак толалари ва бириктирувчи туқимадан ташқари, қон томирлари ва нервлар бор. Мушакларда сезувчи ва ҳаракатланувчи нерв толалари тармоқланади. Сезувчи толалар орқали мушаклардаги таъсиротмияга боради.

Мушаклар катталиги ва шаклига кура узун, қисқа ва сербар хулади. Дук шаклидаги узун мушаклар, асосан, қул ва оёқда, қисқа мушаклар умуртқа ва қовургалар орасида жойлашади. Сербар ясси мушаклар, асосан, танада булади. Қорин мушаклари, күкрак ва орқанинг юза жойлашган мушаклари сербар мушакларга мисол булади. Бу мушаклар пайи сербар ва ясси булиб, шакли юпқа пластинкага ухшайди. Ана шу пайлар *апоневроз* деб аталади. Мушакларнинг иш бажарыш қуввати унинг қундаланг кесими

улчовигабоғлиқ. Жумладан, 1 см² кундаланг кесимига эга бўлган мушак урта хисобда 10 кг юк кутара олади.

Деярли ҳамма мушаклар битта, иккита ёки бир неча буғим устидан ошиб утади ва уларни ҳаракатлантиради. Мушаклар жойлашиши ва қандай ҳаракат бажаришига қараб букувчи, ёзувчи, яқинлаштирувчи, узоқлаштирувчи, айлантирувчи, тарангловчи, қисувчи, кенгайтирувчи, кутарувчи ва туширувчи мушакларга булинади. Буғимлар олдидаги мушаклар уларни букади, орқасидагиларни ёзади. Буғимларнинг ички томонидаги мушаклар буғимларни яқинлаштирса, ташқи томонидагилари узоқлаштиради. Табиий тешикларни қисувчи мушаклар *сфинктер*, кенгайтирувчи мушаклар *дилятатор* деб аталади. Одам организмидаги куп ҳаракатлар бир қанча мушакларнинг қисқариши натижасида юзага келади. Бир хил функцияни бажарадиган мушаклар *синергистлар* дейилади. Қарама-қарши ҳаракат қиласидан мушаклар *антагонистлар* деб юритилади.

Одам организмидаги мушаклар бош, буйин, кукрак, орқа, қорин ва қул-оёқ мушакларига булинади.

Бош мушаклари, асосан, юзда жойлашиб, чайнаш ва мимика мушакларига булинади. Чайнаш мушаклари овқатни чайнаш ва гапириш вақтида пастки жағни ҳаракатга келтиради. Бу мушакларга чакка мушаги, чайнаш мушаги, ички ва ташқи қанотсимон мушаклар киради. Бу мушаклар бир учи билан жағга бирикади.

Буйин соҳасида мушаклардан ташқари, ҳиқилдоқ, кекирдакнинг бош қисми, қалқонсимон без, ҳалқум, қизилунгач, йирик томирлар ва нервлар жойлашади. Буйин мушаклари юза ва чуқур мушакларга булинади. Буйиннинг юза мушакларига: тери ости мушаги, туш-умров-сургичсимон мушак ва тилости суюги мушаклари киради.

Гавда мушаклари кукрак, қорин ва орқа мушакларидан иборат.

Кукрак мушаклари юза ва чуқур мушакларга булинади. Юза кукрак мушаклари елка камарини ва қул суюкларини ҳаракатга келтиради. Шу сабабли бу мушаклар кукракнинг қоринга тегишили мушаклари деб аталади. Кукракнинг чуқур мушаклари қовурғаларни ва умуман, кукрак қафасини ҳаракатга келтириб, нафас олиш ва чиқаришда иштирок этади. Чуқур мушаклар кукракнинг хусусий мушаклари дейилади. Организмда қорин мушакларининг аҳамияти, айниқса, катта.

Орқа мушаклари юза мушаклари ва чуқур мушаклар гурухига боинади. Орқанинг юза мушакларига трапетсиясимон мушак, орқанинг юқориги ва пастки тишли мушаклари ромбсимон мушак, орқанинг сербар мушаги, куракни курувчи мушак киради.

Қул мушаклари елка камари ва эркин қул скелети мушакларига булинади.

МУШАКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ

Мушаклар, асосан, қузғалиш ва қисқариш хусусиятига эга. Қузғалиш мураккаб жараён булиб, нерв тизимидан мушак туқимасига келган таъсирга жавобан туқимада моддалар алмашинуви жараёни узгариши натижасида руй беради. Қузғалиш вақтида мушакларда бир қанча кимёвий реаксиялар содир булади. Мураккаб моддалар оддий моддаларга парчаланади. Парчаланиш вақтида энергия ажралиб чиқиб, мушак қисқариши учун сарфланади. Мушакларда содир буладиган кимёвий реаксиялар аввал кислород (анаероб) шароитда бошланади, кейинчалик кислородли (аероб) шароитда давом этади. Бу реаксияларда мураккаб фосфорли бирикмалар, гликоген ва бошқа моддалар иштирок этади. Мураккаб фосфорли бирикмаларга, асосан, аденоzinтрифосфат кислота (АТФ) киради. Скелет мушаклари икки хил қисқаради: якка қисқариш ва тетаниқ қисқариш. Якка қисқаришни факат лабораторияда куриш мумкин. Нерв тизимидан мушакга битта импулс келса, унинг таъсирида мушак якка қисқаради, лекин одам организмидаги якка қисқариш учрамайди. Скелет мушакларига, нерв тизимидан битта эмас, балки бир талай импулслар келиб туради. Бу импулслар мушакга тез-тез келиши натижасида у узок қисқарып туради. Бундай қисқариш *тетаниқ қисқарии* ёки *тетанус* деб аталади. Скелет мушаклари тинч турганда ҳам бир қадар таранг ҳолатда булади. Мушакларнинг бундай ҳолати *мушак тонуси* дейилади. Скелет мушакларидаги тонус гавдани муаййтм вазиятда тутишга ёрдам беради.

Силлиқ мушаклар скелет мушакларига нисбатан секинроқ үзокроқ қисқаради (тоник қисқариш). Чунки улар сийрак такрорланадиган таъсиrlаргажавобан қисқаради. Силлиқ мушакларнинг қисқаришига камроқ энергия сарфланади. Силлиқ мушаклар купроқ чузилади. Бу хусусият баъзан ички органлар (бачадон, қовуқ)нинг ута кенгайишига ёрдам беради. Силлиқ мушаклар кам қузғалувчан булади, шу боис уларни қузғатиш учун кучлироқ таъсири берилади.

Мушаклар қисқарар экан, узига хос иш бажаради. Бу уларнинг узунлиги ва кучига, мушаклар кучи эса мушак толаларининг сонига боғлиқ. Мушак толалари қанчалик куп булса, бу мушак шунча кучли булади. Мушаклар иши килограммометр билан оичанади.

Узок давом этган меҳнатдан кейин мушакнинг иш қобилияти пасаяди, яъни мушак чарчайди. Бу - мушак ишлаганда парчаланиш маҳсулотлари, айниқса, сут кислота йиғилиб қолиши ва энергия захиралари сарфланиши натижасида юзага келади, лекин мушакларнинг иш қобилияти узок сақланишида ва чарчашнинг бошланишида марказий нерв тизими катта рол

уйнайди. Организмдаги ҳар хил мушаклар гурухининг қисқариши ва бушашиши бирин-кетин тартибли равища бошқарилади, координатсияли ҳаракат деб шунга айтилади. Бу ҳаракат нерв тизими томонидан бошқарыб турилади.

Мушак ишининг ҳар ҳил турларида чарчаш ва унинг ёш хусусиятлари

Ҳаракат сифатлари (куч, тезкорлик, чидамлилик, чакқонлик ва эгалувчанлик) билал ҳаракат малакаларининг ривожланиши бир-бири билан қаттиқ боғлиқ булади. Янги ҳаракатларни узлаштириш турли ҳаракат сифатларининг такомилланиши билан кузатилади

Таянч-ҳаракат аппаратининг турли қисмларининг морфологик этилиши ва ҳаракат изчилиганинг юзага келиши билан бир вақтда ҳаракат сифатлари ҳам ривожланади. Ҳаракат сифатларининг шақлланиши бир текисда ва бир вақтда булмай, турли ёш даврларида ҳар холда ортади. Ҳаракат сифатларининг ривожланиши ҳаракат аппаратининг морфологик ва функционал узгаришлари, шунингдек, периферик аппарат ва ички органлар ишининг узаро келишганлиги билан боғлиқ булади.

Мусқул кучи - мусқулнинг тарангланиш даражаси билан белгиланади. Мусқул кучи суюк ва мусқул туқимасининг усиши, бугим-бойлам аппаратининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. У мусқулнинг физиолог кундаланг кесими, биохимика реакциялар характеристи, асаб орқали бошқарилишининг хусусиятлари ва ихтиёрий кучланиш даражасига боғлиқ булади.

Мактабгача ёшдаги болаларда мусқул кучи жуда кам булади А.В.Коробков далилларига кура 4-5 ёшли болаларда қул бармоқларининг букувчи ва ёзувчи мусқуллар кучи 4 ёшлиларда 4,6 ва 5 ёшлиларда 5,2 кг, гавданинг тикловчи мусқуллар кучи 8,2 ва 14,0 кг ни: ташкил этади. Мусқул кучи 11 ёшдан бошлаб, айниқса 13 дан 14 ёшгача ва 16 дан 17 ёшгача энг шиддатли ривожланади. Болаларнинг иккинчи болалик даврида мусқул кучи 25 марта, динамометрия болаларда 8-9 дан 20-25 кг гача, қизларда 8 дан 15 кг гача ортади. Мусқулнинг кучи бир текис ривожланмайди. Олдин ёзувчи мусқуллар кучи, кейин букувчи мусқуллар кучи ортади шу билан бир қаторда кучнинг энг куп ортиши усмирилик даврининг бошланишида кузатилади. 12 ёшли болаларда соннинг ёзувчи мусқулларининг кучи 62 кг, букувчи мусқуллари кучи эса хаммаси булиб 24 кг га, оёқ кафтини букувчилар кучи 35 кг га этади. 8 ёшли даврга нисбатан усмирилик даврида мусқул кучи 4-4,5 марта купаяди. Болаларда қул динамометриясининг курсаткичлари 40-45 кг гача, қизларда 20-25 кг гача ортади. 16 ёнши йигитларда гавданинг тикланиш кучи 50 фоизга, қизларда 70 фоизга купаяди.

Шунинг учун мактаб Ўқувчиларига бериладиган жисмоний иш ёшга қараб қатъий белгиланиши зарур.

Тезкорлик ҳаракат реактсиясининг латент вақти, якка ҳаракат тезлиги, вақт бирилигидаги ҳаракат сони билан белгиланади. Тезкорликнинг айрим куринишлари уртасида ҳамма вақт ҳам ишончли узаро боғланиш булавермайди. Масалан юқори тезлиги секин ҳаракат реактсияси билан кузатилиши мумкин.

Реактсия оддий ва мураккаблигига кура фаркланади. Оддий реактсия олдидан маълум сигналга берилган жавоб вақти билан таърифланади. Мураккаб реактсияда сигнал номаълум булиб уни таъсирловчилар тупламидан танлаб олиш керак булади. Оддий реактсиянинг давом этиш муддати 0,11-0,25 сон булиб, мураккаб реактсия вақти 0,30-0,40 сон ни ташкил этади. Реактсия вақти ёшга ҳам боғлик. Айрим ҳаракатларда оддий реактсия вақтини 2-3 ёшларда аниқлаш мумкин булиб, у 0,60-0,90 сон. га баробар. 3-7 ёшли болаларда реатсия вақти анча камаяди. 0,30-3,4 сон га teng булади. 13-14 ёшлиларда ҳаракат реактсиясининг вақти катталар реактсияси вақтига яқинлашади.

Вақт бирлигидаги ҳаракат сони тезкорликнинг муҳим курсаткичидир. Катталардагига ухшаш болаларда ҳам ҳаракат тезлиги гавданинг турли қисмида турлича булади. Кул бармоқларининг ҳаракатланиш тезлиги юқори булиб, оёқ тупифи буғиниш ҳаракатланиши секин булади.

Тезкорлик сифати 8 ёшдан 10 ёшгача жуда тез ортади, кейин 12 ёшгача секинроқ ортиб боради, сунгра тухтайди, ҳатто пасаяди. 15 ёшдан 17 ёшгача булган даврда қайтадан орта бошлақди. Бу жисмоний сифат энергия манбай булган креатинфосфат ва асад орқали бошқарилишнинг такомилланиши билан боғлик булади. Шунинг учун тезкорликнинг ривожланиши бу омидлар билан деярли бир хилда ортади.

Чидамлилик боланинг ёши катталашишида жуда секин ортади. Мактабгача ёшдага болаларда уларнинг жуда ҳаракатчанлигига қарамай, машқ қилиш натижаси анча кам булади. 4 ёшдан 7 ёшгача аероб чидамлилик, айниқса, статик ишларга чидамлилик паст дарахсада булади. Умуман айтганда, 7 ёшли боланинг чидамлилиги 10 ёшлилар чидамлилигининг 1/3 қисмига teng булади. 8 ёшдан 9 ёшгача умумий чидамлилик бирмунча ортади. 11 ёшдан бошлаб у кескин ортади ва 14-15 ёшларда турғун булади. 15-17 ёшдан яна кутарилади. Жисмоний чиниқмаган болаларда статик ишларга чидамлилик 10 ёшдан кейин ортади. Ихтиёрий юқори даражадаги кучнинг 50 фоизига teng куч билан динамометрни ушлаб туриш 10 ёшли болаларда 96 сон дан, 18 га борганда 113 сон гача қупаяди. Иккинчи болалик даврида динамик ишларга чидамлилик кескин ортади. Анаероб қувватнинг

энг куп ортиши 10-14 ёшлиларда, аероб ишларга чидамлилик эса усмирлик даврида кузатилади. Лекин чарчаш катталарга нисбатан усмирларда анча тез юзага келади, чунки уларда бошқарилишнинг асаб механизмлари ҳали яхши турғуналашган, мустаҳкам булмайди.

ЧАРЧАШ. Чарчашнинг ривожланиш тезлиги бажарилаётган ишнинг қуввати ва муддатига, ишга жалб этилган мусқуллар массасига, шунингдек, спортчининг жиноига, ёшига боғлиқ булади. Ёш спортчиларда функтсионал ва энергия резервлари катталардагига нисбатан тезроқ камаяди. Болаларнинг иш қобилияти, ҳаракат тезлиги чарчаш даврида катталарга нисбатан купроқ даражада пасаяди. Чарчаш натижасида болалар организмнинг ички муҳити озгина узгариши, кислород қарзи тупланиши билан ишни тухтатади, яъни катталарга қараганда чарчаш болачарда тезроқ ривожланади. Бу болалар марказий асаб системасининг қатор хусусиятлари билан боғлиқ булади. Болаларда ички тармозланиш жараёнлари тезроқ бузилади.

7-10 ёшли болаларнинг юксак қувватли иш бажаришида энг юқори тезликка эришишдан кейин чарчаш натижасида тезликнинг пасайиши кучли булади. Бу ҳолат асаб жараёнларининг ҳаракатчанлиги ва қучининг нисбатан пастлиги ҳамда ҳимоя тармозланишининг тез ривожланиши билан боғлиқ, деб қаралади (А.А.Маркосян). Шу билан бирга, айтиб утиш керакки, ёш спортчиларда ёнгиладиган чарчаши энгилмайдиган чарчашга утиш катталардагига нисбатан тезроқ юзага келади.

Ёш спортчилар чарчашда катталардагига нисбатан куп энергия сарф этади, мусқул кучи ва уларнинг кисқариш амплитудаси тезроқ камаяди, чарчаш эгри чизифининг характеристери узгаради. Катталарга нисбатан болаларда чарчаш тезроқ ва тусатдан юзага келади.

Ёш спортчиларнинг спорт фаолиятида чарчаш купинча ҳаракат координатсияси ва ҳаракат ҳамда вегетатив функтсиялар узаро таъсириининг бузилишида ифодаланади.

Жисмоний машқлар жараённида бош суюкларини синиши, миянинг эзилиши, чайқалиши, юз ҳамда жағнинг шикастланиши, синиши, куз, қулоқ ва бурунни шикастланиши юзага келади. Бунда жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам курсатиш ва жароҳатланишни олдини олишдан иборат.

Юзниң шикастланиши. Юз қон билан яхши таъминланганлиги туфайли ундаги жароҳат тез битади. Барча жароҳат каби юздаги жароҳат ҳам бирламчи ишлов берилади. Юзда катта жароҳат булса, бирламчи ишловдан кейин кесиш амалиёти утказилади. Юзда ҳар қандай жароҳат булганда қоқшолга қарши зардоб юбориш шарт.

Жағнинг шикастланиши. Пастки жағнинг чиқиб кетиши. Пастки жағ бир томонлама ва икки томонлама чиқиб кетиши мумкин. Купинча икки

томонлама чиқади. Оғизни ҳаддан ташқари катта очганда, эснаганда, бақирганда, тишни олаётган вактда ва наркоз вактида жағ олдинга сурилганда чиқиб кетади.

Биринчи тиббий ёрдам сифатида қалқонсимон боғлам қуишилеб, шифокорга юборилади. Тиббий муассасаларида жағни жойига туширишида, одатда, наркоз берилмайди.

Кузнинг шикастланиши. Кузнинг заарланиши қовоқ, қонюнктива, мугуз парда ва бошқа қисмларга ҳар хил шикаст етиши сифатида кузатилади. Куз олмасига қаттиқ урилганда жароҳат хавлли ҳисобланаб, кузга қон қуишилади.

Биринчи ёрдам бериш асептик боғлам қуиши, қоқшолга қарши зардоб юборишдан иборат.

Даволаш, асосан, жароҳатни хирургик тозалаш, антибиотиклар юбориши ва бошқа чоралардан иборат булади.

Буруннинг шикастланиши. Буруннинг шикастланиши орасида лат ейиш, юмшоқ туқималарнинг жароҳатланиши, тоғай ва сұякларнинг синиши фарқ қилинади. Купинча бурун сұяклари шикастланади. Шикастланиш натижасида бурун тусиғи қийшайиб қолиши, чиқиб кетиши ва синиб кетиши мүмкин.

Белгилари. Бурун сұяклари синганда оғрийди, қон оқади, буруннинг шакли узгаради ва ҳоказо. Купинча ҳар хил жароҳатланишда ҳамда баъзи касалликларда (гипертония, гемофилия, юрак ва жигар касалликларида) ҳам бурундан қон оқади.

Биринчи ёрдам. Беморга утириш ёки сұяниб утириш тавсия этилади, бурун қанотларини ажратиб турадиган тусиққа босиши, бурунга совук қуиши водород пероксидга хулланган кичикроқ тампон ёки бир қисм гемостатик булуудан бурунга тиқиш керак.

УМУРТҚА ПОГОНАСИННИГ ШИКАСТЛАНИШИ

Умуртқа поғонасининг шикастланиши купинча қурилишда (бино қуриш, таъмир қилиш) ва тоғда ишлайдиган ишчилар орасида учрайди. Баъзида қишлоқ хужалик ишларини бажараётганда, спортчилар саёз сувга баланддан сақраганда ва турнирда гимнастика машқлари бажарилганда, умуртқа поғонаси шикастланиши мүмкин. Умуртқа поғонасининг шикастланиши энг оғир дард ҳисобланади. Клиник кечиши буйича умуртқа поғонасининг синиши ёпиқ ва очиқ булади. Бундан ташқари, орқа мия бутунлиги бузилмасдан, фақат умуртқа поғонасининг узи шикастланиши ва орқа миянинг бутунлиги бузилиши мүмкин.

Белгилари. Умуртқа поғонаси синганда қуидаги характерли белгиларни назарда тутиш керак: синган жойининг шишиб қолиши, шикастланган умуртқа

поғонасининг туғри усикларида қаттиқ оғриқ булиши ва умуртқа поғонаси қисмида ҳеч қандай ҳаракат қила олмай қолиши. Ташхис қўйишда рентгенологик текшириш ёрдам беради. Баъзан умуртқа поғонаси билан бир вақтда орқа мия ҳам шикастланиши мумкин. Орқа мия шикастланганда ёки эзилганда, купинча умуртқа поғонасининг пастки қисми синганда қул ёки оёқлар фалажланади, сезувчанлик йуқолади, чаноқ органлари функсияси бузилади ва ҳоказо (сийдик ва ич келмайди).

Биринчи ёрдам. Транспорт иммобилизацияси ва беморни тезлик билан касалхонага олиб боришдан иборат.

Даволаш. Синишининг қаердалигига ва турига қараб ҳар хил булади. Орқа мия эзилганда ёки унинг функсияси бузилганда оператсия қилинади. Орқа мия эзилганда бир-биридан қочган умуртқа поғонаси қисмларининг тезроқ битишига ҳаракат қилинади ва умуртқа поғонасининг ҳаракатини нормаллаштириш юзасидан чоралар курилади. Умуртқа поғонасининг синиши турига қараб: уринда ётиш, узоқ вақт тортиб қўйиш (буйин қисми синганда глиссон ҳалқаси ёки қултиқ ости боғлами қўйиш), гипсли корсет, даволаш физқултураси, физиотерапия ва бошқа усувлар қулланади.

Асаф тизимининг тузилиши

Нерв системаси факат тирик организмларга хос булиб, турлича тузилган ва мурахкаблик даражаси ҳам ҳар хил. Нерв системаси одам организмининг барча туқималари ва органларининг узаро алоқасини ва бир бутун булиб ҳаракат қилишини ташинлайди. Унинг ёрдамида турли-туман таъсир идрок этилади ва анализ қилинади, ташқи ва ички мухитдаги узгаришларга кура жавоб реакциялари шаклланади, яъни организмнг узузини идора қилиши ва мослашуви жараёнлари боради.

Нерв системаси органлар ва туқималарга турли моддалар ёрдамида қон орқали таъсир қиласидан гуморал система билан узаро боғлиқ ҳолда ишлайди. Бироқ нерв механизми бирмунча такомиллашган ҳисобланади, чунки таассурот нерв толалари буйлаб фақат муайян органларга катта тезлик билан тушади.

Бутун нерв системасини тузилиши жиҳатидан марказий ва периферик системаларга булиш мумкин. Марказий нерв системасига бош ва орқа мия, периферик нерв системасига соматик ва вегетатив нерв системаси киради. Бош мия калла қутиси ичиди, орқа мия умуртқа поғонасининг орқа мия каналида булади. Периферик нерв системаси марказий нерв системаси билан барча органлар ва туқималарда буладиган ретсепторлир ва эффекторлар орқали боғланаб туради.

Нерв туқимаси нейрон деб аталадиган ҳужайралардан ташкил топган. Улар танадан ва иккита тармоқ (усик)- дентритлар билан аксонлардан ташкил топган булиб, узаро ва турли органларнинг туқималари ёрдамида бирикади. Нейроннинг асосий функцияси ахборотни қабул қилиш ва уни нерв импульслари куринишида узатишdir. Ахборот ҳужайрага дендритлар орқали келади.

Аксон-узун усимта булиб, у ҳам тармоқланиши мумкин, унда ён ва охирги усимталар ҳосил булади. Аксон кузғалишни нейрон танасидан бошқа ҳужайраларига ёки туқималарга утказишга мослашган, узунлиги 1 м га яқин булиши мумкин.

Агар аксон атрофдаги туқималар ва бошқа нерв толаларининг электрхимиявий таъсиридан ҳимоя қиласидиган миelin парда билан уралган булса, нерв импульсини утказиш тезлиги ортади. Ҳамма сезувчи ва харакатланувчан нерв толалари, шунингдек, вегетатив толаларнинг бир қисми ҳам шундай парда билан уралган. Куп сонли аксонлардан нерв толалари ва нерв системасининг утказувчи йуллари шаклланади. Ҳар бир усимта синапс номини олган қоплама билан тугалланади. У нерв импульсини бир нейрондан иккинчисига ёки бирор туқимага утказишни таъминлайдиган физиологик актив моддалари булган пуфакчалар -медиаторлар билан тулган булади. Шундай қилиб, нерв системаси буйлаб ахборот утказиш электр ва химиявий табиатга эга. Агар нейроннинг танаси шикастланса, аксон ва дендритлар нобуд булади, агар у сакланиб қолса, унда янги усимталар ҳосил қиласиди.

Ҳаёт мобайнида нейрон усимталари тармоғининг сони узгариши мумкинлиги аниқланган, шу туфайли бош мия усади ва ривожланади. Этилган нерв ҳужайраси булинишига ва узи сингари вақтида шаклланадиган 10-14 млрд нейрон кейин бир дона ҳам купаймайди. Бу таркибий қисмлар 5-7 ёшли болада, айниқса жадал усади. Шунга мувофиқ, нейронларнинг синаптик боғлари сони ҳам ортади. Мутахассисларнинг кузатишларига қараганда, нерв ҳужайраси юзасининг тахминан 80% синанслар билан копланиши мумкин ва уларнинг микдори нейрон боғларидан далолат беради. Турли нерв ҳужайраларида уларнинг сони узгариб туради ва нейронларнинг функционал иши микдорига боғлик булади. Масалан, туғилишдан бошлаб, соғлом ҳайвонлар тажриба тариқасида мутлақо қоронғида боқилса, уларда нейронларнинг бош мия куриш маркази билан синоптик алоқалари ривожламайди, ёруғлик ахбороти қабул қилинмайди ва қайта ишланмайди. Натижада куриш органининг барча структура элементлари булишига қарамай, хайгонларнинг кузи курмаган.

Нерв тукимаси ҳужайраларининг айрим узига хос кузғалувчанлик ва утказувчанлик хоссалари бор. Қузғалувчанлик ташқи мұхитдаги узгаришларни қабул қилиш ва уларга қузғалиш реактсияси билан жавоб бериш хусусиятидан иборат. Нерв ҳужайралари ва бошка айрим ҳужайралар, масалан, мұсқул ҳужайраларининг кузғалувчанлиги айниқса юксак ва улар таъсирга тез жавоб беришга мослашган. Бунга утказувчанлик хоссаси, яъни туқиманинг қузғалишни утказиш қобилияти туфайли эришилади.

Қузғалувчанлик ва утказувчанлик хоссалари мембранада ва ҳужайралар ичида буладиган қатор биохимиявий, физик ва электр ҳодисалари билан боғлиқ ва шулар туфайли амалга оширилади.

Марказдан қочувчи, марказга интилувчи ва аралаш нерв толалари мавжуд. Марказга интилувчи нервлар қузғалишни ретсепторлардан марказий нерв системасига утказади ва улар сезувчи, яъни марказга интилувчи нервлар дейилади. Марказдан қочувчи нерв толалари буйлаб импульс марказий нерв системасидан периферияга, ишчи органларга-еффекторларга келади. Бу толлар яна ҳарақат толалари ҳам дейилади. Аралаш нервларда толаларнинг иққала тури ҳам булади.

Дендритлар ахборотни бошқа нерв ҳужайраларидан ёки одам танаси юзасида, шунингдек, ички органларнинг туқималарида жойлашган мувофиқлашган сезувчи ҳужайралар-ретсепторлардан олади. Редепторда вужудга келган қузғаниш жараёни сезувчи нейрон буйлаб марказий нерв системасига тарқалади, у эрда ҳарақат нейронига утади ва у буйлаб эффекторга бориб этади ҳамда туқима типининг қандайлигига қура, муайян реактсия куринишида тугалланади. Бу, масалан, мұсқуллар қысқариши, бирор безнинг секретсияси кабиларда юзага чиқиши мүмкін. Тасвиrlанган нерв структураси рефлектор ёй деб аталади, ташқи ёки ички мұхитдан марказий нерв системаси иштирокида буладиган таъсирга организмнинг жавоб реактсияси эса рефлекс дейилади. Рефлектор ёйлар иккита ва ундан куп нейронлардан иборат булиши ва улардаги қузғалиш факат бир йуналишда утказилиши мүмкін.

Нерв системасининг қайси қисми жароҳатланган ва касалланган бўлишига қараб уларни номланади. Жумладан нерв илдизларини шамоллаши радикулит дейилади. Нерв чигалини шамоллашиши – плексит нервни шамоллаши эса нервит дейилади. Булар ҳаммаси переферик нерв системаси касалликларига киради.

Бундан ташқари нерв системаси касаллик ва жароҳатлари ҳарақат сезиш мувозанат ва овқатланишни бузилиши ҳолатларида ўзини намоён этади. Мускул ҳарақатида паралич парезлари ҳолатида бузилишлар учрайди.

Параличда мускул қисқариши бутунлай ёъқолади. Парезда эса харакат фаолияти қисман ёъқалади Паралич ва парез битта қисм харакат органида учраса монопарез танани ярмида учраса гемепарез ва 4 та харакат органида учраса тетрапарез дейилади Паралич ва парез 2 турда учрайди. Спастик парез (фалажда мускул тонуси ошиб кетади, парезда эса мускул тонуси пасайиб кетади).

Бош мия касалликлари.

Бош миянинг яллиғланишисиз характеридаги касалликлариiga қон қўйилиши (инсульт) мия томирлари тромбози ва эмболияси киради. Бундай холларда bemорда миянинг шикастланиши содир бўлган томонига қарама-қарши томондаги қўл оёқларида парез ва фалажлар хосил бўлади. Қулда букиш конструктураси ривожланади қўл тирсак ва билак бўғимларида яrim букилган кафтга қаратилган бармоқлар юмилган ҳолатда танага келтирилган бўлади оёқларда сезиш қонтрактураси ривожланади оёқ ички томонга букилган чиноқ-сон ва тизза бўғимлари ёзилган панжа ичкарисига букилган бармоқлар букилган ҳолатда бўлиб юрганда оёқ тиззада букилмайди.

Даволаш жисмоний тарбиясини касаликнинг ўткир давридан сўнг бошланади. Фалаж бўлган оёқ -қўлларни тўғри ҳолатга келтириш яъни вазият билан даволаш лозим (оёқ панжасини тўғри бурчак қилиб букилади, қўлнинг кафти юқорига қаратилади – супинатсия ҳолати, бармоқлар ажратилган холда бўлади). Даволаш жисмоний тарбияси қуйидаги мақсадларни назарда тутади. Организм барча системаларини ишини яхшилаш тўғри нафас олишга ўргатиш мускулларнинг ошган тонусини пасайтириш ва зарар этмаган мускул группаларини мустахкамлаш қатъий зарур малакаларга ўрганиш ва ёъқотилган функтсияларнинг ўрнини босувчи функтсияларни ривожлантириш. Машқларни кўп марта такрорлаш натижасида янги рефлекс алоқалар хосил бўлади булаар ёъқотилган функтсияларнинг қайта тиклашга ёрдам беради.

Даволашга аввалида пассив харакатлар ва массаж қўлланилади, бошланишида проксимал қисмларни энгил машқ қилинади борган сари дистал қисмларга ўтилади. Аввалида машқлар кўп такрорланмайди, улар борган сари кўпайтирилади. Яхиси қисқа машқларни кунига бир неча марта такрорлаш керак.

Машқларни соғ оёқ қўлларга мўлжалланган машқлардан бошланади, умуммустахкамловчи машқлар маҳсус машқлар билан алмаштириб турилади.

Переферик нервлар жароҳатлари ва касаликларида даволаш жисмоний тарбиясини қўллаш заарланган нервни қайта хосил бўлиши ёрдам беради.

Фалажланган мускуларни атрофия бўлишига ёъл қўймайди, бўғимлар қотиб қолишининг олдини олади ва хоказо.

Машқлар комплекси умуммустахкамлаш машқлари ва заарланган нерв ёъли бўйлаб ётган мускуллар учун мўлжалланган машқлардан иборат.

Актив харакатлар пайдо бўлганда нагрузка аста – секин ошириб борилади. Кўп группа мускулларга мўлжалланган машқлар танланади ва энг охирида алоҳида мускулларни тренеровка қилишга ўтилади. Харакатлар хажмини тиклашда амалий машқлар кўшилади. Юриш ўз ўзига хизмат қилиш ва бошқалар.

Агар шикастланиш хирургик ёъл билан даволанадиган бўлса, даволаш жисмоний тарбиясини оператсиядан аввалги даврда қўлланилади, бўғим харакатларини тиклашга, мускулларни мустахкамлашга. беморни кучини тиклашга харакат қилинади.

Бел думғаза радикулити. Даволаш жисмоний тарбияси бу касалликда шикастланиш соҳасидаги тўқималарда қон айланишнинг яхшиланишига ёрдам беради, мускулларни атрофияланишига ва нерв пардаларида чандиқ хосил бўлишига тўсқинлик қиласи. Оғриқларни тўхтатгандан сўнг машқлар комплексига кўл оёқ ва танага мўлжалланган оддий гимнастик машқлар кўшилади. Улар ёрдамида оғриқ билан чекланган ҳолда ажариладиган харакатлар қайта тикланади. Машқлар секин темпда ётиш, кейин ўтириш ва тик туришнинг дастлабки ҳолларида бажарилади, улар бажарилаганда оғирликни кучайтирмаслик керак.

Ҳар қандай таъсирга организмнинг жавоб реактсияси булади, бу реактсия таъсир кучига боғлиқ булади, шунингдек, организмнинг марказий нерв системаси томонидан содир қилинадиган уз реактсия булади. Жавоб таъсир мос келмаслиги, кучсизроқ булиши, кучли ёки ташқи томондан сезилмаслиги мумкин. Бу эса икки нерв ҳолатининг қузғалиш ва тормозланишнинг узаро таъсири орқали булиши мумкин. Тормозланиш қайсиdir рефлексларнинг заифлашиши нерв системасининг ҳаддан зиёд қузғалишига ва кучизланишига сабаб булади. Бир вақтнинг узида қузғалиш организмнинг ҳар қандай таъсирга реактсиясини таъминлайди. Организмнинг жавоб реактсиялари бир-биридан ажралган ҳолда эмас балки мураккаб рефлектор актларга бирлашиб содир булади.

И.П.Павлов рефлексларни иккига: шартсиз ва шартли рефлексга ажратган. «Шартсиз рефлекс» атамаси таъсирловчининг ретсепторларга таъсиридан сунг шартсиз (мукаррар равишда) пайдо булавчи рефлексларни белгилаш учун киритилган. Масалан, оғизга овқат олиниши билан сулак ажралиши, нина санчилганда бармоқни тортиб олиш ва ҳоказолар. Ҳар

қандай шартсиз рефлекс марказий нерв системасининг куп булимлари орқали таъминланади, лекин асосан у марказий нерв системасининг қуии погоналари фаолият (орқа мия, бош мия уқи) билан боғлиқ. Шартсиз рефлекслар одам ва ҳайвонларнинг узига хос туғма хатти-ҳаракатини таъминлайди, бу эса туғилгандан кейин шартли рефлекс билан биргаликда турғунлашади. Улар ота-онадан мерос қолади ва бутун умр давомида сақланади. Шартсиз рефлексларга, масалан, овқат ҳимоя ва мулжал олиш рефлекслари киради.

Одам уз ҳаёти давомида кунишиби реактсияларини касб этади. Улар шартли қузғалувчилар билан шартсиз рефлектор актлари уртасидаги вақтинча алоқалар асосида пайдо булади. Шартли рефлекс шартли қузғатувчига боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Ташқи ёки ички шароитнинг ҳар қандай узгариши бирон шартсиз фаолият билан бир вақтга туғри келса, у шартли қузғатувчи була олади. Масалан, доимий овқат вақтида сулак ошқозон ширасининг ажралиши, аввал заҳарланишга олиб келган овқатнинг ҳиди ёки куринишидан кунгил айниши, лимонни қуриш ёки эслаш билан сулак ажралиши, қандайдир фаолиятнинг стереотиплиги ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Шартли рефлексларнинг шаклланишида бош мия пустлоғи катта роль уйнайди. Агар пайдо булган шартли рефлекслардан фойдаланиш зарурияти булмаса, улар секинлашади ва ҳатто йуқолади, янгилари пайдо булади. Шунинг учун ҳам шартли рефлексларнинг биологик аҳамияти шартли рефлексларнинг тез алмашинуви натижасида организмнинг янги шароитга мослашувида қуринади.

Шартли рефлекслар ҳосил булиши учун қуийдаги шароит зарур:

1. Индифферент (шартли), яъни шу жавоб реактсиясига хос булмаган қузғатувчининг мавжудлиги.

2. Мустаҳкамланган шартли қузғатувчининг бир неча бор қайтарилиши, яъни бир вақтнинг узида шартсиз рефлекс пайдо қилувчи қузғатувчи қулланилиши керак.

3. Бошқа кучли қузғатувчилар булмаслиги.

Шартли рефлекснинг 30 га яқин тури маълум. Шулардан укув-тарбия жараёни билан узвий булган бир неча тури устида тухталиб утамиз. Булар вақт, шароит ва тақтид рефлексларидир. Боланинг хулқи ёки қандайдир фаолиятнинг шаклланишида биринчи тартиб шартли рефлекслар муҳим роль уйнайди. Масалан, болани бир вақтда овқатлантириш рефлекс уйғонишига олиб келади. Бу эса маълум вақтга келиб, очлик ҳисси уйғониши натижасида, яъни овқат шартсиз рефлекслари мия тузидишига таъсир курсатиши, уларни қузғатиб, уйғонишга олиб келиши оқибатида руй беради. Шундай қилиб, боланинг хатти-ҳаракатини узгартириш учун вақт шартли

рефлекс сигнацидир. Бола катта булганида бу құзғатувчи сақланади, аммо унинг хатти-харакатлари мураккаблашади ва овқат қабул қилишгача бир қанча құшимча ҳарақатлар бажарилиши керак булади: туриш, ювиниш, кийиниш ва ҳоказолар.

Мураккаб, аммо ҳар доим муайян изчилликда тақрорланадиган ҳаракатлар уларнинг бир неча бор тақрорланувчи битта құзғатувчини қабул қилиши таъсиридан пайдо булади. Бу кетма-кетлик бош мия пустлоғи ва унинг бошқа тузилишларида аста-секин мустахкамланади ва кейинчалик осон қайтарилиши мүмкін. Бунинг учун аввал қулланган барча құзғатувчилирнинг ишлаши шарт әмас, яғни қайд қилинган тартибда бутун ҳаракатнинг тақрорланиши учун биргина құзғатувчи этарлы булади.

Ривожланувчи стереотипни қабул қилиш одатда, автоматик тарзда вакт, шароит құзғатувчилариға нисбатан пайдо булған бирламчи шарт-рефлектор жавоблар систем; билан мос ҳолда булади. Ишлаб чиқилған стереотипга ёзув, уқиши, мусика асбоблари чалиш, овқатланғанда қошиқ, пичноқдан фойдаланиш, югуриш, сакраш, chanғида учиш, машина ҳайдаш ва күпгина бошқа нарсалар мисол булади. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишда ҳаракатнинг стереотипини ишлаб чиқышда күн тартибига узоқ вакт риоя қилиш катта аҳамияттаға эга. Ҳосил қилинған стереотип ҳар бир кишининг узини тутиши, хулқи асосида булади ва улар узгаришларга жуда қийин берилишини күзде тутиш керак. Шунинг учун ҳам болаларни ҳаётининг дастлабки ойларидағы узини туғри туга билишга аҳамият бериш, шу мақсадда таълим-тарбиянинг мос келувчи усулларидан фойдаланиш керакки, токи келажакда уларни кайта тарбиялашга туғри келмасин.


Рефлектор фаолиятида тақлид рефлекслари катта урин тутади, улар болалар ва усмирларнинг катталар ва уз тенгдошларининг хатти-харакатларини тақрорлашида намоён булади. Хатти-харакат мураккаблашганда бола бир қатор аниқ ҳаракатларни қабул қилиши мүмкін булади.

Шартли рефлекслар факат бирон-бир хатти-харакатни содир қилишда әмас, балки бола шундай хатти-харакатни содир килишдан узини тийган ҳолларда ҳам намоён булади. Масалан, чойнақдаги иссиқ чойдан бир марта куйған бола бошқа хеч қағон унга яқынлашмайды. Бу ҳолда мүмкін булған реакциянинг тормозланиши намоён булади, бу эса әркін равища инсон хохиши билан амалға ошади.

Бола хатти-харакати бир бутунлигини ташкил этувчи реакцияларнинг салбий ёки ижобий томонларини тушуниб этиши (шартли тормозланиш құзғатувчилариға) анча самарали таъсир курсатиши шаклидир. Ички тормозланиш аста-секин шартли құзғатувчиларни қуллаш билан ҳосил

қилинади, бу құзғатувчилар аввал ҳосил булған шартли ижобий рефлексларни четлаштиради ва улар йүқолади. Салбий шартли рефлексларнинг пайдо булиши болаларнинг хулқ-атвор норматари, билим, куникмалар ва бошқа ҳаракатларнинг қайта урганишлари масалалари билан боғлик. Бу жараён илгари ҳосил қилинган ва хатти-ҳаракатлар нормасига айланған стереотипни узгартириш билан боғлик булғанлиги учун ҳам узоқ давом этади ва мураккаб булади. Шу билан бирга ички тормозланишнинг шаклланиш жараёни марказий нерв системасини ривожланиш даражасига боғлик булғанлиги учун ҳам уз хусусиятларига эга эканлигини назарда тушиб лозим. Болаларда шаклланған нерв тормозланиши жараёни мактаб ёшида намоён булиши унинг этуктик даражасидан гувохлик беради. Тормозланиш жараёни ривожланишининг узига хос хусусиятлари құзғаниш жараёнининг күчсизданишида, хатти-ҳаракатларнинг бирмунча мұтадиллашувида намоён булади.

Уқув-тарбия жараёнини ташкил қилишда доминанталар номи билан машкур ҳодисалар мұхым аҳамиятга эга. Доминанталар күпгина рухий жараёнлар билан боғлик булат: ҳис этиш, қабул қилиш, фикрлаш, хотира, хаёл, диққат кабилар булиб, улар фаолиятни таъминловчи бош мия булмалари вазифаларининг мутаносиблигини тачаб қиласы. Бу атама инсоннинг айни шу вақтда күчлироқ булған-рефлектор фаолияти ҳақида гапирмоқчи булған ҳолатда ишлатилади. У 1923 йилда А.А.Ухтомский томонидан таклиф этилган.



Қорин девори ва унда жойлашган органлар ёпиқ ва очиқ шикастланиши (жароҳатланиши) мумкин.

Қорин деворининг ёпиқ шикастланиши купинча утмас предмет таъсирида (хода, мушт, таёқ ва ҳоказо текканда) содир булиб, терминг бутунлиги бузилмагани ҳолда тери остига қон қўйилиши мумкин, баъзан қорин бушлиғида жойлашган органлар (меъда, ичаклар) шикастланиши мумкин.

Белгилари. Қорин девори мушакларининг урилиши, оғриқ, шиш булиши, тери остига қон қўйилиши, мушакнинг таранглостиши ва ҳоказо. Бунда ички органлар шикастланган булса, шок ҳолати бошланиши мумкин. Қорин бушлиғига қон қўйилганда шок ҳолати яна оғир боиади. Қорин бушлиғида кучли оғриқ пайдо боиади, ушлаб курилганда оғриқдан касал безовталанади, мушаклар таранглашади, ич келиши ва ел келиши тухтаб қолади. Баъзан беморнинг кунгли айниб қусади. Пулс тез ва нотулик боиади. Аста-секин перитонит белгилари юзага кела бошлайди. Жигар ёки талоқнинг шикастланиши натижасида қорин бушлиғига қон оқади, утқир камқонлик белгилари қайд қилинади. Қорин девори ёпиқ шикастланган bemorга ором бериш ва қараб туриш керак.

Биринчи ёрдам беришда bemorga тоиа ором берилади, қорин деворига совук қуйилади. Оғриқ қолдирадиган дориларни ишлатиш мумкин эмас. Беморни ётган ҳолатда тезлик билан касалхонага жунатиш керак.

Даволаш. Қорин деворини енгил уриб олганда беморга ором бериш, қорин деворига олдин совуқ, кейин иссиқ қуйиш ва парҳез буюрилади. Қорин бушлиғидаги органлар шикастланганда зудлик билан оператсия қилиш керак (қорин бушлиғини очиб шикастланган органлар тиқилади ва тегишли тиббий ёрдами берилади). Оператсиядан кейин касални яхшилаб парвариш қилиш керак. Қоринга совуқ қуйилади, тери остига ёки венага куп микдорда суюқлик юборилади ва енгил овқат ейиш буюрилади. Уткир камқонлик ҳолатида қон ёки қон урнида ишлатиладиган суюқликлар қуйилади.

Қорин деворининг очиқ шикастланиши купинча уткир предмет (айниқса, уқ тегиши ёки бирор нарсанинг санчилиши) натижасида содир булиб, қорин деворининг бутунлиги бузилади, қон оқади. Баъзан қорин бушлиғида жойлашган" органлар ҳам жароҳатланиши мумкин.

Белгилари. Қорин деворида яра, ички органлар заараланганда уларнинг шикастланиш белгилари булиши. Баъзан ярадан ички органлар (ичак ва ҳоказо) чиқиб туради. Оғир ҳолатларда меъдадаги овқат моддалар ва суюқликлар, утпуфагидан ут ёки ичаклардан ахиал оқиб туриши мумкин.

Биринчи ёрдам ярага богиам қуйиб, тезлик билан беморни касалхонага жойлаштиришдан иборат. Қориндан чиққан органларни (ичакларни) қорин бушлиғига киргизишга уринмаслик керак; ичакларни стерилланган бир неча қават дока билан (иложи булса докага вазелин суртиб ёки пенитсиллин эритмасига ботириб) яхшилаб ураб қуйиш керак. Жароҳатланган бемор сув ичиши, овқат ейиши ман этилади. Беморни касалхонага жунатишдан олдин териси остига морфиннинг 1% ли эритмасидан 1 мл юборилади.

Даволаш асосан, зудлик билан оператсия қилиш ва тегишли тиббий ёрдам, курсатишдан иборат. Оператсиядан кейин беморни яхшилаб парвариш қилиш лозим. Бемор, перитонитдаги каби парвариш қилинади.

Қорин бушлигининг уткир касалликлари. Қорин бушлиғи органларининг тусатдан ва тез авж оладиган касалликларида купинча шошилинч хирургик ёрдам курсатишни талаб этадиган асоратлар пайдо булади. Қорин пардасининг яллиғланиши (перитонит) ва ички қон кетиши ана шундай асоратларга киради. Юқорида қайд қилинган касалликларда уз вақтида хирургик ёрдам курсатилмаса, bemор ҳалок булиши мумкин. Қорин бушлиғида тусатдан қаттиқ оғриқ пайдо булиб, касалликни аниқлашнинг иложи булмаса, bemорни тезлик билан касалхонага жунатиш керак. Уткир аппендитсит, меъдада ёки ун икки бармоқ ичакнинг тешилган яраси. Уткир холетсистит, чурра қисилиши, ичакдан бирданига овқат ва газ утмай қолиши, қорин бушлиғи органларининг ёпиқ ва очиқ шикастланиши, уткир панкреатит, бачадондан ташқаридаги ҳомиладорликда найчанинг ёрилиши. Мояк кистасининг буралиши «қоринда уткир ҳолат» буладиган касалликларга киради. Бу касалликларнинг асосий хавфи шундаки, касаллик бошланишидан то шифокор ёрдами курсатилгунча қанча куп вақт утса, bemорнинг аҳволи шунча

ёмонлашади ва оғир оқибатлар келиб чиқади. Қорин бушлиғида яллиғланиш жараёни боиганда қориннинг олд томонидаги мушаклар тарапглашади, қорин пайпаслаб курилганда яллиғланган аъзо соҳасида оғриқ булади.

Қорин бушлиғидаги аъзолардан бирортасида уткир яллиғланиш касаллиги булганда беморга шошилинч ёрдам курсатиш зарур, акс ҳолда, перитонит ривожланиб, беморнинг ҳаёти хавф остида қолади. Қорин бушлиғига қон оқиши эса қисқа муддат ичида уткир камқонликка олиб келиши ва беморнинг улимига сабаб булиши мумкин. Қорин бушлиғида уткир яллиғланиш жараёни булганда беморни иложи борича тезлик билан касалхонанинг хирургик булимига ётқизиш керак. Беморга ором бериш, қорнига муз ёки совуқ қуиши биринчи ёрдам тадбирларидан ҳисобланади. Беморга овқат, сув бериш, тозалаш клизмаси қилиш, меъдасини ювиш мумкин эмас.

Наркотиклар, антибиотиклар ва бошқа дори моддаларни бериш қатъий ман этилади, чунки бунда касаллик белгилари билинмай қолади.

Спортчи организмида учрайдиган касалликлар.

Спортчида руй бериши мумкин булган касалликлар турлари. Спортчида учрайдиган касалликлар 2 гурухга булинади:

3. Спортчи билан боғлиқ булмаган касалликлар
4. Спорт машғулотларини нотуғри бажариш натижасида юзага келадиган шикастланишлар.

Спорт машғулотлари билан боғлиқ булмаган касалликлар:

1.Юқумли касалликлар: грипп, ангина, ичбуруғ, юқумли сариқ касаллиги ва бошқалар.

2.Шамоллаш натижасида юзага келадиган касалликлар: ларингит, транхобронхит, упканинг яллиғланиши (зотилжам), радикулит, неврит.

3.Захарланишлар:

- а) овқатдан захарланиш;
- б) кимёвий моддалар билан захарланиш;

4.Заарарли одатлар билан боғлиқ буладиган касалликлар:

- а) тамаки чекиш;
- б) спиртли ичимлик истеъмол қилиш;
- д) гиёхвандлик.

5.Наслдан бериладиган касалликлар.

Тренировкани нотуғри утқазиши туфайли юзага келадиган касаллик ҳолати.

Тренировкани нотуғри утқазиши туфайли юзага келадиган касаллик ҳолати малакали мусобақаларга тез-тез қатнашадиган спортчиларда юзага келади. Организмни тезроқ чиниқтириш ва мусобақада яҳши натижага эришиш учун тренировка машғулотларини кун тартибига риоя қилмасдан, яъни ҳар бир машғулотдан кейин етарли дам олмасдан утказилиши,

машғулот ҳажми ва тезлигини тез суръатларда ошириши, туйиб ухламаслиги, сифатли овқатланмаслиги натижасида юзага келади.

Тренировка қоидасининг бузилиши туфайли юзага келадиган касаллик ҳолати (перстренированность) З даражада кетиши мумкин:

1-даражада. Бунда спортчининг уйқуси нотинчланади, мувозанати бузилади, машғулотдла тез чарчайди.

2-даражада. Спортчида умумий кучсизлик, ҳомушлик пайдо булади. Тез жаҳли чиқади, иштаҳаси пасаяди, уйқусининг нотинчлиги кучая боради, ёқимсиз тушлар куради, уйқудан кейин узини дам олгандек ҳис қилмайди. Кузининг остида кукариш, озроқ шиш пайдо булади. Ранги оҳаради, вақти-вақти билан юрак соҳасида гижимланиш, санчиш пайдо булади. Мувозанатнинг бузилиши кучая боради, машғулотдан кейин қисқа муддат дам олиш қуч- қувватни тикламайди.

3-даражада. Спортчининг руҳияти бузилади, яъни унда неврастеник невроз ҳолати вужудга келади. Бунинг 1-даврида спортчи қузғалувчан булиб қолади. Тез жаҳли чиқади, уйқусизлик юзага келади, артериал қон босими нормадан ошади, томир уруши тинч ҳолатда ҳам тезлашган булади (75-85 марта 1 дақиқада), максимал артериал босими 130-150 минимал босими 80-90 м гача кутарилади. 2-даврида яъни неврознинг кучайиши натижасида спортчи руҳиятининг бузилиши чуқурлашиб, у ута бушашади, атрофдаги воқеаларга бефарқ муносабатда булади. Тренеровка утказишга ҳоҳиши йуқолади. Утирган жойида мудрайди, кечаси эса ухлай олмайди, юрак соҳасида ғижимланиш, санчиш белгилари тез-тез такрорланади. Томир уруши нормага нисбатан секинлашди (1 дақиқада 55-60 марта), максимал босими 110-100мм.гача, минимал босими 60-50 мм.гача пасаяди.

Машғулот тезлиги, кучи камаяди, мувозанати бузилади, тез чарчайди, дам олиши кучини тикламайди. Спорт курсаткичлари пасаяди.

Даволаш.

1-даражада қўйидаги тадбирлар утказилади:

1.Бир ҳафта дам берилади.

2.Дам олиш даврида купроқ ухлаши, яҳши овқатланиши, кучини тикловчи тадбирлар утқазиши лозим.

3.Дам олиш муддати утгандан сунг 1 ой давомида тренировка машғулотларининг ҳажми ва тезлиги секин оширилиши керак. Тренеровка кунаро утказилиши лозим. Мусобақаларга 1 ойдан кейин қуввати тикланиб, тренеровкада спорт курсаткичлари аввалги ҳолатига қайтгандан сунг руҳсат этилади.

2-даражада қўйидаги тадбирлар утказилади:

1.Спортчига икки ҳафта дам берилади.

2.Дам олиш кунларида купроқ уҳлаш, сифатли овқатланиш, кучкүватни тикловчи воситаларни қуллаш тавсия этилади.

3.Дам олиш муддати тугагач, 2 ой давомида тренировка машғулотларининг тезлиги ва ҳажми аста секинлик билан оширилади. Мусобақага 2 ойдан кейин қатаншиши мумкин.

4.Спортчи кун тартибига қатъий риоя қилиши, машғулотлар ҳажми ва тезлигини организмнинг имқониятидан келиб чиқсан ҳолда аста-секинлик билан ошириши лозим.

3-даражада қўйидаги тадбирлари:

1.Спортчига 1 ой дам берилади.

2.У дам олиш уйига, профилакторияга, санаторияга ётиб даволаниши керак.

3.Дам олишдан қайтгандан кейин тренировка машғулотларининг ҳажми ва тезлиги 2-3 ой давомида секинлик билан оширилиши лозим. Мусобақаларга 3 ойдан кейин руҳсат этилдаи.

Олдини олиш.

Спортчи кун тартибига риоя қилиши зарур.

1.Тренировка машғулотларини бажариш вақти ҳаракат тезлиги ва ҳажми организмининг жисмоний функсионал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда аста-секинлик билан амалга оширилиши лозим.

2.Спортчи уз-узини назорат қилишни унутмаслиги керак.Машғулотларни узининг имқониятидан келиб чиқсан ҳолда бажариши лозим.

3.Машғулот ҳажми ва тезлигини ошириш тренер ҳамда спорт дўхтирининг маслаҳатига кура ҳал этилиши керак.

Спортчининг зўриқиши.

Спортчининг зуриқиши 2 турда булади:

1. Утқир зуриқиши.

2. Сурункали зуриқиши.

Сурункали зуриқиши юқорида айтиб ўтилган тренировка машғулотларини қоидасининг бузилиши туфайли аста-секин вужудга келади (унинг 3-даражаси ҳақида юқорида маълумот берилган).

Спортчининг ўтқир зўриқиши.

Спортчи организмининг функсионал ҳолатини, чиниқсанлигини ҳисобга олмасдан, машғулот ҳажми ва тезлиги бирданига ошириб юборилиши туфайли юзага келади. Катта ҳажмдаги ва тезликдаги тренировка машғулотини бажаргандан кейин ёки мусобақадан кейин шунингдек, тренировка ва мусобақа вақтида спортчига тусатдан зуриқиши ҳолати юзага келади.

Зўриқишиш белгилари.

Зуриқишининг енгил турида артериал қон босими кутарилади, томир уриши тезлашади, юрак уйнайди, лаблари оҳаради, кукаради, нафаси қисади ва йиқилади. Текширганда спортчи юрагининг чегараси кенгайган, жигари катталашган, оёқларида шиш аниқланади.

Зуриқишининг оғир турида миянинг маълум қисми ҳолсизланиши ёки миянинг баъзи қон томирларининг ёрилиши натижасида мия инсулти юзага келади. Бунда спортчи ҳушини йуқотиб йиқилади, юз-қовоқ мусқуллари дириллайди. Кул-оёқлари тиришади, юзининг бир томони қийшайиши мумкин. Ёки спортчининг юраги бирданига тухтаб қолади ва у йиқилади. Текширганда юрак уриши ва томир уриши сезилмайди, артериал қон босими пасайиб, нолга тушади. Кул-оёғи совийди, ранги оҳаради.

Даволаш.

1. Спортчи текис жойга ётқизилади.
2. Тез ёрдам чақирилади ёки шу жойда булган спорт дўхтири ёрдам курсатади.

3. Спорт дўхтири булмаса, тез ёрдам етиб келгунича тренер ва бошқа спортчилар биринчи тиббий ёрдам курсатишлари керак:

- a) Юрак тухтаган булса, юрак соҳасига массаж қилинади. Юрак мусқулига адреналин ёки ноадреналин 1мл шпритс орқали юборилади.
- б) нафас тухтаган булса, «оғиздан бурунга» ёки «оғиздан – оғизга» усулида сунъий нафас берилади. Тери остига 1мл нордиамин, кордиамин, адреналин, норадреналин каби дориларнинг биттаси инъексия қилинади.

д) Мия инсулти юзага келиб, юз мусқуларида, оёқ-қул мусқуларида тиришиш булса, бошига совук сувга намланган сочиқ ёки румол қуйилади, магнезий сулфат 25%ли 5мл, 0,5% ли 2мл новокайн биргаликда шпритс билан мусқул орасига (думба соҳасига) юборилади.

Изоҳ: Тез ёрдам етиб келганидан сунг зуриқкан спортчига мутахассис дўхтирлар ёрдам курсатадилар.

Тиббий ёрдам.

1. Жигарда оғриқ пайдо булиши ҳақида спортчи тушунчага эга булиши керак. Мусобақа пайтида жигарда оғриқ пайдо булганида спортчининг узига-узи ёрдам курсатиши лозим. Бунинг учун у қулининг бармоқлари ва кафти билан жигарнинг унг қовурға остини массаж қиласи (уқалайди) ва чукур нафас олиб чихаради.

2. Агар юқоридаги тадбир ёрдам бермаса, ҳаракатланиши тухтатиб, спортчи ётқизилади ва остига 0,1%ли 0,5-1мл антропин инъексия қилинади.

3. Жигар соҳасидаги оғриқ бартараф этилгунича ёғсиз, витаминларга бой, таомлар ва жигар функциясини яҳшиловчи дори-дармонлар кулланилади.

Таянч-харакат аппаратларининг ҳолати

Суякларнинг ривожланиши унинг кўринишига қараб 3 хил баҳоланади. 1-ингичка ёки "тор" суюк. Бундай одамларда кўкрак қафаси ва элкаси тор, бармоқлари ва товони кичкина бўлади. 2-кенг ёки қўпол кўринишли, бундай одамларнинг элкаси кенг, бармоқлари ва товони катта, 3 ўртacha кўринишли даражада, умуртқа поғонаси олдиндан таянч вазифасини бажаради. Умуртқа поғонаси олдиндан, ёндан ҳамда умуртқа поғонаси бўйлаб вертикал ёъналишда бармоқ ёрдамида ўтказилган чизик ҳолатига қараб куракларнинг симметрик жойланиши, элканинг туриши ва қўлнинг тушурилган ҳолатидаги қуймич гумбазигача бўлган оралиқда ҳосил бўладиган учбурчак кўринишига қараб баҳоланади. Болаликнинг бошлангич даврларидан бошлаб, унинг умуртқа поғонасида 4 та физиологик эгилма пайдо бўлади. Шундан биринчиси бола 6-7 хафталик даврида, бошини кўтара бошлаганида умуртқа поғонасининг бўйин қисмининг олдинга эгилиши туфайли, 2 ва 3 чиси бола 6 ойлик бўлганда, ўтира бошлаши билан кўкрак ва думғаза қисмларида орқага қараб эгилиши ҳисобига ҳосил бўлади.

4- эгилмаси бола юра бошлагандага ҳосил бўлади. Эгилмалар болалар вояга этганда тупиқ суяклangan бўлади. Ёш даврларида партада нотўғри ўтириш, оғир юқ кўтариши ва бошқалар натижасида бу эгриликларни ўзгаришига олиб келади. Бундан ташқари умуртқа поғонаси ёнга эгилиши ҳам содир бўлади-сколиоз.

Сколиозлар чап ва ўнг баъзида эса мураккаблашган чап ва унг ҳамда ўнг ва чап бўлиши мумкин. Ундан ташқари бола умуртқа поғонасининг қайишқоқлиги даврида тепаликдан қаттиқ жойга тик йиқилса кўкрак қисмида физиологик эгилманинг орқага қараб жадал эгилиши ёки бел қисмидаги эгилманинг олдинга қараб эгилиши лордоз шаклида ўзгариши мумкин. Бундай ўзгаришлар бола ўсиши ва ривожланишига таъсир қиладиган энг салбий омиллардан ҳисобланади.

Хозирги даврда жисмоний тарбия ва спортни телеметрик текшириш методларисиз тассавур қилиш қийин. Жумладан радиометрик текшириш методлари орқали текширилаётган кишидан 200 – 300 метрдан 1,5 – 2,0 км гача масофада туриб текширилаётган соҳа бўйича иш олиб боради. Радиометрик асбобларни бир ва кўп каналли турлари мавжуд бўлиб. Бирданига нафас олиш органлари, томир уриши, электрокардиограмма, артериал босим ва бошқа кўрсаткичларни баҳолай олади. Бу асбобларнинг

кулайлиги шундан иборатки, уларни энгиллигида (оғирлиги 125 граммдан 1 кг гача бўлиб ишончли асбоблардир) бу асбобларни врач-педагог назоратида қўллаш ўзининг ижобий натижасини беради.

Дарс юзасидан саволлар:

- 1.Таянч –ҳаракат тизими?
- 2.Мускуллар ва уларнинг турлари?
- 3.Жароҳатлар ва тез ёрдам?
- 4.Юз жағ жароҳати ва биринчи ёрдам?

13-МАВЗУ. Ўқувчи ёшлар саломатлигини тиббиёт назорати.

Тиббий назорат

РЕЖА:

- 1.Тиббий назоратнинг дастлабки, такорий , қўшимча турлари
- 2.Диспансеризациянинг –тиббий назоратдаги тутган ўрни
- 3.Шифокор ва тренернинг биргаликда спортчиларни назоратни аҳамияти.
- 4.Спорт мусобақаларида тиббий хизматни ташкил этиш.
5. Санитария-гигиеник назорат ўтказишнинг тиббий назоратдаги аҳамияти.

Таянч иборалар: тиббий назорат, диспансеризация, санитар –гигиеник талаблар, тренер

Ёшлар ва ўқувчилар саломатлигини тиббий назорат қилиш.

Спорт врачлик назорати хонаси. Бу шаҳар ва туман марказидаги маҳсус белгиланган поликлиникада, шунингдек, йирик ўқув юртлари, йирик спорт иншоатлари (стадион, спорт зали, спорт маркази)да, ширик ишлаб чиқариш корхоналарининг тиббий-санитария бўлимида ташкил этилади.

Спорт врачлик назорат хонаси шифоқорини вазифаси қўйидагилардан иборат:

- 1.Спорт ташкилоти, ўқув муассасаси, корхона тавсия қилган рўйхат бўйича жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш;
- 2.Уларни соғлиқ гурухларига ажратиш;
- 3.Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши мумкин ёки мумкин эмаслиги хақида тиббий хулоса бериш;
- 4.Спорт билан шуғулланувчиларнинг машқ ҳажмини белгилаш бўйича тренерга маслаҳат бериш;

5.Мусобақа олдидан спортчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва қатнашишга хулоса бериш;

6.Тренировка ва мусобақа ўтказиладиган спорт иншооатларини санитария-гигиена назоратидан ўтказади;

7.Спорт мусобақаси даврида спортчиларни овқатланиши, қун тартиби, турага машғулот ўтказиладиган жойларни санитария-гигиена назоратидан ўтказади.

8.Касалланган, шикастланган спортчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатади, зарур бўлса шифохонага юбориш масаласини ҳал қиласди.

9.Спортчи касаллиги ёки шикастланиши сабабли даволанишдан қайтгач, унинг соғлиқ ва чиниқсанлик ҳолатини эътиборга олган ҳолда, тренировкага рухсат этади, тренировка ҳажмини белгилаш бўйича тренерга маслаҳат беради.

Спорт врачлик назорат диспансери.

Бу вилоят марказида ва вилоятнинг йирик шаҳарларида жойлашади. Соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлигига спорт ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

Диспансерда спорт тиббиёти бўйича бир нечта мутахассисликдаги шифокорлар ишлайди, ихтисослашган тиббий хоналари бўлади. Жумладан: 1.Функционал диагностика. 2.Физиотерапия. 3.Даволаш физқултураси. 4.Клиник-биокимё лаборатория каби хоналари бўлади.

Диспансернинг вазифаси.


1.Спорт ташкилоти тавсия қилган рўйхат бўйича вилоят ва шаҳар терма командаларига киритилган спортчиларни маҳсус рўйхатга спорт мактаби ўқувчиларини маҳсус рўйхатга олади, улар йил давомида камида 2 марта тиббий назоратдан ўтказади, машғулот ҳажми бўйича тренерга маслаҳат беради.

2.Спорт билан мустақил шуғулланувчиларга ўз хоҳишлари бўйича шифокор маслаҳати берилади.

3.Диспансер спорт врачлик назорати бўйича илмий-услубий марказ сифатида поликлиника ва спорт иншоотларида фаолият кўрсатадиган спорт врачлик назорати хоналарининг шифокорларига илмий-услубий масалалар бўйича маслаҳатлар беради,


Педагоглар ўқучиларнинг қун тартибини бажариш кўнижмасини ҳосил қилишлари керак. Ҳар ўқув йилининг бошида синф раҳбари ота – оналарини ва ўз синф ўқувчиларини таҳминий қун тартиби билан таниширадилар ва бу тартибга кўра ўқувчи ўзининг қун тартибини белгилайди.

Umurtqa pog'onasining qishayishi



41- rasm. Ovqat hazm qilish organlari:

1—tomoq-halqum; 2—qulogoldi so'lak bezi; 3—qizilo'ngach; 4—me'da; 5—o'n ikki barmoq ichak; 6—jigar va o't pufagi; 7—me'daosti bezi; 8—ingichka ichak; 9—ko'richak; 10—ko'richakning chuvallangsimon o'simtasi; 11—yo'g'on ichak; 12—to'g'ri ichak.



1-normal qad-qomad; 2-egilgan qad-qomad; 3-qad-qomat; 4-kifoz qad-qomat; 5-keliksaygan qad-qomat



Bola bo'yiga mos bo'lmagan stolda o'tirishi natijasida umurtqa pog'onasining yon tomonga qiyshayishi (skolioz)



Oyoq izlani

1- normal oyoq izi;

2- yassioyoq izi

Асосий тиббий гурухга соғлиғида ўзгаришлари бўлмаган шахслар киради, бу гурухда тарбия бўйича машғулотлар тўлиқ, дастур бўйича ўтилади ҳамда уларга спортнинг маълум тuri билан шуғулланиш тавсия этилади.

Тайёрлов гурухига йетарли бўлмаган жисмоний ривожланиш ёки жисмонан бўш тайёрланган ёки соғлиғида кичик ўзгаришлари бўлган шахслар киради.

Махсус тиббий гурухга соғлиғида доимий ёки вақтинча хусусиятга эга бўлган ўзгаришлари бўлган шахслар киради. Уларга доимий ўқув дастури бўйича машғулотлар қатиян ман этилади, машғулотлар соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган махсус ўқув дастурлари бўйича ўтказилади. Оғир ёки кучайган хроник касалликдан ҳамда жароҳатлардан сўнг ўқувчилар вақтинча жисмоний тарбия ўқув машғулотларидан озод қилинади. Ўқувчилар жисмоний тарбиясини таъминлашнинг хусусияти шундаки, жисмоний тарбияни тиббий назорат қилиш мақсадида учта ўқув бўлимлари яратилади:

- спорт такомиллашуви бўлими (жисмоний ривожланиш ва ъ функцисонал имқониятларни ошириш асосий тиббий гурух талабалари машғулоти);
- тайёрлов бўлим (асосий ва тайёрлов тиббий гурух, машғулотлар спорт такомиллашувидан алоҳида ўтилади).

Мақсад – соғлиқни мустаҳкамлаш, организм функцисонал ҳолатини яхшилаш);
- махсус бўлим (бу ерда факат махсус тиббий гурухга киритилган ўқувчилар шуғулланади, мақсад соғлик, ҳолати ва жисмоний ривожланишига кўра тўғри жисмоний тарбия билан таъминлаш).

Спорт иншоатлари учун ишлатиладиган қурилиш материаллари муюн гигиеник талабларга жавоб берадиган бўлиш керак. Бу материаллар хоналарда қулай микроиқлим яратиш учун имкон берадиган иссиқликтини

секин ўтказадиган ва товуш ўтказиш даражаси паст бўлган гигроскопик хусусияти намни кам тортадиган бўлиши лозим. Бундай сифатлар девор ва тўсиқларга ишлатиладиган асосий қурилиш материалларга ҳам, шунингдек, суваш ва пардозлаш материалларига ҳам боғлиқ бўлади. Бизнинг давримизда спорт иншоотлариқуриш учун кўпроқ темир-бетон ва ғиштдан фойдаланилади. Сувни ва хоналарни пардозлаш учун купроқ синтетик полимерлар ишлатиш кенг тарқалган. Бу материаллар товушни ва иссиқликни яхши изояциялаш хусусиятига эга бўлиб, артиб тозалаш учун қулай ва ташқари кўринишда ҳам чиройлидир. Шу билан бирга, бу материаллар таксимодалар ажратиб чиқариши ҳам мумкин, бу жисмоний машқлар вақтида тез-тез нафас олишга мажбур бўладтиган спортчилар учун, айниқса хавлидир.. Синтетик материалларда статик электр майдони ҳосил бўлиши мумкин. Бу эса спортчиларнинг соғлиғига ва иш қобилиятига улар узоқ муддат ва тақорий машқлар бажараётган вақтда, айниқса салбий таосир кўрсатиш мумкин. Спортчиларнинг кийим-кечакларидаги ва пойавзалларидаги бошқа синтетик материаллар (айниқса, капрон ва нейлон)ва спорт инвентаридағи ана шундай материаллар ҳам статик электр зарядлари ҳосил қилишга ёрдам беради.

Хоналарни пардозлаш учун ишлатиладиган синтетик полимерлар ёнғин хавфини кучайтиради, чунки улар тез ёнади ва бундай заҳарли тутун ажратиб чиқаради. Шунинг учун ҳам спорт иншоатлари қурилишида синтетик материалларнинг қўлланилиши қаотий санитария назорати остида бўлмоғи керак.

Спорт залларидаги поллар учун шу мақсадларга ишлатиладиган тухталарни яхшилаб рандалаб, текислаб, палуба типида қоплабчиқиши мақулдир. Ечиниш хоналарида гардеробларда, буфетларда массаж хоналарида коридоларда полнинг устига линолеум қоплаш керак, чунки у пилесос ва бошқа йиғиб –терадиган машиналарни ишлатиб, суприб-сириш учун қулай имконият яратади. Бундай сирт иссиқликни ҳам яхши сақлайди. Спорт залларига ҳам линолеум қоплашга рухсат берилади. Сувни яхши изоляция қилиш зарур бўлган душхона, туалет, ванна, гидромассажхонаси ва бошқа шунга ўхшаш хоналарда полнинг усти керамик плиталар ёки цмент билан қопланади. Ҳозирги вақтда енгил атлетика ва футбол манежларида ҳамда ёпиқ стадионларда юмшоқ, буқилувчанлик, эгилувчанлик хусусичтларига эга бўлган, югуруш учун ва механик тарзда йиғиштириш учун, суприб-сириш учун қулай бўлган гартан, рекартан сингари синтетик материаллар қоплаш методидан фойдаланилмоқда.

Спорт иншоотларининг турлари.

Спорт иншоотлари асосий (А группаси) ава ёрдамчи (В группаси) группаларга бўлинади. Асосий иншоотлар очиқ ва ёпиқ иншоотларга бўлинади. Уларнинг функционал аҳамиятига қараб алоҳида (яни спортнинг

бир тури учун) ҳавмда комплекс иншоотлар(территория жиҳатдан бирлаштирилган бир нечта алоҳида иншоотлар)га ажратилади. Шаҳардаги спорт иншоотларининг миқёсига қараб уларни микрорайон, районлараро, умумшахар, марказий республика иншоотларига қишлоқ жойлаврда -бригада марказий томорқа, район марказидаги иншоотларга ажратилади.

Умумий территориал иншоотлардан ташқари яна мактаблар, ўкув юртлари, пионер лагерлари, санатория ва дам олиш уйлари хузирида ташкил этилган спорт иншоотлари, турли идораларга тегишли спорт иншоотлари мавжуддир. Баози бир республикаларда (масалан, Эстонияда) мактаблар ва бошқа ташкилотлар учун (кооператив асосчларда) унча катта бўлмаган аҳоли яшайдиган пунктларда биргаликда спорт иншоотлари қуриш тажрибаси амалда қўлланилмоқда.

Спорт иншоотларининг размерлари мактабнинг типига ва ўқувчиларнинг сонига боғлиқ бўлади. Ўрта мактабдаги спорт зонасиниг майдони-4900-10700 М бўлиши керак.вчиларнинг сонига ва зонанинг размерига қараб унда енгил атлетика, гимнастика майдончаллари спорт уйинлари ва итқитиш-ирғитиш машқлари ўтказиш учун кичик (баскетбол, волейбол, қул тупи) ва катта (футбол) майдончалар жойлашган бўлади.

Барча спорт иншоотларига қўйиладиган умумий гигиеник талаблар қаторига иншоотнинг қаерга ва қандай ориентация билан жойлашганлиги, транспортга яқинлиги, планлаштирилиши, теварак-атрофдаги муҳитнинг аҳволи, ҳаво, сув, тупроқ, гул, ниҳол кўчатлари экилганлиги, ишга халал берадигавн шовқинни тўсувчи қурилмалар, микроиклим (ҳаво харорати, ҳавонинг намлиги, ҳаракати, радиация киради).

Спорт иншоотларининг жойланиши, ориентация ва планлаштирилиши.

Спорт иншоотлари шамолга тескари томондан бошлаб (шамолнинг йўналишини ҳисобга олган холда) қурилади. Бунда ҳавонинг ифлосланишига сабаб бўладиган обектлар- корхоналар, йирик автомагистераллар, узоқроқ масофааги ахлат ташланадиган жойлар, заарлик даражасига қараб ҳар бир корхона учун белгиланган тартибга солиб туриладиган санитария-химоя зоналари ҳисобга олинади. Очик спорт иншоотларини жанубий қиямалик жойларда бир оз нишаб қилиб жойлаштирилган мақул.

Спорт иншоотларининг ориентация шамолнинг қайси томонга кўпроқ эсишга ҳам боғлиқ бўлади. Шмолий районларда биноларни муаян бир шакилда (овал, ярим ой шаклида) қуриш тавсия этилади. Шундай қилинганда шамоллар гўё бинони силаб ўтгандек, унга қаттиқ таосир кўрсатмайди, деразалар эса шамол кўп эсадиган томонларда бўлмаслиги керак. Очик спорт

иншоотларида етакчи шамолнинг йўналиши ўша иншоотнинг узун ўқига кўндаланг ҳолатда йўналтирилгани маоқул. Ёпиқ спорт ишоотлари алоҳида маҳсус хоналарга ёхуд мактаблар, институтлар, маданият саройларининг умумий биноларига жойлаган бўлиши мумкин.

Очиқ сув ҳавзаларидаги бассейнларга қўйиладиган гигиеник талаблар.

Сузиш ва сувга сакраш бўйича ўқув-машқ машғулотлари учун бассейнлар қуришга жой талаётганда худди ер юзасидаги очиқ спорт иншоотларига қўйиладиган талаблар (ҳавони ва тупроқни ифлослантирадиган манбаларда, шовқиндан нари бўлши, кўкаlamзор жойларга яқинлиги, кириб келинадиган йўлларнинг қулай бўлиши) ҳисобга олиниши керак; бундан ташқари, сувнинг соҳилларнинг гигиеник ҳолати, сув оқимининг тезлиги ҳисобга олинади.

Бассейнларни ўз-ўзини тозалаб туришга қодир бўладиган оқар сувларга (дарйларга) жойлаштирган маоқул. Башарти, кўллар ва ҳовузларнинг сувлар майший ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланмаган, оқова сувлар билан ифлос қилинмаган бўлса, уларда уй хайвонлари чўмилтирилмаган, кир ювилмаган бўлса, у ҳолда бўндай жойларда ҳам бассейнлар қуриш мумкин. Бассейнлар сувнинг ифлосланиши мумкин бўлган (оқова сувларнинг чиқиш жойлари, сувда фойдаланиладиган соҳиллар ва бошқалар) жойлардан камида 200-250м юқорида жойлашган бўлиши керак. Шамол ва сув тўлқинлари орқали бассейнга ҳар хил нарсалар тушиб ифлосланмаслиги учун шундай қилинади. Айрим холларда сувнинг ифлосланиши манбаида камида 2км узоқликда бассейн қурилишига рухсат беришлари мумкин. Барча ҳолларда ҳам бассейнлар қурилиши лойхалаштирилаётган вақтда сувнинг сифати аниқланмоғи лозим. У II категориядаги сув ҳавзалари учун белгиланган санитария талабларига мувофиқ келмоғи керак (ер юзасидаги сувларни оқава сувлар билан ифлосланишдан сақлаш қоидалари №372-61)

Жисмониймаданият ва спорт билдан шуғулланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш бошланғич, такрорий ва кўшимчага бўлинади. Бошланғич тиббий кўриқда шифокор жисмоний маданият, ва спорт машғулотларига рухсат бериш ҳақидаги саволни ечади. Шифокор рухсатисиз тренер ёки жисмоний тарбия ўқитувчиси янги келган болани машғулотларга киритишига ҳаққи ёъқ, тиббий кўриқда соғлик, ҳолати, жисмоний ривожланиш ва бўлинган жисмоний вазифага организм ўрганишини аниқлайдилар. Такрорий тиббий кўриқда соғлик ҳолати, спортчи жисмоний ривожланиш ва организм функционал ҳолатига жисмоний, маданият ва спорт билан доимий шуғулланиш таъсири аниқланади. .

Қўшимча тиббий кузатувлар спортчиларни мусобақаларга киритиш ҳамда касаллик ёки жароҳатлардан кейин, организмни каттиқ, чарчашида машқ қилишларга киришиш имқонияти ҳақидаги масалаларни ҳал этиш учун ташкил қилинади. Етакчи спортчилар диспансеризатсияси доимий машқ қилувчи ва мусобақаларда қатнашувчи спортчилар тиббий кузатувчи фаол шакли ҳлсобланади. Ҳар тарафлама чуқурлаштирилган кузатув соғлик ҳолати функционал имқониятларни аниқлаш, спорт тайёргарлик даражасини белгилаш, паталогик ҳолатини (каттиқ ҳарчаш, кўп машқ, қилиб юбориш) билишга ёрдам беради. Тиббий педагогик назорат спорт билан шуғулланувчи шахслар соғлигининг тиббий кузатуви бутун жараёнининг муҳим таркибий қисми хисобланади. Тиббий-педагогик назорат ўқув машқ қилишда шифокор ва тренер билан биргалиқда олиб борилади. Тадқиқотдан олинган маълумотлар жисмоний вазифа хажми ва тезлигини режалаштириш, машқ қилиш, аниқлашда эътиборга олинади. Соғлоломлаштириш, даволаш ва профилактик тадбирлар жисмоний маданият ва спорт машғулотлари жараёнида спортчилар соғлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга ва даволаш-профилактик муассасалар ва санитария-эпидемиологик стантсиялар шифокорлари билан биргалиқда спорт шифокорлари томонидан амалга оширилади. Спорт машғулотлари ва мусобақалари жойи ва ўтказиш шарт-шароитларини санитария-гигеник назорат қилиш спорт машғулотлари ва мусобақалари ўтказиладиган янги санитария-гигеник шарт-шароитларини яратиш, спорт қурилмалари ҳолатини назорат қилиш, машғулот ва мусобақалар ўтказиладиган метеошароитларни кузатиш, спорт асбоб ускунаси, кийими ва ҳимоя қўлланмаларини назорат қилишни мақсад қллиб қўяди.

Спорт мусобақалари тиббий таъминоти шифокор иши таркибий қисмидир. Ҳар қандай спорт мусобақсини ташкил қилишда тиббий хизматни ташкил қилиш кўзда тутилган. Тиббий ходим бўлмаса бош ҳакам мусобоқани бошлишга ҳаққ Жисмоний маданият оммавий турлари тиббий таъминловчи оммавий шаклларни (ишлаб чиқариш гимнастикаси, катта ёшдаги шахслар билан шугулланиш ва б.) тиббий назорат билан таъминлашдан иборат. Жисмоний маданият ва спорт машғулотларидағи спорт жароҳатлари профилактикаси мақсадида огоҳлантирувчи тадбирлар амалга оширилади, методик кўрсатмалар ва маҳсус йўриқномалар тасдиқланади. Тиббий спорт маслаҳати диспансер ва жисмоний тарбиячилар, шифокорлари билан олиб борилади. Маслаҳат пайтида спортчи, тренер, педагог машқ қилиш тартиби ва методикаси, жисмоний вазифа даражаси, машғулотлар хусусияти ва тезлиги бўйича шифокорлардан маслаҳатлар олади. Санитария-маърифат иши спортчилар орасида машқ қилиш жараёнини яхшилаш, турмуш, меҳнат,

спорт билан машгүлолтларда спортчиларга гигиеник кўникмаларни сингдиршга қаратилган. Спортчи шифокорининг муҳим вазифаси спортчиларни ўзини назорат қилиш, шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларини бажариш, биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш, табиат тиббий омилларидан чиниқтириш мақсадида тўғри фойдаланиш ва уларни жисмоний машқлар билан моҳирона бириктиришга ўргатишидир. Спорт тиббиёти фаолиятига қуйидагилар киради:- спортчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш;

- жисмоний тарбия мажбурий курси (давомат дастури) бўйича шуғулланадиган мактаб ўкувчилари, талабалар; ўрта маҳсус таълим ўкувчилари, тиббий кузатувчи;
- жисмоний маданият жамоалари, спорт сектсиялари, спорт клубларида шуғулланувчилар тиббий кузатуви. Барча спортчи ва ўкувчилар тиббий-жисмоний маданият хоналари шифокорлари кузатувчи остида бўлади. Бу хоналар барча йирик спорт қурилмалари ва туман поликлиникаларида жойлашган ва тиббий-жисмоний маданият диспансерлар, ташкилий-методик раҳбарлиги остида ишлайди. Тиббий-жисмоний маданият диспансерлари мустақил даволаш-профилактик муассасалар, улар вазифаларига спорт тиббиёти ва даволаш жисмоний маданияти бўйича ишлашга ташкилий-методик раҳбарлик қилиш ҳамда етакчи спортчиларни диспансеризатсиядан ўтказиш киради. Тиббий ходимлар малакасини ошириш мақсадида диспансер семинар, методик йиғилиш, .қонферентсиялар ўтказади. Барча тиббий-жисмоний маданият хоналари ишинй назорат қиласи. Фаолиятига кўра диспансерлар бошқа тиббий муассасалардан анчагина фарқ қиласи ва соғликни сақлаш профилактик ёналишини янада тўла акс этади. Жисмоний тарбия мажбурий курси, давлат дастурлари бўйича шуғулланадиган умумтаълим мактаб, олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари ўкувчилари ўкув йилида бир марта тиббий. корикдан ўтади. Жисмоний тарбия дарсларида вазифани фарқлаш мақсадида барча ўкувчилар учта тиббий гурухга тақсимланади: асосий, тайёрлов, маҳсус. Етакчи спортчилар, спорт турлари бўйича йигма жамоалар аъзолари бош тиббий-жисмоний маданият диспансери кузатуви остида бўлади. Ўкувчи ёшлар жисмоний тарбияси тиббий назорати ўз ичига олади:- келгусида тиббий гурухларга тақсимлаш билан соғлик ҳолати, жисмоний ривожланиш ва функцисионал имқониятларни кузатиш;
- ўкув ва ўкув машғулотларидан ташқари жараёнда организмга таъсир қиласидан жисмоний вазифаларни аниқлаш;- жисмоний тарбия бўйича машғулотларни ўтказиш жойи ва шарт-шароитлари санитария-гигиеник назорати;- жисмоний тарбия бўйича машғулотлар жараёнида тиббий педагогик кузатувлар;- жисмоний тарбия бўйича машғулотларни ўтказиш

номувофиқ методикаси билан боғлик. Бўлган жароҳат ва касалликлар олдини олиш;

- оммавий – соғломлаштириш жисмоний маданият ва спорт тадбирлариға тиббий хизмат кўрсатиш;- жисмоний тарбия масалалари бўйича санитария-маърифий иш;- жисмоний маданият ва спорт соғломлаштириш таъсирини ташвиқот қилиш. Ўқувчиларнинг тиббий кўриги натижалари бўйича жисмоний тарбия дарсларида жисмоний вазифаларни ошиб кетилишига ёъл қўйиш масаласи ҳал қилинади, кардиореспиратор тизим функционал ҳолатини баҳолаш муҳим. Шу мақсадда Ю.Т.С. ҳолатини функционал баҳолаш учун тиббий назорат амалиётида стандарт жисмоний вазифа - 30 сонияда 20 марта ўтириш - кенг татбиқ қилинади. Функционал синаш учун таъсирланишни баҳолашда ЧСС ва ҚБ ўзгаришлари, шунингдек уларни тиклаш хусусияти ва вақти ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади. Баҳолашда ёшга оид хусусиятларни эътиборга олиш керак. Асосий тиббий гурухга соғлигида ўзгаришлари бўлмаган шахслар киради, бу гурухда тарбия бўйича машғулотлар тўлиқ, дастур бўйича ўтилади ҳамда уларга спортнинг маълум тури билан шуғулланиш тавсия этилади.

Тайёрлов гурухига йетарли бўлмаган жисмоний ривожланиш ёки жисмонан бўш тайёрланган ёки соғлигида кичик ўзгаришлари бўлган шахслар киради. Махсус тиббий гурухга соғлигида доимий ёки вақтинча хусусиятга эга бўлган ўзгаришлари бўлган шахслар киради. Уларга доимий ўқув дастури бўйича машғулотлар қатиян ман этилади, машғулотлар соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган махсус ўқув дастурлари бўйича ўтказилади. Оғир ёки кучайган хроник касалликдан ҳамда жароҳатлардан сўнг ўқувчилар вақтинча жисмоний тарбия ўқув машғулотларидан озод қилинади. Ўқувчилар жисмоний тарбиясини таъминлашнинг хусусияти шундаки, жисмоний тарбияни тиббий назорат қилиш мақсадида учта ўқув бўлимлари яратилади:

- спорт такомиллашуви бўлими (жисмонии ривожланиш ва функционал имқониятларни ошириш асосий тиббий гурух талабалари машғулоти);
- тайёрлов бўлим (асосий ва тайёрлов тиббий гурух, машғулотлар спорт такомиллашувидан алоҳида ўтилади. Мақсад – соғлиқни мустаҳкамлаш, организм функционал ҳолатини яхшилаш);- махсус бўлим (бу ерда факат махсус тиббий гурухга киритилган ўқувчилар шуғулланади, мақсад соғлик, ҳолати ва жисмоний ривожланишига кўра тўғри жисмоний тарбия билан таъминлаш).

Ўзини текшириш саволлари:

1. Спорт тиббиёти атамаси таснифи.

- 2 Спорт тиббиёти билан ҳал қилинадиган вазифаларни санаб бериш.
- 3 Жисмоний маданият билан шуғулланувчиларни кўрикдан ўтказишда назоратлар рўйхатини санаб бериш.
- 4.Тиббий-жисмоний маданият диспансерлари.
5. Жисмонии маданият билан шуғулланувчиларни тиббий гурухларга тақсимлаш методикаси. .

Дарс юзасидан саволлар:

- 1.Тиббий кўрик назорати қандай амалга оширилади?
- 2.Диспасеризация нима?
3. Махсус т иббий кўрик вазифалари?
- 4.Тиббий жисмоний маданият ?

14.МАВЗУ: Ўкувчи –ёшларни тиббий гурухларга тақсимланиши

РЕЖА:

1. Тиббий гурухга ажратиш нимага асосланиши ҳақида.
2. Тиббий гурухларга ажратишида анамнез, соматоскопия, антропометрия, физиометрия текширувлари.
3. Организмнинг функционал тизимлари.
4. Бир тиббий гурухдан иккинчи гурухга ўтиш исботи ва кузатиш усуллари

Таянч иборалар:тиббий гурух, анамнез, соматоскопия, антропометрия, физиометрия, функционал тизим

Диспансеризатсия – соғлом болаларни керакли профилактик чоралар утказган холда тиббий ходим томонидан такрорий кузатув утказиш, касалликни эрта ташхислаш ва зааралangan органни тулиқ тикланишига қадар даво чораларини утказиш тадбир тизими.. ВОЗ саломатликни – тананинг тулиқ руҳий ва сотсиал келишилган холати деб таърифлайди.Диспансеризатсия масалалари:соғлом болани тарбиялаш, оптимал жисмоний ва асаб-рухий ривожланишини таъминлаш, касалликни аниқлаш, даволаш ва уни камайтириш,болаларда улим холатларини камайтириш.

Диспансеризатсияни утказганда икки босқичга ажратилади: комплекс тиббий курикларни амалга ошириш, аникланган патологияли болаларга даво ва чиниқтирувчи тадбирларни утказиш.

Болалар диспансеризатсияси УзР ССВ нинг №614 буйруқи №43 болаларни диспансер назоратидан утказиш туғрисидаги таърифи буйича утказилади.

Диспансеризатсиянинг асосий мақсади - болалар саломатлигини сақлаш ва кучайтиришга, касалликни олдини олиш, гудаклар касаллигини ва улимини камайтиришга қаратилган комплекс тадбирлар булиб хизмат қиласи.

Диспансеризатсияга киради:

-лаборатор ва инструментал текширувларни аниқлаган холда болаларни бир йилда бир марта тиббий курикдан утказиш

-текширувгача керак булса замонавий ташхис усулларидан фойдаланилади -касаллик келтириб чиқарувчи ва ривожланишини кучайтирувчи хавф омили булган болаларни аниқлаш

5. -касалликни эрта даврларида аниқлаш
6. -болалар саломатлиги холатига индивидуал баҳо бериш, болалар саломатлиги холатини такрорий кузатувдан утказиш.
7. ССВ томонидан тасдиқланган вақтларда поликлиника бош шифокори проф. Куриклар режасини тузади.
8. Профилактик курик болаларни диспансер назоратидан утказиш катта ишининг бир қисмидир – биринчи босқич, иккинчи босқичи анча жавобгар – касаллиги аникланган болаларда даво-профилактик тадбирларни ташкиллаштириш, айниқса шу босқичда
9. ишлар бир-биридан камчиликлар фарқланади.
10. Диспансер назоратида: касаллиги аникланган белгилари булган эрта ёшдаги ВТЕК (ВИЕК) ка – врач-ишли экперт комиссияга касалликлари билан, нафас аъзолари
11. касаллиги билан, жигар ва ут йуллари касаллигии бор болалар, ошқозон ва 12бармоқли ичак касаллиги булган, сийдик ва жинсий аъзолари касаллиги булган, қон, ендокрин тизим, асаб-рухий касаллиги булган болалар, таянч-харакат аппарати касалликлари булган, куз, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари булган болалар киради.
12. Диспансер назоратидаги болаларнинг ҳаммасига № 030FY шаклли руйхат хужжати тулдирилади.
13. ҳар йили утказиладиган диспансеризатсия самарадорлигининг асосий мезони –болалар саломатлиги даражаси хисобланади, хавф омили

интенсивлигини камайтириш, гудаклар касалланиши ва улимининг камайишини баҳолаш усули билан аниқланади.

14. Саломатлик холатин баҳолаш

15. УзР ССВ №537 буйруғи №43 болалар саломатлигини комплекс баҳолаш таърифи асосида утказилади.

16. 1. Янги туғилган чақалоқлар.

17. Янги туғилган болалар саломатлиги холатини комплекс баҳолаш, участка педиатри томонидан бола туғруқхонадан ёки ЧПБ дан чиққандан сунг, уйда утказиладиган патронажида утказилади. Янги туғилган чақалоқлар саломатлик гурухини баҳолашда

18. ота-онасининг соқлиқига, қомиладорликни ва туқиши жарёнининг кечишига, туқма патология ва ривожланиш дефектига ахамият берилади.

19. Янги туғилган чақалоқлар гуруҳларга, улар саломатлиги ҳолатига қараб булинади:

20. 1А ГУРУҲ

21. Соғлом болалар, соқълом ота-оналардан туғилган, ҳомиладорлиги узгаришсиз кечган ва онадан туғилиш Апгар шкаласи буйича 8-10 балл, туқруқхонада умуман касал булмаган киради.

22. 1Б ГУРУҲ

23. Соқлом болалар, туқруқхонада физиологик мослашиши куринишлари кузатилган (транзитор тана хароратининг кутарилиши, жинсий аъзо кризи) ёки боланинг функционал фаолиятига таъсир курсатмайдиган ривожланишнинг енгил аномалиялари, (ташқи қулоқ аномалияси) булган болалар киради.

24. 2А ГУРУҲ

25. Апгар шкаласи буйича 7-10 балл билан туғилган чақалоқ, акушерлик анамнези яхши булмаган, чала туғилган болалар, куп ҳомилалик ҳомиладорликдан туғилган болалар киради.

26. 2Б ГУРУҲ

27. Туғилганида Апгар шкаласи буйича 6-9 бал булган чақалоқлар, оқъир акушерлик анамнез куринишлари кузатилган (2-3 даражали нефропатия, туқъруқ даврида асоратланган, онанинг сурункали касалликлари) оналардан туғилган болалар;

28. етилмаганликнинг яққол белгилари билан туғилган чала туғилган болалар; битта ёки бир нечта касаллик утказган болалар, фактат туқруқхонадан чиқиб кетгунга қадар тузалганлар.

29. 3А ГУРУҲ

30. Апгар шкаласи буйича 4-7 балл булган чақалоқлар, туқъма нуқсонлари билан ривожланишнинг туқъма нуқсонлари булган болалар.

31. 3Б. ГУРУХ
32. Жуда оқыр түкъма ва ортирилган нұқсони булған болалар Апгар шкаласи буйича 4 баллгача.
33. Чақалоқлик даврининг охирида боланинг саломатлигини яна бир марта
34. баҳоланади ва бошқа гурухга утказилиши мүмкин..
35. 2.Ерта ёшдаги ва мактаб давригача булған болалар саломатлигини комплекс баҳоланади ва шулар асосида саломатлик гурухларига ажратилади. Саломатликни комплекс баҳолашда қуидаги белгиларга ахамият берилади:
 36. 1.Орган ва тизимларнинг функциял холатига.
 37. 2.Организмнинг резистентлиги ва реактивлигига
 38. 3.Жисмоний ва асаб-рухий ривожланишининг даражаси ва бир меъёрийлиги.
 39. 4.Сурункали (туқма) нұқсоннинг борлигига.
40. САЛОМАТЛИК ГУРУХЛАРИНИ АНИҚЛАШ
41. 1.ГУРУХ.
42. Клиник соғлом болалар, меъерида ва бир меъерида ривожланган, касалланиши йилига 3 мартадан ошмайди ва енгил кечади. Соғлом болалар деб маълум муддатда курикдан утказилинади.
43. 2. ГУРУХ.
44. Функциял узгариши булған болалар, усиш ва ривожланиш темпи ва характерида издан чиқишлиари: оқыр акушерлик анамnez, чала тугилганлик етилмаганлик белгиларисиз, эрта неонатал даврнинг ёмон кечиши; рахит 1 даражада тана вазнининг етишмаслиги ёки ортиклиги; камқонлик олди холати; тимус гипертрофияси;
45. аденоидлар гипертрофияси ва кариес (кариес тишлари 6-8); тез-тез УРК билан оқриши (йилига 4 мартадан ошиқ); зотилжам, бронхитлар; Юқ Т тизими функциял узгаришлиари (ВТД, функциял систолик шовқин); енгил даражадаги миопия.
46. Педиатрлар ва тор мутахассислар бу болаларни тез-тез назоратдан утказадилар (курсатма буйича)
47. 3. ГУРУХ.
48. Орган ва тизим ривожланишида сурункали патология ва туқма деффектларнинг компенсирланган кечирудчи беморлар. Бошқа аъзо ва тизимларнинг клиник куринишлари ва функциял чекинишилиз, функциял чекиниши ва клиник криниши узгарган бир аъзо ёки тизим мавжуд. Умумий холатнинг узгаришилиз асосий касалликнинг қайта хуружлари кузатилади, кам учрайдиган интеркурент касалликлар.
49. Педиатр томонидан йилига 2 марта курикдан утказилади, маҳсус даво профилактик муолажалар утказилади.

50. 4. ГУРУХ.

51. Ривожланиш түкма деффектлари булган, сурункали касалликларнинг

52. субкомпенсатсияланган даражада кечиравчи касалликлар. Бола умумий аҳволининг узгариши билан кечувчи асосий сурункали касалликнинг тез-тез қайталаниши кузатилади, реконвалистентсия даврининг чузилиши. Педиатр томонидан йилига 4 марта курилади, қайта хуружга қарши даво ва касалхонада даволашни ташкиллаштиради.

53. 5. ГУРУХ.

54. Ногиронликка олиб келувчи оқъир туқъма нуқсон ва оқъир сурункали касалликнинг декомпенсатсия давридаги касаллар. Болалар коллективларига киритилмайди, доимо кузатувда буладилар.

55. Сурункали касалликлари бор болалар (3-5 йил), диспансер назоратида туришади, педиатр томонидан вақти- вақти билан куридан утиб туришади, уларга керакли даво-профилактик муолажалар утказилади.

56. 2 гурух болалари – хавф гурух болалари педиатр ва бошқа мутахасисслар назоратидан

57. четда қолиб кетиш эҳтимоли куп булгани учун бу гурухдагилар анча хавфли қисобланадилар.

58. Шундай қилиб, болалар саломатлигини комплекс баҳолаш кенг тармоқли скринингдир, тиббий ходимлар томонидан алоҳида эътибор талаб қилувчи, болала рсаломатлигини 2 та гурухга ажратишдан иборатdir.

Бизга маълумки ёш хусусиятларни болаларда таълим тизимиға асосан қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. Мактабгача тарбия ёш хусусияти. Бу 1 ёшдан бошлаб 6-7 ёшгача даврни ўз ичига олади.

2. Бошланғич таълим ёш хусусиятлари, у 1-4 синфларни ўз ичига олади ёки 7-11 ёшли ўқувчилар киради.

3. Умумий таълим ёш хусусиятлари, унга 5-9 синфлар ёки 12-16 ёшдаги ўсмирлик даври киради.

Агар аксон атрофдаги туқималар ва бошқа нерв толаларининг электрхимиявий таъсиридан ҳимоя қиласиган миelin парда билан уралган булса, нерв импульсини утказиш тезлиги ортади. Ҳамма сезувчи ва харакатланувчан нерв толалари, шунингдек, вегетатив толаларининг бир қисми ҳам шундай парда билан уралган. Куп сонли аксонлардан нерв толалари ва нерв системасининг утказувчи йуллари шаклланади. Ҳар бир усимта синапс номини олган қоплама билан тугалланади. У нерв импульсини бир нейрондан иккинчисига ёки бирор туқимага утказишни таъминлайдиган физиологик актив моддалари булган пухакчалар -медиаторлар билан тулган булади. Шундай қилиб, нерв системаси буйлаб ахборот утказиш электр ва химиявий табиатга эга. Агар нейроннинг танаси шикастланса, аксон ва дендритлар нобуд булади, агар у сакланиб қолса, унда янги усимталар ҳосил қиласиди.

Ҳаёт мобайнида нейрон усимталари тармоғининг сони узгариши мумкинлиги аниқланган, шу туфайли бош мия усади ва ривожланади. Этилган нерв ҳужайраси булинишига ва узи сингари вақтида шаклланадиган 10-14 млрд нейрон кейин бир дона ҳам купаймайди. Бу таркибий қисмлар 5-7 ёшли болада, айниқса жадал усади. Шунга мувофиқ, нейронларининг синаптик боғлари сони ҳам ортади. Мутахассисларнинг кузатишлиарига қараганда, нерв ҳужайраси юзасининг тахминан 80% синанслар билан копланиши мумкин ва уларнинг микдори нейрон боғларидан далолат беради. Турли нерв ҳужайраларида уларнинг сони узгариб туради ва нейронларининг функционал иши микдорига боғлиқ булади. Масалан, туғилишдан бошлаб, соғлом ҳайвонлар тажриба тариқасида мутлақо қоронғида боқилса, уларда нейронларнинг бош мия куриш маркази билан синоптик алоқалари ривожламайди, ёруғлик ахбороти қабул қилинмайди ва қайта ишланмайди. Натижада куриш органининг барча структура элементлари булишига қарамай, хайгонларнинг кузи курмаган.

Нерв тукимаси ҳужайраларининг айрим узига хос қузғалувчанлик ва утказувчанлик хоссалари бор. Қузғалувчанлик ташқи мухитдаги узгаришларни қабул қилиш ва уларга қузғалиш реактсияси билан жавоб бериш хусусиятидан иборат. Нерв ҳужайралари ва бошқа айрим ҳужайралар, масалан, мусқул ҳужайраларининг қузғалувчанлиги айниқса юксак ва улар

таъсирга тез жавоб беришга мослашган. Бунга утказувчанлик хоссаси, яъни түкиманинг қузғалишни утказиш қобилияти туфайли эришилади.

Қузгалувчанлик ва утказувчанлик хоссалари мембранада ва хужайралар ичида буладиган қатор биохимиявий, физик ва электр ҳодисалари билан боғлиқ ва шулар туфайли амалга оширилади.

Марказдан қочувчи, марказга интилувчи ва аралаш нерв толалари мавжуд. Марказга интилувчи нервлар қузғалишни ретсепторлардан марказий нерв системасига утказади ва улар сезувчи, яъни марказга интилувчи нервлар дейилади. Марказдан қочувчи нерв толалари буйлаб импульс марказий нерв системасидан периферияга, ишчи органларга-еффекторларга келади. Бу толлар яна ҳаракат толалари ҳам дейилади. Аралаш нервларда толаларнинг иққала тури ҳам булади.

Дендритлар ахборотни бошқа нерв хужайраларидан ёки одам танаси юзасида, шунингдек, ички органларнинг түкималарида жойлашган мувофиқлашган сезувчи ҳужайралар-ретсепторлардан олади. Редепторда вужудга келган қузғаниш жараёни сезувчи нейрон буйлаб марказий нерв системасига тарқалади, у эрда ҳаракат нейронига утади ва у буйлаб эфекторга бориб этади ҳамда түқима типининг қандайлигига қура, муайян реактсия қуринишида тугалланади. Бу, масалан, мусқуллар қисқариши, бирор безнинг секретсияси кабиларда юзага чиқиши мумкин. Тасвиrlанган нерв структураси рефлектор ёй деб аталади, ташқи ёки ички муҳитдан марказий нерв системаси иштирокида буладиган таъсирга организмнинг жавоб реактсияси эса рефлекс дейилади. Рефлектор ёйлар иккита ва ундан куп нейронлардан иборат булиши ва улардаги қузғалиш фақат бир йуналишда утказилиши мумкин.

Онтогенез жараёнида асаб тизими турли булимларининг шаклланиши. Янги туғилган чақалоқ орқа миясининг вазни 3-4 г ва узунлиги 14-16 см булади. Бош мияси тахминан 400 г булади. Дастребки 3 йилда мия түкималарнинг жадал усиши кузатилади ва дастребки икки йил мобайнида усишда орқа мияни кейинда қолдиради. Кейиичалик орқа мия бош миядан тезроқ усади. Бош мия тез орада катта одам миясига иккиси улчамларга эга булади. З ойликда унинг вазни икки баравар ошади, З ёшда уч баравар ошади ва 4 ёшда тахминан 1200 г га этади. Туғилган даврдан бошлаб катта булгунча (20 ёшга тулгунча) орқа мияни вазни 8 марта, бош мияни 4 марта ортади.

Узунчоқ мия ва куприкча ядролари туғилиш вақтига келиб шаклланиб булади ва 7 ёшда уларнинг этилиши, асосан тугалланди, мия бу булимларнинг тузилиши катта одамнидан фарқ қилмайди.

Янги туғилган чақалокнинг урта мияси ҳам тузилишига қура катта одамнига ухшайди. Калла суюги, мия нервларининг ядролари яхши

ривожланган. Бошқа нерв марказларининг ядролари хам, ривожланиш жихатидан бир хил булмаса-да, мавжуд булади. Чунончи, қизил ядро нейронлари пигментацияси 2 ёшдан бошланади ва 4 ёшга келиб тугалланади. Қора субстанцияники 3 ёшдан 16 ёшгача давом этади.

Мияча тузилмасининг шакланиши туғилишдан кейин жуда тез боради. Бир ёшда унинг вазни турт марта ортади, 3 ёшда катта одам миячаси улчамларига мос келади ва 7-8 ёшга келиб, жадал ривожланиш жараёни тугалланади. Янги туғилган чақалоқда оралиқ мия ядроларининг каттагина қисми яхши ривожланган булади. Уларнинг ривожланиши ва табақаланиши 17 ёшгача давом этади.

Гипоталамус ядролари 3 ёшга бориб этилади. Базал ядролари дастлабки икки йилда жадал усади ва бу вақт ичида улар туқимасининг массаси икки баравар ортади.

Вегетатив нерв системасининг ривожланиши болада ҳаракат функцияларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ булиб 12-14 ёшга келиб катта ёшли одамдаги даражага этади.

Болалар ва усмирларнинг рефлекс фаолияти хусусиятлари. Ҳар қандай таъсирга организмнинг жавоб реакцияси булади, бу реакция таъсир кучига боғлиқ булади, шунингдек, организмнинг марказий нерв системаси томонидан содир қилинадиган уз реакция булади. Жавоб таъсир мос келмаслиги, кучсизроқ булиши, кучли ёки ташқи томондан сезилмаслиги мумкин. Бу эса икки нерв ҳолатининг құзғалиш ва тормозланишнинг узаро таъсири орқали булиши мумкин. Тормозланиш қайсицир рефлексларнинг заифлашиши нерв системасининг ҳаддан зиёд құзғалишига ва кучсизланишига сабаб булади. Бир вақтнинг узида құзғалиш организмнинг ҳар қандай таъсирга реакциясими таъминлайди. Организмнинг жавоб реакциялари бир-биридан ажralган ҳолда эмас балки мураккаб рефлектор актларга бирлашиб содир булади.

И.П.Павлов рефлексларни иккиге: шартсиз ва шартли рефлексга ажратган. «Шартсиз рефлекс» атамаси таъсирловчининг ретсепторларга таъсиридан сунг шартсиз (мукаррар равища) пайдо булувчи рефлексларни белгилаш учун киритилган. Масалан, оғизга овқат олиниши билан сулак ажralиши, нина санчилганда бармоқни тортиб олиш ва ҳоказолар. Ҳар қандай шартсиз рефлекс марказий нерв системасининг қуп булимлари орқали таъминланади, лекин асосан у марказий нерв системасининг қуйи поғоналари фаолият (орқа мия, бош мия уқи) билан боғлиқ. Шартсиз рефлекслар одам ва ҳайвонларнинг узига хос туғма хатти-харакатини таъминлайди, бу эса туғилгандан кейин шартли рефлекс билан биргаликда турғунлашади. Улар

ота-онадан мерос қолади ва бутун умр давомида сақланади. Шартсиз рефлексларга, масалан, овқат ҳимоя ва мулжал олиш рефлекслари киради.

Одам уз ҳаёти давомида куникиш реактсияларини касб этади. Улар шартли құзғалувчилар билан шартсиз рефлектор актлари уртасидаги вақтингча алоқалар асосида пайдо булади. Шартли рефлекс шартли құзғатувчига боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Ташқи ёки ички шароитнинг ҳар қандай узгариши бирон шартсиз фаолият билан бир вақтта туғри келса, у шартли құзғатувчи була олади. Масалан, доимий овқат вақтида сулак ошкозон ширасининг ажралиши, аввал захарланишга олиб келган овқатнинг хиди ёки куринишидан күнгил айниши, лимонни куриш ёки эслаш билан сулак ажралиши, қандайдыр фаолиятнинг стереотиплиги ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Шартли рефлексларнинг шаклланишида бош мия пустлоғи катта роль уйнайды. Агар пайдо булған шартли рефлекслардан фойдаланиш зарурияты булмаса, улар секинлашади ва ҳатто йүқолади, янгилари пайдо булади. Шунинг учун ҳам шартли рефлексларнинг биологик аҳамияти шартли рефлексларнинг тез алмашинуви натижасида организмнинг янги шароитга мослашувида куринади.

Шартли рефлекслар ҳосил булиши учун қуйидаги шароит зарур:

1. Индифферент (шартли), яъни шу жавоб реактсиясига хос булмаган құзғатувчининг мавжудлиги.

2. Мустаҳкамланган шартли құзғатувчининг бир неча бор қайтарилиши, яъни бир вақтнинг узида шартсиз рефлекс пайдо қилувчи құзғатувчи құлланилиши керак.

3. Бошқа кучли құзғатувчилар булмаслиги.

Шартли рефлекснинг 30 га яқин тури маълум. Шулардан укув-тарбия жараёни билан узвий булған бир неча тури устида тухталиб утамиз. Булар вақт, шароит ва тақтид рефлексларидир. Боланинг хулқи ёки қандайдыр фаолиятининг шаклланишида биринчи тартиб шартли рефлекслар муҳим роль уйнайды. Масалан, болани бир вақтда овқатлантириш рефлекс уйғонишига олиб келади. Бу эса маълум вақтта келиб, очлик ҳисси уйғониши натижасида, яъни овқат шартсиз рефлекслари мия тузидишига таъсир курсатиши, уларни құзғатиб, уйғонишга олиб келиши оқибатида руй беради. Шундай қилиб, боланинг хатти-харакатини узгартыриш учун вақт шартли рефлекс сигнацидир. Бола катта булганида бу құзғатувчи сақланади, аммо унинг хатти-харакатлари мураккаблашади ва овқат қабул қилишгача бир қанча құшимча ҳарақатлар бажарилиши керак булади: туриш, ювиниш, кийиниш ва ҳоказолар.

Мураккаб, аммо ҳар доим муайян изчилликда такрорланадиган ҳаракатлар уларнинг бир неча бор такрорланувчи битта кузгатувчини қабул қилиши таъсиридан пайдо булади. Бу кетма-кетлик бош мия пустлоғи ва унинг бошқа тузилишларида аста-секин мустаҳкамланади ва кейинчалик осон қайтарилиши мумкин. Бунинг учун аввал қулланган барча кузгатувчиликнинг ишлаши шарт эмас, яъни қайд қилинган тартибда бутун ҳаракатнинг такрорланиши учун биргина қузгатувчи этарли булади.

Ривожланувчи стереотипни қабул қилиш одатда, автоматик тарзда вақт, шароит қузгатувчиларига нисбатан пайдо булган бирламчи шарт-рефлектор жавоблар систем; билан мос ҳолда булади. Ишлаб чиқилган стереотипга ёзув, уқиш, мусика асбоблари чалиш, овқатланганда қошиқ, пичоқдан фойдаланиш, югуриш, сакраш, чанғида учиш, машина ҳайдаш ва купгина бошқа нарсалар мисол булади. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишда ҳаракатнинг стереотипини ишлаб чиқишида кун тартибига узоқ вақт риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Ҳосил қилинган стереотип ҳар бир кишининг узини тутиши, хулқи асосида булади ва улар узгаришларга жуда қийин берилишини кузда тутиш керак. Шунинг учун ҳам болаларни ҳаётининг дастлабки ойларидаёқ узини туғри туга билишга аҳамият бериш, шу мақсадда таълим-тарбиянинг мос келувчи усулларидан фойдаланиш керакки, токи келажакда уларни кайта тарбиялашга туғри келмасин.

Рефлектор фаолиятида тақлид рефлекслари катта урин тутади, улар болалар ва усмирларнинг катталар ва уз тенгдошларининг хатти-ҳаракатларини такрорлашида намоён булади. Хатти-ҳаракат мураккаблашганда бола бир қатор аниқ ҳаракатларни қабул қилиши мумкин булади.

Шартли рефлекслар фақат бирон-бир хатти-ҳаракатни содир қилишда эмас, балки бола шундай хатти-ҳаракатни содир килишдан узини тийган ҳолларда ҳам намоён булади. Масалан, чойнакдаги иссиқ чойдан бир марта куйган бола бошқа хеч қачон унга яқинлашмайди. Бу ҳолда мумкин булган реактсиянинг тормозланиши намоён булади, бу эса эркин равища инсон хоҳиши билан амалга ошади.

Бола хатти-ҳаракати бир бутунлигини ташкил этувчи реактсияларнинг салбий ёки ижобий томонларини тушуниб этиши (шартли тормозланиш қузгатувчиларига) анча самарали таъсир курсатиш шаклидир. Ички тормозланиш аста-секин шартли қузгатувчиларни қуллаш билан ҳосил қилинади, бу қузгатувчилар аввал ҳосил булган шартли ижобий рефлексларни четлаштиради ва улар йуқолади. Салбий шартли рефлексларнинг пайдо булиши болаларнинг хулқ-атвор норматари, билим, куникмалар ва бошқа ҳаракатларнинг қайта урганишлари масалалари билан

боғлиқ. Бу жараён илгари ҳосил қилинган ва хатти-харакатлар нормасига айланган стереотипни узгартириш билан боғлиқ булғанлиги учун ҳам узоқ давом этади ва мураккаб булади. Шу билан бирга ички тормозланишнинг шаклланиш жараёни марказий нерв системасини ривожланиш даражасига боғлиқ булғанлиги учун ҳам уз хусусиятларига эга эканлигини назарда тушиш лозим. Болаларда шаклланган нерв тормозланиши жараёни мактаб ёшида намоён булиши унинг этуктик даражасидан гувоҳлик беради. Тормозланиш жараёни ривожланишининг узига хос хусусиятлари қузғаниш жараёнининг кучсизданишида, хатти-харакатларнинг бирмунча мұтадиллашуvida намоён булади.

Уқув-тарбия жараёнини ташкил қилишда доминанталар номи билан машқур ҳодисалар мұхым аҳамиятга эга. Доминанталар қупгина рухий жараёнлар билан боғлиқ булат: ҳис этиш, қабул қилиш, фикрлаш, хотира, хаёл, дикқат кабилар булиб, улар фаолиятни таъминловчи бош мия булмалари вазифаларининг мутаносиблигини тачаб қиласы. Бу атама инсоннинг айни шу вақтда кучлироқ булған-рефлектор фаолияти ҳақида гапирмоқчи булған ҳолатда ишлатилади. У 1923 йилда А.А.Ухтомский томонидан таклиф этилган.

Дарс юзасидан саволлар:

- 1.Асаб тизими ва нерв толалари?
- 2.Мушаклар тонуси , тезлиги ?
3. Рефлекс ёйи?
4. Харакат тизими унинг нармалари?

19-МАВЗУ: Мушак юкламасининг болалар асаб тизими ва таянч ҳаракат аппаратининг функционал ҳолатларига таъсири

РЕЖА:

- 1.Мушак асаб тизимиға жисмоний юкламаларнинг таъсири ҳақида.
2. Вегетатив ва симпатик асаб тизимининг жисмоний юкламалар таъсирида ўзгариши.
3. Жисмоний машқларнинг таянч-харакат аппаратига таъсири

Таянч иборалар: вегитатив ва симпатик нерв толалари, таянч ҳаракат аппарати

Таянч харакат органларини сурункали касалликлари спортчиларнинг умумий касалланишини 35,1% ни, жароҳатлар 31,7% ни, хирургик касалликлар 1,3% ни ва 31,9 % бошқа касалликлар киради. Бошқа касалликлар ичида томоқ, бурун ва қулоқ касалликлари кўп учрайди. Таянч харакат органларининг сурункали касалланиши сузувчиларда кам, аммо тезлик ва куч талаб қилувчи якка-якка курашчиларда кўп учрайди. Париферик нерв системаси касалликлар сакровчи, отувчи, баръерист, штангист, курашчи ва футболчиларда кўп учрайди. Томоқ, бурун, қулоқ касалликлари отувчиларда (71,5%), сув спорти турларида (40-45 %) ва қишки спорт турларида (40%) ни ташқил этади. Сурункали холетсистит (ўтпуфагини шамоллаши) гимнасткачиларда 0,4 – 0,6 % ташқил этса, бу коњки-chanғи ва югуриш спортчиларида 8,5% ни ташқил этади. Қон босимини ошиши штангистларда кўпроқ учраса, гимнастикачиларда унинг камайиб кетиши кўпроқ учрайди.

Демак, спортчиларни касалланишини чуқур тахлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, улар спорт билан шуғулланмайдиганларга нисбатан кам касалланадилар. Бунинг асосий сабаби, уларнинг ташқи омилларига нисбатан чиниқканликлари ва спортчиларни танлашни яхши ёълга қўйилганлигидадир. Спорчилар организмида касалликларни энгиб ўтишини ҳисобга олиб, уларни мусобақа ва тренеровка пайтидаги ҳолатларини ҳисобга олмасдан актив фаолият кўрсатишлари хар-хил салбий қўринишларни вужудга келтириши ва спортчиларни организмида чуқур ўзгаришларни вужудга келтириши мумкин.

Жароҳат бу ташқи мухит таъсири натижасида тўқималар бутунлигини бузилишидан иборатдир. Жароҳатни куйидаги турлари учрайди: ишлаб чикириш, турмуш, транспорт, харбий, спорт ва бошқалар.

Спорт жароҳати жисмоний омил натижасида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларда анатомик тузулишини ва органларни физиологик ҳолатини ўзгариши тушунилади. Бу бошқа харакат турлари ичида энг кам 2 % ҳолатда учрайди.

Жароҳатлар ташқи қобиқни ҳаракатланишига қараб очиқ ва ёпиқ катталигига ёки хажмига қараб макро ва микро жароҳатларга бўлинади. Ҳамда оғирлиги ва организмига таъсир этишига қараб энгил, ўртача оғир жароҳатларга бўлинади.

Очиқ жароҳат натижасида тери қатлами бузилади ва унга касаллик тарқатувчи микроблар кириши мумкин. Ёпиқ жароҳатда эса тери бузилмайди.

Макро жароҳатда кўз ёрдамида тўқималарни катта қисмини бузилишини кўриш мумкин. Микрожароҳатда буни сезмаслик ҳам мумкин. Жароҳатни асосий белгиси оғриқдир. Микрожароҳатда бу кучли кучланиш

ёки тез такрорланувчи харакатлар натижасида келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун одам буни сезмай қолиши мумкин. Бу аста – секин тўпланиб макро жароҳатга айланиши мумкин. Энгил жароҳат органларда аҳамиятли ўзгаришни вужудга келтирмайди, организм иш қобилиятини бунда ёъқотмайди. Ўртacha оғирликдаги жароҳатда эса кескин кўринишили бўлмаган организмдаги ўзгаришдан иборат бўлиб, бунда умумий ва спорт иш қобилияти 1-2 хафта давомида пасаяди. Оғир харакатда кишини соғлиги кўринарли ҳолатда ўзгаради ва унинг касалхона ва статсионарда узоқ пайт даволашга тўғри келади. Энгил жароҳатлар умумий жароҳатларни 90 % ни, ўртacha оғирликдаги жароҳатлар 9 % ни, ва оғир жароҳатлар эса 1% ни ташқил этади.

Спортда жароҳатларни келтириб чиқарадиган ташқи ва ички омиллар мавжуддир.

Жароҳат сабабларини шартли равишда қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- 1). ўқув тренеровка машғулотларини нотўғри ташқил этиш; 2).
- тренировка методикасини нотўғри ташқил этиш; 3).
- машғулотни олиб боргандা хавфсизлик техникасига ва гигиенага амал қиласлик; 4).
- куч ишлатувчи усулларни қўллаш; 5).
- тарбиявий ишларда нуқсоннинг мавжудлиги; 6).
- врач назорати қоидаларини бузилиши; 7).
- метрологик омиллар натижасида содир бўлади.

Спорт жароҳатига хос бўлган асосий ёпиқ шикастланиш бўлиб. бунда лат эйиш, узилиш, йиртилиш, чўзилиш каби мускул ва боғламлар жароҳатлари кўп учрайди. Очик жароҳатлар эса жуда кам учрайди. Бу асосан шикасланиш ва шилинишдан иборатдир. Агарда тренер ёки ўқитувчи машғулотда қатнаша олмаса, спортдаги жароҳатланиш 4 баробар кўп учрайди.

Спорт турлари ичida ҳар 1000 шуғулланувчига нисбатан жароҳатни учраши қуйидагиларни ташқил этади. Боксда 158,1 , курашда 103 , от спортида 101,1 , қиличбозликда 64,2 , элканли қайиқда 50, теннис 48,3 , мотоспортда 41,4 , гимнастикада 29, оғир атлетикада 29,1 , эшкак эшишда 18,3 , самбода 17, сузишда 13,2 , баскетболда 8,1 , волейболда 5,5 , футболда 5, энгил атлетикада 2.

Лат эйиш кўпроқ боксда, хоккейда, футболда, кураш ва чанғи спортида учрайди. Мускул ва пайлар шикастланиши оғир атлетика ва гимнастикада учрайди. Пай чўзилиш курашчи, оғир атлетикачи, гимнастикачиларда, енгил атлетикачиларда (сакраш ва улоқтирувчиларда) ва спорт ўйинларида, яра шилиниши ва ишқаланишлар кўпроқ велоспортчиларда, чанғичиларда, гимнастикачиларда, хоккейчиларда ва эшкак эшувчиларда кўпроқ учрайди. Мия чайқалиши кўпроқ боксчиларда,

велоспортчиларда, мототцикл хайдовчиларда ва сувга сакровчиларда учрайди.

Жароҳатларни мойланишига кўра энг кўп учрайдигани қўл ва оёқ бўғинларида ҳисобланади. 80% кўп гимнастикада қўл бўғимлари шикастланиши, энгил атлетика ва чанғи спортида, оёқ бўғимлари кўпроқ жароҳатланади. Бош ва юз жароҳатлари боксчиларда, қўл панжалари жароҳатланиши баскетболчиларда, тизза бўғими курашчи, гимнаст ва футболчиларда кўп учрайди.

Спортчилар касалланган, жароҳатланган ва ҳаддан ташқари шуғулланганларидан сўнг, шу қобилиятини тикланишини реабилитатсия дейилади. Реабилитатсия қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик касаллик ва жароҳатлар организмга камроқ ўз таъсирини ўтказади. Реабилитатсия даврида соғломлаштириш машқ ва машғулотларини тўғри ташқил этиш организмни тезроқ тикланишига имконият яратади. Реабилитатсия даврида машқларни касал ва жароҳатни тури характеристига боғлиқ ҳолда индивидуал ҳолатда тузилади. Реабилитатсия ва тиклантирувчи система комплекс ҳолатда олиб борилади. Реабилитатсияда машғулотлар соғлиқ ҳолатидагина 30-40% ни ташқил қиласди. Реабилитатсияни бошланғич даврида индивидуал машғулотлари амалга ошириш мақсадга мувофик. Реабилитатсияда спортчини иш қобилияти тикланишига ишонтириш, қўрқишни ёъқотиш зарурдир. Бунда ратсионал кун тартиби, дам олишни тўғри ташқил этиш касаллик тўғрисида ўйламаслик, бунда керак бўлса психологик тинчлантирувчи воситалардан ҳам фойдаланилади (уйқуни меъёрлаштириш, психорегуляция, аудоген тренировка, мускулларни хар-хил бўшаштириш машғулотлари, нафас олиш машқлари ва дори дармон қўлланилади). Булар маҳсус даволаш масканлари ва корхоналарда олиб борилади.

Травматологияда даволаш жисмоний тарбияси кенг қўлланилади. Жароҳатланганда шикастланганда bemor узоқ вақтгача чалқанча, қоринда қия ўрнида ва хоказоларда қимирламасдан ётишга мажбур бўлади. Бу эса қон димланиши ётоқ яра, ич қотишига сабаб бўлади.

Даволаш жисмоний тарбиясининг мақсади bemorning умумий ахволини ҳамда қон ва лимфа айланишини яхшилаш, шиш ва гематомаларнинг тезроқ шимилишига ёрдам қилиши, заарланган орган фунтсиясини кайта тиклаш, асосий харакат ёъқолганда унинг ўрнига бошқа харакатларни шакллантириш контрактуралар хосил бўлишининг олдини олишдан иборат.

Даво жисмоний тарбияси комплексини бажаришни иммобилизатсия қилинмаган бўғимлардан бошланади, борган сари шикастланган жойга яқин

бу ишлар учун мўлжалланган машқлар қўшилади. Кўпинча қўл оёқнинг симметрик бўлимлари машқ қилинади. Бу рефлектор ёъл билан шикастланган бўғимга таъсир этади. Даво комплексига умум мустахкамловчи ва маҳсус машқлар қўшилади.

Даво жисмоний тарбиясини физиотерапевтик муолажалар. массаж билан (улар одатда даво жисмонии тарбияси машғулотларидан аввал қўлланилади) комплекс равишда қўлланилади.

Маҳсус машқлар қўлланилганда инструктор дастлаб пассив харакатларни бажаради, кейин қўл оёқнинг ўз оғирлигидан фойдаланилади (бўшаштиришга мўлжалланган машқлар), шундай қилингандан сўнггина bemor актив харакатлар қилишга ўтади. Улар снарядлар билан бажариладиган машқлар билан мураккаблаштирилади. Бутун даво курсини шартли равишда уч даврга бўлинади.

Биринчи давр шикастланиш пайтидан бошлаб иммоблизатсия этиладиган даврнинг охиригача (скелет чўзилиб тортилган, оператсиядан кейинги ҳолат) бўлган давр. Бу даврда даволаш жисмоний тарбиясининг мақсади bemornинг умумий ахволини яхшилаш, димланиш ходисаларига қарши курашиш, бу ишларнинг иммобилизатсиядан холи, харакатчан бўлиб қолишнинг олдини олиш, битиш жараёнларига ёрдам беради ва лимфа айланишини кучайтиришдан иборат.

Иккинчи давр шикастланган органнинг деярли тўлиқ битиши, айланма гипс иммоблизатсиясиз олинадиган лонгета билан алмаштириш. Бу даврда даволаш жисмоний тарбиясининг мақсади-ҳамма бўғимларда харакатнинг нормал хажмини тиклаш. заарланган органларнинг функтсиясини яхшилаш (оддий машқлардан бошлаб борган сари харакат амплитудасини кенгайтириб ва умумий нагрузкани ошириб борилади). Лозим бўлган холларда ёъқотилган малакаларнинг ўрнини босувчи янги малакалар хосил қилишдан иборатdir.

Учинчи давр- шикастланишнинг қолдиқ нуқсонлари (мускулларнинг заифлиги, функтсияларнинг бир оз бузилиши)дан иборат. Бу даврда даволаш жисмоний тарбиясининг асосий мақсади қолдиқ нуқсонларнинг барчасини ёъқотиш, турмушда ва илмда эарур масалаларни қайта тиклаш, чидамлилик чаққонлик куч-кувват харакатларнинг аниқ бўлишини такомиллаштириш ва хоказо машқлар комплексига бир оз мураккаброқ гимнастик машқлар қўшилиб меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўрилади.

Панжа ва бармоқ суюклари синишини даволашда даволаш жисмоний тарбияси шикастланишнинг 2 -3 куни бошланади. Шикастланиш қўл-оёқнинг иммоблизатсия қилинмаган бўлимлари харакатлантирилади. Қўл кафти суюклари синганда лантетни эчгандан сўнг бармоқлар турлича

харакатлантирилади (хусусан синган бармоқлар билан). Кафт усти сүяклари синганда гипс бойлами олингандан сўнг кафт усти билан бўғимга мўлжалланган машқлар қўшилади ва хар тарафга актив харакатлантирилади; бунда кафтга бир оз таянилади, бармоқларни керилади ва йиғилади, уларни юмилади, ёзилади ва хоказо, лекин оғритмаслик лозим. Кейинчалик таёқ, медитсинбол билан бажариладиган машқлар қўшилади.

Билак сүяклари шикастланганда бармоқларни актив харакатлантириш, шикастланган қўлнинг элка бўғимини соғ қўл ёрдамида машқ қилдириш (қўлни юқорига, кўтариш айланма харакатлар) рухсат этилади.

Билак сүяклари жароҳати. Шикастланган соҳага мўлжаллаб бойлам тагидаги мускулларни кунига бир неча марта ритмик равишда қисқартирилади. Суяк кодоги мустахкамлангандан кейин гипс бойламини олинадиган лангет билан алмаштирилади ва машқ комплексига секин суръатда бажариладиган актив машқлар киритилади, пассив машқлар ва зарур бўлганда аппаратларда бажариладиган машқлар қўйилади. Бутун организизмда бериладиган умумий нагруззкани ҳам жумладан тезроқ бажариладиган умуммустахкамловчи машқлар қўшиб кўпайтирилади.

Елка суяк синиши биринчи даврда тана ва соғ Кўлга мўлжалланган умуммустахкамловчи машқлар қўл панжасига мўлжалланган машқлар (бармоқни юмиб очиш, бармоқни тўғрилаб панжани кўтариш ва хоказо) қўлланилади Шинани эчгандан кейин энгиллаштирилган дастлабки ҳолатда машқлар, гимнастик таёқ билан машқ қилинади, бу-бемор эътиборини шикастланган қўлдан қочиради ва харакатларни осонроқ бажаришга имкон яратади.

Сон суяги синиши. Дастлабки кунлардан бошлабоқ элка соҳаси, соғлом оёқ шикастланган оёқ панжаси бармоқларига мўлжалланган (оёқ панжасини 4-5 марта ёзиш ва букиш) бойлам тагида мускуллапга кунига 10 марта гача статик қисқариш машқлари берилади. Кейинчалик оёқни кўтариш, қоринга оғдариб ётиш, каровотдан туриш ва нихоят қўлтиқ таёқда юришга рухсат берилади. Туриш олдидан қўлтиқ соҳасини қўлтиқ таёқдан эзилишга тайёрлаш лозим. Гипс бойлами олингандан ёки чўзиб тортиш тугатилгдан сўнг барча бўлимларда актив харакатлар қилина бошланади. Бўғимлар харакатчанлиги чекланиб қолган бўлсада, бундай бўғимларга пассив харакатлар қўшилади. Беморни тўғри қадам ташлаб юришга ўргатишга эътибор берилади. Оёқ катта бўлиб қолганда ортопедик пояфал кийиш лозим.

Болдир сүяклари синиши. Биринчи кунлардан бошлаб оёқ пошнаси болдир бармоқлари ва ёнбош чаноқ бўғимида харакатлар қилинади. Даволаш жисмоний тарбиясининг асосий мақсади оёқнинг таянч функцисиясини кайта тиклашдан иборат.

Юмшоқ тўқималарни заарланиши. Булар шикастланганда тўқималарни хирургик ишлов қилингандан сўнг даволаш жисмоний тарбиясининг умумий мустакахкамлаш машқлари, меҳнат билан даволаш қўлланилади. Агар харакатлар кўнгилдагидек тикланмаса асоратлар бўлганда даволаш жисмоний тарбияси шикастланишидан бир хафта кейин бошланади ва шикастланган соҳа мускулларига мўлжалланган машқлар бажарилади, бундай холларда bemор ва жароҳатнинг ахволи текшириб турилади. Кунига бир неча марта актив машқлар берилиб, пассив машқлар қўшиб борилади. Иккиламчи чок солингандан сўнг тикилган тўқималарни чўзиб йиртмайдиган машқлар қўлланилади. Чокка яқин бўғим харакатлари амплитудаси унча катта бўлмасдан секин темпда бажарилиши керак. Чокдан пастроқдаги бўғимларга кучли машғулот берилади. Чок иплари олинганидан сўнг машқлар тўлиқ амплитудада бажарилади. Инфектсия аралашган хилларда даволаш жисмоний тарбияси bemорни ахволи яхшилангандан кейин қўлланилади. Умумий тиклантирувчи машқлап симметрик томонидан соғ оёқ қўлларга машқлар берилади, жароҳат битган сари шикастланган соҳа мускуллари машқ қилдирилади. Даволаш жисмоний тарбияси чандик тўқималарнинг нормал ривожоланишига ёрдам беради.

Умуртқа поғонасининг синиши. Умуртқа поғонаси синганда bemор чалқанча ётади, тушак тагига ёғоч тахта қўйилади. Умуртқа компрессион синганда каровотнинг бош томони 20 см га кўтариб қўйилади. Даволаш жисмоний тарбияси жароҳатдан 3-4 кун кейин бошланади, аввал оёқ қўл ва нафас олиш машқлари қўлланилади. Машқларда сўнгра мураккаблаштирилиб борилади, амплитудаси кенгайтирилади ва мускулларнинг қисқариш кучи оширилади, элка соҳасига машқлар актив равишда қўшиб борилади, орқанинг ёзувчи мускулларини аста-секин машқ қилинади. Бу даврда машқ қилингандан чаноқ соҳасига ортиқча нагрузка берилмаслиги керак. Монелик қилувчи сабаблар булмаса 10-12 кундан сўнг машқларни қоринда ётишда дастлабки ҳолати бажарилади.

Даволашнинг иккинчи ойидан мускулларга кучли нагруззали машқлар қўшилади. Умуртқа поғонасининг эгилувчанлигини яхшиловчи машқлар қўлланилади (қалдиргоч ва хоказо). Бу касалларда даволаш жисмоний тарбиясидан мақсад бел мускулларини такомиллаштириш ҳамда умуртқа поғонаси мускули ва бойламларини чиниқтиришдан иборат. Бу даврда машғулотлар 40-50 минут давом этади. Машқларнинг хар туркумидан сўнг дам берилади. 2 ой ўтгач, bemорга туришга рухсат этилади, бундан олдин bemорни ётган ҳолатда орқасини эгмасдан тўғри туришга ўргатилади, bemор ўтирумаслиги лозим.

Чаноқ сүяклари синиши. Бунда беморни чалқанча ёткизиш мухим, тизза бўғинлар остига қаттиқ ёстиқ қўйилади. Даво гимнастикаси 3-4 кундан сўнг бошланади. Аввалига элка сохаси ва тана мускуллари машқ қилинади оёқлари эҳтиёт қилиб, суюб турган холда харакатлантириш мумкин. 2 хафтадан сўнг оёқ машқлари катта нагруззка билан бажарилади, лекин оёқлар ҳамон ёстиқда ётаверади. Беморга оёқга туришга руҳсат этилгандан сўнг (бир томондан оёқ сүяклари синиб, синикларни силжимаганда 3 хафтадан сўнг, иккала томон синиб, синиклари силжимаганда 2 ойдан – кейин) машқлар қисман тик тўрган холда бажарилади.

Спортчилар касалланган, жароҳатланган ва ҳаддан ташқари шуғулланганларидан сўнг, шу қобилиятини тикланишини реабилитатсия дейилади. Реабилитатсия қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик касаллик ва жароҳатлар организмга камроқ ўз таъсирини ўтказади. Реабилитатсия даврида соғломлаштириш машқ ва машғулотларини тўғри ташқил этиш организмни тезроқ тикланишига имконият яратади. Реабилитатсия даврида машқларни касал ва жароҳатни тури характеристига боғлиқ ҳолда индивидуал ҳолатда тузилади. Реабилитатсия ва тиклантирувчи система комплекс ҳолатда олиб борилади. Реабилитатсияда машғулотлар соғлиқ ҳолатидагина 30-40% ни ташқил қиласди. Реабилитатсияни бошлангич даврида индивидуал машғулотлари амалга ошириш мақсадга мувофик. Реабилитатсияда спортчини иш қобилияти тикланишига ишонтириш, қўрқишни ёъқотиши зарурдир. Бунда ратсионал кун тартиби, дам олишни тўғри ташқил этиш касаллик тўғрисида ўйламаслик, бунда керак бўлса психолигик тинчлантирувчи воситалардан ҳам фойдаланилади (уйқуни меъёрлаштириш, психорегуляция, аудоген тренировка, мускулларни хар-хил бўшаштириш машғулотлари, нафас олиш машқлари ва дори дармон қўлланилади). Булар маҳсус даволаш масканлари ва корхоналарда олиб борилади

Дарс юзасидан саволлар:

1. Таянч ҳаракат тизими?
2. Симпатик ва парасимпатик нерв толалари?
3. Реаблатация нима?

20-МАВЗУ: Жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларни текшириш шакллари ва услублар

РЕЖА:

- 1.Одам организми функционал тизим эканлиги ҳақида тушунча**
- 2.Ташқи нафасни баҳолаш услублари**
- 3.Захира имкониятларни баҳолаш**

Таянч иборалар: Текшириш усуллари, нафасни баҳолаш, анамнез

Врач-педагог ҳамкорликдаги ишлари натижасида врач кабинетида белгиланган текшириш методлари. Спортчи актив фаолияти даврида давом этади. Бунда кабинетда аниқлай олмаган яширин касаллик турлари аниқланади. Аниқланиш натижасида шуғулланувчини маълум бир гурухга киритилади.

Анамнез ёки сўраш методи медитсинада ёки жумладан, спорт медитсинасида ҳам кенг қўлланиладиган текшириш методларидан бири бўлиб, бу субъектив текшириш методига киради. Умуман медитсинадаги текшириш методлари текширилаётган шахсни текширувчи томонидан бевосита ва билвосита текширишига қараб 2 гурухга бўлинади: биринчи текширувчи ёки бошқа текширувчи текширишда иштирок эта олмаса ва ташхис қўйишда касал одамни берган маълумотларидан фойдаланса, бу субъектив текшириш методи дейилади. Бордию улар бевосита иштирок этишса, бундай текшириш методини объектив текшириш методи дейилади.

Субъектив текшириш методига, текширилаётган кишини ҳис туйғулари киради. Бу эса анамнез орқали аниқланади. Объектив текшириш усулларига пайпаслаб кўриш, тўқиллатиб ва эшитиб кўришлар киради. Бундан ташқари бу текшириш усулига ҳар бир органлар системасини текширишда қўлланилаётган текшириш усуллари ва лаборатория текшириш усуллари киради.

Беморни касалини аниқлашда анамнез ёки сўраб суриштириш усули кенг қўлланилади. Сўраб суриштириш усули паспорт маълумотларига асосланган бўлиб, хаёт, спорт ва касалик турларига бўлинади. Буларнинг ҳар бирида ўз турларига хос бўлган савол ва уларга олинадиган жавоблардан иборатdir. Шу жавобларга асосланган холда тегишли ташхис куйишда аниқ бир фикрга келинади ва текширувчига ёъланма берилади.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланишини баҳолашда антропометрик текшириш усулидан фойдаланилади.

а). ўлчов кўрсаткичларига қараб (сомотометрик) баҳолаш (вазни, бўй узунлиги, кўкрак қафасини кенглиги ва ҳоказолар).

б). физиологик кўрсаткичларга қараб (физиометрик) баҳолаш (ўпканинг ҳаётий сифими, кўл ва бел мушакларининг кучи, юрак, қон томир кўрсаткичлари ва ҳоказолар).

в). ташқи кўринишга қараб (соматоскопик) баҳолаш организмнинг ташқи кўринишини белгиловчи умуртқа поғонасининг ривожланиши, ва қатламининг миқдори, товоғининг кўриниши, жинсий ривожланиш белгилари ва бошқалар) киради.

Тана оғирлигини ўлчашда тиббий тарозидан фойдаланилади. Бўй узунлиги ёғочдан ясалган бўй ўлчагич ёки металлдан ясалган антропометр ёрдамида аниқланади. Кўкрак қафасини айланасини аниқлаш учун латта метрдан фойдаланилади. Физиологик кўрсаткичларни текширишдаги усуслар ёрдамида баъзи аъзо ва турларнинг фаолияти аниқланади. Буларга ўпканинг ҳаётий сифими (спирометрия), кўл мушакларининг кучини аниқлаш киради. Ўпканинг тириклик сифими сувли ҳамда хаволи спирометрда аниқланади. Кўл мушаклар кучини аниқлашда қўл динамометри ёрдамида аниқланади. Бел мушакларини кучини аниқлашда гавда динамометридан фойдаланилади.

Жисмоний ривожланишга баҳо беришда ўлчов асбобларини кўллаш билан биргалиқда ташқи кўринишга ҳам аҳамият бериш зарур. Қатор белгилар (скелетни, мушакларнинг ривожланиши, ёғ Қатлами ва ҳоказолар) 3 даражада баҳоланади. 1 рақам билан паст даражани, 2 рақам ўртача, 3 рақам эса юқори даражажа ривожланишни белгилайди.

Таянч-харакат аппаратларининг ҳолати

Суякларнинг ривожланиши унинг кўринишига қараб 3 хил баҳоланади. 1-ингичка ёки "тор" суюк. Бундай одамларда кўкрак қафаси ва элкаси тор, бармоқлари ва товони кичкина бўлади. 2-кенг ёки қўпол кўринишли, бундай одамларнинг элкаси кенг, бармоқлари ва товони катта, 3 ўртача кўринишли даражада, умуртқа поғонаси олдиндан таянч вазифасини бажаради. Умуртқа поғонаси олдиндан, ёндан ҳамда умуртқа поғонаси бўйлаб вертикал ёъналишда бармоқ ёрдамида ўтказилган чизик ҳолатига қараб куракларнинг симметрик жойланиши, элканинг туриши ва қўлнинг тушурилган ҳолатидаги куймич гумбазигача бўлган оралиқда ҳосил бўладиган учбурчак кўринишига қараб баҳоланади. Болаликнинг бошлангич давларидан бошлаб, унинг умуртқа поғонасида 4 та физиологик эгилма пайдо бўлади. Шундан биринчиси бола 6-7 хафталик даврида, бошини кўтара бошлаганида умуртқа поғонасининг бўйин қисмининг олдинга эгилиши туфайли, 2 ва 3 чиси бола 6 ойлик бўлганда, ўтира бошлаши билан кўкрак ва думғаза қисмларида орқага қараб эгилиши ҳисобига ҳосил бўлади.

4- эгилмаси бола юра бошлаганды хосил бўлади. эгилмалар болалар вояга этганда тупик суюкланган бўлади. Ёш даврларида партада нотўғри ўтириш, оғир юк кўтариши ва бошқалар натижасида бу эгриликларни ўзгаришига олиб келади. Бундан ташқари умуртқа поғонаси ёнга эгилиши ҳам содир бўлади-сколиоз.

Сколиозлар чап ва ўнг баъзида эса мураккаблашган чап ва унг ҳамда ўнг ва чап бўлиши мумкин. Ундан ташқари бола умуртқа поғонасининг қайишқоқлиги даврида тепаликдан қаттиқ жойга тик йиқилса қўкрак қисмида физиологик эгилманинг орқага қараб жадал эгилиши ёки бел қисмидаги эгилманинг олдинга қараб эгилиши лордоз шаклида ўзгариши мумкин. Бундай ўзгаришлар бола ўсиши ва ривожланишига таъсир қиласидиган энг салбий омиллардан ҳисобланади.

Хозирги даврда жисмоний тарбия ва спортни телеметрик текшириш методларисиз тассавур қилиш қийин. Жумладан радиометрик текшириш методлари орқали текширилаётган кишидан 200 – 300 метрдан 1,5 – 2,0 км гача масофада туриб текширилаётган соҳа бўйича иш олиб боради. Радиометрик асбобларни бир ва қўп каналли турлари мавжуд бўлиб. Бирданига нафас олиш органлари, томир уриши, электрокардиограмма, артериал босим ва бошқа кўрсаткичларни баҳолай олади. Бу асбобларнинг қулайлиги шундан иборатки, уларни энгиллигида (оғирлиги 125 граммдан 1 кг гача бўлиб ишончли асбоблардир) бу асбобларни врач-педагог назоратида қўллаш ўзининг ижобий натижасини беради.

Органлар ва органлар системаларини функционал ҳолатини текширишда ҳам, сураб суриштириш, текшириш методларидан бошланиб, сўнгра объектив текшириш методларига ўтилади, ҳамда пайпаслаб, тукуллатиб эшитиб кўриш каби объектив текшириш методлари қўлланилади. Ушбу текшириш методларидан кейин хар бир органларнинг системасига хос бўлган текшириш методларидан фойдаланилади. Жумладан юрак, қон-томир системаси, нафас олиш органлари системаси, нерв ва нерв-мускул системаси кабилар. Бу органлар системаси ўртасида касаллик ва физиологик ўзгаришларга энг сезгири юрак қон-томир системаси ҳисобланади.

Юрак қон-томир системаларини функционал ҳолатини текширишда юрак уриши (томир), артериал қон босимини аниқлаш, электрокардиография, вектокардиография (гипертрофия, реполяризация, гис боғламларидаги бузилишларни 2 та электрокардиография қиласи (горизонтал ва вертикал ҳолатда), фонокардиография (юракни хажмини аниқлашда ишлатилади), телерентгенография (юракни хажмини аниқлашда қўлланилади), сфигмография (артерия деворини қисқаришишини график ҳолатда ёзиб олади)) ва бошқалар ишлатилади.

Нафас олиш органларининг функциясиал ҳолатини текширишда комплекс текшириш усуллари қўлланилиб. бунда газлар алмашинуви, аралашишуви ва артериал қон томирларда кислород ва корбанат ангидриднинг миқдорини аниқланилади. Нафас олиш органларини функциясиал ҳолатини текширишда ўпкани тириклик сифимини ўлчаш мухим аҳамиятга эгадир. Бунда хавони миқдорини аниқлаиш орқали организмга қанчалик қон орқали кислород ташилаётганини билиш мумкин. Соғлом одамларда ЖЕЛ (ўпканинг тириклик сифими) 1800 -7200 мл гача бўлади. Соғлом кишиларда минутлик нафас олиш сони 14-18 марта бўлиб, бу спортчиларда 10-11 ни ташқил этади. Нафас олишни нафас чиқаришга нисбати 1:1,1 қанчалик узоқ нафас олиш ва нафас чиқариш бўлса, шунчалик газ алмашинуви яхши тартибда бўлади. Нафас олиш 0,3-4,7 секунд нафас чиқариш л-2,6 секунд бўлади.

Нафас олиш органларини функциясиал ҳолатини текширишда бронх ўтказувчанлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. У эркакларда 5-8 л/секунд, аёлларда эса 4-6 л/секунддан иборат. Нафас олишнинг минутлик хажмини ўлчаш орқали ҳам нафас олиш органларининг функциясиал ҳолатини аниқланади. Бу бир минут давомида ўпкада алмашган хаво миқдоридан иборат. Бй ўртacha 5 л (3-8,4л) дан иборат бўлади. Нафас олиш органларини функциясиал ҳолатини текшириш рентгенография, флорография каби текшириш усуллари ва биохимик текшириш усулларидан ҳам кенг қўлланилади.

Нерв мускул системасининг функциясиал ҳолатини аниқлашда электромиография-скелет мускуларининг биопотентсиалларини аниқлаш. электромиография-бош мияни биотокларини ўрганувчи метод. Бунда бош мияни турли қисмини электр активлигини харакатини кузатиш электродлар ёрдамида амалга оширилади. Электромиография спортчиларни текшириш методларининг чуқур текшириш усулига киради. Бундан спортчилар бош мия жароҳати олганда кенг фойдаланилади.

Летунов синалмаси.

Ушбу синалмани амалга оширишдан олдин текширувчини 60 секунд (1минут) давомидаги томир уриш сони 6 та 10 секунд асосида бўлинган ҳолатда санаб олинади. Ундан сўнг артериал қон босими ҳам ўлчаб олинади. Летунов синалмасини бажаришда 3 қисмлик иш бажарилади.

1 қисмда 30 секунд давомида 20 марта ўрнида ўтириб туриш машқи бажарилади. Бунда ўтирганда қўллар олдинга чўзилган дастлабки ҳолатга қайтганда эса қуллар ёнда бўлади. Сўнгра 3 минут давомида, ҳар бир минутни 10 секундларга бўлинган ҳолатда томир уриш сони ва артериал қон босимини ўлчаш ёъли билан организмнинг тикланиши аниқланади.

2 қисмда 15 секунд давомида теширилувчи ўрнида максимал тезликда югуриш машқини бажаради. Шундан сўнг эса 4 минут давомида юқоридаги кўрсатилганидек, ҳар бир минутни 10 секундларга бўлиб олган холда, томир уришлар сони ва артериал қон босимини ўлчаш орқали организмни тикланиши аниқланади.

3 қисмда текширилувчи томонидан 3 минутлик, ҳар бир минутига 180 қадамдан иборат бўлган югуриш машқи бажарилади ва 5 минут давомида юқоридагилардек организмнинг функционал ҳолатини тикланиши аниқланади.

Бу синалмани бажаришда қуйидагиларга эътибор бериш керак. Жумладан ҳар бир қисмни бажариш юқорида кўрсатилган тартибда амалга ошиши керак. Бунда 20 марталик ўтириб туриш, 15 секунд югуриш учун организмни тайёрлаб олиш бўлса, 15 секунд югуриш 3 минутига 180 қадам машқ учун организмни тайёрлаб олиш имконияти хисобланади. Бундан ташқари 3 қисмни бажарганда тажриба бордию, болаларда олиб борилса, уларни жинсини ҳам хисобга олишга тўғри келади. Жумладан, қиз болаларда минутига 180 қадамли югуриш машқи 2 минут, ўғил болаларда эса 3 минут давомида бажарилади. Синалмадан олинган натижаларга асосланиб, организм юрак қон-томир системасининг функционал ҳолати ва организмнинг иш қобилияти тўғрисида хulosага келинади. Бунда томир уришининг ошиши ва босимини ўзгариши ва организмнинг тикланиши даражасига кўра қуйидаги жисмоний оғирликларга нисбатан организм реактсиялари аниқланади:

6. Норматоник реактсия;
7. Гипотоник реактсия (астеник);
8. Гипертоник реактсия;
9. Дистоник реактсия;
10. Поганасимон реактсия.

Норматоник реактсияда қуйидагилар содир бўлади. Томир уриши сезиларсиз ошади. Юқори қон босими озгина ошади, пастки қон босими эса озгина пасаяди. Организм тикланиши 3-5 минутда содир бўлади. Бу яхши шуғулланмаганларда содир бўлади.

Гипотоник (астеник) реактсияда томир уриши қисман ошади. Юқори қон босим кучсиз ошади, пастки қон босим эса ошиб кетади. Организмнинг тикланиши нормада ёки нормадан юқори бўлади. Бу реактсия касаллик ҳолати бўлиб, организм ҳаддан ташқари чарчаганда, касалдан янги турганда ёки спортчи юраги зўриқкан ҳолларда учрайди.

Гипертоник реактсияда томир уриши кескин ошиб кетади. Юқори қон босими эса жуда юқори, пастки қон босими ҳам ошади. Организм тикланиши 5 минутдан ошиб кетади. Гипертоник реактсия асосан қари одамларда

учрайди, атериосклероз ва гипертоник касаллик билан жабрланаётганларга хос касаллиқдир. Бу ёшларда эса келажакда гипертония бўлиб қолишини вужудга келтиради. Бундан ташқари хаддан ташқари кўп шуғулланганлик ёки тренировкаларни сонини оширилиши натижасидир.

Дистоник реактсия томир уриши сезиларли ошади. Юқори қон босим жуда ошиб кетади, пастки қон босим «0» гача тушиб кетади. Организмни тикланиши нормадан кўп. Дистоник реактсия ҳам касаллик ҳисобланади. Бу ўта чарчаш, ўта шуғулланиш ва неврозларда ёки юқумли касаллик билан оғригандарда учрайди.

Поғанасимон максимал босимни ошиш реактсиясида. Бунда тикланиш даврининг 2-3 минутда юқори қон босими, ишни бажариб бўлгандан сўнги кўрсаткичига нисбатан юқори бўлади. Бу ҳам касаллик ҳисобланади.

Гарвард степ-тести.

Бу тестни амалга оширишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар ёш, жинсига боғлиқ ҳолатда маълум баландликдаги зинапояларга чиқиб тушиш орқали организмларини функционал ҳолатларини текширилади. Зинапоянинг баландлиги эркаклар учун 50,8 см бўлиб, аёллар учун эса 43 см ни ташқил этади. Бу баландликка чиқиб тушиш эркаклар учун минутига 30 марта бўлиб, 5 минут давомда машқ бажарилади. Аёлларда эса шу юқорида кўрсатилган машғулот 4 минут давомида бажарилади. Ушбу методни болаларда бажарилганда, уларни жинси ва ёш хусусиятларини ҳисобга олинади. Жумладан, 8 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болаларга зинапояни баландлиги 35 см дан иборат бўлиб, машқни бажариш вақти 2 минутдан иборат ва бунда минутлик чиқиб тушиш сони 30 мартадан иборатдир, 8-12 ёшгача бўлган болалар ва қизларда зинапоя баландлиги 35 см, бажариш вақти 3 минутлик чиқиб тушиш сони 30 мартадан иборат бўлади, 12-18 ёшли қизлар учун зинапоя баландлиги 50 см, ишни бажариш вақти 4 минут ва минутлик чиқиб тушиш сони 30 мартадан иборат бўлади.

ТАШҚИ НАФАС ОЛИШ ОРГАНЛАРИНИ ФУНКTSИОНАЛ ХОЛАТЛАРНИ БАХОЛАШ МЕТОДЛАРИ.

Нафас олиш органларини функционал ҳолатини баҳолашда энг муҳим ёъналишлардан бири бўлиб, ўпкани тириклик сифимини ўлчаш ҳисобланади. Буни спрометр ёрдамида аниқланади. Ҳозирда спорт соҳасида кенг қўлланиладиган оддий функционал синалмаларига қуйидагилар киради.

1.Розентал синалмаси – бунда текширувчини статик холатда беш марта 15 сек. Оралатиб, ўпкасининг тириклик сифими аниқланади ва улар солиширилади. Соғлом одам ва тайёргарлик кўрган спортчиларда солишириш ўпканинг тириклик сифими бир хилдан иборат эканлигини кўрсатади. Унинг камайиб бориши эса нафас олиш органларида камчилиги бор, чарчаган ва кўп шуғулланган кишиларга хосдир.

2.Шафрановский синалмаси- динамик синалма бўлиб, бунда олдин ўпкани тириклик сифими тинч холатда ўлчаб олинади, унгача текширилувчи уч минут давомида ўрнида минутига 180 қадамдан иборат югуриш машқини бажаради. Шундан кейин яна ўпканинг тириклик сифими машқни бажариб бўлгандан кейиноқ ҳамда 1,2,3 минут ўтгандан кейин ўлчанади. Тайёргарлик кўрган спортчиларда ўпкани тириклик сифими юргурдан кейиноқ 200 мл.гача ўзгаради ва 3 мин. ўтгандан кейин организмни функцисонал ҳолати тикланади. Ёмон тайёргарлик кўрадиган спортчилар ва касалларда бу кўрсаткич 200-500 мл. гача пасайиши мумкин ва 3 минут давомида организм тиклана олмайди.

3.Штанга синалмаси-бунда текширувчи чуқур нафас олиб, нафас олиш протессини тўхтатади. Бу холатда қўл билан бурнини сиқади, нафас олмасдан анчагача тура олиши аниқланади. Одатда шуғулланмаган шахсларда бу 40-60 секунд, спорт билан шуғулланганларда 60 секунда 2-2,5 минутгача бўлиши мумкин. Тайёргарлик даражасини ошиб бориши билан бу кўрсаткич ошиб боради, чарчаганда эса камаяди. Жисмоний оғирликни текширилувчига таъсирини аниқлашда тинчлик холатда ўпкани тириклик сифими ўлчаб олинади, сўнгра у 20 марта ўтириб-туриш машқини бажаради. Бу машқни бажаргандан сўнг 1 секунддан сўнг текширилувчи 2 бор нафасини тўхтатади. Бунинг натижасини соғлом кишиларда биринчисига нисбатан 2 баробар камайса, соғлиги ёмонларда 3 ва ундан юкори даражада камайиб кетади.

4.Генчи синалмаси-(хавони организмдан чиқариб юборгандан сўнг тўхтатиш). Текширувчи тўлиқ нафас чиқариб ва нафас олгандан сўнг яна нафас чиқаради ва хавони олишни тўхтатади. Соғлом шуғулланмайдиганларди бу 20-30 секундни ташқил этади, соғлом спортчиларда эса бу 30-90 секундни ташқил этади.

Агарда Генчи синалмаси, Штанга синалмасидан кейиноқ бажарилса ёки бошқа тест ва синалмаларидан кейин бажарилса уларни бажариш орасида камида 5-7 минутлик дам олиш вақти бўлиши шарт. Чунки бу даврда организм тикланиб олади. Ушбу синалмаларни аёлларга қўллашда

эркакларга нисбатан 10-15 фоиз нормаларни камайтириб оламиз. Бу холат бошқа тест ва синалмаларга ҳам хосдир.

21-МАВЗУ: Болалар ва ўсириналар организмининг иш фаолиятида жисмоний юкламаларнинг таъсири

РЕЖА:

1. Юрек-қон томир тизими, нафас олиш тизими, эндокрин тизими ва модда алмашинувига таъсири.
2. Қонни метаболизм маҳсулотларидан тозалаш орқали қоннинг кимёвий таркиби доимийлигини таъминлаш.

Таянч иборалар: Юрек-қон томир тизими, нафас олиш тизими, эндокрин тизими. қонни метаболизм маҳсулотларидан тозалаш,

Жисмоний машклар организмга тонусни оширувчи (стимулловчи), трофик (компенсатор) ва нормаллаштирувчи таъсир курсатади.

Тонусни оширувчи (стимулловчи) жисмоний машклар организм касаллик пайтида функциялар фаолияти бузилиши натижасида мажбурий гипокинезм ҳолатида булиб, бу эса бемор ахволига янада салбий таъсир курсатади, хамда касалликнинг янада ривожланишига юл очада. Жисмоний машкларнинг тонусловчи таъсири асосан харакат виссерал рефлексларни кучайтиришга каратилади.

Афферент импульсатсиянинг кучайиши харакатнинг марказий нейронларида хужайра метаболизмини кучайтиради. Бунинг окибатида МНС нинг организмга трофик таъсири кучаяди.

Шугулланиш пайтида юрак- қон томир системасига таъсир этиш гемодинамиканинг барча асосий ва ёрдамчи омиллари таъсирида юзага келади. Жисмоний машк бажариш вақтида юрак мускуларининг озикланиши кучайиши хисобига миокарднинг кискариш фаолияти ортади. Регионар қон окиш фаоллашади, күшимча (навбатчи) капилларлар фаолиятга киришади.

Мушак юкламаси пайтида томирлар тонусининг марказий бошкаруви стимулланиши гемодинамиканинг иккинчи омили (екстракардиал) фаолигига олиб келади. Веноз қон айланишининг кучайиши гемодинамиканинг ёрдамига омиллар грухини таъминлайди – кукрак қафасининг ва дияфрагманинг, Қорин ичи босимининг узгариши скелет мушакларнинг кискариши ва бушаш ритмиклиги ва бошкалар. Бундай шароитда жисмоний машклар

гемодикамикани яхшилаш юрак қон томир системасининг ортиб борувчи юкламага адаптатсиясини кучайтиришда ва унинг функционал кобилиятини кутаришда самарали омил хисобланади. Жисмоний машклар умумий ривожлантирувчи сифатида баҳоланади. Маълумки шугулланиш таъсирида организмнинг турли хил экстремал омиллари таъсирига чидамлилигини оширади. Жисмоний машкларнинг систематик қулланиши организмнинг узгарувчи ташки мухит шароитига сезиларли даражада мосланишини отиради, харакат- таянч аппарати нафас тизимини, қон айланиш фаолиятини яхшилайди, беъморларнинг жисмоний ҳолати ва иш фаолиятини яхшилейди.

Умумий тонусни ошрувчи машклар юналтрувчи таъсирига хам эга. Алоҳида орган ва системалар функциясини стимуллайди. Масалан; оёклардаги йирик бугимлар машклари гавдани буриш, Қорин пресси мусқуллари учун бажариладиган машклар ичаклар перисталтикасини оширади.

Стимулловчи таъсир ДЖТ да беморнинг эмотсионал сферасига ижобий таъсири сифатида курилади. Жисмоний машклар, харакатли уйинлар бемордаги руҳий тормозни бартараф этади, касаллик ҳақидаги тушкунликни енгади ва беморда узига хос ишонч пайдо булади.

Жисмоний машкларнинг трофик таъсири.

Тукима метаболизмининг физиологик бошқарув механизmlаридан бири трофик рефлекслар хисобланади. МНС нинг турли булимлари, жумладан бош мия пустлоги ва гипоталамус трофик функцияни бажаради. Маълумки, нерв фаолияти барча куриниши реализатсяси алмашинув даражасининг узаришига бөглиқ, бу айникса таянч-аппарат харакати бажарувчи эффектор механизм сифатида намоён булганда яккол ифодасини топади. Харакат тизими проприоретсепторларидан келаётган информатсия барча органларга, жумладан, нерв системаси хужайраларига хам таъсир этади. Проприоретсепторларнинг организмнинг хар- хил талабига мослашиши ва пластиклиги маҳсус рефлектор механизмлар оркали бошқарилади. Мушак ретсепторларининг симпатик иннерватсияси мавжуд. Симпатик нервнинг эфферент импулслари трофик таъсир курсатади, шундай куринишда унинг кузгалувчанлигини бошқаради.

Тонусловчи ва стимулловчи таъсир етишмаганда скелет мушаклари тонуси пасаяди, проприоретсептив импульсатсия частотаси камаяди, бу уз навбатида нерв трофикасига таъсир этади. Жисмоний машк бажарилган пайтда проприоретсептик импулслатсия кучаяди, бу эса бузук доирани бартараф этиб, нерв трофикасини стимулятсия қиласи, таянч – харакат аппарати ва организм физиологик тизимлари орасидаги мувозанатни

тиклайди. Фаолланган проприоретсепсия нарв системаси томонидан ички органлар регулатсиясини яхшиланишини таъминлайди. Айнан трофик жараёнлар юрак мушакларининг функционал кобилиятини оширади. Регенерат хосил булиш фазасида жисмоний машкнинг трофик таъсири барчага маълум. Унинг асосида мушак фаолияти пайтида энергия сарфини компенсатсия килиш учун пластик жараёнларнинг кучайши ётади. Жисмоний машклар трофик жараёнларни стимуллабгина колмасдан, балки бу жараёнларни функционал окмига юналтиради, ва бир мунча тула кимматли регенерат хосил булишини таъминлайди. Жисмоний машкнинг трофик таъсири регенератив ёки кампенсатор гипертрофия куринишида намоён булади. Регенератсион гипертрофия тукима элементларининг бирмунча интенсив физалогик реаксиялари куринишида намоён булади. Масалан, оёклари травматик жарохатланган bemorларда мушак юкламаси машклари маълум мушакларда нерв трофик фаолиятини оширади, РНК – оксил системасини фаоллайди, оксил синтезини кучайтириб, парчаланишини сусайтиради, липидлар ва углеводлар утилизатсияси кучайиши хисобига аероб ва анаероб энзиматик системалар қувватини оширади. Найсимон сужкларда функционал юкламанинг ортиши деформатсия зонасидаги микротиркулатсияни ошириб сужк хосил булиши жараёнларини кучайтиради.

Турли хил умуртқа остеохондрози синдромларида, сколиозларда ва бошка касалликларда мушак таранглиги пасаяди. Шунда жисмоний машкларнинг трофик таъсири яхши самара беради. Остеохондрозда мушак таранглашиши қон билан таъминланишининг бузилиши, нерв шохларининг эзилиши билан бирга кечади. Мусқул гурух-ларига бушаштирувчи таъсир курсатувчи машклар микротиркулатсияни яхшилади, нерв томир хосилларининг эзилишини камайтиради. Марказий ва периферик нерв системаси касалликларида мушаклар функцияси пасайиши қонтрактура ёки бугимлар харакатчанлиги бузилишига олиб келади. Бугимларда узок вақт фаол харакатнинг булмаслиги уларда иккиласми узгаришларга олиб келади. Махсус жисмоний харакатларни бажариш жараённида бугимлар атроф тукимасида қон ва лимфа айланиши яхшиланади, харакатчанлик ортади. Бу уз навбатида қул ва оёклар фаолиятини тулик тикланишига олиб келади.

Компенсатсиянинг шаклланиши.

Компенсатсия бу бузилган функцияни вақтинча ёки доимий тулдриб туриш. Масалан, унг қул травматик шикастланганда bemor хар –хил майший оператсияларда чап қулини ишлата бошлайди. Бу тезкор компенсатсия булиб

экстремал ҳолатларда юзага келади, лекин бу тулик эмасдир. Кейинчалик жисмоний машклар билан шугулланиш ва бош мияда янги структур мустахкамланган вақтингачалик болганишилар шаклланиши натижасида узок вақтли компенсатсияни таъминловчи усууллар ривожланади

Бу принциплар турли органлар жарохатланганда компенсатор жараёнлар учун қулланиш мумкин. Масалан оёклар шикастланиши натижасида мувозанат ва юриш бузилади. Бу жараён асосида вестибуляр аппаратдан мушаклар проприоретсепторларидан оёклар ва тана ретсепторларидан хамда курув ретсепторларидан сигнализатсиянинг бузилганлиги ётади. (дефект сигнализатсияси принсиби) МНС да бу ахборотни кайта ишлаш натижасида

харакат марказлари ва мушак гурухлари функциялари шундай узгарадики улар мувозанатни маълум даражада тиклаш ва юришни узгарган ҳолатида булсада саклаб колишга каратилади. Дефект ҳақидаги сигнализатсиянинг бузилиши даражаси ортиб бориши мобайнида МНС нинг янги соҳалари хам компенсатор жараёнларига кушилиб кетади. (компенсатор механизмлар мобилизатсиясининг ривожланиши принсиби). Келгусида эффектив компенсатсия ёки жарохат бутунлай бартараф булганида нерв системасининг олий булимига киравчи эфферент импулслари окишини узгариши мумкин. Шунга мос равишда аввал компенсатор фаолиятда катнашмаётган маълум функционал тизими қисми учиши мумкин янги –янги копонентлар фаолияти изига тушиши мумкин (бузилган фаолияти тикланиши кайта афферентатсияланиш принсиби). Жисмоний машк билан мунтазам шугулланишдан сунг етарли стабил анатомик дефектининг сакланиши асосида вақтингача болганишилар стабил комбинатсияси ва оптимал компенсатсияси таъминланади, яъни бу жарохатда минимал оксоклик юзага келади. (афферентатсиянинг санксционланиш принсиби). Компенсатор механизмларнинг узок вақт шугулланиши (таёклар ёрдамида юриш, мустакил юриш). Бузилган ёки юкотилган функцияларни маълум даражада тикланишини таъминлаш мумкин. Лекин кейинги мураккаб рефлектор механизимлар такомилланишувидан булар маълум узгаришларга олиб келмайди, яъни компенсатсиянинг стабилизатсияси келиб чикади. (компенсатор мосланишининг нисбий стабилизатсияси принсиби).

Патологик узгарган функциялар нормаллашуви ва организм фаолияти бутунлигининг тикланиши. ДЖТ – бу патологик жараёнларни юкотиш учун мослашув, химоя ва компенсатор механизмларнинг тугри шакилланишини таъминловчи терапиядир. Харакат функциясининг тикланиш билан биргаликда саломатлик хам сакланади. Функционал бузилишлари

тикланишининг муҳим юли проприоретсепторларга таъсир этишнинг ундан импулсатсия МНС га кириб, умумий тонусни ошрувчи таъсир этади.

Жисмоний машқ алоҳида холларда физиологик функцияларга симптоматик таъсир курсатади. Масалан, маълум нафас машқлари харакат - пулмонал рефлекслар механизми буйича бронхларнинг дренаж функциясини ораллаб, балгамнинг осон кушини таъминлаш мумкин.

Қон айланишининг ёшга ҳос ҳусусиятлари

Бола туғилган кундан бошлаб, юраги усиб, вазни орта боради ва функцияси узгаради. Бу жараён бола ҳаётанинг биринчи йилида, қисман боғча ёшида ва жинсий балоғат ёшида жуда тез содир булади. Юрек қонус шаклидаги мусқулли орган. У ташқи сероз-епикард, урта мусқул-миокард ва ички ясси эпителий - эндокард каватдан иборат. Эпикард юрак ҳалтасига тулашиб кетган. Юрекнинг унг ва чап булмалари бор. Унг булмага танадан келадиган вена томирлари чап булмага упкадан келадиган упка веналари қўйилади.

Юракнинг ҳар бир булмаси булмача ва қоринчалардан ташкил топган. Шундай қилиб, юракда иккита юрак булмаси ва иккита юрак қоринчаси бор. Янги туғилган боланинг юраги 30 г, 5 ёшда 100 г, 10 ёшда 185 г, 15 ёшда 250 г, катта одамда 300- 350 г булади.

Бир ёшда юракнинг вазни янги туғилган чақалокниги нисбатан 2 марта, 3 ёшда 3 марта, 5 ёшда 4 марта, 10 ёшда 6 марта, 16 ёшда 11 марта ортади. Бу ортиш асосан чап қори деворининг қатимлашуви ҳисобига булади. Боланинг ёши ортиши билан юракнинг ҳажми ҳам ортиб боради: 1 ёшнинг оҳирида юракнинг ҳажми 42 см^3 ; 7 ёшда 90 см^3 , 14 эшда 130 см^3 катта одамда эса 2.80 см^3 ни ташкил этади.

Юракнинг асосий иши қонни қон томирларга бос остида ҳайдаб беришdir. Қон артерия томирлари орқали юракдан чиқади, вена томирлари орқали юракка қўйилади. Чап қоринчадан чиқаёттан упка артерияси билан юрак қоринчалари орасида ярим ойсимон қопқоқлар (клапанлар) бор. Бу қопқоқлар факат бир томонга очилади. Булмачалар билан қоринчалар уртасидаги чодирсимон копқок ҳам бир томонга очилади. Чап қоринча аортага қон чиқариб бераётганда, босим 130-150 мм симоб устунига кутирилади унг қоринчада эса 15- 30 мм симоб устунига тенглашади. Янги туғилган боланинг юраги минутига 120-140, 1-2 ёшда 110-120, 5 ёшда 95-100, 30-14 ёшда 75-90, 15-18 ёшда 65-75 марта кисқаради ва ҳоқазо. Юрек бир марта қискарганда қон томирларга ҳайдаб чиқарган қон микдори юракнинг

истолик ҳажми дейилади. Урта ҳисоб у янги туғилган болада $2,5 \text{ см}^3$ ни, 1 ёшда 10 см^3 , 5 ёшда 20 т ни, 1,5 ёшда $40-60 \text{ см}^3$ ни, катта одамда $65-75 \text{ см}^3$ ни ташкил этади.

Юрак бир минутда қон томирларга ҳайдаган қон микдори юракнинг минутлик ҳажми дейилади. Янги туғилган болада бу 350 см^3 га, 1 ёшда 1250 см^3 га, 5 ёшда $1800-2400 \text{ см}^3$ га, эшда $2500-2700 \text{ см}^3$ га, 15 ёшда $3500-3800 \text{ см}^3$ га, катта одамда $3500-400 \text{ см}^3$ га тенг булади.

Нерв системаси фақат тирик организмларга хос булиб, турлича тузилган ва мурахкаблик даражаси ҳам ҳар хил. Нерв системаси одам организмининг барча туқималари ва органларининг узаро алоқасини ва бир бутун булиб ҳаракат қилишини ташинлайди. Унинг ёрдамида турли-туман таъсир идрок этилади ва анализ қилинади, ташқи ва ички мухитдаги узгаришларга кура жавоб реактсиялари шаклланади, яъни организмнг уз-узини идора қилиши ва мослашуви жараёнлари боради.

Нерв системаси органлар ва туқималарга турли моддалар ёрдамида қон орқали таъсир қиласиган гуморал система билан узаро боғлиқ ҳолда ишлайди. Бироқ нерв механизми бирмунча такомиллашган ҳисобланади, чунки таассурот нерв толалари буйлаб фақат муайян органларга катта тезлик билан тушади.

Бутун нерв системасини тузилиши жиҳатидан марказий ва периферик системаларга булиш мумкин. Марказий нерв системасига бош ва орқа мия, периферик нерв системасига соматик ва вегетатив нерв системаси киради. Бош мия калла қутиси ичида, орқа мия умуртқа погонасининг орқа мия каналида булади. Периферик нерв системаси марказий нерв системаси билан барча органлар ва туқималарда буладиган ресепторлар ва эфекторлар орқали боғланиб туради.

Нерв туқимаси нейрон деб аталадиган ҳужайралардан ташкил топган. Улар танадан ва иккита тармоқ (усик)- дентритлар билан аксонлардан ташкил топган булиб, узаро ва турли органларнинг туқималари ёрдамида бирикади. Нейроннинг асосий функцияси ахборотни қабул қилиш ва уни нерв импульслари куринишида узатишdir. Ахборот ҳужайрага дендритлар орқали келади.

Аксон-узун усимта булиб, у ҳам тармоқланиши мумкин, унда ён ва охирги усимталар ҳосил булади. Аксон қузғалишни нейрон танасидан бошқа ҳужайраларига ёки туқималарга утказишга мослашган, узунлиги 1 м га яқин булиши мумкин.

Агар аксон атрофдаги туқималар ва бошқа нерв толаларининг электрхимиявий таъсиридан ҳимоя қиласидиган миelin парда билан уралган булса, нерв импульсини утказиш тезлиги ортади. Ҳамма сезувчи ва харакатланувчан нерв толалари, шунингдек, вегетатив толаларнинг бир қисми ҳам шундай парда билан уралган. Куп сонли аксонлардан нерв толалари ва нерв системасининг утказувчи йуллари шаклланади. Ҳар бир усимта синапс номини олган қоплама билан тугалланади. У нерв импульсини бир нейрондан иккинчисига ёки бирор туқимага утказишни таъминлайдиган физиологик актив моддалари булган пуфакчалар -медиаторлар билан тулган булади. Шундай қилиб, нерв системаси буйлаб ахборот утказиш электр ва химиявий табиатга эга. Агар нейроннинг танаси шикастланса, аксон ва дендритлар нобуд булади, агар у сакланиб қолса, унда янги усимталар хосил қиласиди.

Ҳаёт мобайнида нейрон усимталари тармоғининг сони узгариши мүмкінлиги аникланган, шу туфайли бош мия усади ва ривожланади. Этилган нерв ҳужайраси булинишига ва узи сингари вақтида шаклланадиган 10-14 млрд нейрон кейин бир дона ҳам қупаймайди. Бу таркибий қисмлар 5-7 ёшли болада, айниқса жадал усади. Шунга мувофиқ, нейронларнинг синаптик боғлари сони ҳам ортади. Мутахассисларнинг кузатишларига қараганда, нерв ҳужайраси юзасининг тахминан 80% синанслар билан копланиши мүмкін ва уларнинг микдори нейрон боғларидан далолат беради. Турли нерв ҳужайраларида уларнинг сони узгариб туради ва нейронларнинг функцисонал иши микдорига боғлиқ булади. Масалан, туғилишдан бошлаб, соғлом ҳайвонлар тажриба тариқасида мутлақо қоронғида боқилса, уларда нейронларнинг бош мия куриш маркази билан синоптик алоқалари ривожламайди, ёруғлик ахбороти қабул қилинмайди ва қайта ишланмайди. Натижада куриш органининг барча структура элементлари булишига қарамай, хайгонларнинг кузи курмаган.

Нерв тукимаси ҳужайраларининг айрим узига хос кузғалувчанлик ва утказувчанлик хоссалари бор. Қузғалувчанлик ташқи мухитдаги узгаришларни қабул қилиш ва уларга қузғалиш реактсияси билан жавоб бериш хусусиятидан иборат. Нерв ҳужайралари ва бошқа айрим ҳужайралар, масалан, мұсқул ҳужайраларининг кузғалувчанлиги айниқса юксак ва улар таъсирга тез жавоб беришга мослашган. Бунга утказувчанлик хоссаси, яъни тукиманинг қузғалишни утказиш қобилияти туфайли эришилади.

Күзгалувчанлик ва утказувчанлик хоссалари мембронада ва хужайралар ичида буладиган қатор биохимиявий, физик ва электр ҳодисалари билан боғлиқ ва шулар туфайли амалга оширилади.

Марказдан қочувчи, марказга интилевчи ва аралаш нерв толалари мавжуд. Марказга интилевчи нервлар қузғалишни ретсепторлардан марказий нерв системасига утказади ва улар сезувчи, яъни марказга интилевчи нервлар дейилади. Марказдан қочувчи нерв толалари буйлаб импульс марказий нерв системасидан периферияга, ишчи органларга-еффекторларга келади. Бу толлар яна ҳарақат толалари ҳам дейилади. Аралаш нервларда толаларнинг иққала тури ҳам булади.

Дендритлар ахборотни бошқа нерв хужайраларидан ёки одам танаси юзасида, шунингдек, ички органларнинг түқималарида жойлашган мувофиқлашган сезувчи хужайралар-ретсепторлардан олади. Редепторда вужудга келган қузғаниш жараёни сезувчи нейрон буйлаб марказий нерв системасига тарқалади, у эрда ҳарақат нейронига утади ва у буйлаб эфекторга бориб этади ҳамда түқима типининг қандайлигига қура, муайян реакция куринишида тугалланади. Бу, масалан, мусқуллар қисқариши, бирор безнинг секретсияси кабиларда юзага чиқиши мумкин. Тасвиранган нерв структураси рефлектор ёй деб аталади, ташки ёки ички мухитдан марказий нерв системаси иштирокида буладиган таъсирга организмнинг жавоб реакцияси эса рефлекс дейилади. Рефлектор ёйлар иккита ва ундан куп нейронлардан иборат булиши ва улардаги қузғалиш фақат бир йуналишда утказилиши мумкин. **Эндокрин системани текшириш Тренировка машғулотлари ва мусобақалар жараёнида тиббий педагогик назорат**

Спортчиларни комплекс кўриқдан ўтказишида кейинги йилларда эндокрин системани текшириш тобора катта ўрин эгалламоқда. Бу система модда алмашинувини умумий тартибга солинишида аҳамиятли бўғин. Модда алмашинуви организмда рўй берадиган барча биологик жараёнларини асоси ҳисобланади.

Эндокрин система қуидаги безлардан иборатdir: қалқон-симон, қўшқалқонсимон, бўқоқсимон, гипофиз, эпифиз, буйрак усти бези, меъда ости ҳамда жинсий безлар ҳисобланади. Бу безларининг гормонлари кичик дозаларда ҳарақат қиласи, фермент ва витаминалар билан биргаликда биокатализаторлар туркумига тегишли бўлади.

Қалқонсимон без функциясини текшириш. Спортчиларда эндокрин системасининг четга чиқиши аксарият ҳолларда қалқонсимон безнинг

гиперфункцияси билан қайд этилади (Базедов касаллиги). Бу ҳолни ўта кўп шуғулланишдан фарқ қилиш гоҳида қийин бўлади. Чунки бу ҳолатларнинг дастлабки белгилари бир-бирига ўхшашидир. Бу ҳолларда анамнез маълумотлар тўплашда асабийлик, кайфиятнинг тез ўзгариши, тахикар-дия, бирмунча юқори толиққанлик, тез терлаш, оғирликни йўқотиш ҳароратнинг субфебриль (37,1-37,2) бўлишига шикоятлар билдирилади.

Кўриқдан ўтказиш давомида қалқонсимон безнинг катта-лашганлигини, айниқса ютишда, кўз чақчайиши, кўзнииг нотабиий ялтираши, терлаш сингари ҳолатлар яққол қўзга ташланади. Қалқонсимон без ажратиб чиқарадиган гормон-тироксин, ачитиш жараёнини бошқарар экан, модда алмашинувининг турларини тартибга солишида қатнашади, қалқонсимон без функционал ҳолатини баҳолашда асосий усул асосий алмаши-нувини – киши тўла тинч ҳолатида сарфлайдиган қувват миқдорини аниқлаш ҳисобланади. Қалқонсимон безлар чиқара-ётган тироксин кўпайиши ёки камайиши асосий алмашинувининг кўпайиши ёки пасайишига тегишли таъсир кўрсатиши ҳисоб-ланади. Килокалорияларда ифода қилинган асосий амашинув катталиги нормада Гаррис-Бенедик таблицаси бўйича ҳисоб-китоб қилинган лозим катталик билан қиёслаганда 10% атрофида бўлади. Асосий алмашинувининг 10% га ортиши қалқонсимон безнинг гиперфункциясидан, 10% дан камайиши эса гипофунк-циясидан далолат беради. Қалқонсимон безнинг функцияси тўғрисида шунингдек, унинг радиоактив йодни ютишига қараб ҳам хuloscha чиқариш мумкин. Қалқонсимон без функциясининг бирмунча ошганлиги ҳолатида 24 соатдан кейин киритилган йоднинг 25 фоиздан кўпроғи унда тутиб колинади.

Буйрак усти безларининг функцияларини текшириш

Буйрак усти безларнинг ички сектор фаолияги организмга кўп томонлама таъсир кўрсатади. Буйрак усти безларининг мия моддалари специфик гормонлар (хусусан адреналин) чиқариб ички секреция безлари ва нерв системаси ўртасида алоқани амалга оширади. Улар углевод алмашинуви тартибга солинишида қатнашиб йирик қон томирлари ва юрак мускуллари активлигини тутиб туради. Буйрак усти безларининг мия қобигига ўхшаш моддалари организм бутун ҳаётий фаолиятида муҳим роль ўйнайдиган альдестерон, глюкокортикоид ва бошқа гормонларни ажратиб чиқаради, ҳамда минерал, углевод оқсил алмашинуvida организмда гуморал ва трофиқ жараёнлар тартибга туширилишида қатнашади. Кучли мускул иши таъсири остида буйрак усти безларининг мия, шунингдек, қобик қатлами функциялари кучайиши рўй беради. Уларнинг даражасига кўра, спортчи организмига зўри-қишининг таъсири тўғрисида хulosага келиш мумкин. Кўп шуғулланган спортчиларда уларнинг тайёргарлик даражасига мос келувчи

зўриқишилардан кейин буйрак усти безлари мия, шунингдек, қобиқ функциялари қисман ошиши қайд этилади. Уларни текширишнинг маҳсус методлари балан аниқлаш мумкин Ҳаддан ташқари зўриқиши ҳолларида буйрак усти безлари гормонал функцияси зўриқиши рўй беради. Бу специфик гормонлар ажралиши камайишида намоён бўлади. Бунда минерал ва сув алмашинуви ўзгариши – қоннинг зардоларида натрий даражаси пасайиши ҳамда калий миқдори ортиши кузатилади. Эндокрин системани текширишнинг турли методларини қўллаш спорт медицинасида ҳамон етарли даражада йўлга қўйилгани йўқ.

Овқат ҳазм қилиш системасини текшириш Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз бўшлиғи лаблар ва тил, овқат йўли, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, ингичка ва йўғон ичак, жигар, ўт пуфаги, ошқозон ости бези ва бошқаларни ўз ичига олади.

Спортчиларда овқат ҳазм қилиш системаси текширили-шининг методикаси одатдаги клиник текшириш билан қиёслаганда қандайдир ўзига хосликка эга эмас. Бу текширишнинг вазифаси овқат ҳазм қилиш системаси функционал ҳолатини аниқлаш ҳамда ўз вақтида даволаш мақсадида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларни олдиндан билишдан иборатдир. Кўриқдан ўтка-зишда овқат ҳазм қилиш системаси заарланиши учун характерли шикоятлар бор-йўқлиги аниқланади (диспепсик шикоятлар). Машғулотлар давомида юзага келиши мумкин бўлган ўнг қовурға ости, курак ости ҳамда қорин доирасида оғриқ, оғирлик йўқлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, спортчи тўғри овқатланадими, овқатланиш режимига риоя қиласиди, сингари саволлар аниқланади. Пальпация, яъни бармоқлар билан ушлаб кўриш йўли билан ошқозон жигар, ўт пуфаги, ичаклар доирасида касалликлар бор йўқлигини аниқланади. Агар спортчиди овқат ҳазм қилиш системасидан шикоятлар бўлмаса, ҳамда бармоқ билан текширишда хеч қандай ўзгаришлар маълум бўлмаса, у ҳолда текшириш шу билан якунланади. Айрим ҳолларда ошқозон, жигар, ўт пуфаги, секретор ва мотор функцияси ҳолатини аниқлашда маҳсус текширишлар ўтказиш зарур бўлади. Ошқозон секретор функциясини текшириш зоналаштириш ёрдамида ўтказилади. Агар умумий кислоталик 60-70 бирликни ташкил этса, эркин кислота миқдори 20-40 ташкил этса, секретор функция нормал ҳисобланади. Ошқозоннинг ферментатив активлигини баҳолашда пепсин (овқатдаги оқсилларни эритадиган ҳазм қилишга ёрдам берадиган меъда сувининг ферменти) билан синов ўтказилади. Ошқозон шарбати солинган пробиркага товуқ оқсили бўлакчasi солинади, у нормада икки соатдан кейин ҳазм қилинади. Спортчи жигар соҳасидаги оғриққа шикоят қилса, дуоденал зоналаштириш ўтказилади. Бундай текширишда уч порция сафро олинади А – ўн икки

бармоқли ичакдан, В – бевосита ўт пуфагидан, С – жигар йўлларидан. Микроскопик текширишлар ёрдамида шамоллаш меъёрини зааркунандаларни (лямблияларни) тушган тузлар (холестерин) ва шу кабиларни билиш мумкин. Ошқозон мотор функциясини аниқлаш ҳамда унда морфо-логик ўзгаришларни билиш учун рентгент текшириш – рентгеноскопия, ҳамда ошқозон рентгенография қилишдан фойдаланилади. Рентгент текширувлари, шунингдек ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги яраларни, ўсмаларни ҳамда бошқа нарсаларни аниқлашда ёрдам беради. Ошқозон-ичак тракти, қон системаси, шунингдек организм умумий ишchanлик қобилияти мослашувида турли патологик ўзгаришларга норационал, бирмунча кам, ҳамда маълум тартибга кўра жисмоний зўриқиши даражасини ҳисобга олмаган ҳолда овқатланиш олиб келиши мумкин. Шунинг учун спортчилар овқатланишини системали назорат қилиш зарур. Овқатланиш спортчи фаолияти натижасида сарф бўлган куч-қувват ўрнини тўла қоплаши лозим. Яъни овқатланишнинг бир кеча кундуздаги калориясининг куч-қувватини, бир кеча-кундузда сарфлангани катталигига мос бўлиши лозим. Спортчиларнинг овқатлари сифат жиҳатидан тўла қонли бўлиши талаб этилади. Бунга оқсилилар, ёғлар, углевод ва витаминлар тўғри мутаносиблиги натижасида эришилади. Бир кеча-кундуз давомида истъемол қилинадиган оқсилиларнинг миқдори тана вазнининг ҳар бир килограммига 2-2,5 граммни ташкил этиши лозим. Оғир машғулотлардан кейин тана оғирлигининг ҳар бир килограммига оқсили миқдорини 2,5 граммдан бир мунча кўпайтириш мумкин. Бу кучни яхшироқ қайта тиклаш учун зарур. Овқатланиш рационидаги ёғларнинг асосий (80-85%) қисмини ҳайвонлар ёғи ташкил этиши лозим. Бир кеча-кундузда 15% дан кам бўлмаган миқдорда ўсимлик ёғларини истъемол қилиш талаб этилади. Овқатнинг углевод қисмининг 64% крахмал ва 35% ини конфет, киём сингари ширинликлар билан бирга бирмунча оддий қандлар ташкил этиши, бу ўринда қанднинг маълум бир қисмини асал билан алмаштириш мумкин. Спортчиларнинг овқатлари витаминларга бой бўлиши муҳимдир. Чунки спорт билан шуғулланиш натижасида уларга бўлган талаб ортади. Шунингдек, электролитлар (калий, натрий, магний ва бошқалар) қўплаб истъемол қилиниши лозим. Буларга ҳозирги вақтда катта аҳамият берилмоқда. Бу электролит ёки микроэлементлар ҳар қандай овқат таркибида бўлади, зарур ҳолларда уларнинг овқатларига махсус дори-дармонлар (калий хлорли эритмаси, панангин) сифатида қўшиб истъемол қилиш мумкин. Спорт машғулотлари овқатланишдан сўнг 2-3 соат ўтгач бошланиши лозим. Мусобақалар олдидан улар бошланишидан 3,5 соат олдин овқатланиш

мақсадга мувофиқдир. Тренировкадан ёки мусобақалар тугагандан сүнг 30-40 минут ўтмагунга қадар овқатланмаган мақсадга мувофиқдир.

Ажратиш системаларни текшириш

Ажратиш системалари органларига буйрак ва сийдик йўллари киради. Улар ўз навбатида сийдик ажратиш, сийдик пуфаги ҳамда сийдик йўлидан иборатdir. Буйраклар иккита аъзодан иборатdir. Улар орқали организмда ҳосил бўладиган “шлак”лар қон орқали чиқиб кетади. Уларни тутиб қолиш оғир касалликларга олиб келади. Жисмоний машқлар давомида моддалар алмашинуви сезиларли ортади, организмдан чиқишини талаб қиласидиган “шлак”лар миқдори ҳам қўпаяди, буйракка тушадиган юклама каттароқ бўлади. Ажратиш системасини текшириш методлари қуидаги-лардан иборатdir: анамнез, қўриқдан ўтказиш, пальпация, сийдикни текшириш. Анамнез – врач сўраш давомида спортсменда сийдик ажратиш системасига шикоят бор-йўқлигини, сийдик чиқариш билан боғлиқ оғриқлар, белда оғриқлар, шунингдек, кўз остида қандай шишлар бор-йўқлигини аниқлайди. Илгари буйрак касаллиги бўлган бўлмаганлигини ҳам аниқлайди. Врач қўригидан ўтказаётганда буйрак сурункали шамоллаши билан оғриган текширилувчиларга хос кескин рангпарлик ва шишганликка эътиборни қаратади. Қорин бўшлигини текшириш давомида буйрак касаллиги борлиги, сийдик чиқариш йўли ва сийдик пуфаги ҳудудида касалликларнинг борлиги аниқланади. Буйрак лоханкаси (жоми) ва сийдик найи касалликларида белга бармоқ билан уриб қўрилганда оғриқ сезилади (Пастернацкий симптоми). Сийдикни текшириш мажбурий ҳисобланади, нормал сийдик тиник бўлиб, ачиған реакция беради. Унинг ранги турли хил пигментларга боғлиқ бўлади. Бир кеча-кундуздаги сийдик миқдори нормада 1500 мл ни ташкил этади. Унинг химиявий таркиби номунтазам бўлиб, қатор шароитларга, асосан овқатланиш хусусиятига боғлиқ бўлади. Химиявий моддалар концентрациясига боғлиқ ҳолда унинг солишишима оғирлиги ўзгаради. Бу оғирлик нормада 1015-1020 ни ташкил этади. Сийдикда оқсиллар ва қанд миқдорини аниқлаш бирмунча катта аҳамиятга эга. Соғлом кишиларда уларнинг миқдори у қадар сезиларли бўлмайди. Айrim ҳолларда соғлом кишиларда жисмоний зўриқишилардан кейин сийдикда патологик ўзгаришлар рўй беради: оқсиллар, эритроцитлар ва цилиндрлар пайдо бўлади. Бу буйракдан қон чиқиши кескин камайиши ва буйрак кортикал қатлами ишемияси билан изоҳланади. Одатда сийдик қуилишининг нормаллашуви 24 соатдан кейин рўй беради. Ўта катта зўриқишилардан кейин ўзгаришлар 48, хатто 72 соатга қадар сақланиб қолиши мумкин. Ҳамма ҳолларда, яъни сийдикдаги ўзгаришлар бирмунча узоқ давом этадиган бўлса, ажратувчи системани маҳсус текшириш талаб этилади.

Назорат саволлари:

- 1.Юрак қон томир тизими тузилаши?
- 2.Қоннинг шаклли элементлари?
- 3.Эндокрин тизими ва касалликлари

22 Мавзу: Масажнинг физиологик ва гигиеник асослари ҳамда спорт шикастланишларида қўлланиш хусусиятлари

Режа:

- 1.Массаж ва унинг мохияти .
- 2.Масаж ва унинг турлари
- 3.Шифобахш масаж ва шикастланишда уни қуллаш

Таянч сўзлар: Массаж, шифобахш массаж

Массаж (арабча сўз бўлиб “қўл текизмоқ” демакдир) – даволаш усули. Массажда кўпгина тизим ва органларга механик ва рефлектор таъсир кўрсатилади. Массажнинг физиологик таъсирида нерв тизими маълум рол ўйнайди. Массаж қилинадиган жой массаж таъсирининг характеристи кучли ва қанча давом етишига қараб, бош мия пўстлоғининг функционал холати ўзгаради. Умумий нерв қўзғалувчанлиги пасаяди ёки ошади. Спорт массажи. Унинг мақсади организмнинг функционал имкониятларини ошириш ва спортчида чарчаш аломатларини бартараф етишдан иборатdir. Ундан (кўпинча ўз-ўзини массаж қилиб) спортчилар чиникишдан олдин чигал ёзди (разминка) машқларини қилишда ҳамда чарчаганда фойдаланади. Ишни бажариш тартиби: Енг аввало массажга bemорни тайёрлаш керак. Массаж яхши бўлиши учун массаж қилувчи ёки уқаловчи анатомия ва физиологияни яхши билиши керак. Ва ундан ташқари массаж қилиш хақида яхши тушунчага ега бўлиши керак. Массажнинг умумий методикаси ва техникаси мавжуд бўлиб, уларга: силаш, ишқалаш, қоқиш, титратишлар асосийлидир. Массажнинг усулларининг тартиби: массаж умумий ва маҳаллий бўлади. умумий массажда бутун гавда, маҳаллий массажда гавданинг айrim қисмларини массаж қилинади. Ҳар бир массаж усуллари маълум тартибда олиб борилади. Массаж силашдан бошланади, кейин ишқалашга ўтилади, сўнгра уқалаш, қоқиш ва яна силаш билан тугалланади. Одатда, умумий массаж қўл-оёқни массаж қилишдан бошланади. Массаж қилинувчи киши чалқанча ётади. Массаж куйидаги тартибда олиб борилади: оёқ панжаси, болдир, ҳар иккала сон, сўнгра қўл панжаси, билак, ўнг ва чап елка ва ниҳоят

кўқрак. Шундан кейин массаж қилинувчи киши қорнини ерга бериб ётади. Унинг оёқ панжаси, болдири, сони, ҳар иккала думба соҳаси, сўнгра орқаси массаж қилинади. Умумий массаж қоринни сал силаш билан тугалланади. Бўғимлар массажи силаш ва секин ҳаракатлар қилиш билан чегараланади. Массажни одатда, кунига бир марта қилинади. Массаж қилиш муддати хархал бўлади. Оёқкўлларнинг чекланган қисмлари (қўл панжаси, бита бўғим, билак, болдир) 8-10 минут, қорин 20 минут массаж қилинади. Умумий массажга 40-60 минут вақт кетади. Массаж билан даволаш курси касалликка ва унинг қай тариқа ўтишига боғлиқ. 106 Умумий массажни овқатдан бир-икки соат олдин ёки овқатлангандан бир-икки соат кейин массаж қилинади. Массажнинг умумий техникаси ва методикаси. Массажнинг кўпгина усуллари бор, булардан: силаш, уқалаш, ишқалаш, қоқиш, титратиш асосий усуллар хисобланади. Бу усуллар физиологик та'сирнинг у ёки бу хусусиятлари билан фарқланиб, массаждан кутилаётган мақсадга қараб қўлланилади. А).Силаш. Оддий усулда икки кул орасига олиб, силаш тафовут қилинади. Оддий усулда силашда қўл панжасини сал теккизиб туриб тери устида силанади. Бунда бармоқ ёки булмаса бутун кафт билан силайверилади. Иккала қўл орасига олиб силашда массаж қилинаётган соҳанинг катта-кичиклигига ва шаклига қараб иккита бармоқ ёки бутун кафт билан силаб борилади. Силаш вақтида ба'зидан бадан босилади, бу босим чуқуроқда ётган тўқималарга та'сир кўрсатади. Тақасимон массаж деб аталадиган массаж ҳам силашга киради, массажнинг бу хиллари зич фасция билан қопланган мускул группалари бор жойлар (одамнинг орқаси, сон, болдирининг олд юзаси) массаж қилинади. Массаж қилинадиган жой мушт қилиб қисилган қўл панжасининг орқа юзаси билан силаб борилади. Мушт қилинган панжа аста – секин ёзила боради. Одатда лимфа ва вена томирлари бўйлаб силанади. Массаж қилинадиган жойларда шиш бўлса ёки қон димланиб қолган бўлса, умумий силашни устки қисмлардан бошлаш, кейин еса шикастланган соҳани силашга ўтиш керак. Силаш веналарида қоннинг лимфа ва тўқималараро суюқликнинг юришига ёрдам беради. Массаж қилинадиган жой охиста ва бир маромда бир неча марта, муолажанинг ўртасига келганда бир неча марта тез ва шиддатлироқ силанади. Массажнинг хамма турлари силаш билан бошланади ва силаш билан тугатилади. Б).Ишқалаш. Юза ва қаттиқ ишқалаш тафовут қилинади. Юза ишқалаш бир ёки бир неча бармоқнинг гўшти билан бажарилади. Бош бармоқ таянч бўлиб хизмат қиласи, бироқ ба'зи ҳолларда ишқалаш учун ҳам шу бармоқдан фойдаланилади. Қорин ва орқа кафт билан ишқаланади. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи бармоқлар асосий ёки ўрта фалангаларнинг орқа юзаси бир қўл мушти билан ишқалаш усулидан фойдаланилади. Кўпинча иккала қўл билан

ишқаланилади. Ишқалашда патологик ўчоқ атрофидаги тўқималар соҳасидан бошлаб, астасекин ўчоқнинг ўзига ўтилади. Юза ишқалаш массаж қилинаётган тўқималарда қон айланишни кучайтиради. Бу патологик ўзгаришларнинг сурилиб кетишини тезлаштиради. Тўқималарнинг харакатчанлиги ошириб, оғриқни камайтиради. Юза ишқалаш билан бирга гоҳ ишқалаб, гоҳ силаб турилади. Қаттиқ ишқалашда ўнг қўлнинг бош бармоғи массаж қилинадиган жойни босиб туради. Кўрсаткич бармоқ билан ўрта бармоқ еса сал-сал доирасимон ёки еллипсимон харакатлар қилиб аста секин қаттикроқ ботирила борилади айни вақтда тери ишқалаётган бармоқлар билан бирга сурилади. Битта бармоқ билан хам ишқаласа бўлади. Тўқималарга қаттикроқ та`сир кўрсатиш учун мушт қилинган қўл панжасининг орқа томони билан массаж қилинади. Лимфа оқимининг қарама қарисига қараб ишқалаш ва иккинчи қўл билан силаб бориш мумкин. Қаттиқ ишқалаганда оҳиста харакат қилинади. Қаттиқ ишқалашдан мақсад битишича чандиқларни юмшатиш ва тўқималарни мулоийм қилишdir. Гемотомалар екссудатлар ёки транссудатларда ишқалаш буюрилади лекин бундай кассаликниинг ўткир даври бутунлай ўтиб кетган бўлиши шарт акс холда процесс янгидан қўзиши мумкин. В). Уқалаш. Уқалашдан мақсад мускул тўқимасига та`сир кўрсатишdir. Уқалаш пайтида массаж қилинаётган одамнинг кўли ишқалашдагиги қарши ўлароқ баданда сирғанишдан ташқари терига босилади ва чуқурроқда ётган тўқима қатламларини суруб тортади. Бир ёки иккала қўл панжаси ба`зи ҳолларда еса иккита бармоқ билан уқалаш мумкин. Иккила қўл билан уқалаганда қўл панжалари массаж қилинадиган жойга, бир-бирига қийшиқ бурчак остида қуйилади. Бунда бош бармоқлар массаж қилинадиган мускулларни бир томонида, қолганлари еса бошқа томонида туриш керак. Айни вақтда массаж қилинаётган тўқималар оҳиста кўтарилади, босилади ва гўё сиқилгандек бўлади. Қаттиқ сиқилган қўл панжасини соат стрелка ё`налишининг аксига қараб оҳиста айлантириб, барча мускул ва мускуллар группаси уқаланади. Қўл массаж қилинадиган бўлса (қўл 107 безиллаб турганда, шишиб кетганда) ишқалаш турларидан бири ағдаришдан кўп фойдаланилади. Бу усул бармоқларни ёзган холда қўл кафтлари билан бажарилади, бармоқларни қарама-қарши томонга юргазиб, тўқималар гўё езгиланади. Мускуллар харакатчанлигини ошириш учун иккала қўл билан кундалигига уқалаш усулидан фойдаланилади. Бунда гавданинг массаж қилинадиган қисми массажистка нисбатан кундаланг ё`налишда туради. Г). Қоқиши. Қоқиши жимжалоқнинг ён томони қўл панжасининг ён томони, букилган бармоқларнинг орқа томони, юмилган холдаги панжа ёки очилган панжа кафти билан бир ме`ерда бериладиган зарбалардан иборатdir. Бу

усулларнинг хар бирида хам панжа билан кафт усти бўғинда еркин харакат қилиш, у массаж қилаётган жой юзасидан 100 см.дан ортиқ юқорига кўттармаслиги керак. Бир минутда бериладиган зарбалар сони 160-200 та улар тезлиги ошган сари, кучи камайиб боради. Бўғимлардаги харакат мулойим бўлиши керак. Зарбалар вақтида массаж қилувчининг қўли тик ёки сал қия туриши мумкин. Кенг холда зарба анча енгил бўлади. Жимжалоқнинг тирсак томони билан қоқлади . Панжа юмилиб мушт холда тушиши керак . Асосий фаланга панжа ўзаги орқали туғриланиб тирноқ фаланги еса буқилади. Бармоқлар ёзилиб уларнинг ораларини керак жимжалоқнинг тирсак томони билан қилинадиган массажга чертиб қоқиш дейилади. Бунда массаж қилувчининг тирсак буғими тўғри бурчак хосил қилиб буқилган бўлиши керак. Иккала панжа билан бериладиган зарбалар бир-биридан 2-3 см. узоқликдаги навбатма-навбат тушиши лозим. Д). Вибрация. Вибрация-тери ости тўқималари тез хамда бир ме`ёрда титратиш (силкитиш) харакатлари. Бу усул ёрдамида чукур жойлашган орган ва тўқималарга таъсир етиш мумкин. Вибрация қўл ёки маҳсус аппарат ёрдамида бажарилади. Қўл вибрациясида массаж қилувчи бир бармоқ ёки бир неча бармоқ учларининг юмшоқ қисмини босиб, билак кафти усти буғимини ёки тирсак буғими ёрдамида қўлни титратади. Одатда, қўл вибрацияси нерв тармоқлари ва тармоқчалари йўналишида бажарилади. Бадан қисмлари кафт ёрдамида вабибрацияси фойдаланилади.

Массаж қўл ёки аппарат ёрдамида амалга оширилади. Қўл билан массаж қилинганда қуйидагиларга эътибор берилади, қўл хар доим лимфа оқими билан яқин ётган лимфатугунлари томон ҳаракат қиласи. Қўл билан массаж қилинганда қуйидаги усуллар қўлланилади :

- силаш;
- сиқиб чиқариш (қон томирлардаги қон ҳайдалади);
- юмшатиш (бўйин, орқа, қўл, қорин, соннинг олдинги юзаси, думба мушаги, болдир);
- суртиш (кўкрак қафаси, орқа, ҳамма бўғимлар);
- тебратиш.

Массаж доим силаш билан бошланади ва силаш билан тугатилади, бундан ташқари хар бир усулдан сўнг силаш ўтказилади. Қўл ёрдами билан қуйидаги массажлар амалга оширилади : классик, сегментар-рефлектор ва нуқтали. Классик массажда одам танаси бир неча қисмларга бўлинниб массаж қилинади, яъни қўл, оёқ, қорин ва ҳ.з(1 бирлик 10 минут). Сегментар-рефлектор массажда таъсир маълум сегментларга кўрсатилади, масалан : ёқа соҳаси, бўйин-энса соҳаси, юқори кўкрак соҳаси ва ҳ.з., яъни ички органлар-

нинг нерв системаси томонидан инервациясига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Нуктали массажда одам танасидаги маълум нукталар массаж қилинади, яъни биологик актив нукталар. Бунда массаж кўрсаткич ёки учинчи бармоқ билан ўтказилади.

Аппарат билан массажга тааллуқли :

- гидромассаж;
- вибромассаж;
- пневмомассаж;
- баромассаж;
- вакуум массаж.

Вакуум массаж асосан ўпка, нафас йўллари касалликларида, остеохондрозда қўлланилади. Тананинг тузилишига ва тери ости ёғ қатламигининг ривожланишига қараб ёки унга боғлиқ ҳолда вакуум массаж тиббий банкалар ёки 200 мл, 500 мли банкалар ёрдамида ўтказилади. Бунда бемор күшеткага шундай ётиши керакки, унинг орқаси текис бўлиши шарт. Шундан сўнг орқа мазъ билан суртилади ва банка орқага вакуум ҳосил қилган ҳолда қўйилади. Вакуум массаж ўтказилганда қўйидагиларга амал қилиниши керак, яъни банка айланма ҳолида секин ҳаракат қилдирилади ёки илон изи ҳолида ҳаракат қилдирилади, масалан : зотилжамда, бронхиал астмада, бронхитда ва ҳ.з. Остеохондрозда банкалар паравертербал соҳа бўйича тўғри чизиқли ҳаракат қилдирилади.

Массаж организмга трофик, механик, нейроэндокрин, рефлектор ва нейрогуморал таъсир кўрсатади. Бу таъсир механизмлари натижесида физиологик таъсирлар юзага келади, яъни терининг функциясини яхшилайди, қон ва лимфа айланишини, модда алмашинувини, асаб системасининг қўзғатувчанлигининг пасайишини оширади, ташқи нафас функциясини яхшилайди, мушак ва бўғимларни мустаҳкамлайди ва ҳ.з. Массажга қарши қўрсатмалар : тери бутунлигининг бузилиши, пиодермия, дерматитлар, экзема, ангиомалар, ҳароратли ҳолат ва ҳ.